

Нуриддин ИСМОИЛОВ



**ЎЛИМГА МАҲКУМ
ҚИЛИНГАНЛАР**



НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

ЎЛИМГА МАҲКУМ
ҚИЛИНГАНЛАР

Саргузашт-детектив роман

Иккинчи наشري

(Янги тахрир)

«Янги аср авлоди»

Тошкент — 2007

Махфий хизмат ходимларининг хавф-хатарларга тўла жўшиқин ҳаёти. Баъзан ҳар сонияда, ҳар дақиқада ўлим билан юзма-юз келган, Ватан манфаатини ўз ҳаётларидан устун қўйган мард йигитлар жасорати; эзгулик ва ёвузлик, садоқат ва хиёнат, поклик ва разолат, эътиқод ва очкўзлик ўртасидаги абадий кураш. Бундай кенг кўламда акс эттирилган воқеалар кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Истеъдодли адиб Нуриддин Исмоиловнинг мазкур саргузашт асарида шўро даврида махфий хизмат тизимида ишлаган ёш ўзбек йигитининг фавқулодда қизиқарли ва ўта хавфли фаолияти акс этган.

Исмоилов, Нуриддин.

Ўлимга маҳкум қилинганлар: Саргузашт-детектив роман: [Янги тахрирдаги иккинчи нашри] / Нуриддин Исмоилов. — Т.: «Янги аср авлоди», 2007. — 256 б.

ББК 84(5У)6

№ 155-2007 Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси

ISBN 978-9943-11-013-7

© Нуриддин ИСМОИЛОВ.

© «Янги аср авлоди».

МУХЛИСЛАР КУТГАН КИТОБ

Давомли асар ёзишнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. "Ҳордиқ плюс" газетасининг 2005 йил 24 март сонидан эълон қилина бошланган "Ўлимга маҳкум қилинганлар" асарининг дастлабки саҳифаларини ўқий туриб муаллиф арқонни анча-мунча "узун ташлагани" сезилади. Воқеалар аста-секинлик билан ривожлана боради, бош қаҳрамон — Собирнинг саргузаштлари ўқувчининг диққат-эътиборини жуда усталик билан ўзига ром этади. Детектив жанрига хос зиддият ва тўқнашувлар майдонни кенгайтириб, Собир она ватандан олисларда гоҳда мураккаб, қалтис вазиятларда ўзбекнинг мард, жасур ўғлини сифатида неча-неча ўлимларни доғда қолдиради. Менга шахсан маъқул келган фазилатларидан бири шундаки, энг хатарли лаҳзаларда ҳам, ҳаёти қил устида турган сонияларда ҳам Собир қалбидаги эзгу инсонийлик туйғусини бой бермайди, бу олий туйғудан воз кечмайди. Ва назаримда, худди шу туйғу уни ўлимлардан омон сақлайди.

Нуриддин Исмоилов шўро даврида ҳарбий хизматни хорижий юртларда, айтиш мумкинки, асарда тасвирланган жойларда, қисмларда, ҳатто ўзи қиёфаларини яратган одамлар орасида ўтаган. Шу боис, асарда реал ва тўқима воқеалар силсиласи чапишиб кетган. Собир бошидан кечирган саргузаштларнинг миқёси, кўлами кенгайиб бориб, асар детектив-саргузашт роман мақомини олади.

"Ҳордиқ плюс" мухлислари газетанинг 13 сонидан Собирнинг бошидан кечирганларини қўлма-қўл қилиб ўқишди, ҳафта сайин газетанинг навбатдаги сонини орзиқиб кутишди. Кўп сонли ўқувчиларнинг қизиқиши ва диққатини бу тахлит "тутиб" туриши ҳар қандай муал-

лифга ҳам насиб этавермайди. Нуриддин Исмоилов шунга эришди.

Асар ниҳоясига етди. "Ҳордиқ плюс" муштарийлари ўзларининг меҳрини қозонган қаҳрамонларидан гўё айрилиб қолгандек ҳолатга тушдилар. Айти шундай кайфиятга ўрин қолдирмаслик ниятида ва кўплаб ўқувчиларнинг илтимосларига биноан, "Ўлимга маҳкум қилинганлар", мана, китоб ҳолида Сиз азиз мухлисларга тортиқ этилди.

Сиз севган қаҳрамон — Собир Сизларнинг ихтиёрингизда!

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Тинимсиз ёгаётган жала уст-бошимизни шалаббо қилиб юборди. Айниқса, устимиздаги шинел тобора оғирлашиб, елкамиздан босар, нам баданимизгача ўтиб кетган, совукдан иякларимиз қалтирар эди. Лекин биз жойимиздан жилмасдик. Атайлабдан қилинганми ёки унутилиб қолдикми, ишқилиб, ёмғир остида сувга тушган мушукдай турар эдик. Қизик, ўзимизнинг шаҳардан самолётга чиқаётганимда ҳаво очик, қуёш киздирар, битта кўйлакда ҳам одам жикқа терга ботар эди. Бу ерда эса, бутунлай тескариси...

Орадан чамаси яна ярим соатлар ўтиб казармадан чиқиб келган офицер ҳар биримизни ёнига чақириб афт-ангоримизга синчиклаб қараб олди-да, сўнг казармага киришимизни буюрди.

Канцелярияда бизни сариқ мўйловли, боши хумдай, бўйи икки метрлар чамаси, мундири озода, этиги ялтираган киши кулиб кутиб олди. Унинг кулгиси жуда бошқача, майин эди-ю, лекин одамнинг вужудида титроқ уйғотарди. У ҳар биримиз билан кўл бериб кўришди-да:

— Менинг исмим майор Батинков Владимир Анатольевич, бундан бу ёғига, то ҳарбий хизматни тугатгунларингча сизлар билан бирга бўламан. Характерим, иш услубимни йўл-йўлакай, яъни хизмат давомида билиб оласизлар. Энг аввал сизларга шуни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, бизнинг бўлинма бошқа ҳарбий қисмларга умуман ўхшамайди. Шунинг учун спорт билан жиддий шуғулланган йигитларгина бу бўлинмага қабул қилинади. Яна спорт-

нинг ҳам унча-мунча тури эмас, каратэ, дзюдо, бокс билан шуғулланганлар. Умуман, бизга булар ҳам кам, махсус текширув энг асосийси ҳисобланади. Сиз, ҳурматли дўстларим, ана шундай синовларнинг ҳаммасини ортда қолдириб келдингиз, бунинг учун мен сизларни табриклайман! — деб майор яна бир бошдан ҳар биримизнинг кўлимизни сиқиб чикди. Ҳамма қатори мен ҳам жуда хурсанд эдим...

Шу кунни бизни ўз ҳолимизга қўйишди. Хизматга келган ёш аскарлар бир-биримиз билан танишдик. Ўн беш кишининг учтаси рус, қолганлар бошқа миллат вакиллари экан. Бизнинг Ўрта Осиё томонлардан мендан бўлак ҳеч ким йўқ. Яхшиям, туман марказида яшаганим, акс ҳолда, бу ердагилар билан умуман гаплашолмасдим. Чунки кишлоқда бўлганимда рус тилидан оқсардим.

Эртасига бизни Ратенов шаҳридан ўттиз километр узоқликдаги ўрмонга олиб кетишди. Йўл-йўлакай "дед"лар билан қандай муомала қилишимиз ҳақида келишиб олдик. Аммо бекор ташвишланган эканмиз. Борган жойимизда учта офицердан бошқа ҳеч кимни учратмадик. Ҳа, энди бу ёғига ўзимиз хон, кўланкамиз майдон бўлиб яшаймиз, деб ўйлагандик. Йўқ, чучварани хом санаганимиз эртасигаёқ маълум бўлди.

Эрталаб соат олтида калта иштонда ташқарига олиб чиқишди-да, ялангоёқ югуртиришди. Умуман, ёшлигимдан югуришни яхши кўрганлигим боис, қийинчилик сезмадим. Фақат эрталабдан муздай ерга оёқ қўйиш ёқмасди. Бунинг устига, ўрмон ичидаги нам кумда югуриш ҳам бир мунча қийинчилик туғдираркан. (Мен Германияга учиб келишимиздан аввал бу жойларнинг ерини ўзимизникига ўхшаган тупроқли бўлса керак, деб ўйлагандим. Бироқ бу ерда тупроқнинг ўзи йўқ экан. Ҳаммаёқ қоп-қора кум).

Бутун бошли ўрмонни югуриб ўтганимиздан сўнг кичикроқ анҳорга дуч келдик. Старшинанинг буйру-

гига биноан, ўзимизни сувга отдик. Сув ҳам, бахтга қарши, муздай экан. Товуққа ўхшаб хурпайиб қолдик. Кейин сувдан чиқиб, яна ортга югуриб қайтдик. Икки қаватли қизил ғиштдан ниҳоятда пишиқ қилиб қурилган (хайронман, тупроқ бўлмаса, ғиштни нимадан тайёрлашган?) казармага етиб келганимиздан кейин маълум бўлдики, ёшлигимиздан спорт билан қанча шуғулланган бўлмайдик, барибир ҳали хом эканмиз. Казарма ёнидаги спорт майдончасида яна турли машқларни бажариб, роса ҳолдан тойдик.

Нонуштадан сўнг сиёсий ўқув бошланди. Кечагидан фарқли ўлароқ, ҳаво очилиб кетган, қуёш нури деразадан ёғилиб турар, одамни уйқу босарди. Ўзимни сергак тутишга қанча ҳаракат қилмай, барибир, кўзим юмилиб кетаверарди. Бир менинг уйқум келаяптими, деб атрофимга назар солсам, бошқалар ҳам эснар, баъзилар бошини столга ташлаб, ётиб олганди. Бир пайт:

— Ҳамма ўрнидан турсин! — деган буйруқ янгради. Ўрнимиздан сапчиб турдик-да, тек қотдик. — Иккинчи рақамли кийимда ташқарида сафлангинг!

Биринчи кунёқ бизга тўрт хил кийиниш ҳақида маълумот беришганди: биринчиси — фақат калта иштонда, иккинчиси — шим ва этикда, учинчиси — шим, этик ва ХБ (ипак ёки пахтадан тайёрланган кўйлак, костюм), сўнггиси эса, ҳамма кийимлар устидан шинел кийган ҳолатда.

— Сиёсий дарс ўтилаётганда ухлаганингиз учун жазо сифатида беш чақирим югурасизлар! Сафни бузмасдан. Башарти биронангиз орқада қолиб кетсангиз, яна шунча масофа қўшилади.

Югуриш бошланди. Бизни бундай жазога мубтало қилган уйқу бирпасда учди. Тахминан тўрт чақиримгача биз лейтенант айтгандай югурдик, бироқ кейин Мекиладзе деган грузин йигит оёғи чалиниб йиқилиб тушди. Биз эса, унга қарамай, югуришда давом

этдик. Бу бизнинг йўл кўйган хатомиз эди. Йиқилган шеригимизни ташлаб кетганлигимиз учун яна беш минг метрга югуриш жазоси белгиланди. Бошқаларни билмадим-у, аммо мен адои тамом бўлдим. Охирги метрларни ана йиқиламан, мана йиқиламан, дея зўрға босиб ўтдим.

Бир ҳафталик ҳарбий хизмат шу тарика ўтди. Кейин кўникиб кетдик. Ўшанда бизга кун бўйи югура-сизлар, дейишганда ҳам бўйин товламасдан югураве-рардик.

Германиянинг об-ҳавоси ғалати экан. Тушгача куёш чараклаб туради-да, кейин бирдан жала қуйиб қолади. Икки соатлардан сўнг ёмғир тўхтаб, яна ҳаво очилиб кетади.

Ёмғирдан кейин куёш нурлари атрофни яшнатиб юборади. Менимча, бу ерда ҳам булбул бўлса керак — офтоб булут орасидан бўй кўрсатаётган маҳал дарахт шохлари орасида дилкаш хониш янграйди. Бу овоз ўзимизнинг боғлардаги булбулнинг сайрашига жуда ўхшаб кетади...

Орадан бир ой ўтиб, қасамёд қабул қилганимиздан сўнг, ҳақиқий хизмат бошланди. Қўл жанги, дзюдо, каратэ каби спорт турларини машқ қилардик. Шунингдек, бизга немис тили жуда чуқур ўргатиларди. Ҳатто тилни яхшироқ ўзлаштиришимиз учун шаҳарга онда-сонда бирорта офицер ҳамроҳлигида чиқиб, немислар билан гаплашишга изн бериларди. Майор Батинковнинг айтишига караганда, олти ойдан кейин Ғарбий Германияга боришимиз ва у ерда ҳозирги олган билимларимизни қўллашимиз лозим бўларкан. Одам зоти ҳамма нарсага кўникувчанлигини ўша кезларда ҳис қилгандим. Бўлмаса, бунақанги оғир меҳнатга одамзоднинг дош бериши қийин-ов!

Кўп ўтмай кучга тўлдик, командиримиз буйруқларини у айтганидан-да яхшироқ бажара бошладик. Шундан кейин сезиш қобилиятимизни кучайтириш

машқлари бошланди. Асалари кутилари келтирилиб, бизни яланғоч қилишиб, аъзойи баданимизга асал суришди. Сўнг арилар маконига "саёҳат" уюштиришга мажбурлашди. Тўғриси, бунақанги балойи офатдан омон қолиш даргумон. Ҳар томондан юзлаб арилар шунақанги ёпирилдики, на қочиб, на уларни уриб ўлдириб қутуласан. Яхшиям, ҳар бир аскар бор-йўғи уч дақиқадан бу ажал комига қўйилди, акс ҳолда, бемалол жанозамизни ўқиб юбораверишса ҳам бўлаверарди. "Жаҳаннам" ёнида тўрт томони ойна билан ёпилган махсус «жон сақлаш» хонаси бор эди. Уч дақиқадан кейин унинг эшиги очиларди. Шу ерга қочиб кириб жонимизни омон сақлаб қолдик. Мана шундай "ажойиб" машғулотдан сўнг, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бирорта аскар бир-бирини таниёлмади. Ҳамманинг жони ҳалқумига келган, алами нақ бурнининг учида турарди. Битта ари чакса, билинмаслиги мумкин, лекин соғ жойинг қолмаса ҳар нарсага тайёр бўлиб қоларкансан. Қариндош-уруғи-ю, ота-онасигача обдон "сийланган", шу кунгача айтаётган гапига қалампир қўшмаса туролмайдиган офицерлар бирдан юмшоқ тортиб қолишди. Оиламиз, севган қизларимиз ҳақида сўрашди. Ўзларининг ҳаётларидаги қизиқ воқеаларни эслашди, эҳтиросли, кулгили латифалар айтишди. Қарабсизки, бир зумда аскарлардаги асабийликдан асар ҳам қолмади.

Орадан уч кун ўтиб худди ўша машғулот такрорланди. Бироқ бу сафар буйруқдан бош тортганлар бўлди. Айниқса, Мекиладзе: "Мен ўзимни ҳар қандай шароитда ҳам хор қилдириб қўймайман", деди асабийлашиб. Унга дарҳол низом эслатилди, буйруқни бажармаслик оқибати нималарга олиб келиши уқтирилди. Бироқ Мекиладзе оёғини тираб тураверди. Шунда унинг юзига кутилмаганда мушт тушди. Зарба шунчалик кучли эдики, бечора гуржи йигит ўмбалоқ ошиб қулаганча бир муддат хушсиз ётди.

— Кўрдинларми, аҳмоқлар! — дея бўқирди майор Батинков кўзи кинидан чиққудек бўлиб. — Биттагина тасодифий зарбага чап беролмади! Эртага ҳаёт-мамонт жангида ундан нима умид? Ё ичларингда ҳамма нарсани қойиллатадиганларинг борми?

Аскарларнинг боши эгилди. Зеро, ҳеч кимнинг калтак егиси йўқ эди. Машқ бошланди. Бирини кўриб анча фикр қилиб қолгандик. Таъзиримизни озроқ едик. Лекин негадир ҳеч ким асабийлашмади. Гуржи ҳам индамай танасини ариларга тутиб берди. Буни қарангки, ари чакса кимнинг қаери канақа шишиши ҳам бизга маълум бўп қолди.

Олти ой мобайнида ариларга таланавериб, бу жониворлар билан кадрдонлашиб қолдик. Ўзиям тинимсиз ўлдираверганимиздан анча камайиб қолганди. Ютганимиз шу бўлдики, агар тошдай қотиб ухлаб ётганимизда ким ёнимизга келса, дарров сезади-ган, хавфнинг олдини оладиган даражада сергақлашдик. Ухлаган ҳолатда энди исталган нарсани кўриқлашимиз мумкин эди. Албатта, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетишимиз, профессионал жангчига айланганимиздан қувонардик. Бироқ негадир хат жуда кам келар, келганлари ҳам қандайдир бошқача. Яъни, менга укам хат ёзадими, синглим хат ёзадими, дастхати, мазмун-моҳияти бир хил эди. Биз яхши, уйдагилар яхши ва ҳоказо гаплар. Маҳалламизда нима янгиликлар, синглим Саида ўқишга кирмоқчи эди, нима бўлди? Ботир футболга қатнашмоқчи эди, қатнашмаяптими-йўқми, булар ҳақида уйдан келган хатларда лом-мим дейилмасди. Айниқса, ўзим ошиғу беқарор бўлган, лекин ҳеч қачон бирор оғиз ширин сўзини эшитолмаган Нафисага не умидлар билан ёзган хатимга келган жавоб таажжубга солди. "Хурматли, Собир ака, — дея бошланганди хат, — самимий тилақларингиз учун раҳмат. Мен сизни бирор дақиқа бўлсин, хаёлимдан чиқарганим йўқ. Доим сиз

тўғрингизда ўйлаб юраман. Соғинаман. Шунинг учун ўша сиз билан суҳбатлашиб вақт ўтказган бокка тез-тез бориб тураман. Уйимизга бир-икки марта совчилар келганди, қайтариб юбордим. Отамга: "Менинг севган йигитим бор, ҳозир армияда. Мен унга ваъда берганман. Бошқага ўлсам ҳам тегмайман", дедим. Отам тушунди. Совчиларни қайтариб юборди. Жондан азиз Собир ака, мендан мутлақо хавотир олманг, ўзингиз ёнимга, қучоғимга соғ-омон қайтиб келсангиз бўлди. Хўп, хайр! Сизни севиб қолувчи Нафиса".

Қизик, умрим бино бўлиб Нафиса билан бирон жойда учрашмаганман. У мени кўриб қолса афтини бужмайтириб ўтиб кетарди. Унинг ваъдаси тўғрисида эса, гап ҳам бўлиши мумкинмас. Булар камлик қилгандай, "қучоғимга қайтинг"миш. Менимча, бу хат бошқа бировга ёзилган, адашиб менга келиб қолган, деган ўйда конвертнинг орқа томонига қарадим. Йўқ, бошқа бировга эмас, айнан менга юборилган. Назаримда, менинг хатим Нафисанинг дугоналаридан бирининг кўлига тушиб қолган-у, ўша қиз ҳазиллашиб Нафисанинг номидан хат ёзган. Асабим кўзиди. Нафисага хат ёзганимга афсусландим. Ҳойнаҳой, у дугонасига хатимни кўрсатиб, устимдан қулган. Тўғриси, агар ҳозир ҳарбий хизматда бўлмаганимда, одамнинг устидан қулиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўярдим ўша нозикниҳолга... Шунақа ўйлар гирдобида юганимда, одессалик қуролдошим Олег Белоусов ёнимга келиб, дардини айтиб қолди.

— Ойимга хат ёзгандим. Яқинда жавобини олдим. Биласанми, ойимнинг дастхати бошқача эди. Кейин у бировга хат ёзса, албатта, украинчани аралаштирарди. Лекин жавоб хатида украинча сўз у ёқда турсин, дастхати мутлақо бошқача. Худди юрадиган қизимникига ўхшайди. Укамнинг хатиям шунақа дастхатда ёзилган. Ҳеч бўлмаганда, эркак билан аёл-

ники бошқа-бошқа бўлиши керак-ку, тўғрими? — деди у пешонаси тиришиб.

Мен унга тайин бирор гап айтолмадим. Чунки хат масаласида ўзим ҳам ҳайрон эдим. Кейин билсам, ҳамма аскарларнинг аҳволи шундай экан. Аммо бу ҳақда ҳеч ким командирларга чурқ этмади. Гўё бу табиий ҳолатдай. Фақат кўнгилга шубҳа оралади.

Ҳарбий хизматимизнинг саккизинчи ойида бошқа десант полки билан биргаликда ўқув машғулотини ўтказдик. Ишонасизми, ўн беш киши бўлиб тўрт юз кишини "ер тишлатдик". Одам яйраб кетаркан. Шунча одамнинг бизга кучи етмади. Полк командирига кўшиб уларга тегишли ҳамма ҳужжатларни "ўмариб" кетдик. Назаримда, ўшанда биз жиддий синовдан ўтгандик.

Ғалабамизнинг эртасига ротамизга генерал ташриф буюрди. Айтишларича, у дивизия командири экан. Ҳар биримизни билгимиздан ушлаб кўрди. Сиёсий мавзуда саволлар берди. Сўнг:

— Сиз мамлакатимизда тайёрланадиган ўнта гуруҳдан бирисиз, — деди салмоқ билан, — биз бошқа ҳар қандай ҳарбийлардан кўра, сизга кўпроқ таянамиз. Шунинг учун ҳам, бошқалардан бўлакча тайёргарликдан ўтдингиз. Куни кеча биз берган таълимнинг натижасини кўрдик. Аъло даражада. Шўрлик полковникни ўлдириб қўйишларингга оз қолибди... Энди йигитлар, ҳарбий хизматингизнинг қолганини бизга қарашли бўлмаган, яъни капиталистик давлатда ўтказасиз... Ўйлайманки, сиз ўзингизга берилган ишончини, албатта, окдайсиз. Бугундан бошлаб сизлар ҳақиқий жосусларсиз. Шундай мақомга эришганингиз билан давлатимиз номидан табриклайман!

Генералнинг сўнгги гапидан кейин ҳаммамиз бир овоздан "Совет Иттифоқига хизмат қиламан!" дея бақирдик.

Ўн беш ўғлон Ғарбий Германиянинг ўн беш шах-

рига бўлиндик. Ўшанда ўн ой мобайнида битта казармада яшаб, бир хил овқат еб, кийинчиликларни биргаликда бошдан ўтказган йигитлар бир-биримизни охириги марта кўриб турганимизни билмасдик. Қолаверса, бизни қандай қора кунлар кутиб тургани хаёлимизга ҳам келмасди. Лекин уй манзилларимизни бир-биримизга ёзиб бериб, ҳарбий хизмат тугагач, албатта, учрашишга келишиб олдик.

Менинг чекимга Ғарбий Берлин тушганди. У ерда мени Елизавета (асли исми Анна Саратова) исмли аёл кутиб турарди. Менга топшириқлар шу аёл орқали бериларкан. Ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳужжатим олиб қўйилди, ўрнига Ғарбий Германия фуқаролиги ёзилган қалбаки паспорт беришди. "Паспорти"га қарасам, исмим Абрам, фамилиям Романов. "Одамнинг бир миллатдан бошқа миллатга айланиши ҳозирги замонда ҳеч гап эмас экан", дея ўзимча кулиб қўйдим.

Елизаветани топиш менга мушкуллик туғдирмади. Вокзалда поезддан тушсам, ўзи кутиб турибди. Оппокқина, сочлари сариқ киз кулиб ёнимга келди-да:

— Яхши етиб келдингми, Абрам? — деб юзимдан чўлпиллатиб ўпиб, қўлтиқлаб олди. Мен унинг бу ишидан ажабланмадим. Ўзи шундай бўлишини кутгандим. Қолаверса, менга "Елизавета хотининг вазифасини бажаради. Ўзи аввал кизлар билан юрганми-сан?" — деб сўрашганди. Мен "йўк" деган маънода бошимни кимирлатганимдан сўнг "Омадинг бор экан, йигитча, Анна ниҳоятда кетворган киз, борганингдан кейин ўзинг ҳам бунга амин бўласан... Яна асосий ишни унутиб қўймаларинг... Бу ёғи тушунарлидир?" — дея уқтиришди.

— Аввалгидан ҳам очилиб кетибсан, — хушомад қилдим мен Аннага немис тилида.

— Раҳмат, — деди у майин овозда ва қўлимни беозоргина чимдиб қўйди.

Биз таксига ўтирдик. Йўл бўйи гаплашмадик. Мен кўз кириш билан шаҳарни томоша қилиб кетдим. Очиқчасига, биринчи марта кўраётган одамдек берилиб, ютоқиб томоша қилиш мумкин эмасди. Биздан хатто такси ҳайдовчиси ҳам хитланмаслиги даркор. Шаҳарнинг таърифига тил ожиз. Мен илк бор Шаркий Германияни кўрганимда оғзим очилиб қолган. Бу шаҳар эса ундан ўн чандон чиройли эди. Мен номини билиб-билмайдиган ярақлаган машиналар, кўчалар озода, бир-биридан ҳашаматли бинолар... Лекин худди шарқдаги шаҳардаги каби бу ернинг одамлари ҳам хунукдан-хунук. Назаримда, ёнимда ўзича хаёл суриб кетаётган Аннадан гўзалроқ қиз йўқдай.

Ниҳоят, биз манзилга етиб келдик. Икки юз йил аввал қурилган (бино пештоқига 1783 йил деб ёзилганди) бинонинг учинчи қаватига кўтарилдик. Бошқалардан асло фарқ қилмайдиган, ўттиз беш рақами ёзилган эшикни Анна калити билан очиб мени ичкарига таклиф қилди. Уй ичи шинамгина экан. Ётоқхона, ошхона ва иккита махсус магнитофон жойлашган ишхона билан таништиргач, Анна:

— Қалай уйимиз? — деб сўради қулиб.

— Умуман олганда ёмон эмас, чидаса бўлади, — дедим мен ундан кўзимни узмай, — фақат иккаламиз битта каравотда ётишимизни ўйламаган эканман.

— Мен билан ётишни истамайсанми? — дея Анна икки қўлини бўйнимдан ўтказиб кучоқлади.

— Сен билан ётиш учун келмаганман, шекилли?

— Шунақами, — деди-ю, Анна дзюдо услубида мени устидан ошириб отиб юбормоқчи бўлди. Бирок ғайриихтиёрий куч ишга тушиб, унинг ўзини чалқанчасига ағдариб ташладим. Қиз хафа бўлмади.

— Зўрсан, қани энди туришимга ёрдам бериб юборчи! — дея у қўлини узатди. Ўшанда мендаги сезгирлик қисқа муддат панд берди: Анна икки оёғим ўрта-

сига чунонам тепдики, жоним чикиб кетай деди. Эгилиб-букчайган кўйда:

— Мараз! — дедим.

— Хафа бўлма, сени... — бироқ у гапини охиригача айтолмади. Биқинига тирсаклаб урдим. Энди у букчайганча полга кулади. Бироз ўтгач, ҳушимни йиғиб, ваннада юзимни ювиб қайтиб келсам, Анна ҳали ҳам ўзига келмаган экан. "Ўлдириб кўйдимми?" деб кўрқиб кетдим. Кейин секин бўйин томирини ушлаб кўрдим.

— Тирикман, — деди у хириллаб. Уни кўтариб ювиниш хонасига олиб кирдим. Юзини, бўйнини ювганимдан кейин бироз чиройи очилди.

— Энди мен билан бунақа ҳазиллашма, — дедим унга жиддий тикилиб. У бошини кимирлатиб "хўп" ишорасини қилди ва:

— Ҳали ўлишимга эрта, ўзи ҳаётга келиб одамга ўхшаб яшамаганман. Ҳеч курса, умрим озгина чўзилсин... Сени шундай кутиб олганим учун узр. Бошқа такрорламайман. Энди бориб музлатгични оч-да, ичимликларни ошхонадаги стол устига ол, овқатланамиз, — деди.

У столга ўтиришдан олдин обдон бўянди. Тўғриси, ундан буни мутлақо кутмаган эдим. Таажжубланиб қараб турганимни кўриб Анна кулди.

— Шунақа чиройли бўлиб ёнингда ўтирсам, балки урмассан? — деди. Мен ҳам унинг гапидан кулиб юбордим.

— Хавотир олма, энди бўғзимга пичоқ тортиб юборсанг ҳам урмайман. Сенга қўл кўтарганимдан ўзим хижолатдаман, — дедим, — ўзим истамаган ҳолда шунақа бўп колди. Тўғриси!

— Урмаганингда ҳозир сени ҳайдаб чиқарган бўлардим. Бу бўлмас экан, деб. Аслида мен сени синаётгандим... — Анна дастурхонга бироз қараб турди-да, ўрнидан туриб кетди. Мен унинг бу қилиғига хайрон

бўлдим. Бироздан кейин Анна кўлида бир шиша арок билан келди. Ёшлигимдан спиртли ичимликни ёмон кўрардим. Кўшнимиз бўларди — Акмал ака деган. Деярли ҳар куни ичиб келиб хотинини урар, бечора болалари кўрққанидан бизниқига қочиб келиб ўтиришарди. Шўрлик хотини калтакнинг зарбидан жигари эзилиб ўлиб кетди. Акмал ака кўп ўтмай яна бошқа аёлга уйланиб олди. Аммо бу хотиниям унинг ичкилигига дош беролмади, қочиб кетди. Болаларига эса, биринчи хотинининг отаси эгалик қилди. Кейин Акмал ака тўсатдан бетоб бўп қолди. Касалхонага ётди. Лекин ҳолидан хабар оладиган одам топилмади, хор-зор бўлиб ўлди. Айтишларича, ўлигигаём эга чиқмабди. Ўша одамни энам доим эслатиб, бизларга: "Биронтанг ичадиган бўлсанг, Акмал пиёнга ўхшаб қоласанлар", дерди. Бу ичкиликни ёмон кўриб қолишимга биринчи сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, бизни жосуслиққа тайёрлаётганларида барча касофатнинг бошида ичкилик туришини қулоғимизга қуйишганди. Шу боис, Аннанинг кўлидаги ароқни кўрибоқ афтим бужмайди.

Қиз ҳолатимни дарров сезд. Сезди-ю, ўша ўзининг гўзал табассумини менга ҳадя этиб:

— Ичкиликни ёқтирмайсанми? — деб сўради. Мен "йўқ" дегандек бошимни кимирилатдим.

— Тўғри қиласан. Аслида мен ҳам ёқтирмайман, буни сенга расмиятчилик юзасидан айтаётганим йўқ. Мени синаяпти, деб ҳам ўйлама. Баъзилар бу матоҳ учун жонини ҳам беришга тайёр, шунчаки удум учун стол устига қўядиганлар ҳам йўқ эмас. Биз ана шу удумни ҳурмат қилайлик. Ҳатто, бир қўл ичиш ниятим ҳам йўқ эмас. Албатта, сен учун. Сабабини кейин ўзинг билиб оласан, балки билмассан ҳам.

Анна, ўзи айтганидай, қадаҳни тўлдириб бир кўтаришда сипқорди. Мен эса, шунчаки лабимга теккизиб қўйдим. Шундан сўнг Анна иккаламизнинг суҳ-

батимиз қизиб кетди. У шўх-шодон ёшлиги ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Биринчи севган йигити уни деб урта синфдоши билан муштлашгани, учаласининг ҳам бурнини қонатиб қўйганини тўлиб-тошиб, ғурурланиб гапириб берди. Бироқ унинг қалбида илк муҳаббатни уйғотган йигит кейин бошқа қиз билан юриб кетибди. "Камида еттита йигит билан юрганман. Орамизда ҳар нарса бўлган. Мен бундан афсусланмайман. Қайтанга ёшлигимни яйраб ўтказганман. Ахир, ёшлик бир марта берилади-ку. Қолаверса, йигитлар билан "юриш" мен учун айб эмас. Биласанми, мен бир китоб ўқигандим. Ҳозир муаллифиям, роман қахрамонлариям ёдимда йўқ. Эсимда қолгани, бир фоҳиша қиз юртига душман бостириб кирганида мислсиз қахрамонликлар кўрсатади. Ватани учун жонини беради. Лекин унинг устидан доим қулиб юрадиганлар, қизни керакмас матоҳга айлантириб қўйганлар ўз тупроғи, киндик қони тўкилган Ватанни сотишади. Эшитаяпсанми, сотишади, хиёнат қилишади. Менингча, бундан оғирроқ хиёнат бўлмаса керак. Шунинг учун мен ҳам сенга очиғини, тўғриси айтсам, шунча йигитлар билан юрган бўлсам-да, юрагим тоза... Керак бўлса, ўнта эркакнинг ишини бир ўзим бажаришим мумкин", дея у бироз ўйланиб қолди. Сўнг:

— Мақтанишни бопларқанманми? Билсанг, одам баъзан мақтаниб қўйишни ҳам эсидан чиқармаслиги керак. Ана, кўрдингми, мен ўзимнинг қанча сирларимни очиб ташладим. Энди сен гапир, севган қизинг тўғрисида гапир. Ёшлигингдаги энг зўр пайтлар ҳақида гапир, мен эшитаман, — деди.

Мен бу маҳал бошқа нарса ҳақида ўйлаётгандим. Ҳозир Анна мени авраб ичимдаги бор гапларни суғуриб олади-да, кейин керакли жойга етказди. Қараб-сизки, мени камида "ДИСБАТ" кутиб турибди. Чунки ўзи бу ерга қандай келиб қолгани, қаерда қандай

тайёргарликдан ўтгани ҳақида лом-мим демади-ку!..
Ҳозир севган қизим ҳақида сўрайди, кейин гапни
айлангириб тайёргарлик кўрган жойларим ҳақида маъ-
лумот олишга ҳаракат қилади... Бизга ҳар қандай
гапдан хавфсиранглар, деб бекорга ўқитишмаган-ку!..

— Ёшлигим сеникидек қизиқ ўтмаган, — дедим
сохта табассум билан.

— Нима, шу ёшгача биронта қизни севмаганми-
сан?! — деди у хайратдан кўзлари ёниб.

— Севишга-ку севганман, лекин у рози бўлмаган.

— Рози бўлмади деб юравердингми? Топмадингми
рози бўладиганини?

— Бошқа қизлар ёқмасди.

— Ҳеч курса ўпишганмисан?

— Бе, қаёқда?.. Ёнига йўлатмасди у. Ундан кейин,
бизда севишсаям, йигит қизга тўйгача яқин йўла-
майди. Шунчаки гаплашиб юраверишади. Тўғри, бир-
бирини ялаб-юлкайдиганларам бор...

— Эҳ, бечора, — дея сочимни силади Анна, —
хали биронта қизни кўлиданам ушламаганман дегин.

Мен индамай бошимни қимирлатганча маъқулла-
дим. У эса, ўзининг қадаҳига ароқ тўлдирди-да, менга:

— Сенам қадаҳингни ол, — деди.

— Барибир ичмайман-ку, шартми олишим? — де-
дим мен кулиб.

— Бу сафар ичасан! Ичмасанг бўлмайди, ҳар нар-
садан гумон қилаверма! Юракдан айтаяпман бу гап-
ларни.

Дарҳақиқат, Анна бутунлай ўзгариб кетганди. Қан-
дайдир ўзгача... Мен буни таърифлаб беролмайман.
Тушунганим шуки, ҳозир унинг айтганини қилма-
сам, йиғлаб юборадиган ёки бўлмаса кўлидаги қадаҳ-
ни башарамга отадиган шашти бор. Бунинг устига,
сўзлари самимий. Кўлимга қадаҳни олдим-у, у би-
лан чўқиштирмасдан, унинг ичишини кутиб турмас-
дан охиригача ичиб юбордим. Ичимлик бўғзимни
куйдириб ўтгандай бўлди.

— Бало экансан-ку, — деди у бужмайган башарамга караб. Сўнг ўзи ҳам шошилмасдан қадаҳини бўшатди-да, кўлидаги идишни столга кўяр-қўймас лабимга лабини босди. Мен умримда ўпишмаганимданми, бир зумда Аннанинг кулига айланиб қолдим. Юрагим хаприқиб, баданим ўт бўлиб ёнди, қиз чаққонлик билан аввал ўзининг, кейин менинг кийимларимни ечиб ташлади... Кейин қулоғимга "тўшакка олиб бор", дея пичирлади...

Эртасига шаҳар айландик. Анна менга зарур "объект"ларни кўрсатди. Шундан сўнг уйга қайтиб, кўрганларимизни харитага туширдик. Аслида бу жойларни Анна беш бармоғидай биларкан. Харита чизишимиз, шунчаки менинг хотирамни синаб кўриш учун керак бўлгандир. Хотирамдан ҳеч қачон нолимаганман, шу боис, ҳамроҳим — "хотиним"дан бироз ранжидим. У ҳолатимни тушунди. Бироқ эътибор қилмади.

Ўша куни кечкурун ишқий ўйинлар оғушидан сўнг:

— Қанча вақтдан бери бу ердасан? — дея сўрадим Аннадан.

— Анча бўлди, нимайди? — деди у сочимни силаб.

— Мендан олдин нечта йигит келган бўлса, ҳаммаси билан ётганмисан? — дедим унинг бошимни юмшоқ кўли билан силашидан рохатланиб, кўзимни юмиб ётарканман.

— Қўйсанг-чи, шунақа гапларни, — деди Анна кўлини бошимдан олиб, шифтга караб ётаркан.

— Шунчаки сўрадим-да!

— Кеча сенга гап биров билан ётиб-туришда эмас, деб айтгандим-ку!

— Бўпти, бошқа сўрамайман. Эртага нима иш қиламиз?

— Уйдан чиқмаймиз, буйруқни кутамиз.

— Бўпти, энди ухлайлик, хайрли тун!

Эртаси тушдан кейин Анна айтган буйруқ келди:

Бонндан АҚШ жосуси учиб келаркан, биз унинг бу ерга келишидан мақсади нималигини аниқлашимиз лозим.

— Бу топшириқни бажариш осон кечмайди. Бизга биргина имконият берилибди, у ҳам бўлса, келадиган одамнинг сурати... Фикримча, америкалик жосуслар ўзларини олиб кетишлари учун махсус машина чақиритмайди. Аэропортдан дарҳол таксига ўтиришади — ўзларини оддий одамдай тутишади. Бу бизга қўл келиши мумкин. Хўш, сен машина ҳайдай оласанми? — деди Анна юзимга жиддий тикилиб. Унинг қараши мутлақо сирли эди.

— Йўқ, — дедим мен кулиб.

— Эҳ, йигит, — деди у хўрсиниб, — ёлғон гапирмагин-да!.. Режа тузамиз. Фикрингни айт.

— Иккаламиз ҳам машинада таксичи қиёфасида борамиз. У ё сенинг машинангга ёки меникига ўтириши шарт.

— Бунинг учун иккаламизга ҳам машина керак.

— Бу сен учун муаммо бўлмас.

— Бўпти, келишдик.

Биз сахарлаб аэропортга бордик. Анна ичкарига кириб Бонндан келадиган самолётларнинг вақтини аниқлаб чиқди ва бу ҳақда менга тўлиқ маълумот берди.

Биринчи самолёт кўнмагунча ён-атрофимизда бирорта ҳам такси йўқ эди. Ердан чиқдимиз, осмондан тушдимиз, самолёт қўниши билан ҳаммаёқни такси босиб кетди. Мен бундай манзарани ўзимиздаям кўргандим. Бу мамлакатда бунақа бўлмаса керак, деб ўйлагандим. Чучварани хом санаган эканман — ҳаммаёқда хўроз бир хил қичқараркан. Миллатидан қатъий назар, ҳамма бирдай пулни яхши кўраркан.

Биринчи самолётда биз кутган одам келмади. Ҳатто, иккинчисида ҳам уни учратмадик. "Наҳотки, уни ўтказиб юбордик?" дея хавотир ола бошлаганимиз-

да, учинчи самолёт ерга кўнди. Анна билан дарров аэропорт ичкарасига кирдик. "Мижоз" бу сафар кўп куттирмади. Мийиғида кулиб, сумкасини судраганча пайдо бўлди. Зумда Анна унинг ёнига борди-да, такиси керакми, деб сўради. Шундай гўзал таксичи кизга ким ҳам йўқ дерди.

— О-о, — деди америкалик, — сиздай офатижон билан, албатта, бирга кетаман.

Анна унга майин табассум ҳада қилиб сумкасини кўлига олди. Назаримда, сумка оғирроққа ўхшади, Анна уни судраганда бироз кизарди. Анави сўтак эса, аёлнинг қийналганига эътибор ҳам қилмай, Аннанинг орқасидан эргашди. Мен улардан беш-олти кадам орқада борардим. "Мижоз" Аннага сездирмасдан икки-уч марта атрофга олазarak қаради. Шундан биддимки, уни кимдир кутиб олиши керак. Адашмаган эканман. Аннанинг машинасига эски "Мерс" дум бўлиб эргашди. Унинг ортидан мен кузатиб борардим. Табиийки, шеригим билан махсус алоқа воцитаси орқали боғлангандим.

— Берлинга биринчи келишингизми? — сўради Анна.

— Ҳа, — жавоб қилди мижоз, — лекин Берлинга ёшлигимдан келишни орзу қилганман. Тарихий шаҳар.

— Немис тилини қаерда ўргангансиз? Яхши гапираркансиз.

— Раҳмат. Очиғини айтадиган бўлсам, ўзим мустақил ўқиб ўргандим. Бунгаям азбаройи Берлиннинг сеҳри сабаб бўлган. Лекин сизнинг ўзингиз ҳам немис аёлига ўхшамас экансиз.

— Қойил, — деди Анна ҳамкасбини мақтаб, — миллатларни бир-биридан яхши фарқлар экансиз. Мен славянман. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, онам швед, отам поляк, метисман.

— Мен бошқача деб ўйлагандим. Сиз славянлар-

дан кўра, русларга яқинроқсиз. Албатта, кўринишингиз билан.

Миямдан: "Бир ниманинг ҳидини олдимикан?" деган ўй яшин тезлигида ўтди.

— Ҳамма шунақа дейди. Билмадим, пешонамга ёзиб қўйилган шекилли, — деди Анна дарров.

— Одамларни билмадим қаердан билишганини, лекин менинг касбим шунақа, элшунос. Русияда бўлганман, ўқиганман. Ломоносов университетида. Ўша ўлканинг одамлари сизга жудаям ўхшаб кетади.

— Ростданми? — деди Анна кулиб. — Унда, албатта, Русияга бораман. Ўзимга ўхшайдиган одамларни кўриш истагини кўнглимга солдингиз.

— Рухсат этсангиз, ўзим олиб бораман. Совуқроқ жойлар-у, лекин томоша қилишга арзийдиган шаҳарлари кўп.

— Ҳали сиз билан танишмадиг-у, қандай олиб борасиз? — кулди яна Анна.

— Макс исмим.

— Меники эса, Елизавета. Унда бундай қиламиз, мен қарздор бўлишни ёқтирмайман. Аввал сизга Берлинни томоша қилдираман. Биринчи бор келишим, дедингиз-ку, шундаймасми? Кейин сиз қарзингизни узасиз...

Макс суҳбат бунақа тус олишини кутмаган шекилли, бироз жим бўлиб қолди. Назаримда, режаси тўғрисида ўйлади. Мен эса, Аннанинг маҳоратига тан бердим.

Бу пайтда деярли шаҳар марказига келгандик. Макс айтган меҳмонхона ҳам кўриниб қолди. Энди, режа бўйича, Анна "мижоз" билан яна учрашувга келишиб олиши зарур эди.

— Яна бир марта қойил қолишимга ижозат беринг, — деди Макс бироз сукут сакдаб, — сиз ниҳоятда гўзалсиз. Шундай гўзал қизни таксичилик қилиб юриши одамнинг аклини шоширади. Сиз модель

бўлишингиз керак эди. Ишонмасангиз, исталган одамдан сўрашингиз мумкин.

— Хушомадни қойиллатар экансиз. Чиройимга ўзим ҳам ишонаман. Балки, бошқаларнинг айтганини қилганимда, модель ҳам бўлишим мумкин эди. Лекин ўжарлигим, бир сўзлигим, эркакларни кўпам ёктиравермаслигим мени таксичи қилиб кўйди, — деди Анна чукур хўрсиниш билан.

— Демокчисизки, ҳозир эркагингиз йўқ.

— Ҳаётингизда неча марта эркак бўлган, деб сўраганингизда тўғрироқ бўларди.

— Ана сўрадим. Хўш, неча марта?

— Икки марта. Улар ҳам ёшлигимда. Ҳозир кўриб турибсиз, иш билан бандман.

— Агар мен ҳаётингизга учинчи бўлиб кириб келсам, йўқ дейсизми?

Орага сукунат чўқди. Мен гарчи, ўзимнинг хоши-истагимдан каттароқ, муҳимроқ иш билан машғул бўлсам-да, Аннанинг жавобини кутдим. Майли, кўрамиз, шароитга қараймиз, буни вақт кўрсатади каби мойилликни англатадиган жавоб бўлмасин, деган умид бор эди кўнглимда. Менимча, бу айнан Анна билан бўлиб, ҳаётимда илк маротаба ҳақиқий эркакликни ҳис қилганимдандир. Мен ҳаёлимни йиғиштириб олмасимдан бурун Аннанинг овози кулогимга эшитилди.

— Манзилга ҳам етиб келдик.

— О-о, наҳотки, ҳеч қачон манзилимга бу қадар тез етиб келмаган эдим, — деди америкалик жосус. Унинг қувончи овозидан билиниб турарди.

Аввал Анна бошқариб бораётган машина, ундан чамаси ўн беш метрлар берида уларни кузатиб келаётган машина тўхтади. Мен кузатувчилардан ҳам узоқроқда кутадиган бўлдим. Анна машинадан тушиб, Макснинг юкларини олди-да:

— Хонангизгача олиб бориб қўяман, — деди Макса.

— Аёлларни уринтирадиган одатим йўқ. Бироқ сиз мен турадиган хонани билиб олишингизни истайман. Балки, бу сизга керак бўлиб қолар.

— Яхши, — деди ҳеч бир иккиланишсиз Анна.

Улар олдинма-кейин меҳмонхона ичига кириб кетишди. Худди шуни кутиб туришган кузатувчилар дарров машинадан чиқишди-да, (улар икки киши экан) аввал Аннанинг машинасини кўздан кечиришди. Сўнг улар ҳам меҳмонхона томонга юра бошладилар. Мен ёнимдаги рация орқали "Эҳтиёт бўл, шериклари бор", дея ниҳоятда паст овозда Аннани огохлантирдим.

Беш, ўн дақиқа ўтди. Лекин Аннадан дарак йўқ. Безовталандим, ичимни ит тирнай бошлади. Анна негадир алоқа воситасини ўчириб қўйган эди. "Нахотки, Макс орқасидан тушганимизни сезиб қолган бўлса ёки анави кузатувчилари бирор нарсадан "ҳид"-ландимикин? Бунча кўп қолиб кетди? Озгина кутай, кутай... Балки кечагина мени кучоқлаб эркалаган кўллар ҳозир Макснинг бўйнидан кучоқлаб тургандир? "Ҳаётимда америкалик бўлмаган. Тананг спортчиларникидай экан", дея худди мени эркалагандай эркалаётгандир унияма Анна. Хизматчилик ўз йўли билан, лаззатланиш ўз йўли билан экан-да, қойил!.. Йўқ, балки унақамасдир. Ҳарқалай, Анна бирдан унинг тўшагига ётмас, унда обрўсини йўқотиб қўяди-ку!.. Сабр қилиш керак. Кутиш керак". Ниҳоят, Анна кўринди. У мен томонга бир қур назар солди-да, машинасига ўтирди.

— Жа, қолиб кетдинг? — дедим уйга борганимиздан кейин.

— Рашк қиляяпсанми? — дея кулди Анна.

— Бунинг нима алоқаси бор?.. Иш мени кўпроқ қизиқтиради.

— Ёлғон гапирма. Мен ёшгина қизча эмасман... Бугун кечга Макс мени ресторанга таклиф қилди.

Насиб қилса, бугуноқ ҳамма масалани ҳал қиламиз, — деб Анна бўйнимдан кучоклади. Кейин:

— Сен ҳамма синовларимдан ўтгансан, фақат рашк қилма. Тушунаман сени. Ҳатто ҳаётингда биринчи аёл мен бўлганимдан хурсандман. Биринчи бўлиш лаззатини ҳеч англаб етганмисан?.. Бўпти, ортиқча валдираганимиз етар. Сен мени бошқа рашк қилма. Ишимизга тўғри келмайди, — деди.

Кечкурун Анна одамнинг ҳиссиётини кўзгайдиган даражада кийиниб, менга бироз жилмайиб қараб турди-да, йўлга отланди. Албатта, мен ҳам унинг ортидан кузатиб кетдим. Йўл-йўлакай газета сотиб олдим. Ҳартугул газета ўрни келганда яширинишда асқотади. Бунинг устига, немислар жуда ўқийдиган халқ экан. Бир неча бор уларнинг емакхоналарда газета ўқиб ўтиришганини кўрганман. Нега шунақа, ҳайронман. Ёки газеталари одамнинг ақлини шоширадиган даражасида зўрми, ё буларнинг бошқа қиладиган иши йўқми?.. Ишқилиб, бу ёғига ақлим етмайди.

Ресторанга Аннадан бироз кейин кирдим. Бу пайтда Анна Макснинг ёнидаги столда ўтирарди. Мен имкон қадар уларга қарамасликка ҳаракат қилдим. Максни «ҳид»лантириб қўйишдан чўчидим.

Аввалига Макс билан Анна озгина у ёқ-бу ёқдан гаплашиб туришган бўлишди-да, сўнг ишқий мавзуга ўтиб кетишди.

Аввалига уларнинг гаплари менга қизиқ туйилди. Кейин зерика бошладим. Ҳатто костюмимга ўрнатилган алоқа воситасини ўчириб қўйсаммикин, деган фикрга ҳам бордим. Зерикканимдан газетани варақладим. Падарингга лаънат, келиб-келиб яланғоч кизларнинг сурати билан тўла газетани сотиб олибман. Албатта, бошқа пайт бу газетани миридан сиригача ўқиб чиққан бўлардим. Ҳарқалай, менинг ёшимдагилар учун қизиқ-да! Лекин ҳозир вазият бош-

-қа. Бунинг устига, анави иккаласи фақат шу ҳақда гаплашавериб, зериктириб юборишди.

— Мен сизни меҳмонга чақираман, — деб қолди бир маҳал Макс.

— Нега бунча тез? — сўради Анна.

— Ўйлайманки, бир-биримизни яхши тушуниб турибмиз.

— Сиз ҳақсиз, — дея икром бўдди Анна.

Улар ўринларидан туришди. Мен бирдан стол устидаги газетага термилдим. Ёнгинамда оёқ товуши эшитилди. Назаримда, Макс менга қараб кўйгандай бўлди. Ниҳоят, эшик очилиб ёпилди. Мен бироз кутдим, чунки Макснинг айғоқчилари бўлиши эҳтимоли ҳам бор эди. Айни пайтда мен бу ерда узоқроқ коллолмасдим. Шу боис, ресторандагиларга бир-бир қараб чиқдим. Ҳеч ким менда шубҳа уйғотмади. Секин ўрнимдан туриб, эшик томон йўналдим.

Ташқарида мен кузатаётган одамлар такси тўхта-тишиб, энди машинага ўтиришаётган экан. Дарҳол мен ҳам йўл ёқасига чиқдим. Бахтимга дарров такси келиб тўхтади. Бироз юрганимиздан кейин ортимга ўгирилиб қардим. Мен эрталаб кўрган кора "Мерс" изимиздан тушган эди. Англадимки, ишнинг пачаваси чиқди. Секингина Аннага "Сезиб қолишди", дедим алоқа воситаси орқали. Бу пайтда у Максдан ҳозир Англияда аёллар асосан қанақа кийинишаётгани ҳақида сўраётган эди. Менинг хабаримни эшитгач, овози бироз ўзгарди.

Олдинда кетаётган машина негадир шаҳар ташқарисига қараб йўл олди. Бу мутлақо кутилмаган ҳолат эди. Чунки Макс шаҳар ташқарисига чиқиш тўғрисида Аннага ҳеч вақо демаганди. Кўнглимдан кечган гапни Анна сизди чоғи:

— Қаерга бораяпмиз? — дея Максдан сўради.

— Мен сенга сюрприз қилмоқчиман, — деди Макс кулиб. Унинг кулгиси бошқача — кинояли эди. Шу

орада ёнимда машинани бошқариб бораётган хайдовчи менга ғалати қараб қўйди. Бирдан кўнглимда унга шубҳа уйғонди. "Демак, Анна иккаламиз ҳам кармоққа илиниш арафасидамиз", деган фикр ўтди хаёлимдан.

Шахардан ташқарига чиққанимиздан кейин биринчи дуч келинган кўприк ёнида Анна ўтирган машина тўхтади.

— Нега тўхтадик? — дея сўраган Аннанинг саволи жавобсиз қолди. Унинг ўрнига:

— Хўш, ойимқиз, бир гаплашиб олсак-а, нима дедингиз? — деди Макс.

— Фақат гаплашиш учун машинани тўхтатиш шартмиди? — кулди Анна.

Шу пайт бизнинг машинамиз ҳам тўхтади. Мен гўё ўзимни хайрон қолган одамдай кўрсатиб хайдовчига қарашим билан у тўппонча ўқталди-да:

— Манзилингга етиб келдинг, йигитча, — деди хунук тиржайиб.

Мен хайдовчининг тўппончани ушлаб туришидан қурол ишлатишда малакаси анча сустлигини пайқадим. "Шу ҳолатингда мени қўлга олмоқчимисан?" дея унинг устидан ичимда кулдим. Айни лаҳзада ўзимни баттар ажабланган кўрсатиб:

— Нималар деяпсиз? Машинани хайданг! — дедим ўзимни саросимага тушган қўйга солиб.

— Ўзингни гўлликка солма, нима мақсадда юргангни яхши биламиз. Билмаганимизни анави хонимчанг билан бирга айтиб берасан...

Хайдовчининг қолган гаплари бўғзида қолди, чаққон ҳаракат билан қўлидаги тўппончани олиб қўйдим-да, юрагига пичоқ санчдим. Бечора бир мартагина хириллади, холос. Кейин боши ёнига қийшайиб қолди. Мен унинг кўкрагидан пичоқни суғуриб олмадим, чунки ҳаммаёқ қонга беланиб кетарди. Ниҳоят, бизни кузатиб келаётган "Мерс" мен ўтирган

машинанинг орқасига келиб тўхтади. Мен ёнимдаги хайдовчининг мурдасини орқа ўриндикка ошириб ташладим-да, ўзим хайдовчи томоннинг эшигини очдим. Кутганимдай, "Мерс"дан тўрт киши тушиб, биттаси мен томонга яқинлаша бошлаганди...

...Тезда костюмимнинг ички чўнтагидан овози чиқмайдиган тўппончамни олдим. Яқинлашиб келаётган душман пешонасидан ўқ еб, кулади, иккинчисини ҳам тинчителиш қийин бўлмади. Бироқ қолган иккитаси билан анча вақт бир-биримизга ўқ узишдик. Қарасам, ҳали-бери улар билан ҳисоб-китоб яқунланадиганга ўхшамайди. Рақибларнинг гоҳ машина остидан, гоҳ орқа ойна томондан ўқ узаётганидан фойдаланиб, йўл четидаги қияликка думалаб тушдим-да, тез эмаклаб уларнинг орқа томонига ўтиб олдим. Бунга узоғи билан бир дақиқадан сал зиёдроқ вақт кетди. Ой ҳали чиқмаган, ҳаммаёқ қоп-қоронғи, фақат визиллаб учган ўқларнинг олов изи кўринарди... Душманлардан бири машина ичида жон берди. Иккинчиси эса, аввал эшикка суяниб бироз турди-да, сўнг шилқ этиб ерга кулади...

— Анна, аҳволинг қалай? — сўрадим мен ишни ниҳоялаганимдан сўнг.

— Зўр, келавер, — деди у. Мен тезда Анна ўтирган машинага етиб бордим. Хайдовчи машина эшигига осилган кўйи ўлиб ётар, Макс орқа ўриндикда, унга Анна тўппонча ўқталиб турарди.

Биз кўприк остидан ўтиб ўрмон тарафга кетдик. Машинани шу ёққа ҳайдашимни Анна айтди. Мен "Макс билан ҳамма масалани ҳал қилиб олишим учун овлоқроқ жой керак", деган фикрда эдим. Катта йўлдан ўрмонга борадиган кичик йўлга бурилиб, беш чакиримча юрганимиздан кейин, ертўлани эслатувчи кичкина уйча ёнида тўхтадик. Бу ерда шунақанги жой борлигидан Анна мени огоҳлантирмаганди. Таажжубланиб шеригимга қарадим.

— Ҳамма нарсани билиш учун вақт керак, — деди у кулиб.

Максни ярим соатча сўроқ қилдик. У кару гунга айланган, ҳеч нарсани эшитмас, биронта ҳам саволга жавоб бермасди. Охири менинг сабрим етмади. Башарасига мушт туширдим. У орқасига кулади. Ёқасидан ушлаб ўзимга қаратдим-да, яна бир мушт туширмоқчи бўлганимда:

— Шошмай тур, — деган хаста овози чиқди. Кўнглимда умид пайдо бўлди.

— Хўш, айтасанми, ким сени бу ерга нима учун юборганини? — дедим унга еб қўйгудек тикилиб.

— Менинг кизим бор, беш ёшда. Мени жудаям яхши кўради, — деди Макс йиғламоқдан бери бўлиб. Мен унинг ёқасидан ушлаган кўйи тикилиб қоддим. Кўз олдимга синглим — Фароғат келди. Уям ҳозир беш ёшга кирди. Ҳар гал уйга келсам: "Эшак бўлинг, эшак бўлинг, мен минаман. Устингизга ўт ортиб келаман", дерди беғубор кўзлари чақнаб. Овози бирам ширали, қилиқлари ўзига бирам ярашадики, одамнинг кўнгли очилиб кетади.

— Жуда яхши! Қизинг бўлса, биз сўраган нарсаларнинг ҳаммасига жавоб бер. Кейин сени қўйиб юборамиз, борасан ўша сени жонидан ортиқ яхши кўрадиган қизингнинг олдига, — деди Анна менинг ёнимга келиб майин овозда.

— Мени ўлдиришади, агар сизларга маълумотларни айтсам. Кейин кизим бир умр мени кўролмади, — зорланарди Макс.

— Билсанг, мен ҳам бировнинг суюкли кизиман, лекин сен боя ўлдиришга ҳам тайёр эдинг-ку мени, буни нега ўйламадинг? — деди-да Анна унинг қорнига тепиб юборди. Кутилмаган зарбдан Макс букчайиб қолди.

Уни яна анча вақт калтаклашимизга тўғри келди. Ниҳоят, Макс жони кўзига ширин кўруниб, бор маълумотларни айтиб берди.

Албатта, уни тирик қолдириш мумкин эмас эди. Бирок ҳимоясиз одамни ўлдириш ҳам инсофга тўғри келмайди. Шу боис, Макснинг тўппончасини ўзига шундай тўғрилаб кетдикки, у кимирлаши билан кўкрагидан ўқ ерди. Ертўладан йигирма қадамлар узоклаганимиздан сўнг тўппончанинг овози янгради. "Жойинг жаннатдан бўлсин", деб кўйдим мен ичим-да.

Машинани шаҳарга кираверишда қолдириб, такси тўхтатдик-да, уйимизгача етиб олдик. Ўша куни Анна иккаламиз пешингача ухлабмиз. Уйқудан уйғонганимдан кейин бошим қаттиқ оғриди. Бунинг устига, тундаги воқеалар ёдимга тушиб, кўнглим айниди. Анна менинг аҳволимни тушунди шекилли, қадахга тўлдириб ароқ берди.

— Ичиб ол, фойдаси тегади. Ўзи биринчи марта доим шундай бўлади. Кейингиларида уйқудан уйғонсанг, қушдай енгил бўласан, — деди.

Мен кўзимни чирт юмиб, Анна узатган "дори"ни ичиб юбордим. Бошимнинг оғриғи қолиб, кайфиятим кўтарилди. Кейин Анна мени уйда ёлғиз қолдириб, ўзи Максдан олинган маълумотни керакли жойга жўнатиш учун кетди. Мен унинг бу қилигидан хайрон бўлдим. "Нега маълумот қаерга жўнатилишидан мен беҳабар қолишим керак? Балки, "у ёқдаги" кўринмас одамлар менга ҳали ишонишмас. Балки, Анна қилинган ишларни ўз номига ёздирар... Кизиқ, Анна қаерда таҳсил олган, нега баъзи ишларни менидан яширинча амалга оширади? Ҳаммаёқ сир. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам, эҳтиёт бўлишим керак. Бекорга майор Батинков хайрлашаётиб: "Ҳар қадамда ўзларингдан бўлак ҳеч кимга ишонманглар", дедимаган. Бунинг устига, кун сайин номаълум нарсалар кўпайиб борапти. Бундан ташқари, мени бировларнинг ишидан кўра ўзимнинг тақдирим кўпроқ қизиқтирарди. Ана Макс ҳам, унинг шериклари ҳам ким-

ларнингдир хизмати деб ўлиб кетишди. Уларни энди ҳеч ким эсламайди. Эртага менинг бошимга ҳам ўша йигитларнинг кун и тушмаслигига ҳеч ким қафолат беролмайди-ку. Ишқилиб, ўлигим бу ерларда қолиб кетмасин-да".

Икки соатлардан кейин келган Анна негадир ҳафароқдай кўринди. Сабабини сўрасам, бошини бироз эгиб турди-да:

— Терадагиларга қилган ишимиз ёкмади, — деди.

— Нега? — дедим мен ҳайрон бўлиб. — Ўлишимизга озгина қолди-ку!

— Топширикни бажаришда кўполликка йўл қўйибмиз, имкониятдан тўғри фойдаланмабсизлар, дейишди. Умуман, уларнинг гапида жон бор, биз эҳтиёткорликни йўқотиб қўйганмиз. Бошқача йўл тутишимиз керак эди. Ҳамма нарсани ими-жимиди ҳал қилиш учун қўшимча имкониятлар топмаганимиз, менимча, энг катта хатомиз бўлди.

Мен гарчи ишимизга берилган баҳодан жаҳлим чиққан бўлса-да, индамай қўяқолдим.

Уч кун бизга топширик берилмади. Шу уч кун ичида деярли қамалиб ўтирдик, фақат ҳар кунига бир марта егулик сотиб олиш учун дўконга чиқиб келдик, холос.

Зерикдим. Мафтункор, ширинсухан, ақлли Анна билан уч кун бир жойда ўтириш меъдамга тегди. Кўчаларни эмин-эркин айлангим келди. Бироқ шаҳарда юз берган қотилликдан кейин ҳамма жойда полициячилар изғиб қолишган. Бундай пайтда кўчага чиқиш бошни ўз ихтиёри билан сиртмоққа солишдай гап.

Ниҳоят тўртинчи кун бизга буйруқ келди. Унда Боннга бориб, у ердаги жосусимиз (Боннга Мекиладзе кетганди) ҳамкорлигида Ғарбий Германиянинг 235698-полкидан бизга қарши ишлаб чиқилган махсус режа жамланмасини ўмариб келиш заруриги

кўрсатилганди. Мен хурсанд бўлиб кетдим. Ҳарқалай, Мекиладзе билан анча яқин эдик. Кўришиб келаман, деб умид қилдим.

Бироқ мени Боннда худди Аннага ўхшаган чиройли қиз кутиб олди. Йўл-йўлакай у билан гаплашиб кетдик. Мекиладзени сўраганим, негадир ёвқараш қилди-да:

— Борганда кўрасан, — деди.

Улар яшайдиган жойга борсак, Мекиладзе кўрпатўшак қилиб ётиб олибди.

— Тинчликми? — дедим кўришиш учун унга қўлимни узатиб. — Бурга тепдими?

— Ҳа, бурганинг зўри, биттамас, беш-олтита... — деди чуқур сўлиш олиб. Кейин кўрсаткич бармоғини лабига босиб, "Тсс", деди-да, кўзини қисиб қўйди.

Мен Мекиладзе билан Наташа (Мекиладзенинг шериги) чиқиб кетгунча у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдим.

Наташа кетгач, Мекиладзе жонланди.

— Оғайни, бу ерда юришимиз менга кўпам ёқма-япти. Бунинг устига, анави куни кечкурун Наташа билан айланиб юриб, қовун тушириб қўйдик. Ресторандан учтаси маст бўлиб чикди-да, ёнимиздан ўтаётди, Наташани туртиб юборишди. Мен: "Кўзингга қараб юрмайсанми?" деганим, биттаси ташланиб қолса бўладими? Табиийки, «жойини солдим». Кейин шерикларининг ҳам жағларини силаб қўйишга тўғри келди. Бир пайт Наташа: "Қочдик, полиция!" деб қичқирди. Қочаётганимда ярамас полициячилар ўқ узиб қолишди. Биқинимдан яраландим. Лекин қўлга тушмадик. Қочишга улгурдик. Бу ёққа келганимиздан кейин, Наташадан балога қолдим. "Нима ишинг бор эди, мени туртиб ўтишгани билан? Кимлигингни унутиб қўйдингми? Қўлга тушганимизда нима бўларди..." деб анча вақт сайради. Аёллардан гап эшитиш ўлим билан тенг мен учун. Менимча, бу

касаллик қонимда бўлса керак. Ўзиям тишимни тишимга босиб базўр чидадим... Наташанинг ўзи сайрагани етмагандай, юқорига ҳам маълумот бериб юборибди. Сабабини сўрасам, "Сен учун менинг ўлгим келгани йўқ", дейди... Хуллас, оғайни, бу ёғи нима бўлишини билмайман. Балки мени "союз"га жўнатиб юборишар, балки "дисбат"га. Пешонага ёзилганини кўрамиз.

— Хафа бўлма, — дедим мен унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб, — ҳеч ким сезмабди-ку жосусликларингни, ҳаммаси жойига тушиб кетади. Мана кўрасан, ҳали сенга қахрамонлик бериб юборишади.

Мекиладзе синиқ жилмайди. Афтидан, гапимдан қониқиш ҳосил қилмади.

— Яранг қандай, оғирмасми? — дедим мен унинг юзига тикилиб.

— Шунчаки ўқ ялаб ўтган, Наташанинг айтишича, бир ҳафталар ичида соғайиб кетаман...

Мекиладзенинг гапи чала қолди. Хонага Наташа кириб келди.

— Ўтирибсизларми ҳасратлашиб, — деди у қулиб.

— Мен эса янгилик олиб келдим. Мекола, сен "союз"га кетадиган бўлдинг. Аввал даволанасан, кейин десант қисмида хизмат қиласан. Зўрми?

Наташанинг гапидан Мекиладзенинг афти бужмайиб кетди. Қўллари мушт бўлиб тугилди. Кейин кўзини юмди.

— Мекола, мен сени хафа қилмоқчи эмасдим. Қайтанга хурсанд бўласан, деб ўйлагандим, — деди ковоғи осилиб Наташа.

— Эй-й, шунга шунчами. Мен сенинг ўрнингда бўлганимда, жон-жон деб кетган бўлардим. Маззамасми, "саюз"да? Ҳеч нарсадан хавотир олмайсан, ўйнаб-қулиб хизмат қиласан! — дедим мен атай қулимсираб. Бироқ Мекиладзенинг ҳолати менинг гапларимдан кейин ҳам ўзгармади. У кўзини юмиб жим ётаверди.

Кечкурун мен берилган топширикка доир маълумотларни Наташадан олдим-да, йўлга чиқдим. Борадиган жойим узок эмасди. Душман полки шундоқкина шахар биқинида жойлашган. Бахтимга, ундан тахминан беш юз метрлар чамаси нарида емакхона бўлиб, туни билан ишларкан. Ярим кечагача шу ерда ўтириб кутдим. Одамларда шубҳа уйғотмаслик учун пиво ичдим. Рақсга тушаётган қизлар билан рақсга тушдим. Энг муҳими, кўз остимга олган ҳарбий қисмда хизмат қилаётган иккита йигит билан танишдим. Улар онда-сонда бу ерга келиб дилхушлик қилиб кетишаркан. Уларни ўлгудай ичирдим, азбаройи учиб қолишди, сўнг ўзимни мастликка солиб, янги танишган "дўст"ларни кузатиб қўядиган бўлдим. Тунги ўн иккилардан ошганда биз емакхонадан чиқдик. Ҳамроҳларим бақириб-чақириб қўшиқ айтишарди. Юз кадамлар юриб, коронғилик қўйнига шўнғиган жойимизда, "ўртоқ"ларимдан бирининг нариги дунёга кетишига кўмаклашиб юбордим. Хизматдоши сезмай ҳам колди. Секингина бўғзига пичоқ тортдим-да, йўл четидаги ўт-ўлан орасига итариб юбордим. Яна бироз юрганимиздан кейин менинг ёрдамим билан оёғида зўрға турган Гюнтерни (иккинчисининг исми шундай эди) ерга ётқизиб қўйиб, нима сабабдан бу дунёдаги сафари эрта қариганини билмаган шеригининг ёнига бордим-да, кийимларини ечиб олиб, кийдим.

Гюнтер соқчиларга келганини айтганидан сўнг, дарвоза очилди. Қоровуллар уйқусираб туришган экан, менинг бегоналигимни сезишмади. Мен ишим осон кечаётганидан хурсанд эдим. Ичкарига кирганимиздан кейин Гюнтер менга штаб қаердалигини кўрсатиб, яна бир мушқулимни осон қилди.

Ишим енгил кечаётганидан хурсанд эдим-у, лекин кўнглим хотиржам эмасди. Нимадир содир бўлади-ю, қўлга тушиб қоламан, деб ўйлардим. Штабга ки-

раверишда уйқуираб ўтирган соқчининг ҳам куни битди.

Кўлимдаги лазер нури тарқатадиган фонар ёрдамида қисм командири хонасининг тит-питини чиқариб ташладим, ниҳоят, ўн беш дақиқалар изланганидан кейин қидирган нарсамни топдим.

Қайтишим бироз мураккаброқ кечди. Гюнтер ётоғига кириб кетган, ёлғиз ўзим қисмдан чиқиб кетишим керак эди. Биринчи қоровул ҳеч нарса сезмади, бироқ иккинчиси хитланиб қолди. Бу унга қимматга тушди. Бир неча марта қонга бўялган ёнимдаги пичок яна ишга тушди.

Наташа билан Мекиладзе турган уйга кириб борганимда, тонг ёриша бошлаганди. Наташа мени саросималаниб кутиб олди. Унинг кўзлари ҳадикка тўла эди. Гарчи жуда қаттиқ чарчаган бўлсам-да, қандайдир нохушлик содир бўлганини дарров сездим ва Наташадан:

— Тинчликми? — дея сўрадим. Наташа бошини эгди, бироз сукут сақдади. — Тинчликми, нима бўлди?

— дея қайта сўрадим ундан.

— Мекиладзе?.. — дея Наташа кўзидан оққан ёшни енгига артди.

— Нима бўлди? — дедим мен сабрим чидамай.

— Ёмон яраланган экан, мен ёрдам беролмадим, — деди Наташа энди йиғлаб туриб. Мен кўлимдаги ҳужжатни Наташага беришни ҳам унутиб, Мекиладзе ётган хонага югуриб кирдим. Хона тўридаги қаравот устига оқ чойшаб ёпиб қўйилганди. Шошганча чойшабни юлқиб очдим. Боши жағи билан қўшиб боғланган Мекиладзе беозор хордиқ чиқараётган одамдек кўзини юмиб ётарди.

— Яраси унчалик оғир эмаслигини ўз кўзим билан кўргандим-ку! — дея бақирдим Наташага.

— Мен ҳам шундай деб ўйловдим. Лекин бирдан иситмаси чиқиб, алаҳсирай бошлади. Шошиб қол-

дим. Югуриб бориб ошхонадан сув келтиргунимча тамом бўпти бечора, — деди Наташа киприклари пирпираб.

Наташанинг сўзларига ишонгим келмаётганди. "Бу ерда бир гап бор. Бор-йўғи терисини ялаб ўтган ўк ўлимга олиб келиши мумкин эмас". Шу гумоним боис, қуролдошимнинг баданини синчиклаб кузатиб чиқдим. Ўша ярадан бўлак танасининг бирон жойи тирналмаган. Бироқ жони чиқишида қаттиқ зўриққан шекилли, томоқ томирлари бўртиб қолган. Бошқа пайт бўлганда, албатта, уни экспертизага олиб борган, дўстимнинг айнан нимадан ўлганлигини аниқлаган бўлардим. Аммо ҳозир кўлимдан ҳеч вако келмайди. Одамга шуниси алам қилади.

— Буни кўмишимиз керак, — деди Наташа менга ўткир нигоҳини тикиб.

— Шу ергами? Уйига, Ватанига олиб бормаймизми? — дедим мен унинг гапига ҳайрон бўлиб.

— Бунинг иложи йўк, — деди Наташа кескин. — Эртароқ кўмишимиз керак... Бўлмаса кеч қоламиз. Мен машина олиб келгандим. Сени кутиб турувдим. Ахир, бир ўзим эпллолмайман-да.

Мен лом-мим демадим. Деёлмасдим ҳам. Агар гапирсам, ичимдан ўт чиқиб кетиши, бу ўт қаршимдаги хонимчани куйдириб юбориши тайин эди. Ала-мим, ғазабимдан тишларимни ғичирлатдим, холос. Эндигина ўн тўққизга кирган, орзулари хазон бўлган Мекиладзенинг жасадини чойшабга ўрадим-да, кўтариб ташқарига олиб чиқдим. Наташа бу пайтда машина юкхонасини очиб турганди. Жасадни юкхонага жойлаб, рул томонга ўтаётганимда, негадир капотни ушлаб кўргим келди. Машина капоти муздай эди. Демак, яқинда келмаган. Мекиладзенинг ўлими аввалдан "башорат" қилинган.

Тонг отар маҳал қуролдош дўстимни ерга топшириб қайтиб келдик. Мен, эҳтиёт шарт, унинг кўмилган жойини ён дафтарчамга ёзиб қўйдим.

Икки кун ҳеч қаерга чикмай дам олганимдан кейин, яна Берлинга қайтиб кетдим. Анна сафарим самарали кечганидан хурсанд бўлди. "Мен сенга ишонгандим. Қойиллатиб бажарасан, деб ўйлагандим. Худди кўнглимдагидай бўпти", деди юзимга лабини босаркан. Кейин Мекиладзенинг ўлиmidан гап очиб, кайғумга шериклигини билдирди.

Бир ҳафта қарахт аҳволда ўзимга келолмай юрдим. Атрофимдагиларнинг ҳаммаси душмандай, пайт пойлаб бўғзимга пичоқ қадайдигандай туйилаверди. Ҳолатимни иллаган Анна мени ўз ҳолимга қайтарди. Тўғриси, ўшанда унинг ақлига қойил қолдим. Қайғу, аламнинг давоси вақт экан. Вақт ўтган сари кўнглимдаги шубҳа-гумонлар эскирди. Яна иш кайфиятим тикланди.

"Юқоридан" кетма-кет буйруқдар келар, Анна иккаламиз уларни пешма-пеш бажарардик. Умр эса қанот боғлаб учади. Ниҳоят ҳарбий хизмат муддати охирлаб қолди.

— Сенга ўрганиб қолгандим, кетсанг қандай яшайман, билмайман, — деди бир куни Анна кечаси кўкрагимга бошини кўйиб ётаркан. — Айниқса, ҳаётингдаги биринчи аёл бўлганимни эсласам, қийналиб кетаман. Йўқотгим келмаяпти сени ҳечам.

— Мен кетсам, бошқаси келади. Ўша билан яшайверасан, худди мен билан яшаганингдай, — дедим шифтга қараб ётарканман.

— Жиннимисан, нималар деяпсан? Мен сени севиб қолганман. Шу мени қийнайди, ҳеч кимни сени севганчалик севмаганман.

— Ўзинг ҳамма нарсанинг давоси вақт, дейсан-ку. Вақт ўтгандан кейин мен сенинг хотирангдан изсиз йўқоламан.

— Бас!!! — бирдан қичкириб юборди Анна. — Гапирма, илтимос, ўлиб қоламан!

Аннани бағримга босдим. Зотан, мен ҳам уни

каттик яхши кўриб қолганимни англаб етган эдим. Бироз ўтиб, кучоғимдаги жувоннинг пиқиллаб йиғлагани эшитилди. Мен унинг сочидан силадим, юзидан, лабидан ўпдим. "Йиғлама", дея қулоғига шивирладим. Бироқ у ўзини босолмади. Йиғлайверди, йиғлайверди... Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтгандан кейингина ухлаб қолди.

Уйғонганимда Анна нонушта тайёрлаб қўйган экан. Одатда, нонушта оддийгина бўларди: қаймоқ, тухум, чой ва ширинликлар. Бу сафар эса, дастурхон байрамона. Ҳатто шампан виноси ҳам столда қад ростлаб турибди.

— Тинчликми? — дедим ҳайратимни яширолмай.

— Қанақадир байрамми бугун?

— Бугун байрам эмас, аксинча... Кейин билиб оласан, аввал яхшилаб ювиниб кел-чи, — деди Анна.

Унинг амрини бажо келтириб, столга ўтирдим-да:

— Столни бунақа безаш яхши, албатта, лекин эрталабдан иштаҳанг бўлмаса, қандай ейсан, шунга менинг ақлим етмаяпти, — дедим қулиб.

— Иштаҳангни шундай очиб қўяйки, қандай еганингни сезмай қоласан, — деди Анна ҳам жилмайиб.

Шампан виноси қадахларга қуйилгандан кейин у бир муддат дастурхонга термилиб турди-да, сўнг хўрсиниб, секин гап бошлади:

— Биласанми, ҳаётимда сенга ўхшаганини ҳали учратмаганман. Буни сенга аввал ҳам айтгандим. Шунинг учун сендан айрилишим жуда оғир...

— Нималар деяпсан, худди ҳозир мен бир ёққа кетаман-у, сен ёлғиз қоладигандай, — дедим унинг гапини бўлиб.

— Илтимос, гапимни охиригача эшит. Кейин нима десанг майли. Бугун сен билан ажрашадиган кунимиз. Эртага сенинг ўрнингга бошқаси келади... Уфф, гапни нимадан бошлашни ҳам билмаяпман. Мен,

мана, шу ерга келганимдан бери тўртта йигитни кузатдим. Албатта, уйигамас... Борса келмайдиган томонга... — шундай дея Анна бўйнимдан маҳкам кучоклади. Унинг кўзидан оққан ёш елкамга томди, билдимки, у йиғлай бошлади. — Йигитларнинг ҳаммаси бакувват, ҳар қандай қиз орзу қиладиган йигитлар эди. Бари ҳаётни севарди. Аммо уларнинг тақдири... Кўй, улар ҳақида гапирмайман. Ҳозир мен билан яхшилаб нонушта қиласан, ичасан, кейин иккаламиз ўрмонга борамиз. У ерда бизни уч киши кутиб турибди. Мен сени ташлайман-у, ортимга қайтаман. Сени эса ўшалар отиб ўлдиришади. Сўнг...

— Нега? — дедим аъзойи баданим титраб. — Нима қилдим уларга?

— Билсанг... билсанг... — деди Анна йиғи аралаш. — Улар буйрукни бажаришади. Сен хизматингни ўтаб бўлдинг. Энди керагинг йўқ. Кўп нарсадан хабардор одамлардан воз кечилади...

Мен ўзимни босолмай, Аннанинг юзига шапалок тортиб юбордим. Шампан виносини шишаси билан кўтариб ича бошладим. Вино ширин туйилди.

— Бор! — дея Аннага бақирдим. — Яна бир шиша вино олиб кел!

— Ўзингни бос, — деди Анна кўзимга ўткир нигоҳини қадаб, — иродасизлик сенга ярашмайди.

— Менга нима ярашади ўзи, айт?! Нима?! Одам ўлдириш, тўшакда тинимсиз ирғишлаш ва ҳамма хизматларим эвазига ўлиб кетиш ярашадими? Жин урсин!

— Ўзингни бос! — қичқирди Анна. — Мен сенинг тирик қолишингни истайман. Шунақа аҳмоқчилик қиладиган бўлсанг, бугундан ортмайсан!

Мен бошимни эгдим. Йиғлагим келди. Тақдиримга лаънатлар ўқидим. Миллион-миллион одамлар ичидан айнан мен шунақа тақдирга тўғри келганим алам қиларди... Кейин ўйлаб қарасам, Анна айтганидек,

ҳозирги аҳволим ҳақиқатан ҳам аҳмоқгарчиликдан ўзга нарса эмас экан. Мендан олдинги йигитлар-ку, ўлишларини билишмаган, шунинг учун боши қандай сиртмоққа илинганини сезмай қолишган ва индамай ўлиб кетаверишган. Менинг ҳамма нарсадан хабарим бор, нега энди келиб жонимни олишгунча қараб туришим керак?!

— Начора, — дедим Аннанинг юзига жилмайиб қараб. — Катталарга менинг жоним керак экан, топширмасдан иложим қанча?

— Бекорларни айтибсан, — деди бирдан Анна, — мен сени осонгина топшириб қўймайман уларга. Сени топширгунча, ўзим... Ҳозироқ чиқамиз-у, қочамиз. Ҳеч қачон бизни топишолмайди.

— Мен умр бўйи писиб-қочиб яшашни истамайман, улар бизни ернинг тагидан бўлсаям топишади. Яхшиси, бошқача йўл тутсак...

Биз ўрмонни ёқалаб оқадиган дарё бўйига етиб борганимизда соат кундузги ўн иккиларга яқинлашиб қолганди. Бу ерга биринчи келишим. Жуда сўлим, баҳаво жойлар. Ҳамма нарсани хаёлдан чиқариб, маза қилиб дам олса бўларкан. Ҳатто шундай жойда ҳам котилликлар рўй берганига ишонгинг келмайди.

— Бўпти, менинг вақтим тугади, — деди Анна паст овозда, — сени Ҳудонинг ўзи паноҳида асра-син.

Анна ортига бурилиб, қандайдир қўшиқни хиргойи қилганча кета бошлади. У қўшиқни тугатиши билан менга хужум бошлашса керак. Мендан беш-олти метрлар ортда қолган анави пакана арча тўпи ортидаги уч киши тўппончадан ўқ узади. Мени ваҳима боса бошлади. "Ҳозир... ҳозир яна бир-икки дақиқадан кейин Аннанинг қўшиғи тугайди. Ўқ товуши эшитилади. Улгуролмасам, қулайман. Ўлигим шу ерда қолиб кетади. Менинг учун ҳеч ким жаноза

ўқимайди. Шунчаки итни кўмгандай кўмиб ташлашади. Ҳеч ким ачинмайди". Шу пайт Анна хиргойисини тугатди. Мен бирдан ўзимни ўт-ўлан устига отдим. Ҳартугул, улгурдим. Мен йиқилганимдан кейин ўқ овози эшитилди. Тахминан мени қаердан туриб мўлжалга олганини сезгандим, ўша томонга кўлимдаги тўппончадан устма-уст ўқ уздим. Адашмаган эканман. Биттаси гурс этиб кулади. Дарё томонга беш-олти марта чакқон думалаб, яна ўқ уздим. Омадим чопган экан, иккала душманам ҳам кетма-кет кулади. Бироз ётдим. Кўнглим ўксиди. Ўқириб-ўқириб йиғлагим келди. Бир оддий, ожиз банда эканлигимни ўшанда илк бора ҳис этдим. Шу аҳволда мен анча вақт ётдим. Ўрнимдан тургим йўқ. Биров менга индамаса-ю, кечгача ётсам. Аммо икки марта ўқ овози эшитилди ва яна сергак тортдим. Секин мўралаб арча томонга қарадим. У томондан Анна чиқиб келар эди. Ҳайрон бўлдим. Чунки Анна ортига қайтмаслиги керак эди. Ўрнимдан турдим, шунда у мен томонга югурди. Келибоқ бўйнимга осилди-да, ўқириб йиғлай бошлади. Унинг сочини силарканман, кўзимдан ёш сизиб чиқди.

— Кўй йиғлама, мана, тирикман, — дедим кўз ёшимни яширмай. У эса мени янада маҳкамрок кучди...

Биз ортга қайтдик. Арчанинг ёнидан ўтаётиб:

— Қайси бири сенинг ишинг? — дедим мурдаларни кўрсатиб.

У иккитасини қўли билан кўрсатди. Мен ҳайрон бўлиб Аннага қарадим. У эса кулиб:

— Кейинги отганларинг хато кетганди. Улар атай ўзларига ўқ теккандай кўрсатиб йиқилишди. Сенинг ўрнингдан туришингни кутишаётганди, — деди.

— Раҳмат, — дедим-да, ёнимдаги садоқатли, қадрдон хонимни ўпдим. — Буларни шундай аҳволда ташлаб кетолмаймиз, кўмишимиз зарур, — дедим.

— Йўқ, — деди Анна бирдан, — буларни ким тукқан бўлса, ўша кўмсин. Бизнинг вақтимиз йўқ. Бир соатдан кейин Россияга поезд бўлади. Улгурмасак, қолиб кетасан. Кейин кетишинг қийин бўлади.

— Сен-чи, сен мен билан кетмайсанми?

— Мен кетолмайман. Қолишим зарур.

— Нега энди? Барибир менга ёрдам берганингни сезиб қолишади-ку.

— Бу ёғини пешонамдан кўрдим. Барибир у ёқда мени кутадиган одам йўқ.

— Ота-онанг-чи?

— Улар аллақачон ўлиб кетишган. Шунинг учун сенга ҳеч нарса демагандим. Умуман, оиламиз тўғри-сида бировга гапиришга бизнинг ҳақимиз йўқ... Со-биржон, севгилим, ишқилиб, умрингни Худо узок қилган бўлсин. Сизлар ўн беш киши бўлиб келган бўлсанглар, шулардан ҳозир фақат сенгина тирик-сан... Илтимос, манави ярамасларнинг тузоғига илин-масдан, вақтинг борида жуфтакни ростла. Мендан хавотир олма, мабодо соғ-омон қоладиган бўлсам, ёнингга, албатта, бораман.

* * *

Шаркий Берлинга ўтиш унчалик муаммо туғдир-мади, у ёқдан бу ёққа ўтишнинг ҳадисини олган эдим. Фақат поездга чипта ололмадим. Чунки бир-онта хужжатим йўқ эди. Ёнимдаги Ғарбий Герма-ния паспорти эса шубҳа уйғотиши мумкин. Шунинг учун поезднинг жилишини кутдим. Ниҳоят поезд кимиради. Югуриб бориб вагонлардан бирига чи-киб олдим. Кузатувчи менинг чиптам бор-йўқлигига эътибор ҳам қилмади. Вагон ичкарасига кириб ол-гандан кейин, кузатувчига чиптамни хужжатларимга кўшиб йўқотиб қўйганлигимни айтиб, олиб кетиши-ни илтимос қилдим. Аввалига тихирлик қилиб тур-ган кузатувчи рус йигити бешта юзталик долларни кўргандан кейин рози бўлди. "Фақат, — деди у ти-

ришган башарасини баттар тириштириб, — чегарада биронтаси хитланиб қолса, мен сени танимайман, укдингми?" деди. Рози бўлишдан бошқа иложим йўқ эди. Шунисига ҳам шукур қилдим. Бироқ энди жой топишим керак. Ахир, манзилга етгунча тик туриб кетолмайман-ку. Шу боис, яна кузатувчининг ёнига бордим.

— Хўш, нима дейсан? — деди у афтимга бир қараб кўйиб, чойшабларни титкиларкан.

— Ресторан қаерда? — сўрадим мақсадга бирдан кўчмай.

— Тўртинчи вагонга бор.

Мен унга бошқа ҳеч нарса демай, айтилган жойга кетдим. Ресторан ҳали бўм-бўш. Бир шиша ароқ ва озгина егулик олдим-да, столга ўтирдим. Бир стакан ичганимдан кейин таранглашган асабим юмшагандай, бош оғриғи сусайгандай бўлди. Ҳарбий хизматга чақирилганимдан айна лаҳзагача бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир хаёлимдан ўтказиш бошладим. Ҳақиқатан ҳам, менинг кўрганларим кўрқинчли тушдан фарқ қилмасди. Албатта, Анна билан ўтказган тотли лаҳзаларни айтмаганда. Худога қайсидир бир амалим ёққанки, шундай жувонни менга рўпара қилган. Мабодо Наташага ўхшагани дуч келганда борми, билмадим, ҳозир қаерда бўлардим. Бечора Анна мени деб ўзини не кўйларга солди. Ҳатто хайрлашаётиб, куюнаётганини яшириб, жилмайишга ҳаркат қилди. "Хат ёзаман, ҳар куни. Сени ҳеч қачон хаёлимдан чиқармайман", деди. Эсиз, шундай мард, ақлли, фаросатли, гўзал қиз кимларнингдир сарик чақалик хоҳиш-истаги йўлида қурбон бўлаяпти. Унинг олдида мен кўрқоқ, номардман. Мен, умуман, эркак деган номга муносибманми ўзи? Қўлимдан қанча иш келади, лекин бундан нима фойда? Анна мен учун жонини қурбон қилишга шай турибди. Мен-чи, унинг учун нима қилдим?..

— Жуда хомуш кўринадими, йигитнинг гули? — деган овоз келди кўшни стол томондан. Ўгирилиб қарасам, иккита қиз овқатланаётир. Иккаласи ҳам харбий кийимда. Мен ҳам жилмайиб қараб қўйдимда, стаканга ароқ қуймоқчи бўлиб шишани қўлга олдим, бўм-бўш. Қачон ҳаммасини ичиб улгурганимни эслолмайман. Бироқ ичилган ароқ умуман менга таъсир қилмаган эди. Нега таъсир қилмадийкан, деган ўйда шишага ёпиштирилган ёрликка қарасам, немисларнинг қуввати паст ароғи экан. Ўзи маст бўлиш ниятим йўқ эди, шунчаки кайфиятимни бироз кўтармоқчи эдим. Шуниям эпполмадим. Қайтанга кечмишим эсимга тушиб, эзилиб кетдим.

— Йигитнинг бизга қўшилиш нияти йўқмикан? — деди кизлардан бири иккинчисига.

— Бор, — дедим мен кизларга қараб, — фақат сизлар таклиф қилсанглар бўлди. Қанот боғлаб учиб борамиз-да.

— О-о, бунни қаранг-а, қанотингиз, ишқилиб, биздан нарига учуриб кетмайдими? — деди халиги қиз. Унинг гапи нашъа қилиб, дугонаси хохолаб кулиб юборди. Мен эса лаб-лунжимни йиғиштиролмай, ўрнимдан турарканман:

— Ушлаб қоласиз-да, яхши қиз, — дедим.

Қизлар шўхгина экан. Ёнларига ўтиришим билан бири ароқ қуйиб узатди, иккинчиси сузилибгина газак тутди. Мен аввал уларнинг исмларини ва қаерда хизмат қилишларини сўрадим. Ароқ қуйганининг исми Оля, дугонасининг исми Света, иккаласи ҳам харбий госпиталда ҳамшира экан. Уларнинг хизматларини кўкларга кўтариб қадаҳ сўзи айтдим. Ичган ароғим томоғимни куйдириб ўтди. Дарров стол устидаги шишанинг ёрлиғига қарадим. Русларники. Бу ёғи тушунарли.

Мен ўзимни туркман йигитиман, деб таништирдим. Исмимни ҳам Эркинбой дедим. Умуман, бу

қизлар ўзбек, туркман исмларининг фарқига боришмайди. Шу боис, ёлғонларимга чиппа-чин ишонишди. Фақат ўзларига қулай бўлиши учун исмимни Эрик, дея ўзгартириб олишди. Албатта, ўзимнинг аскар эканлигимни сир тутдим. Саёҳатга келганимни, Берлинни томоша қиламан, деб шерикларимни йўқотиб қўйганимни, буниси камлик қилгандай, ўзимизнинг поезддан ҳам қолиб кетганимни бирон туқим ўзгармай гапириб бердим. Шундан кейин қизларнинг меҳри менга товланди. Ҳатто бироз ачинган ҳам бўлишди. Мен улар билан анча вақиллашиб ўтирдим. Шиша бўшади, лекин мен бошқа бир қултум ҳам ичмагандим. Бунинг сабаби бор, албатта. Мабодо маст бўлиб қолсам, кейинги аҳволим мақтагулик бўлмасди. Ўзи юрак ҳовучлаб кетаётгандим.

— Энди, — деди кайфи анча ошиб қолган Оля сузилган кўзини баттар сузиб, — базму жамшидни бизнинг купеда давом этказамиз.

Менга бу таклиф мойдай ёқиб тушди. Чунки ўзўзидан жой масаласи ҳал бўлган эди. Югуриб бордим-да, икки шиша рус ароғидан сотиб олиб келдим. Биз бир-биримизга суяниб, бўлган-бўлмаган гапларни айтишиб, қизларнинг вагонига кетдик.

Стол усти қизларнинг ўз қўллари билан (улар менга шунақа деб айтишганди) пиширган пишириклар билан тўлди. Яна ароқ майдалана бошланди. Энди қизлар мутлақо ўзларини эркин сезишар, Оля чап елкамга, Света ўнг елкамга осилиб олган. Бир маҳал Оля йиғлаб гапиришга тушди. "Менинг бахтим қаро, — деди у кўз ёшининг оқишига ҳам эътибор қилмай.

— Эрсизман, ўзимга маъкул эр тополмаяпман. Ҳамма йигитлар мендан қочади. Мен ҳар кеча эркакнинг кўкрагига бошимни қўйиб ухлашни хоҳлайман!" Света иккаламиз уни авраб, ўзига келтириб олдик. Шундаям у "Менга қўшиқ айтиб берасизлар", деб туриб олди. Мен-ку, умримда қўшиқ айтмаганман. Шун-

дай бўлса-да, Света айтаётган кўшиққа жўр бўлиб, овоз чиқариб турдим. Ниҳоят, Оля ухлаб қолди.

— Хайрият, — деди дугонасининг пишиллаб нафас олишини кўрган Света, — ухлаб қолди. Йўкса, анчагача одамнинг бошини қотирарди. Ўзи доим шунақа, маст бўлиб қолдими, бир нарсаларни эслаб йиғлагани-йиғлаган. Яхшиямки, бу сафар осон кутулдим. Бошқа пайт бўлганда... Бечоранинг дарди кўпда. Майли, буни қўя турайлик. Иккаламиз нима билан шуғулланамиз?

— Билмадим, — дедим мен елка қисиб.

— Қанақасига билмайсан? Эркаксан-ку, айтишимнинг ҳожати бўлмаса керак. Бир нарсани сенга айтиб кўяй: биз ҳарбий хизматдаги одаммиз. Яйраш нималигини билмаймиз. Мана шунақа, фақат йўлда бироз эркин бўламиз, агар шундаям низомга амал қиладиган бўлсак, одамгарчиликдан чиқиб кетамиз, шундаймасми?

— Тўғри, вақтида дам олишни ҳам билиш керак.

— Унда нима қилиб ўтирибсан? Иккита суксурдай қиз сен учун ҳамма нарсага тайёр бўлиб турганда.

Ортиқча гапга ҳожат қолмаганди. Шу боис тортиниб ўтирмасдан кўйлагимни ечдим...

Эрталаб бошим оғриб уйғондим. Кўзимни очиб бироз ётдим. Бироқ кўзларим яна юмила бошлади. Чунки поезднинг бир маромдаги "тарақ-туруқ"и алладай ёқарди. Яна ухлаб қолибман. Тушимга Анна кирди. У оппоқ кўйлақда. Юзимни силармиш, ўпиб кўярмиш. Кейин: "Собиржон, мен энди йўқман бу дунёда. Фаришталарга кўшилиб учиб кетишимдан олдин, сенинг ёнинга келдим. Мен ҳали яна қайтиб келаман. Эсингдан чиқариб кўйма мени! Тезроқ уйғон", дермиш. Мен ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Елкамга бошини кўйиб ухлаётган Света ҳам чўчиб уйғонди.

— Нима бўлди? — деди у менга ҳадиксираб қараб.

— Ҳаммаси жойида, сен бемалол ухлайвер, поезд каттиқ силтаниб, йиқилиб кетай дедим, — дея сумкамни ковлаб, сочиғимни олдим-да, ювинишга кетдим. Ювиниб қайтиб келаётганимда кузатувчига дуч келиб қолдим.

— Қалай, сайёҳ, — деди у илжайиб, — иккитаси кийнаб қўймадимми?

Мен нима деяримни билмай, кулоғимни силаб тиржайиб қўйдим.

— Бўпти, оғайни, — деди у жиддий тортиб, — ўзингга жой топиб олган бўлсанг яхши. Яна беш дақиқадан кейин Польша чегарасига етиб келамиз, эҳтиёт бўл.

Мен нима қилиш кераклигини ўйлаб, Оля билан Света ётган жойга бордим. Уларнинг иккаласи ҳам уйғонишган, нима ҳақидадир гаплашишаётган экан. Киришим билан гаплари бўлиниб қолди.

— Эрик, сен спортчимисан? — сўради Света жилмайиб.

— Йўқ, нимаиди? — дедим мен.

— Ҳаракатинг спортчиларникига ўхшаркан. Бунақа йигитлар аёлларга ёқишини биласанми?

— Афсус, билмасканман. Чунки шу пайтгача аёллар билан бўлмаганман.

— Илтимос, шундай демагин. Қанақалигингни кўрдим-ку. Мана, жойимдан қимирлолмай ётибман, — деди Света Оляга кўзини қисиб қўйиб.

— Эндиги навбат меники, яна мени маст қилиб, бошқа томонга оғиб кетмагин, — деди Оля. Бу гапидан кейин қизлар хандон отиб кулиб юборишди. Мен мийиғимда тиржайиб қўйдим. Чунки ҳозир ичимга чироқ ёкса ёришмасди. Миямдан: "Қаерга яширинсам, қандай қилиб чегарачиларни чалғитаман?" деган ўй кетмасди. Шу боис, чой дамлаш баҳонасида энди чойнакка қўл чўзган эдим, Света ҳожатхонага бориши зарурлигини, лекин эринаётганини Оляга ай-

тиб қолди. Миямга "ярк" этиб бир фикр келди: хожатхона ҳар доим эътиборда бўлавермайди, бунинг устига, поезд тўхташи билан кузатувчи хожатхонани кулфлаб кўяди. Светага энди кеч қолганлигини, поезд тўхтаб турганда хожатхона ишламаслигини айтиб ташқарига чиқдим.

Тезда бориб, чойнакни самовар ёнига қўйдим-да, ўзимни хожатхонага урдим. Поезд секинлаб тўхтади. Танбур томондан икки-учта одамнинг овози келди. Бироз ўтиб, ҳалиги одамлар хожатхона эшиги ёнида тўхташди. Мен кирганда бу ернинг эшигини кулфлаган кузатувчи эшикни оча бошлади. Нафасим ичимга тушиб кетди. Дарҳол сочиқ илгичга оёғимни қўйиб, ўзимни хожатхонанинг шифтига олиб, оёқ-қўлимни тираганча маҳкам қапишиб турдим. Текширувчилар ичкарига киришмади. Эшик ёнида поляк тилида бир нарсаларни гапиришди-да, вагонга ўтиб кетишди.

Поезд жойидан жилмагунча мен ташқарига чиқмадим. Нафасимни ичимга ютиб, жим ўтиравердим. Поезднинг тезлиги ошгач, ташқарига чикиб, самоварга борсам, чойнак йўқ. Балки қизлар олишгандир, деб купега кирсам, ҳали улар жойларидан кимирлашмабдиям.

— Қаёққа йўқолиб қолдинг? — деди Света пешонасини тириштириб.

— Поезддан тушиб, поляк қариндошлар билан бир суҳбатлашиб келдим, — дея алдадим уларни.

— Чойнак қани? — сўради Оля.

Мен елка қисдим:

— Сизлар олиб келмадингларми?

— Менимча, поляк қариндошларингга бериб юборган бўлсанг керак, — деди Света мийиғида кулиб.

Индамай эшикни очиб, ташқарига чиқдим-да, тўғри кузатувчининг ёнига бордим. Кўзимизни шира босиб, хотирамиз сусайиб кетганини айтиб, кузатувчи столи устида турган чойнакни қўлимга тутказди.

Навбатдаги шаҳарга етганимизда, поляк савдогарлари поездга чиқиб, ҳар хил лаш-лушларини пуллашганини ҳисобга олмаганда, тинчгина кетдик. Мен иккала Германияда ҳам биронта бозорни кўрмаганим. Уларда ҳамма нарса, ҳатто картошка-пиёзларгача дўконда сотиларкан. Шу боис, европаликларнинг ҳаммасида шу тартиб амалда бўлса керак, деб ўйлагандим. Бироқ поляклар савдо-сотикдца ҳечам биздан қолишмаскан. Арзимаган чақага талашиб-тортишади, гўё шу билан бойликка кўмилиб қоладигандай. Савдогарлари илоннинг ёғини ялаганга ўхшайди. Алдаб-сулдаб, Оля билан Света у ёқда турсин, ҳатто менга ҳам битта соат пуллаб кетишди.

Кечқурун учаламиз яна ресторанга бордик. Бу сафар ароқ кўп ичилмади. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Қайтиб келганимиздан кейин, ваъда қилганимдай, Олянинг кўйнига кирдим. Света тескари ўгирилиб ётди.

Тунги соат учларга яқин уйғониб кетдим, тушимга Анна кирибди. У мендан хафа, бошқа қизлар билан ётма, дейди. Бир маҳал: "Уйғон, бўлмаса қийналиб коласан", деди. Мен ўрнимдан туриб кузатувчининг хонасига бориб, ундан қаерга келганимизни сўрадим. Ўзимизнинг чегарага етишимизга ўн дақиқа қолибди.

Бу сафар ҳам ҳожатхона шифтига тирмашиб, чегарадан омон-эсон ўтиб олдим.

Эрталаб тахминан соат саккизларда Брест шаҳрига етиб келдик. Тушишга ҳозирланаётган Света дераза ойнасидан ташқарига қараркан:

— Милицонерлар кўпайиб кетибдими? Яна ҳаммасининг қўлида автомат. Илгари бунақа бўлмасдику, — деди. Кўнглим қандайдир хавфни сезди. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди...

Икки кунлик йўлдошларим билан поезддан тушиб кетолмасдим. Гарчи кўчада кўзлари олма-кесак "мен-

т"лар кимни қидираётганини билмасам-да, барибир очикдан-очик тушиб кетишга юрагим бетламаётганди. Дераза ойнасидан уларни кузата бошладим. Улар ҳар бир йўловчининг юзига тикилиб қарар, баъзи эркакларни тўхтатиб, ҳужжатларини текширарди. Мен Света билан Оляга кузатувчида ишим борлигини баҳона қилиб, вагонда қолдим. Ҳамма тушиб кетди. Қарасам, иккита "мент" вагонга чиқаяпти. Дарров купелардан бирига кирдим-да, эшик тепасидаги юкхонага чиқиб беркидим. Орадан беш дақиқача ўтиб, эшик очилди ва кузатувчининг овози келди: "Шунчалик хавфлими?" дея сўрарди у тартиб посбонларидан. "Хавфлиям гапми, одам ўлдириш бўйича Американинг махсус бўлинмасида тайёргарликдан ўтган. Унга бас келиш қийин", дея жавоб килди "мент"-лардан бири йўғон овозда.

Улар купени кўздан кечиришди, бироқ юкхонага қарашмади. Бироқ ичим шунақа музлаб кетдики, эсласам, ҳозир ҳам эгим жунжикади. Тўғри, мабодо ўшанда мени сезиб қолишгандаям иккала мелисани кузатувчига қўшиб бирёқли қилиб, қочиб қолардим-у, аммо қолганлари менинг ҳақиқатан ҳам етиб келганлигимдан хабар топишиб, бутун шаҳарни ғалвирдан ўтказарди. Бу эса менга керакмасди.

Бўшаб қолган поезд ниҳоят жойидан кўзғалди. Шундан кейин юкхонадан тушдим. Тамбурга етганимда, кузатувчига дуч келдим. У мени кўриб бақа бўлиб қолди.

— Сен... сен қаерда эдинг? — деди у тили оғзида ғўладай қотиб.

— Ухлаб қолибман, уйғотмабсан-ку, — дедим мен қулиб туриб, — энди машинангни бир тўхтатиб юборасан, мен тушиб қоламан. Айбингни ювишинг керак-ку.

— Анави... анавилар сени қидиришдими? — дея юрак ютиб сўради кузатувчи.

—Ким? Мен ҳеч кимни кўрмадим. Қани, тез аравангни тўхтат!

Мен одамларга руҳий таъсир ўтказишни яхши эгаллагандим. Ҳатто бу фандан имтиҳонда менга беш кўйишганди. Кузатувчининг кўзига шундай қарадимки, у тормоз ричагини тортиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

—Мана бу ишинг зўр бўлди! — деб вагондан сакраб тушиб қолдим.

Сўраб-суриштириб, марказий йўлга чиқиб олдим. Машиналар у ёқдан-бу ёққа зувиллаб ўтиб қайтар, одамлар қаёқларгадир шошишар, мен эса қаерга боришимни билмай гарангсиз, атрофга аланглардим. Киши шундай пайтда жуда қийналаркан. Ҳамма бегона, ҳамманинг ўзига яраша ташвиши бор. Биргина сен кўчада нима қилишингни билмасдан овораи сарсон бўлиб ўтирибсан. Бекаат томон аста-секин қадам ташладим. Уч-тўрт одам автобус кутишаётир, улар менга эътибор қилишмади. Серрайиб бироз турдим. Шунда автобус кутаётганлардан бири шеригига:

— Анави эълонни ўқидингми? — деб сўраб қолди.

— Йўқ, — деди иккинчиси.

— Бир каллакесар қочибди. Ана, осиб кўйишибди, — деди. Мен беихтиёр у ишора қилган тарафга қарадим. Шу пайт автобус келди. Ҳамсухбатлар автобусга чиқишди. Улар кетишгач, бекаат деворига ёпиштирилган бир парча қоғоздаги эълонга қарадим. Не кўз билан кўрайки, унда менинг суратим акс этган, тагига эса қидирилаётганим ёзилганди. «Ўта хавфли жиноятчи» эканим катта қора ҳарфларда битилганди. "Энди тамом, қўлга тушдим, мени кўрган одам дарров милицияга хабар беради". Аммо негадир ички бир ишонч бунақа бўлмаслигини уқтириб турарди. Шу боис, кўнглимдаги ҳадик тезда ўтиб кетди. Такси тўхтатдим-да, Киев йўлига олиб бориб кўйишини сўрадим. Ҳайдовчи мени кўриб хавотирга тушмади.

"Ўтир, обориб кўяман", деди кискагина қилиб. Биз йўл-йўлакай гаплашиб кетдик. Ўзимни билмаганга солиб, ҳаммаёққа эълони осиб ташланган жиноятчи хақида сўрадим. У қўлини силтади-да: "Бўлмағур гап, — деди, — шунақа қилгани билан уни биров тутиб берармиди? Ўзи давлатнинг ағдар-тўнтари чиқиб ётибди-ку, қаердаги жиноятчига биров эътибор қилармиди? Ана, прибалтикадагилар ажралиб чиқамиз, деб томоқ йиртишяпти. Ажабмас, бизгаям уларнинг шамоли етиб келса. Ундан кейин, ҳаммаёқда қайта куриш, деган ғалва. Ҳайронман, тепадагилар ўтирволиб ўзларича нималарни ўйлаб топишяпти. Ўзинг ўйла, шундай пайтда арзимас бир жиноятчи билан кимнинг иши бўларкан?" Ҳайдовчининг гапидан кейин кўнглим анча кўтарилди. Уйга етиб олсам бежавотир яшайман, деб умид қилдим. Аслида, Анна билан хайрлашаётган маҳалда: "Барибир уйга борганидан кейин ҳам мени тинч қўйишмайди, уйдагиларга соғ-саломат эканимни маълум қилиб, бу ёққа қайтиб келсам керак", дегандим. Энди бўлса, отаонам ёнида яшашимга озгина умид пайдо бўлган эди.

Киевга борадиган машинани кутиб, ярим соатдан зиёд туриб қолдим. Мен кўл кўтарган машиналарнинг деярли ҳаммаси тўхтар, бироқ "Киевга", десам хайдовчилар бош чайқарди. Ниҳоят, бир "КамАЗ" хайдовчиси: "Бораман", деди. Хурсанд бўлиб кетдим. "Йўл узок, боргунча зерикиб кетаман деб ўйловдим, хайрият шерик топилди", деди у тиржайиб. Ҳайдовчининг исми Саша экан. Дарров у билан чиқишиб кетдик. Ўзиям қайнар булоқ — ичидан гап қайнаб чиқаверади.

Тинимсиз гапирганидан баъзан оғзидан кўпик сачрайди. Ёшлигимда шунақа одамларни яхши кўрардим. Ўзи кўп гапирган одамнинг кўнглида кири бўлмайди, дейишади. Бунинг устига, Саша гавдали,

овози дўриллаган. Бесўнақайлиги машина ҳайдашидан кўриниб турарди.

— Мен сенга айтсам, ҳайдовчилар философ бўп кетишади. Йўлда қанчадан-қанча одамларни кўрасан, гаплашасан. Малаканг ошиб бораверади, сўнг исталган кимсанинг кимлигини бир қарашдаёқ айтиб берадиган бўлиб қоласан. Мана, масалан, сен камгап, содда ва бегуборсан. Шундайми, топдимми? — деди у йўлдан кўзини узмай.

— Ҳа, ҳақиқатга яқинроқ, — дедим мен кулиб.

— Ана кўрдингми, биламан. Хўш-ш, Брестда қариндошим бор, деддингми?

— Бир пайтлар, уруш даврида қолиб кетган, амаким. Қариб қолибди. Мени аввал танимади. Кўзи ўтмай қолибди. Отамнинг исмини айтганимдан сўнг кучоқлаб роса йиғлади, бечора. Иккита ўғли бор экан. Улар ҳам бола-чақали бўп кетишибди. Биттаси Москвада ишларкан. Иккинчиси Киевда. Амаким менадан икки ёш кичкина набираси билан тураркан. Лекин амакимнинг хотини ўлиб кетибди, шунга бироз қийналиб қолибди. Уйга бориб, отамга айтиб, юртимизга олиб кетмоқчиман, — дедим жиддий қиёфада.

Очиғи, қандай қилиб ёлғонни чиндай тўкиб ташлаётганимга ўзим ҳам ҳайрон эдим. Кутилганидек, Саша ҳамма гапларимга ишонди. Амакимга бироз ачинди ҳам. Шундан кейин гапимиз узилди. Саша ҳам, мен ҳам чуқур ўйга чўмдик. Ота-онам, умуман, оиламиз ҳақида ўйладим. Уларнинг ҳар бирини хотирамда тиклашга ҳаракат қилдим, аммо бирортасининг юз-кўзини эслолмадим. Шу бўйи кўзим уйқуга кетибди. Бир пайт Сашанинг: "Ким экан булар?" деган ташвишли товушидан уйғониб кетдим. Кўзимни очиб, йўлга қарасам, йўлнинг ўртасида бир машина кўндаланг бўлиб турар, атрофида уч киши куймаланишарди. Саша машинани тўхтатиб, деразадан бошини чикарди-да:

— Тинчликми? — дея сўради. Машина ёнида куй-маланаётганлардан бири Саша томонга яқинлашиб келди-да:

— Оғайни, қарашиб юбор, моторнинг мазаси қочганга ўхшайди. Аксига олиб, учаламиз ҳам ҳайдашдан бошқага ярамаймиз, — деди.

Саша эринибгина пастга тушди. Мен ҳам хожат раво қилиш учун машинани тарк этдим. Йўл четидagi қайин дарахти орқасига ўтиб ишимни битириб қайтиб келаётсам, ҳалигилардан бири Сашанинг биқинига пичоқ тираб турганига кўзим тушди. Ёнидаги шеригининг қўлида тўппонча бор. "Оббо, бу ёғи энди неча пулдан тушди?" дея ўйладим. Аста уларнинг ёнига борарканман, тўппонча ушлаб турган йўлтўсар:

— Имилламай кел! — дея бўқирди. Мен қадамимни бироз тезлатдим-да, дарров вазиятни ўрганиб чиқдим. Уларни бир ёқлик қилиш осон эди, бунинг учун ёнларига етиб борсам бўлгани. Бироқ режам амалга ошмай қолди.

— Тўхта! — дея амр қилди йўлтўсар. — Ерга ёт!

Мен дарров унинг айтганини бажардим. У тепамга келди-да:

— Кимсан? — дея сўради.

— Йўловчиман, — дедим ётган ҳолимда.

— Мана бу эмасмисан? — дея ёнимга бир парча қоғоз ташлади у.

Секин бошимни кўтариб қоғозга қарасам, Брестда кўрганим — ўша эълондан бир нусха!

— Ким бу? — дедим ўзимни гўлликка солиб. Айни дамда хаёлимдан: "Наҳотки қўлга тушган бўлсам? Бунча тез... бўлиши мумкин эмас", деган фикр ўтди.

— Танаймайсанми?

— Йўк.

— Унда чўнтагингдагини чиқар, — дея буйруқ берди

— Чўнтакда ҳемириям йўк!

— Шунақа дегин, бизни лақиллатмоқчимисан? Ҳозир кўрамиз, — деди-да, «Петка!» дея шеригини чақирди. Шериги югуриб келиб чўнтақларимни титкилай бошлади. Чўнтагимда иккита юзталиқ АҚШ доллари ва тўрт юз дойч марка борлиги ёдимга тушди. Петя уларни топди-да:

— Мана буни қара! — деди қувноқ овозда.

— Ў-ў-ў, — деб юборди тўппонча ушлаб турган йўлтўсар, — даҳшат-ку! Қани, йигитча, ўгирил-чи, башарангга яхшилаб қараб олай.

Мен ўгирилдим. Тепамда ҳалиги йигит хунук иржайиб турарди. У яхшилаб разм солди-да:

— Адашишим мумкин эмас. Сен ўша қидирувдаги жаллодсан. Боя сени узоқдан кўрганимдаёқ танигандим. Биласанми, сенинг бошинг учун қанча беради? Юз минг рубл! (Бу тахминан юз эллик минг доллар атрофида).

— Йигитлар, кабинадаги сумкам ичида яна пул бор, олинглар-да, мени қўйиб юборинглар, илтимос, — дедим ялинчоқ оҳангда.

— Юз минг чиқадими? — дея сўради чўнтагимни "супуриб" олган йўлтўсар.

— Ҳар қалай, шунга яқинроқ.

Мен шундай дейишим билан тўппонча ушлаган йигит шеригига қаради ва шу дамда у катта хатога йўл кўйди. Мен унинг оёғидан ушладим-у, бир сакраб башарасига тепдим. У шундоққина ёнимга қулади. Яшин тезлигида қўлидаги тўппончасини олиб, Сашанинг биқинига пичоқ тираганча биз томонга анқайиб қараб турган йигитнинг пешонасини мўлжаллаб ўқ уздим. У овоз чиқаришга ҳам улгурмай орқасига қулади. Менга шу пайтгача дўқ-пўписа қилаётганининг эса, кўкрагидан отиб ташладим. Учинчиси ўзини оёғим остига ташлаб, ўкириб йиғлашга тушди. Ялиниб-ёлвориб, ўлдирмаслигимни илтижо қилди. Бу

пайтда Саша ёнимга келган, ачиниб, ерда юмалаб ётган одамга қараб турарди. Менинг эса, мутлако бошим қотди. Уни ўлдиришимни ҳам, ўлдирмаслигимни ҳам билмасдим. Агар унга ичим ачиб ташлаб кетадиган бўлсам, дарров бориб мени сотади. Шу пайт Саша кўлини елкамга қўйди.

— Қўявер, яшасин, — деди. Мен уни қўйиб юбордим. Бундай қилмаслик кераклигини ўзим яхши англаб турардим. Бироқ кўнглим бўлмади. Йўлтўсарларнинг "Жигули"сини Саша "КамАЗ"и билан яқсон қилгандан кейин, йўлимизда давом этдик. Ярим соатлар чамаси миқ этмай йўл босдик. Фақат орасира Саша хўрсиниб қўярди.

— Бўлди! — дедим охири унинг хўрсинишларига чидолмай. У менга бир қараб қўйди-да, индамади. Яна жимжитлик. Бундай ҳол яна қанча давом этиши тумкин? Наҳотки Саша манзилга етгунча тилини тишлаб кетса... Уфф, жонимга тегиб кетди! Ҳеч қачон бунақа ахволга тушмаганман. Тўғри, мен кун бўйи гапирмасдан, бировнинг гапини ҳам эшитмасдан юра оламан. Аммо ҳозирги жимлик юракни эзиб юборадиган даражада оғир эди.

— Тўхтат машинани! Тушаман мен, — дедим жаҳл билан.

— Тўхтатмасам ўлдирасанми мениям? — деди Саша юзимга қараб.

— Йўк!

— Ашаддий жиноятчини машинага миндирганимни билмаган эканман.

— Адашасан.

— Анавилар шунақа дейишди-ку.

— Мен Совет Иттифоқи худудида биринчи марта қотиллик қилишим. Шу пайтгача мана шу давлат учун ишлаганман. Энди мenden бошқа нарса сўрама, — дедим жаҳлим чиқиб.

Шу гапимдан кейин Саша биров ўзгарди. Қандай-

дир кўшиқни хиргойи қилди. Ёрдам берганим учун менга раҳмат айтишни ҳам унутмади.

Мен тирик қолдирган Петка "мент"ларга сотмади шекилли, ҳеч ким бизнинг ортимиздан қувиб келмади. Киевгача эсон-омон етиб олдик. Шаҳарга кириб келганимиздан кейин Саша машинани тўхтатди-да, менга қараб:

— Энди қаёққа борасан? — дея сўради.

— Москвага, ундан кейин поездга чиқиб уйимга кетаман, — дедим мен.

— Бугун кеч бўлди. Менинг уйимда қоласан. Эртага эрталаб ўзим сени кузатиб қўяман, — деди у. — Ҳарқалай, мен сенинг олдинда қарздорман. Ҳеч бўлмаганда, меҳмон қилиб қарзимнинг ярмини узай.

— Шарт эмас, — дедим мен.

— Ўжарлик қилма. Сотиб қўяди, деб хавотирланма ҳам. Икки кунда сен билан кадрдонлашиб қолдик. Ёмон одам эмаслигинга юз фоиз ишончим комил бўлди, — деди у.

Мен индамадим. Сукутни розилик белгиси, деб тушунган Саша машинасини қинғир-қийшиқ йўллардан ҳайдаб кетди. У шаҳар чеккасида турар экан. Тўрт қаватли бинонинг биринчи қаватида. Бизни ҳеч ким кутиб олмади. Машинадан тушдик-да, юкларни кўтариб Сашанинг уйи томон юрдик. Остонада эрини ўпиб кутиб олган Таня (йўл-йўлакай Саша менга хотинининг исми Таня эканлигини айтганди) менга салом берди, холос.

Меҳмонхонага кирганимиздан сўнг Саша хотинига тезда дастурхон тузашни буюрди. Шу пайт кўринишидан ўн олти-ўн етти ёшлар атрофидаги бир қиз кириб келди-да, "Дадажон!" деб Сашанинг бўйнига осилди. Саша оиласи ҳақида гапирганда, қизи тўғрисида ҳеч нима демаганди. Бунинг устига, Саша кўринишидан анча ёшга ўхшарди. Шу боис, мен бироз хайрон бўлиб турдим.

— Дада, бу йигит ким? — сўради қиз жилмайиб. Унинг овози ниҳоятда майин эди. Оқбадан, зангор кўзли, қоп-қора сочли бундай санамнинг овози бош-кача бўлишини тасаввур этиш мушкул. Нимагадир мана шундай чиройли қизларнинг овози, албатта, майин бўлади, деб ўйлаймиз. Жуда кўп ҳолларда бу тўғри чиқади.

— Бу менинг ўртоғим, исми Собир, танишиб олинглар, — деди Саша. — Қизимнинг исми Алёна.

— Хурсандман! — деди Алёна майин жилмайиб. — Лекин, дада, ўртоғингиз жудаям ёш-ку. Укам десангиз ярашармиди?

— Бунинг ўзи ёш бўлгани билан, калласи меникидан ҳам ақлли. Сенинг анави оғзидагини базўр чайнаб ютадиган ўртоқларингга ўхшамаган.

— Кўрамыз, ким ақлли экан? — деб Алёна бўш столлардан бирига ўтирди. Умуман, қизнинг келгани дуруст бўлди, чунки мен "Саша билан энди нимани гаплашамиз?" деб ўйланиб тургандим.

Алёна отасига ўхшаб кўп гапирмас, зимдан менга қараб кўяр, ора-сира илмоқли, севгига мойил саволлар берарди. Таня дастурхон тузаб бўлгач, ёнимизга келиб ўтирди. Бу пайтда Саша Брестда қилган ишлари ҳақида гапирарди. Эътибор бериб қарасам, оилада эркинлик ҳукмрон. Алёнага ўн саккизга кирмагани учун спиртли ичимлик узатилмаган бўлса-да, Таня эркаклар билан тенг ичар, эри билан баъзи масалаларда тортишар, ўрни келганда, уришиб кўярди. Шубҳасиз, Алёна ҳам орага кўшилиб кетаверарди. Ҳатто у янги танишган йигити ҳақида бемалол гапириб берди. Саша қизидан аввалги юрган йигитини сўраганда, у кўлини силтаб кўя қолди. Агар бизларда қиз бола йигити ҳақида тўлиб-тошиб гапириш у ёқда турсин, биронтаси билан танишганига ишора берса борми, нақ терисини шилиб сомон тикиб кўя қолишади.

Вақт алламаҳал бўлганида Саша: «Энди дам ола- миз», деди. Алёна менга ажратилган хонага кузатиб борди-да:

— Кечаси сиз билан гаплашиб ўтирсам нима дей- сиз? — деб сўради.

— Бемалол, — дедим мен кулиб. — Фақат даданг мен билан гаплашиб ўтирганингни кўрса, хафа бўлмайдими?

— Йўқ, индамайди. Меҳмоннинг дам олишига ха- лақит берма, дейиши мумкин, холос. Лекин мен ха- лақит бермайман, агар жуда уйқунгиз келса, чиқиб кетаман, — дея Алёна ортига бурилди. Мен ўрин- диққа чўзилдим. Чарчаган эканман, дарров кўзим илинди. Орадан тахминан бир соатлар ўтгандан кей- ин Алёна кириб келди. У мени сезмайди, деб ўйлади шекилли, секин юзимни силади. Мен индамай ёта- вердим. Кейин у узун сочини юзимга теккизиб, ғашимни келтирмоқчи бўлди. Хушбўй хид уфураёт- ган соч ғашимни келтириш ўрнига, роҳат бағишлар- ди. Менинг уйғонмаётганимни кўрган Алёна чуқур хўрсинди-да, энди кетмоққа шайланган маҳал кўли- дан маҳкам ушладим:

— Қаёққа, яхши қиз? — дедим кулиб.

— Вой, кўркитиб юбордингиз! — деди Алёна.

— Шу ергача кўркмай келибсан, энди бу ёғидан умуман кўркмасанг ҳам бўлади, — дедим шивирлаб.

— Сочингнинг хиди жудаям хушбўй экан. Қани энди, шундай сочни бир умр хидлаб ётсанг.

— Мен сочимни хидлатгани келмагандим. Шунча- ки сиз билан гаплашиб ўтирмоқчийдим. Кўзимга сир- ли кўриндингиз. Бунақа йигитлар билан гаплашгим, ичидаги гапларини билгим келади, — деди у ва де- раза ёнидаги стулни менга яқинроқ суриб келиб ўтир- ди.

— Хўш, нима ҳақида гаплашамиз? — дедим мен кўлимни бошимга тираб Алёнага қараб ётарканман.

— Ҳамма нарса ҳақида гаплашаверамиз. Умуман, мени йигитларнинг ички олами қизиқтиради. Йигитлардан танишларим кўп, улар билан гаплашмаган нарсам қолмаган ҳисоб. Лекин барибир қоникмаганман. Барибир эркак зоти, айниқса, сизга ўхшаганларнинг дунёси бўлакча-да.

— Билмадим, бу ҳақда ҳечам ўйлаб кўрмаган эканман. Масалан, мен аёллар нима ҳақида кўпроқ ўйлашини ҳануз билмайман. Бундан кейин ҳам билолмасам керак. Умуман, бировнинг ичидаги гапни топишга уриниш шартми? Барибир, одам бировни ҳеч қачон тушуниб етолмайди. Ҳатто энг яқин қариндошлар ҳам. Шунинг учун бошқа нарсалар тўғрисида гаплашганимиз маъқул.

— Нима ҳақида?

— Сен билан менинг ёшимдагилар мана шундай кечада, битта уйда қолишса, нима ҳақида гаплашишади?

— Муҳаббат ҳақида.

— Бўлмаса, биз ҳам шу ҳақида гаплашаверамиз.

— Яхши. Унда айтинг-чи, севган қизингизнинг исми нима? У чиройлими?

— Агар мен севганим йўқ, десам ишонасанми?

— Асло. Бўлиши мумкин эмас. Шундай йигитни эътиборсиз қолдиришса, қизлар кўр бўлишади.

— Афсуски, ҳаммасининг кўзи очик. Кўзлари меникидан яхшироқ кўради. "Сорт"им пастроқ шекилли, қараб ҳам қўйишмайди.

— Мен қарадим-ку, йигитим бўлсаям.

— Сен... сен адашган бўлсанг керак.

— Унақамас...

Иккаламизнинг кўзимиз тўқнашди. Чироқ ўчирилган, лекин деразадан мўралаган ой ёғдусида бир-биримизни бемалол кўриб турардик. Бир муддат шу зайл тикилишиб қолдик. Кейин у секин менга яқинлаша бошлади. Ниҳоят лабларимиз туташди... Алёна

бутун борлиғини менга топширган маҳал, ўзимни тийдим. Чунки бу ишни қилсам, эрталаб Сашанинг юзига қаролмай қолишим мумкин эди. Ўзимни тортганимни сезган Алёнанинг жаҳли чиқиб кетди. У "Аҳмоқ", дея юзимга тарсаки туширди-да, хонадан чиқиб кетди. Афтидан, унинг хонаси мен ётган хонанинг ён томонида эди, орадан бир дақиқа ҳам ўтмай деворнинг нариги томонидан йиғи овози келди. Алёнанинг йиғиси юрагимни ўртаб юборди. Ўзимни айбдордай ҳис қилдим. Бир хаёл ёнига бориб кечирим сўраб, унинг истагини амалга оширсамми, деб ҳам ўйладим. Лекин тезда бу фикрдан воз кечдим. Чунки Алёнанинг ҳиссиётидан кўра, Сашанинг олдида ноқулай аҳволга тушиб қолиш мен учун оғирроқ эди.

Эрталаб кўзимни очсам, аъзойи баданим дағ-дағ калтираб, оғзимдан ёқимсиз ҳид анқиётир. Афтим бужмайиб, ўрнимдан тураман десам, бошим орқага оғиб кетди. Шу аҳволда кўзимни юмиб ётдим. Орадан ярим соатлар ўтгандан кейин хонага Алёна кирди. У менга қарамаган кўйи: "Нонушта тайёр бўлди", деди. Мен "Ҳозир", дея ўрнимдан тураётганимда бошимда кучли оғриқ турди, "имм", деганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Алёна югуриб келиб бошимдан тутиб:

— Нима бўлди?! — дея сўради хавотирланиб.

— Бошим, озгина оғрияпти, — дедим мен.

— Иситмангиз ҳам бор, — деди Алёна, сўнг югурганча ташқарига чиқиб кетди. Бироз ўтиб, у онасини эргаштириб қайтиб келди. Таня пешонамга кўлини теккизиб кўрди-да, эрига қараб:

— Иситмаси анча баланд, — деди бош чайқаб, — хозир битта укол қиламан, яхши бўп кетади.

— Кеча машинада терлаб келаётганимизда ойнани очганди, — дея касаллигимнинг сабабини аниқлаган бўлди Саша.

— Сен бўлсанг, қараб келавергансан унинг шамоллашига, — кесатди Таня эрига.

— Энди жа қараб келганим йўқ, ойнани ёпиб қўй, деб икки марта айтдим. Ўжар-да, айтганимни қилмади, — ўзини оқлаган бўлди Саша.

Ўша куни кечга бориб иситмам тушиб, бироз ўзимга келдим. Алёна, хафа қилганимга қарамай, атрофимда гирдикапалак бўлди. Овқату чой-нонни шундоққина ёнимга келтириб қўйди. Бахтимга, Таня дўхтир экан, муолажаларни ўзи қилди. Хуллас, думбамга уч-тўртта игна урганидан сўнг, кечга бориб ўрнимдан туриб, деразани очдим-да, чуқур нафас олдим.

Кечқурун Саша базм уюштирди, маза қилиб ўтирдик. Мен Алёна билан раксга тушдим. У раксга тушаётиб отасига мендай йигитни уйига бошлаб келганлиги учун раҳмат айтди, ёқтириб қолганини яшириб ўтирмади. Қулоғимга эса: "Сени севиб қолдим", дея пичирлади сенсираб. "Сен биз келганимизда бошқа йигит топганингни айтгандинг-ку", дедим мен ҳам унинг қулоғига пичирлаб. "У ўткинчи. Севмагандим уни. Шунчаки қайсидир қилиғи ёққанди. Бун севиш деб бўлмайди", деди у ҳазин товушда.

Ўша оқшом кундузи ухлаганимданми, уйкум келавермади. Яна Алёна келди. У ички кийимда, фаришталарга ўхшарди. Келди-ю, ўтган галдагидай тортиниб ўтирмасдан, бирдан кучоклаб олди. Бу сафар мен ўзимни тутиб туролмадим... Чанқоғи қонган Алёна ҳолсизланиб кўкрагимга бош қўйиб: "Кетма, кетсанг мен қийналиб қоламан. Қол. Биз билан яшай-верасан. Дадам сенга иш топиб беради. Оила қура-миз. Мана кўрасан, мен сенга садоқатли хотин бўламан. Менга уйланганингдан ҳечам афсусланмайсан. Бахтли қиламан сени!" деди. Аммо мен унинг айтганини қилолмасдим. Нима бўлсаям ота-онамнинг ёнига боришим керак эди. Улар мени кутишяпти.

Энам шўрлик ҳар куни йўлимни пойлаб, йиғлаётган бўлсаям ажабмас. Лекин бу қизниям кўнглини ўқсотиб бўлмасди. Тўғриси айтсам, менга ёқиб қолганди. Анна билан, поезддаги қизлар билан яқин муносабатда бўлдим, уларнинг истагинигина бажардим, холос. Бироқ биронтаси юрагимни жиз эткизмади. Алёна эса...

— Нега жим бўлиб қолдинг? — дея сўради у секин бошини кўтариб менга қараркан. — Қоласанми мен билан? Сенга ишонайинми?

— Билмадим. Ҳозир бир нарса деёлмайман. Аввал мен уйга етиб олишим керак...

— Биламан, кейин қайтиб келмайсан. Ўтган йили битта дугонам бухоролик йигит билан севишиб қолди. У шу ерда ҳарбий хизматда эди. Хизматини тугатгандан кейин уйга бир бориб келай, деб кетганча қайтмади. Дугонамнинг қанчалик қон йиғлаганини билсанг эди. Номард, ҳатто бирор марта хат ҳам ёзмабди. Шунинг учун уйга бориб, кейин ёнингга қайтиб келаман десанг, сендан умрбод хафа бўламан, — деди Алёна кўрагимга қайта бош қўйиб.

Мен боши берк кўчага кириб қолгандим. Алёна оғзимни очмаёқ ичимдаги гапни ўзимга айтиб қўяқолганди. Бироз жим ётдим. Алёнанинг ўзи бир нима дер, деб кутдим. Адашмабман, у хўрсиниб, бироз ўйланиб ётди-да, сўнг гапира бошлади:

— Сени тушунаман, икки кун ичида севиб қолиш... ўзи бўлмайди. Қолаверса, сен менга бирор ваъда берганинг йўқ. Балки шундай қилганинг маъкулдир.

Мен индамай кўзимни юмдим. Ҳамма нарсани хаёлимдан соқит қилмоқчи бўлдим. Лекин бу жуда қийин, бунинг учун вақт керак эди.

Эрталаб ҳаммадан аввал уйғондим. Турганимни тун бўйи мен билан бирга ётган Алёна ҳам сезмади. Нарсаларимни йиғиштириб, кетишга шайландим. Алёнага қарадим, уни уйғотишим керак эди. Ота-онаси

келиб қолса, ноқулай аҳволга тушиб қолардим. Айни пайтда у ширин ухлаётган, уйқусини бузишга одамнинг кўнгли бўлмасди. Ярим соатлар чамаси унинг қошларига, қалин киприкларига, оппоқ силлиқ юзига термилиб ўтирдим. Кейин уй ичида оёқ товуши пайдо бўлгач, уни уйғотдим. Аввал кўзини очмай, норозиланиб тўнғиллади. Менинг овозимни эшитгач, ўрнидан сакраб турди.

Худди Брестдан келганимдай йўл машинасида Москвагача кетмоқчи бўлдим, бироқ Саша унамади. Хотинига эшиттирмай қулоғимга: "Йўлда рэкетчилар кўпайиб қолган, яхшиси, поездда кетганинг маъқул", деди. Мен бош ирғаб тасдиқладим.

Поездга чиқаётганимда Алёна ота-онасининг кўз ўнгида мени кучоқлаб олди ва: "Хеч курса, ёлғондан бўлсаям келаман дегин. Шугина гапни ҳам мендан дариғ тутма!" дея йиғлади. Мен ваъда бердим...

Поездда мен билан бир купеда кетаётган қари кампир билан чол ҳозирги тузумнинг авра-астарини чиқариб ёмонларди. "Тепадагиларни пешонасидан отиш керак. Давлатни хароб қилишди. Нима эмиш, тўртбеш йилдан кейин бизда уй-жойсиз одам қолмасмиш. Бу ёғи давлатингнинг таги чириб турган бўлса, онангникидан оласанми шунча иморатни?" дерди чол буришиб-тиришиб кетган башарасини баттар бужмайтириб. Унинг гапига кампири эътироз билдирар, давлат унга арзимаган хизмати учун отнинг калласидай пенсия бераётганини қайта-қайта уқтирарди. Шундан кейин улар орасида тортишиш, қарғаш-сўкиш авж олиб кетди. Мен аввал уларнинг гапларига кулиб қараб келаётган эдим. Бир пайт, кампир чолини савалашга чоғланди. Чол нимжонгина, яна уриб майиб қилиб кўймасин, деб уларни чалғитишга тушдим.

— Қаранглар, қаранглар, — дедим ўзимни ҳовлиққан кўрсатиб.

Икковиниям уни ўчди-да:

— Нима? Нима? — дейишиб ёнимга келишди.

— Кийик, ҳозиргина ўрмон ичига кириб кетди.

— Оббо! — деди чол.

— Умрингда кийик кўрмаганмисан? — деди кампир. — Уйи ўрмонда бўлгандан кейин шу ёққа кирди-да.

— Лекин зўр югурди-да, — дедим мен уларни чалғитиш учун.

— Уфф! — деди чол. — Ҳозирги ёшларга нима бўлган ўзи? Сал нарсага ҳовлиқиб қолишади. Ўзи сен боядан бери нега дераза олдида турибсан ёруғни тўсиб?

— Шунчаки, томоша қилиб турибман, — дедим хайрон бўлиб.

— Қоч, у ерда турма, менинг юрагим сиқилади.

Тортишиб ўтиришни ўзимга эп кўрмай, жойимга

чикдим-да, ёстикқа бошимни кўйиб, кўзимни юмдим. Лекин уйқум келавермади. Бунинг устига, кампири билан иноқлашиб қолган чол шанғиллаб газета ўқиб бера бошлади. Бунақа шовқинда кўзга уйқу инадими?!

Аввал чолнинг нимани ўқиётганига эътибор қилмагандим. Аммо: "Қара, яна битта бандит ҳақида ёзишибди", дея чол мен ҳақимдаги маълумотларни ўқий бошлагач, сергакландим ва энгашиб қарадим. Газетада суратимни ҳам беришибди. "Шу етмай тувривди, энди қари чол билан кампирдан ҳам яширишимга тўғри келади".

Жойимдан кимирламай беш соатча ётдим. Бу орада улар уч марта уришиб ярашишди. Энди газетани эсидан чиқаргандир, деб ўйлаб пастга тушдим, ҳартугул улар бир-бирига тесқари ўгирилиб, жойларига ётиб олишибди. Секин купедан чиқиб, ювиниб келсам, чол қурмағур ўтирволиб яна газета ўқияпти. Мен унга эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, секин жойимга чиқаётсам:

— Отинг нима? — деб сўраб колди у.

— Аҳмад, — дедим атайлабдан қошимни чимириб.

— Аҳмад бўлсанг ўзингга, нима менга жаҳл қиласан? — деди чол. — Мен сенга манави бандитга ўхшаб кетишингни айтмоқчи эдим.

— Қайси? — дедим ўзимни гўлликка солиб.

— Ўхшармикан? — деди чол менга тикилиб.

— Ҳмм, — дедим мен бошимни кимирлатиб, — ўхшаркан, лекин менинг отим Собир эмас. Ундан кейин мен ўзбек эмасман, татарман. Ишонмасангиз, хужжатимни кўрсатаман.

Чол менга ишонқирамай қараб турди-да, кейин яна жойига ётиб олди.

Икки кун деганда Москвага етиб бордик. Чол билан кампир бошқа уришишмади, кам гаплашишди. Мен уларнинг нега бундай бўшашиб қолишганига хайрон эдим. Сабабини манзилга етиб борганимиздан кейин билдим.

Деразадан ташқарига қарасам, вокзалга мелиса тўлиб кетибди, худди Брестда бўлганидай деярли ҳаммасида автомат. Миямга: "Сассиқ чол сотибди", деган фикр келди-ю, вазоҳат билан чолга қарадим. У кампирига тикилиб олган, дағ-дағ қалтирарди. Тишимни тишимга босиб, жомадонимни олиб ташқарига чиқдим. Орқамдан чол нимадир деб мингиллади, бу пайтда мен эшитадиган аҳволда эмасдим. Тез-тез юриб танбурга чиққанимда кузатувчига дуч келдим. У мени кўрди-ю, ранги оқариб кетди. Энди ҳеч нарсани яшириб бўлмасди.

— Эшикни оч, — дедим муштимни тугиб.

— Менда айб йўқ, — деди кузатувчи кўрка-писа, — анави чол бригадирга айтиб, машинистлар орқали вокзалга хабар берибди. Менинг умуман хабарим йўқ. Мен... Менинг иккита болам бор... Бири...

— Оч эшикни! — бўкирдим унга. — Ҳозир болангни онасига қўшиб кўрсатиб қўяман.

Кузатувчи шоша-пиша эшикни очди. Мен секинлашиб бораётган поезддан сакраб тушиб колдим. Ортимдан:

— Қочди-и! — деган кичкириқ эшитилди. Поездининг тўхташини кутиб турган "мент"лар бирдан овоз келган томонга қарашди...

Йигирма қадамлар чамаси югурдим. Қарасам, олд томонимдан ҳам менга қараб тўртта басавлат йигит югуриб келаяпти. Ўзимча: "Тўғридагиларни бир ёқлик қилиб ўтиб кетаман", деб ўйлаб, жомадонимни отиб юбордим-да, тезлигимни оширдим. Кутилмаганда тўғридагилар бирдан тўхташди-да, ёнларидан тўппонча чиқаришди.

— Тўхта! Ерга ёт! — дея бақирди биттаси.

Чорасиз қолгандим. Агар айтганини қилмасам, улар мени отиб ташлашлари турган гап. Ерга ётишим билан улар ўлаксага ёпирилган қузғундай менга ташлашнишди. Бирови қўл-оёғимни кишанлади, бошқаси чўнтақларимни тинтиб чиқди. Биттаси биқинимга тепди. Ўрнимдан турғазишгандан кейин "ит"ларнинг юзига бирма-бир қараб чиқдим. Улар мени қўлга туширганларидан хурсанд эди. "Кўрамиз, қачонгача чўзиларкан бу хурсандчилик?" дея хаёлимдан ўтказдим.

Машинада олиб кетишаётганларида қочишнинг иложи бўлмади. Ўта хавфли жиноятчиларни қабул қиладиган камокхонага етгунча, тўртта кўрикчи автоматини менга қаратганча киприк қокмай боришди. Менинг уйга етиб олиш орзуйим саробга айланган эди. Алёнанинг гапига кириб, унинг ёнида қолмаганимга афсусландим. Уйга сал кейинроқ, "эскирган"имдан сўнг борсам ҳам бўларди. Энди кечроқ бориш ҳам насиб этмайдиганга ўхшаб турибди. Ишқилиб, булар мени бирдан ўлдириб юборишмасин-да. Озгина имконият беришса, шунинг ўзи менга етарли бўларди.

Хаёлга берилиб, манзилга етганимизни сезмай қолибман. Машинадан тушиб, камерага борарканман, ҳамма менга қизиқиш билан қарарди. "Қўлга туширишларинг жуда қийин, деб оғиз йиртишганди. Оддий безорини ҳам бунчалик осон ушлаб бўлмайди", дея кулган "мент"ларнинг гаплари қулоғимга чалинди.

Мени камерага қамаганларидан сўнг орадан ярим соат ўтмай, иккита қоровул келиб олиб чикди. "Нахотки, бир оғиз сўроқ қилмасдан отиб ташлашса?!" деб ўйладим. Ҳартугул, аввал бошлиқ ёнига олиб боришди. Бу мен учун берилган ягона имконият эди. Қалин мўйловли, бўйи икки метр келадиган, қориндор подполковник менга кўзи тушиши билан тиржайди.

— Бизни қанчалик соғинтирганингни билсанг эди, биродари азиз!.. Сени қидирмаган жойимиз қолмади-ку. Қани, ўтир, бир сен билан гаплашиб олай. Иш бўлса қочмас. Нима дединг? — деди у.

— Оёқ-қўлим боғланган, яхшиси, тик турақолай, шунда менга қулайроқ бўлади, — дедим унинг кўзига тик қараб. Айни пайтда уни гипноз қилишга киришаётгандим.

Подполковник қоровулни чақириб, қўл-оёғимни бўшатишни буюрди. Кишандан бўшатишга захоти қоровулнинг томоғига тирсагим билан зарба бердим. У бир марта "ҳиқ" этди-ю, полга кулади. Подполковник эса менга ташланди. Аммо чакқонлик қилиб, оёғи ҳавога кўтарилганда энгашиб бутига мушт туширдим. Бечора йиқилди-ю, оғриқнинг зўридан инграб юборди. Қарасам, қоровул ўрнидан тураяпти. "Бекор ўрнингдан турдинг-да", дея товоним билан белига зарба бердим. У шу ётганча қимирламай қолди. Дарров подполковникнинг камарини ечиб олиб, оғзидан ўтказиб боғладим. Сўнг полда ётган кишан билан унинг қўлини кишанладим-да, орқа миясига зарба

бериб хушидан кетказдим. Қоровулнинг кийимини ечиб, ўзим кийиб олдим. Ҳартугул, бу кийим озодликка чиқиб олишимга, озгина бўлса ҳам, ёрдам берарди.

Эшиқдан чиқиб, сал нарида, ҳарбий кийимда икки йигит гаплашиб турганини кўрдим. Уларнинг ҳам кўзлари менга тушди. Бироқ эътибор қилишмади. Бундан фойдаланиб, уларга яқинлашдим ва бир ҳамла билан иккаласига ҳам зарба бердим. Биттаси ўтириб қолди. Иккинчиси эса, мендан калтак егани етмагандай, деворга бошини уриб олди. Иккисини хушсизлантиргач, коридор бўйлаб кетаётиб, қўлида бир тахлам қоғоз кўтариб шошиб келаётган яна бир ҳарбийнинг оғзи-бурнини қонга бўядим. Ташқари эшик ёнида навбатчи билан икки дақиқача олишдим. Ит-вачча ёнидаги тўппончасини олиб, ўқ узишга улгуриб қолди. Ўқ кўрсаткич бармоғимга тегди. Мен эса унинг миясини нишонга олгандим. Ўқ овозидан кейин шовқин-сурон кўтарилиб кетди. Ташқарига чиқиб, дарвоза томонга югурдим. Чор-атрофдан навбатчининг хонасига югуриб келаётганлар мени ўзларининг одами деб ўйлашди шекилли, эътибор қилишмади. Ҳатто иккитаси шундоққина ёнимдан югуриб ўтиб кетишди.

Дарвоза ёнидаги уйчада турган қоровулни бир теппиб жағини синдирдим. Шундай қилиб, бу худо қаргаган жойдан ташқарига чиқиб олдим.

Бахтимга, ўн беш метрлар нарида битта машина тўхтаб турган экан. Югуриб бориб эшигини очсам, кўринишидан ўзим тенги бола бир қиз билан гаплашиб ўтирибди. Қиз менинг вазоҳатимдан кўрқиб чинқириб юборди. Йигит бир мушт еганидан сўнг жойини бўшатиб берди. Машинага ўтириб, катта тезликда шаҳар ичкарасига ҳайдаб кетдим. Ўттиз чақиримлар юрганимдан кейин тўхтадим-да, машинанинг қутигасини титкиладим. Бахтимга, ўн беш рубль чиқ-

ди. Дархол таксига ўтириб, Қозон вокзалигача етиб олдим.

Вокзал эшиги ёнида бошига дўппи, эгнига чопон кийиб олган одамни кўриб, қувонганимдан кучоклаб олгим келди. Ўзимни зўрға босиб, ўзбекчалаб салом бердим. У киши афтимга бир қараб, саломимга алик олди-да, шошилиб йўлида давом этди. "Поезддан кеч қолаяпман", деган гапи қулоғимга чалинди. Унинг орқасидан тушдим. Дарҳақиқат, поезд жойидан жилган экан. Ҳалиги одам югурди, ортидан мен ҳам югурдим. Ҳартугул, охирги вагонга илашдик...

— Чиптангни кўрсат, — деди кузатувчи менга соф ўзбек тилида. Ўзбек тили! Бу тилда гаплашмаганимга қанчалар бўлди?! Кузатувчининг овози қулоғимга шунақанги ёқимли эшитилдики, ҳаяжондан юрагим кинидан чиқиб кетаёзди. Кўзимда ёш ҳалқаланди. Унга тикилиб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолибман.

— Мен ҳам ўзбекман, — дедим бошқа гап тополмай.

Кузатувчи мийиғида кулди-да:

— Кўриб турибман, — деди. — Кийимингга қараганда, аскарга ўхшайсан. Лекин нега ҳаммаёғинг кир?

Шундагина мен уст-бошимга қарадим. Дарҳақиқат, қоровулдан ечиб олган кийимининг аҳволи ачи нарли эди. Қизариб кетдим, бояги қувончимдан асар ҳам қолмади. Мен юртдошларимнинг кўзига бунақа аҳволда кўринмоқчи эмасдим. Эҳ, пешонам курсин...

— Чиптанг йўқми? — деди кузатувчи.

Мен "йўқ", дегандек бошимни сермадим.

— Пулинг-чи? — яна сўради у.

Мен чўнтагимдан бор пулимни чиқариб унинг қўлига тутқаздим.

У бир пулга, бир менга қараб турди-да:

— Армияда "чумо" бўлдингми? — деди.

Унинг бу гапидан адои тамом бўлдим. Алашим

бўғзимга тикилди. Нима дейишимни билмай, кўзимни юмганча жойимда ҳайкалдек қотдим. Бундан ортик ҳақорат, камситиш бўлмаса керак. Кийимларим бир аҳволдалигини юзимга айтиш шартмиди. Мен, ахир, икки йил давомида ўзбек тилида бир оғиз сўз эшитмадим-ку! Энди етдим деганда ўзимнинг юртдошим, миллатдошим юрагимни тилка-пора қилса.

— Пулинг ярим йўлгаям етмайди, — деди кузатувчи қовоғи осилиб, — шундай бўлсаям инсоф қилиб олиб кетаман. Лекин жойни ўзинг топиб оласан.

Бошини ҳам қилиб вагон ичкарасига юрган кузатувчининг орқасидан нафрат билан қараб қолдим. Боягина юртдошларимга талпинаётган юрагимнинг шашти бирдан тушди. Агар вагон ичкарасига кирсам, бошқалар ҳам устимдан куладими, деб ўйлаб манзилга етгунча шу ерда кетишга қарор қилдим.

Танбур деразасидан ташқарига термилиб туриб ўйлаб қарасам, кузатувчи ҳақ: бу туришимда юртим тупроғига қадам қўйишим уят, гуноҳ... Ҳалиям кузатувчи бошқа гапларни айтмади. Айтганида, балки поезддан тушиб қолармидим...

Хаёлга берилиб, шундоқ темир излар ёнидаги асфальт йўлдан катта тезликда келаётган тўртта ҳарбий машинага эътибор қилмабман. Бу пайтда поезд ўрмон ичидан ўтиб бораётган эди. Вагон қаттиқ силтаниб кетди. Бирдан ўзимга келдим-у, машиналар дикқатимни тортди. "Булар ҳойнаҳой мени овлаш учун келишаётган бўлса керак", деб ўйладим-да, қарама-қарши томондаги эшикни очдим. Душманларимдан қутулишнинг ягона йўли сакраб тушиб қолиш эди. Қулай жой келишини бироз кутиб турдим-да, майда чакалакзорлар тугаб, ўт-ўлан бошланиши билан ўзимни ерга отдим. Ерга тушишим билан ўмбалок ошиб кетдим-у, яраланган бармоғимни хас-чўплар тилиб кетди. Қаттиқ оғриқдан инграб юбордим.

Бир амаллаб ўрнимдан туриб, поезднинг орқаси-

дан қардим. Назаримда, у секинлашаётгандай эди. Ортиқ ўйлаб турмай ўзимни ўрмон ичига урдим. Тўхтамасдан икки соатлар юрдим, ахийри дармоним қуриб йиқилдим. Қанча ётганимни билмайман, баданимга совуқ эпкин тегиб, бироз ўзимга келдим-да, атрофни кузатдим. Мендан сал нарида қип-қизил бўлиб пишиб турган малинага кўзим тушди-ю, қорним очкаганини сездим. Бориб икки сиким териб едим, нафсим бироз қонди. Кейин юришда давом этдим. Атрофга энди-энди қоронғилик тушаётган маҳал ёғочдан қурилган пастқамгина уйга кўзим тушди. Унинг ёнида иккита оппоқ "Газ-24" ва битта қизил "Жигули" турибди. Дарахтларни паналаб, уйга яқинлашдим. Қулоғимга уйнинг ичидан кимнингдир бақирган овози эшитилди. "Булар ким бўлди экан?" деган ўйда эмаклаб бориб қия очиқ эшикдан мўраладим. Уй ичида бир кекса одам ва ёш қиз кўллари столга боғланган, тўрт киши ёғоч ўриндикда ўтирар, иккита йигит бири қўйиб-бири олиб чол билан қизнинг юзига мушт туширар эди.

— Агар айтганимни қилмасанг, — деди ўтирганлардан бири ўрнидан туриб чолнинг ёнига боргач, — сен ҳам, манави офатижон қизинг ҳам нариги дунёга равона бўласанлар.

Оғзи-бурни қонга беланган, юзи момоталоқ бўлган чол базўр бошини кўтарди-да:

— Қизимга тегинманглар, мени нима қилсаларинг ҳам майли, — деди.

— Ҳали шунақами?! — дея ҳалиги одам қизнинг сочидан бураб торта бошлади. Қиз оғрикнинг зўридан чинқириб юборди.

Мен бунга шунчаки қараб туrolмасдим. Қизнинг азобланиши қалбимни ларзага солди. Эшикни очдим-у, ичкарига кирасолиб, қизнинг сочидан тортаётганнинг башарасига тепдим. У орқасига қулади. Ўзи билан бирга қизнинг столини ҳам йиқитиб юбор-

ди. Кейин гердайиб турган иккита йигитга ташландим. Бунгача ўтирганлардан бири ёнидан тўппонча чиқариб улгурган экан, мен томонга қаратиб ўқ узди. Бирок ўқ шеригининг кўкрагига қадалди. Сўнг енгил ҳаракат билан унинг қўлидаги тўппончани олиб кўйдим-да, пешонасидан дарча очдим. Кейин қолганларининг суробини тўғрилаб кўйиш кийин бўлмади.

Кекса киши деярли адоий тамом бўлган экан. Унинг қўлини ечишим билан йиқилиб тушди. Кўтариб ташқарига олиб чиққдим-да, уй ёнидаги бидондан сув олиб юзига сепдим. У бир сесканиб кўзини очди. Мен эса қизни қутқариш учун уйга кирдим.

"Волга"лардан бирига иккаласини миндириб, ўзим рулга ўтирдим ва чолга қараб:

— Ўрмондан қандай чиқиб кетса бўлади? — деб сўрадим.

— Ҳайдайвер, ўзим айтиб тураман, — деди у хирилдоқ овозда.

Икки чақиримлар юрганимиздан кейин ўрмон тугаб, катта йўлга чиқдик.

— Ҳозир шаҳарга бормаймиз. Менинг дачамга ҳайдайверасан, у ёқ-бу ёғимизни тузатиб олайлик, кейин уйга борамиз, — деди чол бошини кафтининг орасига олиб сиқаркан.

Уларнинг дачасигача тахминан йигирма беш чақирим йўл босдик.

Бизни ит етаклаган, қўлида фонар кўтарган қорувул қарши олди. У чол билан қизнинг аҳволини кўриб, мандан:

— Нима бўдди?! — дея ҳовлиқиб сўради. Мен унга ўқрайиб қараб ўтиб кетдим.

Чолнинг дала ҳовлиси икки қават қилиб қурилган, атрофи гулзор, эшик олди — остона оппоқ мрамор, уй ичи эса қимматбаҳо чет эл мебеллари билан жиҳозланган, шифтида серҳашам кандил осилиб турар-

ди. Мен чолни безорилар нега кийноққа солишганининг сабабини қисман тушундим.

Ювиниб-тозаланиб олганимиздан кейин ошхонада безатилган стол атрофида ўтирдик. Чол учаламизга бир қадахдан ароқ куйди-да, ўзи бизни кутмай ичиб юбориб, оғзини енгига артиб, жуда қўпол сўкинди. У ўрмондан бу ерга етиб келгунимизча бир оғиз ортиқча сўз айтмаганди. Дабдурустдан сўкиниши ғалати туюлди. Ёнимда ўтирган қиз кўлидаги қадахни стол устига қўйиб йиғлаб юборди.

— Бўлди, йиғлама, — деди отаси" унинг бошини силаб. Айна лаҳзада отанинг ҳам кўзида ёш ҳалқаланди. Унинг қадаҳи яна икки марта устма-уст тўлиб, бўшади. Шундан сўнг у:

— Сен кимсан, аскар? — дея сўради.

— Аскар эмасман, шунчаки йўловчиман, — дедим ерга қараб.

— Унда нега аскарларнинг кийимини кийиб олгансан?

— Поездда иккитаси мени роса ичириб, кейин бор-будимни олиб, ўзимни вагондан улоктириб кетишди. Анча вақт поезд йўли ёқасида чала ўлик ҳолда ётдим. Сўнг мени учта аскар йигит топиб олишди. Ўзимга келтиришди. Кейин улардан кийим-бош сўрадим. Барака топгурлар йўқ дейишмади, — дедим ёлғон гапириб.

— Тушунарли, — деди чол бошини кимирлатиб, — мени ўлимдан олиб қолганинг учун қанча берай?

— Минг рубль, кейин уст-бош, — дедим мен унинг кўзига қараб.

— Нималар деяпсан? Менинг кимлигимни биласанми?! — дея тутаклиб кетди чол.

— Билмайман. Билганим шу — сизнинг жонингизни омон сақлаб қолдим. Тўғрироғи, қизингизга ачиндим. Мен сиздан аслида ҳеч нарса талаб қилмоқчи эмасдим. Мен бунақа паст кетадиганлар хилдан эмасман.

— Йигит, сен мени нотўғри тушундинг... Мен ша-
хардаги ароқ заводининг директори бўламан. Май-
далашиб ўтирадиган одам эмасман. Мараз, Москва-
даги мафиозлар мени шилишмоқчи эди. Яна бундан
бу ёғига фақат уларга хизмат қилармишман. Хуллас,
уларнинг етовига юрмаганимдан кейин ўзинг кўрган
аҳволга солишди. Айтмоқчиманки, мени ва қизимни
жони сен айтган суммадан анча қиммат туради. Шу-
нинг учун қаердаги сариқ чақани айтиб обрўимни
тўкма. Юз минглардан (тахминан юз минг АҚШ дол-
лари) гапир. Мен жоним учун ҳамма нарсага тайёр-
ман.

Мен ҳайратдан унинг юзига тикилиб қолдим. Зеро,
бир одамда бунақа пул бўлишини биринчи марта
эшитиб туришим эди.

— Йў-ў-қ, — дедим бошимни сермаб. — Бунақа
катта суммани ололмайман.

— Кечирасан, исминг нима эди? — сўради чол
қошлари чимирилиб.

— Элдор, — дедим мен хаёлимга келган исмни
айтиб.

— Меники Александр Петрович. Пул олишни ис-
тамас экансан, унда сенга битта таклиф айтаман.
Балки, айтганимга кўнсанг, қарзимдан қутуларман.

— Қанақа таклиф экан?

— Мен кўпдан бери сенга ўхшаган одамни қиди-
раётган эдим. Гапнинг пўсткалласини айтсам, менга
тансоқчи керак. Худди сенга ўхшаган, эвазига нима
истасанг бераман. Хохдасанг, қизимга уйлантириб
кўяман. Жуда одобли киз. Сенга турмушга чикса,
мен мутлақо бежавотир бўлардим.

— Александр Петрович, менга ишонч билдирга-
нингиз учун катта раҳмат, лекин юртимга кетмасам
бўлмайди. Анча вақтдан бери уйдагилар кутишяпти.

— Унда уйингга бориб, кейин кел.

— Ваъда беролмайман. Менимча, келолмасам ке-
рак, яна Худо билади.

— Афсус, — дея бошини чайқади Александр Петрович, — қачон кетмоқчисан?

— Эртага.

— Хай, майли, унда овқатланиб бўлиб, иккинчи каватда дам оларсан. Эрталаб кўришамиз, — дея Александр Петрович ўрнидан кўзгалди.

Итдай чарчаган эканман, болишга бошим тегиши билан ухлаб қолибман. Ўшанда негадир зийракликни унутгандим. Уйкудан уйғонсам, қуёш аллақачон ёйилиб кетибди. Юзимга офтоб нури тушиб, терлаб кетганимдан, уйғонишга мажбур бўлдим. Кийинмоқчи бўлиб, кийимларимни ахтарсам, жойида йўқ. Уларнинг ўрнида янги костюм-шим, оппоқ кўйлак турибди. Ноилож шуларни кийиб, пастки қаватга тушдим-да, ювиниб чиқдим. Бу пайт қоровул мени кутиб турган экан. Кеча қоронғида унга эътибор бермаган эканман: озгин, узун бўйли, юзига сепкил тошган. Қизил мўйлови ўзига ярашмаган бир банда. У менга хунук иржайиб, ошхонага киришимни айтди. Гарчи ота-боланинг кеча тилинган-ёрилган жойлари дока билан ўралган бўлса-да, иккаласининг ҳам чиройи очик эди. Мени хуш кайфият билан кутиб олишди. Ҳатто қиз отасидан сўраб, халоскорининг юзидан ўпиб қўйди. Биз талай муддат у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик, нонушта килдик. Кейин ташқарига чиқдик.

— Кетадиган бўлсанг, мен сени йўлдан қайтармайман. Сенга оқ йўл. Мана бу йигитлар сени самолётга ўтказиб юборишади, — деди Александр Петрович ховлида буйрукни кутиб қулоғини динг қилиб турган қора костюм-шимли иккита йигитни кўрсатиб.

— Лекин мен самолётда ҳам, поездда ҳам кетолмайман, хужжатларимни "тинчитиб" кетишган, — дедим бошимни эгиб. Қачон бош эгиш наф келтириши ҳақида менга тайёргарлик пайтида ўргатишган эди.

— Сенинг мана шу муғомбирлигингга ҳечам тушунолмаёпман-да, — деб Александр Петрович елкамга қоқди. — Кўз очиб-юмгунча еттита одамни асфалософилинга жўнатган қаердаги безориларга ўзини хор қилдириб қўядими? Ҳечам бунақа бўлмайди, дўстим.

— Мен у пайтда маст эдим-да, — дедим ўзимни оқламоқчи бўлиб. Бу жавобимга Александр Петрович кулиб кўйди ва ортига бурилиб, салмоқ билан кадам ташлаганча ичкарига кириб кетди. Бироздан кейин унинг ким биландир телефонда гаплашаётган овози келди.

Мен, бу ернинг ноёб ҳавоси ҳақида берилиб гапирётган Александр Петровичнинг қизига жилмайиб қараб туриб, ҳар эҳтимолга қарши қулоғимни динг қилдим. Қанча уринмай, уй ичидаги гапни англаб ололмадим. Чунки Александр Петрович паст овозда гаплашаётганди. Беш дақиқалардан кейин у мамнун ҳолда чиқиб келди.

— Энди бироз кутасан, дўстим, — деди у кулиб.

— Кут, десангиз, кутаверамиз-да, — дедим мен ҳам жилмайиб.

— Дада, кутиш одамни зериктириб юборади. Рухсат берсангиз, Эдик (тавба, исмим шунчалик тез ўзгараптики, бу аҳволда охири ўзим ҳам асл исмимни унутиб қўяман, шекилли) билан анҳор бўйини айланиб келамиз, — деди қизи дадасини қучоқлаб.

— Шошилма, аввал бу суратга тушсин, ундан кейин рухсат, — деди Александр Петрович қизининг бошидан ўпиб қўяркан.

Бир имо билан буйруқ кутиб турган йигитлар югуриб келишди-да, хўжайинининг топшириғига биноан мени расмга туширишиб, исм-фамилиямни ёзиб олишди (мен энди Аҳмедов Элдор Ботировичман) ва машинага ўтиришиб, тезда кўздан ғойиб бўлишди.

— Кечадан бери бир-биримизни биламиз-у, лекин ҳали сиз менинг исмимни сўрамадингиз, — деди қиз

анҳор бўйида майда балиқларнинг сув юзига чиқиб, зумда ғойиб бўлишини томоша қилиб турганимизда.

— Қани, қизалоқ, исмингизни айтинг-чи, — дедим мен унга кулиб қараб.

— Маша, — деди қиз ғурурланиб.

— Жудаям чиройли экан, қизалоқ.

— Мен қизалоқ эмасман. Эътиборингиз учун, аллақачон ўн саккизга кирганман.

— Шунақами, билмабман.

— Эдик, қандай қилиб бунақа уришишни ўргангансиз? — сўради Маша кўзини пирпиратиб.

— Бунинг тарихи узоқ, — дедим мен Машага жиддий қараб. — Бобомнинг бобосининг бобоси уста каратэчи бўлган. Шу одамнинг руҳи кечаси келиб менга уришиш сирларини ўргатиб кетган. Ўзиям кечаси билан ухламасдан машқ қилиб чикқанман.

— Умуман ухламаганмисиз? — деди Маша кўзларини катта очиб.

— Умуман.

— Мен қандай ўргансам бўлади?

— Бобомнинг бобосининг руҳига айтаман, келиб ўргатиб кетади. Чидай оласанми?

— Билмадим, — деди ўйланиб, сўзларимга чиппачин ишонган Маша.

Шу пайт бизни Александр Петрович чақириб қолди. Гапимиз бўлиниб қолганидан Маша менга норози бўлиб қаради. Мен "начора", дегандек қўлимни ёзиб, елкамни қисдим.

Александр Петровичнинг олдига борганимиздан кейин у:

— Паспорт тайёр бўлди, энди бемалол самолётда учиб кетишинг мумкин, — деди.

— Бунинг имкони йўқ, мен самолётда кетолмайман. Бунинг, албатта, сабаблари бор. Самолётга минсам, босимим ошиб кетади. Самолёт ҳавога кўтарилмасдан бурун ёруғ дунё билан хайрлашишимга тўғри

келади, — дедим мен Александр Петровичнинг кўзига тик қараб.

— Тушунарли. Сен мен ўйлагандан кўра анча сирлироқ чиқиб қолдинг. Бир томондан, бу — яхши одат, лекин ёмон томони ҳам бор. Бошқаларда ўзингга шубҳа уйғотиб қўясан... Майли, ҳали ёшсан, вақти келганда ҳамма нарсани билиб оласан. Бўпти, менинг ёш дўстим, мен ҳозир кўнгироқ қилиб, сенга ҳайдовчилик гувоҳномаси ва машинанинг хужжатларини тайёрлаб қўйишларини тайинлайман. Мана буни эса ҳозир олиб кўи, — деб у менга кичкина жомадон берди.

— Нима бу? — дея сўрадим мен.

— Йўлда қиладиган майда-чуйда харажатларинг учун, — дея мийиғида кулди Александр Петрович.

— Жуда кўп-ку, менга чўнтакка сиғадиган қилиб берсангиз ҳам етади, — эътироз билдирдим мен.

— Ҳов бола, кўп менинг асабимга ўйнама. Индамай олгин-да, жўна, — деди у қовоғини уйиб.

Мен унга раҳмат айтдим-да, кучоклашиб хайрлашиб, янги кип-қизил машинага ўтирдим. Александр Петрович ҳайдовчи йигит мени шаҳаргача олиб боришини, ундан у ёғига ўзим кетишимни айтди.

Катта йўлга чиқиб бироз юрганимиздан сўнг мен ухлаб қолибман. Тушимга онам кирди. У оппоқ кийимда эмиш. Менга қараб йиғлаб: "Қаёқларда тентираб юрибсан, болажоним? Биз сени жудаям соғиндик", дермиш. Кейин синглим пайдо бўлиб: "Акажон, қутқаринг! Мени қийнаб юборишди! Тезроқ қутқармасангиз, ўлиб қоламан", деб зорланармиш. Негадир унинг ҳаммаёғи қон... Чўчиб уйғониб кетдим, атрофимга алангладим. Нима бўлганини дарҳол англолмадим. Шунда ҳайдовчи ойнадан менга қараб кўйди. Бу пайт шаҳарга кириб келгандик.

Машина иккита чорраҳадан ўтиб, ўнгга бурилиб тўхтади. Эрталаб Александр Петровичнинг уйидан

чиқиб кетган иккита йигит бизни кутиб туришган экан. Улар тегишли хужжатларни кўлимга топширишди-да, шаҳардан чиқиб кетгунимча кузатиб боришларини айтишди. Янги машина бошқача бўларкан. Ҳайдаган сайин ҳайдагинг келади.

Олти соатлар чамаси йўл юриб, қорним очгач, йўл ёқасидаги ошхоналардан бирига тўхтаб овқатландим.

Саратовгача ҳеч ким тўхтатмади. ДАН ходимлари машинани кўришса, тескари ўгирилиб олишарди. Энди бу ёғига тинчгина кетсам керак, деб ўйлагандим. Афсус, бундай бўлиб чиқмади. Саратовдан тахминан эллик чақиримлар ўтганимдан кейин ўрмонзор бошланди. Негадир юрагим безовта ура бошлади. Атрофимга, орқаю олдимга яхшилаб разм солиб чиқдим. Шубҳали ҳеч нарсани учратмадим. Бироқ яна беш чақиримлар юрганимдан кейин иккита Камазни тунаётган йўлтўсарларга дуч келдим. Аввалига машиналар шунчаки йўл чеккасида тўхтаб туришган бўлса керак, деб ўйлагандим. Бироқ улардан ўтишим билан семиз бир эркакни уч киши тепкилашаётганини кўриб қолдим. Бирдан тормоз босдимда, машинадан тушдим. Учовлон ҳам уришдан тўхтаб, мен томонга қарашди.

— Йигитлар, бензиним тугаб қолганди, ёрдам беролмайсизларми? — дедим мен. Улар гапимга ҳайрон бўлишиб, елка қисишди.

— Бензин қуйиш шахобчасига етгулик берсанглар бўлди, — дедим уларга.

— Бу ёққа кел, ўзингниям "заправка" қилиб юборамиз, уйинггача тўхтамай кетасан, — деди улардан бири мен томонга бир қадам босиб.

Мен уларнинг ёнига бордим. Шунда йўл ёқасидаги ариқча ичида қонига беланиб ётган одамни кўрдим. У пихиллаб зўрға нафас оларди.

— Идиш олиб келайми ёки ўзларингнинг идишла-

рингга қуйиб берасизларми? — дедим мен жилмай-ишга ҳаракат қилиб.

Шу пайт мен томон юрган зўравон тўсатдан ташланиб қолди. Бироқ мени тепмоқчи бўлиб оёғини кўтарганда ишини битириб қўйдим. У ерга йиқилиб тушди-да, букчайганча чотини ушлаб типирчилаб қолди. Буни кўрган шериклари бирин-кетин ҳамла қилишга тушиб кетишди. Лекин уларни ҳам дарров чўзилтириб қўйдим. Боягина хўроздай қийқираётган барзангилар бечораҳол алпозда эмаклаб, бошқа урмаслигимни ялиниб-ёлвориб илтимос қилишди. Мен уларга ариқ ичида ётган одамни олиб чиқиб, юзқўлларини ювишларини, оёғини ўпиб, кечирим сўрашларини буюрдим. Улар кўз очиб-юмгунча айтганимни бажаришди. Бунгача иккинчи жабрланувчидан нима воқеа бўлганлигини сўрадим. Унинг айтишича, Саратовдан импорт кийим-кечакларни машиналарига ортишиб, Оренбург сари йўлга чиқишган. Ўн беш чақиримлар юрганларидан кейин машинасининг бензонасоти ишламай, ўчиб қолган. У машинасини тузатиб бўлгунча, шериги узоқлаб кетган. Унга етиб олиш ниятида тезликни ошириб келаётса, шу ерда шеригининг машинаси тўхтаб турганини кўрган ва хайрон бўлиб тўхтаसा, учта безори ўртоғининг абжағини чиқариб қўяёзибди. Улар машинадаги молларни тортиб олиб қўйишмоқчи экан.

Тўғриси, унинг гапларидан ғазабим баттар кўзиди. Учала йўлтўсарни ҳам ўлакса қилиб тепкиладим, ялинишларига эътибор қилиб ўтирмадим. Гапиришга тиллари айланмай қолгандан кейин учаласининг оёққўлларини боғладим-да, шофёр ёрдамида “КамАЗ”-нинг тележкасига ортдим. Ҳайдовчи кўпдан-кўп раҳматларни бошимдан ёғдириб, машинасини ортга буриб Саратовга қайтиб кетди.

Орадан бир кун ўтди, Оренбургга чамаси ўттиз беш-қирқ чақиримлар қолганда орқамдан келаётган

оқ "Жигули" машинаси мени сиқиб, олдимга ўтиб олди-да, машинасининг орқа чироқларини ёкиб-ўчириб. Мен эса юришни давом этавердим. Шунда у машинаси тезлигини пасайтириб, олдимга яқинлашиб туриб олди. Чапга бурсам — чапга, ўнгга бурсам — ўнгга бурилади. Ўтиб кетишимга йўл бермайди. Буниси камлик қилгандай, орқа томонимда худди шунақа машина пайдо бўлди. У ҳам на ўтиб, на қолиб кетади. "Энди қувлашмачоқ ўйнаймиз, шекилли", дея хаёлимдан ўтказдим-да. Бирдан машина тезлигини ошириб, олдинда кетаётган машинанинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлдим. Бироқ у анойи эмаскан, дарров йўлимни ёпиб олди. Шунда мен машина ичида ҳайдовчидан бошқа яна уч киши ўтирганини, улардан биттасининг қўлида тўппонча борлигини кўриб қолдим. "Ҳойнаҳой, булар анави йўлтўсарларнинг шериклари бўлса керак", деган фикр ўтди хаёлимдан. Яна бироз юрганимиздан кейин уч юз метрлар нарида ўнг томонга кетадиган йўлга кўзим тушди ва олдимда кетаётган машинанинг чап томонидан қувиб ўтмоқчи бўлдим. Машина чапга бурилди, мен ўнгдаги тупроқ йўлга қайрилдим. Чанг-тўзон кўтариб кетиб борарканман, ойнадан қарасам, иккала машина ҳам орқамдан тушибди. Икки километрлар юрганимдан кейин ўрмон бошланди. Бу пайт орқамдан қуваётганлар анча яқинлашиб қолганди. Ўрмон қалин, йўл тор, битта машина зўрға сиғади. Агар йўл тугаб қолмаса, улар мени тўхтата олишмасди, бунини "қалхат"лар ҳам англаб етишди чоғи, бир марта ўқ узишиб, машинанинг баллонини тешиб кўйишди. Мен кескин тормоз босдим-да, машинадан сакраб тушиб, ўзимни ўрмон ичига урдим. Йигирма қадамлар юрганимдан кейин, қалин буталар орасига яшириниб, уларнинг келишини кутиб турдим. Бироз ўтиб, биттаси пайдо бўлди. Қўлида тўппонча, атрофга аланглаб менга яқинлаша бошлади. "Келавер, оғайни,

айни менга сен керак бўлиб тургандинг", дея пичирлаб кўлимга ерда ётган куруқ дарахт шохини олдим. У ниҳоят ёнгинамга келиб тўхтади. Шунда таёкчани сал нарига отиб юбордим. Рақибим овоз чиққан томонга қараши билан, кўлидаги тўппончани уриб туширдим ва кулоғининг орқасидаги нозик нуқтасига зарба бердим. У бир марта "ҳиқ" этган овоз чиқарди-ю, ҳушидан кетиб кулади. Уни бутазорга яшириб, қолганларининг келишини кута бошладим. Улар ҳам кўп куттиришмади. Учтаси "Лёша!" дея шеригини чақириб, шитир этган товушга кулоқларини динг қилишиб кела бошлашди. Кўлларида тўппонча бор экан. Учаласи бир-бирига жуда яқин туриб олгани мен учун қулайлик туғдирарди. Чунки шундай ҳолатда уларни осонгина тинчитиш мумкин эди. Худди кўнглимдагини уқишгандай, улар бир-бирига тобора жипслашди.

— Қаёққа кетдийкан? — деди ўртадагиси.

— Лёшанинг тириклигига ишонмай қолдим, — деди ўнг томондагиси.

— Балки ортга қайтармиз, шефга отиб ўлдирдик, деб кўя қоламиз. Машинасини олиб борсак, ишонди, — деди учинчиси.

— Болалар, нимадан кўрқаяпсизлар, у бир ўзи. Бундан ташқари, анави ҳовлиқма Лёшани ҳам топишимиз керак. Агар усиз шефнинг ёнига борсак, теримизни шилади, — деди ўртадагиси ва мен томонга қаради. Мен ерга ёпишиб олдим. У эса яқинлаша бошлади. Шунда ўрнимдан сакраб турдим-да, кўлимдаги тўппончанинг кўндоғи билан пешонасига урдим ва яна биттасининг чотига тепдим. Учинчисининг эса биқинига мушт туширдим. У йиқилаётиб, осмонга ўқ узди. Ўқ овози бутун ўрмонни тутиб кетди, кушларнинг потирлаб учгани эшитилди.

Учаласининг ҳам "суробини келтириб", кўлларидаги куролларини олиб, машиналар турган томонга

югурдим. Чунки у ерда ҳам иккитаси бор эди. Йўлга чиқиб кетмай, берироқда тўхтаб, машиналар турган жойни кузатдим. Иккалови машинага суяниб олишган, бирининг қўлида пичоқ, иккинчисида узун таёқ. "Тушунарли, — дедим ўзимга ўзим, — энди ўйинни тугатиб кўяверсак ҳам бўларкан". Ўрмон ичкарасидан чиқиб келишимни кутишмаган шекилли, кўриб кўзлари олайиб кетди. Қўлимдаги тўппончани кўриб бири пичоқни, иккинчиси таёқни ерга ташлашга мажбур бўлди. Уларга қўлларини орқага қилиб, машина капотига юзи билан ётишларини буюрдим. Ўзим эса эринмай кийимларини текшириб чиқиб, биттасининг орқа миясига тўппонча қўндоғи билан уриб хушидан кетказдим. Иккинчиси эса машинамнинг баллонини алмаштирди, кейин шерикларини турсисигача ечинтириб, кийимларни менинг машинамга жойлади. Сўнг ўзига ҳам кийимлари оғирлик қилаётганини айтгандим, бирпасда ечинди. Машинамни нарироққа олиб бориб қўйдим-да, уларнинг машиналари бакига ўк уздим. Икки марта портлаш содир бўлгандан кейин ёнаётган машиналарга бироз қараб тургач, "Жигули"га ўтириб, тезликни оширдим.

Оренбурггача хавф-хатарсиз етиб олдим. Ундан кейин ҳам биров йўлимни тўсиб чиқмади. Ниҳоят Қозоғистон чегарасини кесиб ўтдим. Гарчи юртимга етиб боришимга ҳали анча бўлса-да, юрагим хапприкиб ура бошлади. Худди бироздан сўнг уйимга кириб борадигандайман.

Қозоғистон чўлида онда-сонда битта-иккита машина учради, бошқа пайт йўлни тўлдириб ёлғиз ўзим кетдим.

Чўлу биёбонда тўрт соатлар чамаси юрганидан кейин, йўл ёқасида бир қари кампир қўлини кўтарди. Мен унинг ёнгинасида машинани тўхтатдим-да, эшикни очиб:

— Қаергача олиб кетай? — дедим. Асли ўзбекча

гапирмоқчи эдим, ammo тилим русчага тортиб кетди.

Башарасини ажин босганидан кўзу қоши қайсилгини ажратиш мушкул бўлган кампир бизнинг шевага яқин лаҳжада қозоқчалаб:

— Келиним тувиб жатир, банисага опарув керак, — деди кўзи ёшланиб.

Кампирни машинага ўтказиб: "Йўлни кўрсатиб боринг", дедим русча-ўзбекчани аралаштириб. У қачонлардир машина юрган, қум босган илон изига ўхшаш йўлни кўрсатди. Мен бу йўлдан юришга иккиландим, чунки қумда узокка боришим амримаҳол эди. Лекин кампирнинг айтганини қилмасдан иложим йўқ. "Ҳойнаҳой, келини қайсидир чодирда бўлса керак, агар вақтида дўхтирхонага етказилмаса, ким билади, ахволи нима кечади?" деган ўйда машинани кампир кўрсатган томонга буриб, тезликни оширдим. Ажабо, машина худди текис асфальт йўлда кетаётгандай. Тезлиги борган сари ошар, шунча ўйдим-чукур жойлардан ўтсам ҳам билинмасди. Тез орада тоғдай уюлиб ётган қум барханидан ўтиб кетдим. Бироқ олдинда чодир кўринавермади. Шунда савол назари билан ёнимга қарасам, кампирдан ном-нишон йўқ. Ҳайрон бўлиб, машинани тўхтатдим-да, пастга тушдим. Ҳаммаёқ қип-қизил қум. "Кампир бирон жойда эшик очилиб тушиб қолдимикин", деган хаёлда орқага қарадим, кўринмади. Шунда ёшлигимда жинлар ҳақида онам айтиб берган эртақ хаёлимга келди. Жинлар овлоқ жойларда одамга дуч бўларкан. Алдаб адаштириб ёки бирон касалликка мубтало қилиб кетаркан, деганди онам.

Машинани буриб, орқамга қайтмоқчи бўлсам, мен келган изни аллақачон қум босиб қолибди. Энг ғалати томони, олд тарафдаги йўл ҳам йўқ эди. Мен энди жин-ажинага дучор бўлганимга иқроор бўлиб, машинани орқага бурсам, жойидан жилмайди. Ғилдираги физиллаб айланади, ҳар томонга қум сачратади, ле-

кин жойидан жилмайди. Асабим кўзиб, кампирни кариндош-уруғига кўшиб сўкканча, бир оёғимни ерга тираб машинани итардим. Қани қимирласа. Кейин машинадан тушдим-да: "Атрофда зора биронта одам бўлса", деган ўйда боягина ўзим ёнидан ўтган кум барханининг устига чиқдим. У ердан катта асфальт йўл бемалол кўриниб турарди. Лекин на одам, на машинанинг қораси кўринади. Кумга ўтирганча шу томонга қараб туравердим. Бироздан кейин тўртта машина тизилиб ўтиб кетди. Шундан сўнг роса икки соат кутдим. Бошқа бирор-бир қора кўринмади. Бу пайтда тик кўтарилган куёш атрофни аёвсиз қиздирарди. Пешонамдан тер оқиб, чанқадим. Машинанинг юкхонасини очиб, минерал сув олиб ичдим. Чанқоғим босилмади, сув исиб қолган экан. Машинанинг ичи тандирдай қизиб кетган. Эшигини очиб, соясида ўтирдим. Кампир хаёлимга келди. Юриб кетаётган машинанинг эшигидан унинг тушиб қолганига ҳеч ишонгим келмасди. У жин бўлса керак. Ўзинг уни учратиб, кўзинг билан кўрмаганингдан кейин ишонгинг келмайди-да. Нима бўлгандаям унга раҳмим келиб, машинага чиқарганимга пушаймон еб ... Агар тўхтамай кетганимда, ҳозир қанча йўл босиб кўйган бўлардим. Шундай ўйлар гирдобида машинага ўтирдим-да орқага ҳайдаб кўрдим. Ажабо, машина жойидан қимирлади. Мен ўзимга ишониб-ишонмай олдинга ҳайдаб кўрдим. Ҳаммаси жойида, машина асфальт йўлдагидай юрапти.

Катта йўлга, бу ёққа қандай келган бўлсам, шу зайлда чиқиб олдим. Йўл-йўлакай "Кампир бирон жойда менга сездирмай тушиб қолмадимикан", деган ўйда қараб келдим (Одамзод қизиқ-да, ҳар дақиқада фикру хаёли ўзгариб туради. Ҳар дақиқада қароридан қайтиб, бошқа нарсаларни хаёл қилади). Йўқ, кампир йўлда учрамади.

Ярим соатлар чамаси йўл босганимдан кейин кум

бархани устида туриб кўрганим — ўша тўртта машинанинг ҳалокатга учраганини кўрдим. Машинани тўхтатиб, пачакланиб кетган "Волга"га яқинлашарканман, кўнглим бир нарсани сезгандай бўлди...

Мутлақо кутилмаган ҳолат. Энг олдинда кип-қизил "Жигули" тўнтарилиб ётар, ичидаги тўртта одам ҳам конига беланган, башараларига қараб бўлмайди. Ундан бериқоқда бир туянинг ўлиги, ундан кейин иккинчи "Жигули"нинг оёғи осмондан келиб ётибди. Ичида иккита одам машина томи билан ўриндик ўртасида қисилиб қолган. "Булардан биронтаси тирикмикан?" деган ўйда энгашиб қарадим. Тирикликдан асар йўқ. Бирини машина рули калласидан босиб турибди, иккинчисининг бўйинини ойна синиклари кесиб юборган. Бўйни кесилгани кўзимга таниш кўринди. Яхшилаб эътибор бериб қарасам, Саратов билан Оренбург оралиғида "КамАЗ"чиларга хужум қилганлардан бири. Бирдан миямга: "Улар менинг изимдан қувиб келган", деган фикр келди. Шу ондаёқ анави кампирни ҳам эсладим. Ниманидир англагандай бўлдим-у, ичимдан қувондим. Кампирга, ким бўлишидан қатъий назар, ҳурматим ошди.

Қолган иккита машина ёниб кетган эди. Афтидан, бири иккинчисининг орқасидан урган ва биринчи машинанинг баки ёрилиб ёнғин чиқиб, иккинчи машинага ҳам ўтган. Биронта одам соғ қолмаганидан маълумки, икки машина ҳам катта тезликда кетаётган бўлган. Шундай қилиб, камдан-кам ҳолларда рўй берадиган автоҳалокат оқибатида тўрттала машинадагиларнинг биронтаси соғ қолмаган.

Мен машинага ўтириб йўлимда давом этдим. Қуёш ботиб, атрофга қоронғилик чўка бошлаган маҳалда кичкина бир овулга етиб келдим. Йўл ёқасидаги уйлардан бирига кириб, егулик, қимиз олиб чиқдим. Бу овулда яшаётганлар сахий экан, егуликлар учун бир тийин олмади. Қайтанга, ётиб қолишга таклиф

килишди. Бунисига мен кўнмадим. Сабаби, хавотир-сиз овулдан чиқиб, машинани четроққа тўхтатиб олиб, дам олмоқчи эдим.

Александр Петровичнинг уйидан чиқиб кетганимдан бери илк маротаба қотиб ухладим. Тушимга ҳар балолар кириб, безовта қилмади. Агар қуёш чиқиб, юзимга нурлари тегмаганда, балки кун бўйи ухлармидим. Кўзларимни кафтим билан укалаб, уйкуни кочириб, яна йўлга тушдим. Офтоб борган сари қиздирар, атроф гўё олов бўлиб ёнарди. Машинанинг ойнасини очсам, юзимга иссиқ шамол урилиб лабимни ёриб юборар, очмасам димиқиб қолардим. Куни кеча аҳвол бошқача эди, бемалол машина ҳайдаса бўларди. Бугун гармсел турган. Тушгачаям машинани ҳайдай олмадим. Йўл бўйида дарахтлар соясига тўхтаб, офтобнинг тафти қайтгунча дам олдим. Орада бир соат ухладим. Шунча вақт ичида йўлдан атиги битта машина ўтди. Уям, номерига қараганда, шу ерликнинг машинаси.

Шомдан ярим тунгача йўл босдим. Сўнг тонг отгунча дам олиб, нонушта қилмасдан яна йўлга тушдим. Бир жойга етганимда йўл иккига бўлинди. Атрофида биронта белги йўқ. Таваккал, ўннга бурилдим. Биласизми, орадан икки соат ўтиб, "ЎзССР, Навоий области", деган ёзувга дуч келдим. Машинани тўхтатдим-у, ўзимни тупроққа отдим. Овозим борича бақириб йиғлаб, юртимнинг тупроғини юзу кўзимга суртиб ўпдим. Шу аҳволда, билмадим, қанча ётдим, бир пайт: "Ҳов, бола!" дея кимдир соф ўзбек тилида чақирди. Бошимни кўтариб қарасам, сал нарида соқоли кўксига тушган чол эшакнинг устида менга қараб турибди. Ўрнимдан сакраб турдим-у:

— Ассалому алайкум, ота! — дедим ўзбекчалаб.

— Нага буйирда тупроққа буланиб жотипсан, болам? — деди чол менга ҳайратланиб қараб. Мен унинг гапига жавоб бермай ёнига бордим-да, қўлини ўпдим.

— Бошингга ташвиш тушдим-а, болам? — деди менинг қилиғимдан ажабланиб чол.

— Йўк, — дедим мен бошимни сермаб. — Икки йилдан бери Ватанимни соғиниб кетдим!

— Икки йил қаерда эдинг? — сўради у.

Мен "Айтсамми-айтмасамми?.." дея бироз икки-ланиб турдим-да:

— Армиядан қайтаяпман, — дедим. Чол бир менга, бир машинамга қараб мийиғида кулди-да:

— Одошмасам, соллатлар поезддами, самолиттами қайтайиди. Қўлида битта чемоданидан бошқа ҳеч нимаси бўлмайиди. Бу, болам, сени қайтишинг сал бош-қачарокми? — деди.

— Ҳа, қурилиш батальонида бўлдим. Иш ҳақимга шу машинани сотиб олдим. Етмаганини уйдагилар жўнатди, — дея бошимни эгиб ёлғон гапирдим. Бу гапимдан юзим лов-лов ёнар эди.

— Ҳа, майли, — деди ота, — қаерда бўган бўсанг ҳам омон-эсон қайтибсан, шунисига шукур. Энди мени эшагимдан тушишга ёрдам бер.

Мен чолни кўтариб тушириб кўимокчи эдим, унамади. Айтдики, "Ҳали бақувватман. Белимда, оёғу кўлимда қувватим бор". Мен эшагини ушлаб турдим, у тушиб олди. Кейин хуржундан кичкина бир дастурхон олиб ерга ёзди-да, устига яхна гўшт, нон кўйди.

— Энди шулар билан сени меҳмон қиламан, хапа бўмайсан, болам, чўпон-чўликларди овқати шундай бўлади, — деди ота менга кулиб қараб. Мен югуриб бордим-да, машинадаги егуликларнинг ҳаммасини олиб келдим. Бобой уларни дастурхонга қўйишимга кўнмади. "Йўлда ўзингга керак бўлиб қолади", деди. Шу пайт менинг ҳам ўжарлигим тутиб кетди. Манзилим яқин қолганлигини айтиб, дастурхонга ҳамма нарсани қўйиб:

— Ота, анави нарсаданам бориди, олиб келсам

уришмайсизми? Икковимиз, озгина-озгина-дан... — дедим ҳадиксираб чолга қараб.

— Ҳа-а, — деди чол нимани айтаётганимни дарров англаб, — опке, ўзи ичмаганимга анча бўп кетган. Ичмай қўювдим. Лекин сенминан олсам, биров мени уришмас.

Машина юкхонасини очиб, Александр Петрович: "Йўлда чарчаган пайтингда асқотади", деб солиб қўйган иккита ароқнинг биттасини олдим.

Бир пиёладан ичганимиздан кейин чолнинг юзи биров қизарди. Мени ортиқча саволга тутмай, ўзи ҳақида гапира кетди. Унинг ҳам ёлғиз ўғли бўлган экан. Бундан тўрт йил бурун Афғонистонга ҳарбий хизматга кетибди-ю, у ёқдан тобутда қайтибди. Шу гапларни айтаётиб, отахон йиғлаб юборди.

— Улимдан кейин кампирим ҳам кетди. Бечора боласини ўлимини кўтаролмади. Шундан бери сўққабошман. Давлатти қўйин боғаман. Шуминан ўзимди овитаман... Қишлоққа ҳафтада бир марта нон-пон опкегани бораман. Шундаям уйимга кирмай қайтаман. Юрагим дов бермайди. Уйимди олдидан ўтсам юрак-бағрим эзилиб кетади. Кўзимга кампирим билан улим кўринади. Худди овқатти тайёрлаб, мени чақираётгандай бўлавради, — деди чол ва менинг қуйишимни ҳам кутиб ўтирмай, пиёласига тўлдириб ароқ куйди-да, бир кўтаришда сипқорди. Кейин:

— Мени неччига кирган деб ўйлайсан? — деб сўради.

Мен аввал елкамни қисиб, чолни хафа бўлмасин, деб:

— Олтмишларга, — дедим. Аслида унга ҳеч иккиланмай етмиш ёш бераверса бўларди.

Чол гапимдан кулди-да:

— Ҳали олтмишга киришимга тўрт йил бор. Ана шундай, — деди.

Биз бир соатлардан кўпроқ гурунглашиб ўтирдик.

Чол безовталанаётганидан билдимки, кўйларидан хавотир олаяпти. Шу боис, узр сўраб, кетишим учун дуо қилиб беришини сўрадим.

Навоий шахрига етгунимча чолнинг ўғли ҳақидаги гаплари хаёлимдан кетмади. У ёғига уйимизгача оз қолди. Лекин мен шошилмадим. Қоронғи тушганда уйга кириб боргим келмади. Чунки у ерда ҳам менга албатта "совға" тайёр турганлигига ишончим комил эди.

* * *

Тунги ўнларда ўзим туғилиб ўсган кўчага кириб келдим. Атиги эллик қадамлар наридаги уйда отам, онам, синглим, укам бор. Аммо уларнинг ёнига боришга қурбим етмай қолди. Машинани тўхтатиб, уйимиз томон қараганча бироз турдим. Кўзимдан ёш оқаверди. Бу аҳволда уйга кириб борсам, уларнинг ҳам юрагини ёришим тайин. Шу боис, машинадан тушиб, юкхонадаги ароқдан икки-уч қултум ютдим. Камлик қилди. Ҳаяжон, титроқ босилмади. Яна ичдим. Шундан кейингина бироз ўзимга келдим. Уйимиз ёнига бордим-да, машинадан тушиб, дарвозани итарсам, очиқ экан. Айвоннинг чироғи ўчиқ, лекин отам билан онам ўтирадиган уй ёруғ. Аста дераза ёнига бориб ичкарига қарадим. Кўк кўйлак, оппоқ рўмол ўраган онам кўзини юмганча деворга суяниб ўтирибди. Мен ҳарбийга кетаётганимда сочида бир тола ҳам оқи йўқ эди. Юзини ажин босибди, рўмлининг четидан бир тутам оппоқ соч чиқиб турибди. Одам ҳам икки йилда шунчалик ўзгариб кетадими, ё алҳазар?! Лабларим, иягим титраб кетди. "Балки бу аёл бошқадир, уйимизга келган меҳмондир", деган ўй ўтди хаёлимдан ва ўзимни қўлга олдим. Отам ёнбошлаб ётарди. Афтидан, у ҳам уйкуга кетган. Эшик ёнига бориб, секин йўталдим. Ичкаридан жавоб бўлмади. Ҳаяжоним баттар ошди. Нима қиларимни билмай қолдим. Бирор беш дақиқа ўзимни босиб

олиш учун қилт этмай турдим. Сўнг яна йўталдим. Бу сафар қаттиқроқ. "Ҳозир", деган овоз келди ичкаридан. Бу отамнинг овози эди. Отам биров чақириб келса, шундай жавоб қиларди. Бироқ у пайтлари ҳозиргисидан дадилроқ, ўктамроқ чиқарди овози, назаримда.

Эшик қия очилди. Ичкаридаги нур менинг юзимга тушди. Отам мени кўрди-ю, бўсағада ҳайкалдек котди. Икки-уч сониядан кейин: "Со... Со... Собир!" деди товуши титраб. Шу онда отамнинг орқа томонидан: "Ким?! Нима?! Собир-р...р...р!" деган онамнинг овози янгради. Отам орқасига ўтирилди-ю, бирдан югурди. Мен ҳам отамнинг орқасидан ўқдай отилиб уйга кирдим. Онамнинг кўзи юмуқ, боши бир томонга қийшайган, юзида табассум қотиб қолганди.

— Энаси! Энаси, сенга нима бўлди?! Қара, боламиз қайтиб келди! Энаси... — дерди отам нукул. Мен югуриб ташқарига чиқдим-да, челақдан сув олиб келдим. Отам оғзига сув олиб онамнинг юзига пуфлади. Онам бир сесканиб, кўзини секин очди.

— Бо-лам!.. — деди онам мен томонга кўлларини чўзиб. Онамни кучоқладим.

— Энажон! — дедим. — Мен келдим. Мен келдим...

Аммо онамдан садо чиқмади. Унинг боши кўкрагимда сирғалаётганини сездим ва бирдан ёстикқа бошини қўйдим-да, юзига қарадим. Онамнинг кўзи яна юмилиб қолибди.

— Эна! — дедим ҳаяжондан дағ-дағ титраб. — Кўзингизни очинг, эна!

Лекин онам жавоб бермади.

— Энаси, сенга нима бўлаяпти?! — деди отам ҳам кўзидан ёши селдайин оқиб. Бироқ отамнинг ҳам саволи жавобсиз қолди.

— Эна-ж-ж-жо-н! — дея бақириб юбордим, сўнг

бошимни онамнинг кўксига қўйдим... Менинг му-
нисгина онам бу пайтда ёруғ олам билан хайрла-
шишга улгурган экан...

Таъзияда унчалик одам йиғилмади. Маҳалладаги-
лар, қариндош-уруғлар келишди. Уларнинг ҳамма-
сини танирдим. Бироқ улар орасида укам ҳам, синг-
лим ҳам йўқ эди. Улар қаерда? Нима қилиб юрибди?
Нега онамнинг таъзиясига келишмади? Бу саволлар
тунгача мени қийнади. Кўнглим қандайдир нохуш-
ликни сезар, шу боис, синглим билан укамни отам-
дан сўрашга юрагим бетламасди. Қариндош-уруғлар
ҳам мен билан йиғлаб сўрашар, таъзия билдиришар,
уларнинг-да кўзидаги ғам юки шундоққина билиниб
турарди. Улар ҳам на Саида, на Ботирнинг номини
тилга олишарди. Менинг эса тилим бормасди улар
хақида сўрашга.

Онамни тобутга солиб, олиб кетишаётганда отам
қўйлагини йиртиб бўзлади:

— Ўғлингнинг олдига бунча шошилдинг, энаси-и-
и!..

Юрагим музлаб кетди. Атрофимга аланглаб:

— Ботир! Ботир! Қани у?! — дея ёнимдагилардан
калтираб сўрадим. Ҳамма йиғлаганча мени қучоқ-
лар, лекин берган саволимга ҳеч ким жавоб қайтар-
масди.

— Гапиринглар! — дея қичқирдим мен. — Қани,
менинг укам?! Синглим қани?!

Бу гапларим ҳам ҳеч кимга таъсир қилмади. Шун-
да ёнимдагиларнинг бирма-бир ёқасидан олдим.

— Гапир, айт, бўлмаса ўлдираман! Қаерда улар?
Кимдир бошимдан бир челак сув куйиб юборди.

Шундагина нима қилаётганимни англадим. Чанга-
лимдан чиқолмай кўкариб кетган қўшнимизнинг
ёқасини қўйиб юбордим-да, ўтириб йиғладим.

— Болам, — деди кўзи йиғидан қизарган маҳалла-
миз муллasi елкамга кўлини қўйиб. — Ўзингни бос.
Ҳаммасини вақт-соати етганда билиб оласан.

Онамнинг қабрини ҳали совиб улгурмаган янги лаҳаднинг ёнидан қазибди. Мен тахминан бу қабр кимга тегишли эканлигини англадим. Отамнинг: "Тинчгина ётибсанми, улим?" дея шу қабрни кучоқлаб йиғлаганидан кейин эса, тахминим тўғри эканлигига амин бўлдим. Мен ҳам ўша қабрни кучоқладим, йиғладим...

Дафн маросимидан қайтиб келаётганимизда учта нотаниш одам мени зимдан кузатаётганини сездим, тишларим ғижирлади. Ҳам аламим, ҳам хўрлигим келди. Ўша менинг умидимда юрган бу кимсаларни бурда-бурда қилгим келарди. Аммо қандайдир куч елкамдан босди. Ўзимни оғир олдим.

Таъзияга келганлар бирин-сирин кетгач, уйимизда фақат қариндошлар билан қолдик. Тахминан элликларга кирган, тепакал, рус киши ёнимдаги столга келиб ўтирди. Мен унинг нима мақсадда келганини сезиб, билиб турардим. Фақат айтиб қўйганимизда нима қилмоқчилиги қоронғи эди. У бирор беш дақиқа индамай турди-да, сўнг:

— Мен военкомман, — деди пешонасини кафти билан силаб, — онангни йўқотганинг сенга катта жудолик бўпти... Мен сени безовга қилмоқчи эмасдим. Лекин хизматдаги одамман. Ўзинг тушунасан.

— Тушунмайман, — дедим мен унга ўқрайиб қараб, — агар ҳозир туёғингизни шиқиллатмасангиз тилкапора қилиб ташлайман.

— Майли, майли... Мен кўчада кутиб турган кгбчиларга эртага ўзи бораркан, деб айтиб қўяқоламан, — дея ўрнидан турди.

У тез-тез юриб дарвозадан чиқиб кетди. Унинг ортидан нафрат билан қараб қолдим.

Кечки пайт уйда отам иккаламиз қолдик. Иккимиз ҳам жим. Отам бошини эгиб олган, истиҳола қилаяптими ёки бошқа сабаби борми, гапирмайди. Мен отамдан ўтиб бирон нарса деёлмайман. Ҳар-ҳар

замон отам хўрсиниб кўяди. Бу хўрсинишда "Сен келмаганингда энанг hozир тирик бўларди", деган маъно бордай туйилади менга. Виждоним қийналади. Ўзимни қаерга қўйишни билмайман.

Ахийри отам ўрнидан туриб, токчадаги кичкина сандиқчани узоқ кавлаштирди-да, ичидан бир парча қоғозни топиб, гап-сўзсиз менинг кўлимга тутказди. Мен савол назари билан отамга қарадим.

— Ўқи, — деди отам.

Қоғозчага кўз югуртирдим.

"Ўғлингиз, Пўлатов Собир Мингбоевич ҳарбий хизматга кетаётганда авиаҳалокатга учради. Ўғлингизнинг хотираси хамиша ёдимизда сақланади.

198... йил, 17 июнь.

Район ҳарбий комиссариати
бошлиғи майор М. Баҳромов".

Ўқиб титраб кетдим. Кўлимдан қоғоз тушиб кетди.

— Ота, — дедим йиғи аралаш овозда, — мана кўриб турибсиз, мен тирикман. Соғ-омон қайтиб келдим.

— Ҳа, улим, сен қайтиб келдинг. Лекин энанг шу хатни олганимиздан кейин адои тамом бўлди... Бечора куну тун йиғлади. Бир кечада сочи оқарди. Ўзини тез олдириб қўйди. Мен маъракангни ўткизайин десам, кўнмади... Ўзи сен номарднинг боласи қаерда юрувдинг, нима қилиб юрувдинг?! — деди отам кўзидан оқаётган ёшни тиёлмай.

Мен кўзимни юмиб, асабларимни жиловлашга ҳаракат қилиб кўрдим. Бироқ удалай олмадим. Таваккал, дедиму, бошимдан ўтган воқеаларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай отамга сўзлаб бердим. Саргузаштларимни киприк қоқмай тинглаган отам неча ўзгариб, неча гезарди, ўзини босолмай ўрнидан туриблар кетди ва мени бирдан кучоқлаб олди.

— Болам! — деб кўзларидан ёш тирқираб. — Бо-

шингдан шу-унча ташвиш кечибди!.. Бу ёқда юракларимиз адо бўлганича бор экан!.. Энанг шўрлик билан ўйлаганларимиз... кўрган тушларимиз... Бошинг тошдан экан, ўғлим!.. Илло, бир кун келиб уйга қайтишингни, бағримга қайтишингни кўнглим сезарди. Бир ой муқаддам кўшнимиз Бердиёр ака гап топиб келганди, сени военкомат суриштирибди. Ўша гапни эшитдим, демак, тирик экансан, деган хулосага келгандим. Нега шуни энангга айтмадим-а?! Ётиғи билан айтганимда, ҳар қалай, дийдор кўришишга тайёр бўларди...

Отам аламдан пастки лабини қаттиқ тишлади, ҳатто бошига бир-икки муштлади. Сўнг бирдан хушёр тортиди.

— Менга қара, Собир, — деди хавотирда, — давлат изингдан тушган бўлса... бу ёғига нима қиламиз?! Ахир, давлат билан ўйнашиб бўладими?!

— Билмадим, — дедим мен дераза ромига тикилиб, сўнг кечадан бери мени қийнаб келган саволни отамга бердим: — Ота, Ботирга нима бўлди? Саида қаерда?

Отам хўнграб юборди.

— Болам, бир ойдан бери бошимдан ғам-ташвиш аримай қолди... Аввал уканг футболдан қайтаётиб, бир-иккита боламинан уришиб қопти. Ҳалиги болалар укангни қорнига пичоқ урибди. Ботир уч кун ўзига келмади. Сўнг худди энангдай кўзини бир очди... Уни кимлар ўлдирган, топилмади. Мелисаям кўп излади, лекин натижаси бўмади. Кейин орадан икки ҳафтаям ўтмай институтдан одам келди. Саида ўтган йили пединститутга ўқишга кирувди, ўз кучининан. Кеган одам синглинг наркоман бўп қолганини айтди. Балнисага ўзлари ётқизишибди. Бориб кўрдим. Кизим бечора озиб кетибди. Ҳеч нарса демайди. Нуқул йиғлайди... Хуллас, улим, мен қурган оила барбод бўлди.

— Ота, мен энам билан укамни қайтаролмайман, лекин синглимни тузатиб олиб чиқаман. Оиламизнинг бошига кимлар мана шундай кўргиликларни солган бўлса, жавоб беради. Ўзининг умри етмаса, уруғ-аймоғиям жонини беради, — дедим ғазабим қайнаб.

— Собир, бу шаштингдан қайт. Пешонамизда бор экан, қочиб қаергаям борардик. Худо энди сениям кўп кўрмасин.

— Мени барбод қилганлар кимлигини, биламан. Уларга кучим етмаслигиниям. Лекин, ота, укамни куппа-кундузи қаердаги иккита саёқ ўлдириб кетаркан-у, индамай ўтирарканманми? Саида бсчорада нима гуноҳ?

Отамнинг боши бутунлай эгилиб қолди. Бир оғиз сўз айтмайди, нукул хўрсинади. Буни кўриб мен теримга сиғмай кетаман...

Ўша куни ҳеч тонг отмади, мен учун энг узоқ тун бўлди. Кўзимни юмиб, қанча ухлашга ҳаракат қилмайин, барибир уйқум келмади. Онамни, Ботирни ўйлайман. Уларнинг юз-кўзини тасаввур қилишга уринаман. Лекин хотирам панд бераверади.

Ниҳоят, тонг ҳам отди. Ювиниб, энди кўчага отланмоқчи бўлганимда, отам тўхтатиб, бугун таъзияга одамлар келишини, шунинг учун ҳеч қаерга чиқмаслигимни айтди.

— Ота, Саидани кўраман-у, қайтаман. Бугунга бошқа ишларимни режалаштирганим йўқ, — дедим.

— Майли, унда ўзинг биласан, — деди отам ва ташқарига чиқиб кетди. Уйда нима бўлишидан қатъий назар, синглимни кўриб келишимга отам қаршилик қилмаслигини яхши биламан. Бироқ айна чокда отам мени уйдан бошқа иш билан чиқиб кетаяпти, деб ўйлаётганди. Шу боис, уйда ўтиришимни маъкул кўраётган эди. Аммо уйда мени ташқаридагидан баттар хавф кутаётганини отам билмасди.

Машинада дарвозадан чиқишим билан кечаги военкомга дуч келдим. У қичаб бизнинг уй томонга келаётган эди.

Отамни безовта қилиб юрмасин, деб уни миндириб олдим.

— Мен синглимни кўргани кетаяпман. Бир-икки кун мени безовта қилманглар, — дедим унга.

— Ўзимга қолганда-ку, сен билан ишим ҳам бўлмасди. Лекин сен ҳарбийда нима каромат кўрсатиб келганингдан хабарим йўғ-у, бир ойдан бери менга тинчлик йўқ, — деди майор.

— Наҳотки, нима каромат кўрсатганимни айтишмаган бўлишса?! — дедим мийиғимда қулиб.

— Айтишгани, сен ўта хавфли жинойтчи эмишсан. Ғарбий Германиядагилар билан тил бириктириб, бизга қарши иш қилган эмишсан. Сени дарҳол қўлга олишимиз зарур экан. Москвадан шунақа буйруқ келган, — деди майор бош кийимини ечиб.

Мен тезликни оширдим. Бундан майор ҳовлиқиб:

— Нима қилаяпсан?! — дея кичкириб юборди.

— Ўша хавфли жинойтчининг қўлига тушиб қолдингиз, ҳозир сизни гумдон қиламан-да, дала-тўшга ташлаб кетаман. Ана ундан кейин ҳақиқий жинойтчига айланаман, тушундингизми? — дедим унга ўқрайиб.

— Эсингни еганмисан, сен бола? Мени бошингга урасанми? Менинг айбим нима?

— Айбинг шуки, — дедим мен унга баттар ўқрайиб, — учраб қолдинг қорним очганда.

— Мени ўлдирсанг, уйингга қайтиб боролмайсан.

— Қўрқиб кетдингизми? Қўрқманг, сизга ўхшаган ожизларга тегишга менинг қўлим бормайди.

— Ҳақорат қилма. Эътиборинг учун, мен сендан анча ёш каттаман.

Мен унга бир қараб қўйдим-да:

— Майор, мен билан шаҳарга бориб келмайсизми? Айтадиган гапларим бор, — дедим.

Майор бироз ўйланиб турди-да, сўнг бир қарорга келди шекилли:

— Кўп қолиб кетмаймизми? — деб сўради.

— Менимча, кўп қолиб кетмасак керак. Уйда маърака бўлаяпти, — дедим.

— Унақа бўлса, борганим бўлсин, — деди майор.

Шундан сўнг биз анча вақт жим кетдик.

— Москвадан келган ҳамма буйруқларни менга айтмадингиз, майор, — дедим ниҳоят жимликни бузиб.

— Менинг билганим шу. Бошқа ҳеч нарса айтишмаган менга. Лекин кбччиларга бошқача буйруқ ҳам келган бўлиши мумкин.

— Буйруқ бир ой бурун келди, дедингизми?

— Ҳа.

Бир ой. Укамнинг ўлдирилганига бир ой бўлган. Синглим ҳам шу ой ичида дабдурустдан гиёҳвандга айланиб қолган. Менинг Германиядан чиқиб кетганимга ҳам бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бу ерда бир сир борга ўхшайди.

— Менинг ҳарбийдаги жиноятим билан укамнинг ўлдирилиши орасида қандайдир алоқа бормасми? — дедим майорга қараб олиб.

— Бунисидан хабарим йўқ.

— Биласизми, мени таажжубга солаётган нарса, кичкинагина район марказида бир одамни куппакундуз куни сўйиб кетишса-ю, мелиса қотилларнинг кимлигини топа олмаса! Агар кимдир майдагина жиноят, айтайлик, ўғирлик қилсаям дарров қўлга олинади. Майор, шу пайтгача мен ўзимнинг қандай хизматда бўлганимни ҳеч кимга айтмаган эдим. Лекин ўйлаб қарасам, бекор қилаётган эканман. Шунинг учун сизга ҳарбийда нима воқеалар бўлганини айтиб бераман. Қўрқмайсизми?

— Айтавер, қўрқадиган даврим ўтиб кетган, — деди майор пастга урганимдан хафа бўлиб.

— Мен давлат миқёсидаги жосус бўлганман. Сизга келган маълумот каби бошқаларга эмас, айнан ўзимизнинг давлатга хизмат қилганман. Яшириб ўтирмайман, кўп қон тўкишимга тўғри келди. Лекин бекор қилган эканман. Мана, эвазига "рахмат"нинг қанақасидан олаяпман, — дедим чуқур нафас олиб. Кейин, отамдан сўнг иккинчи одамга ҳамма воқеаларни айтиб бердим.

Майор менинг ҳикоямни эшитиб, чуқур ўйга толди. Дастрўмолини олиб, кал бошидаги терни артди.

— Бу ҳақда беш-олти йил бурун пича эшитувдим. Ҳарбий ҳунар техника билим юртида бирга ўқиган курсдошим айтувди. Укаси жосус бўлган экан. Лекин у сенга ўхшаб қайтиб келолмаган. Тақдиринг шу экан, бошқа иложинг қанча!..

— Майор, агар мени тутолмасангиз, сизни нима қилишади?

— Билмадим, балки ҳарбий трибуналга топширишар. Ёки ўрнингга мени қурбонлик қилишар.

— Агар тутиб олиб борганингизда ҳам сизга қаҳрамонлик бермаслиги аниқ. Қайтанга, менинг машинамга ўтириб суҳбатлашганингиз учун, "Маълумот олган", деган гумонда йўқ қилишади. Демак, ҳар икки ҳолатда ҳам сизга осон бўлмайди. Сиз-ку, ўлимдан кўрқмайсиз. Бу юзингиздан кўриниб турибди. Лекин хотинингиз, болангиз-чи?.. Шулар ҳақида ўйламайсизми?

Менинг гапим майорга қаттиқ таъсир қилди шекилли, пешонаси тиришиб кетди. Бу пайтда биз шаҳарга кириб келаётган эдик.

— Сенга битта яхшилик қилай, — деди майор асабий оҳангда, — шаҳардаги ҳамма ДАН ходимларига машинангнинг номери берилган. Улар машинангни кўришлари билан тўхтатишади. Бундан ташқари, синглинг ётган касалхонада тўртта КГБ ходими сени кутиб турибди.

— Бу маълумот учун сизга катта раҳмат, — дедим астойдил хурсанд бўлиб. Кейин машинани тўхтатдим-да, майорга бу ёғига таксида кетишимизни айтдим. У индамай машинадан тушди.

Такси ҳайдовчисига сартарошхонага боришимизни айтгандим, майор менга ажабланиб қаради. Мен ҳаммаси зўр бўлади дегандек, бош бармоғимни кўтариб кўрсатдим. Ўн дақиқалар ичида сартарошхонага етиб бордик. Мен майорга: "Сиз шу ерда ўтира туринг", деб ўзим машинадан тушдим.

Қоп-қора сочим сап-сарикка айланиб қолганидан майор аввалига мени танимади. Кейин илжайиб:

— Касбингнинг устаси эканлигинг кўришиб турибди, — деди.

Мен кутиб турган таксичининг пулини бериб, бошқасини тўхтатдим-да, театрга ҳайдашини айтдим. Яна нима каромат кўрсатмоқчисан дегандек, майор менга ажабланиб қараб кўйди. Бироқ лом-мим демади.

Театрда қандайдир спектаклнинг репетицияси бошланган экан. Эринибгина рол ўйнаётганларни томоша қилиб ўтирган одамнинг ёнига бордим-да:

— Ака, сизни бир минутга мумкинми? — дедим. У менга ажабланиб қараб турди-да:

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз? — деди жаҳли чиқиб.

— Сизда жуда зарур ишим бор эди. Ёрдам бермангиз бўлмайди. Илтимос, — дедим ўзимни бечора-хол кўрсатиб.

— Қандай ёрдам? — деди у керилиб.

— Институтда ишлайман, маданият бўлимида. Бир сахна кўриниши тайёрлагандик. Обкомдагилар келиб кўриши керак эди. Ҳамма нарсани тахт қилдигу, соқол-мўйлов топилмай қолди...

— Йўқ бизда, — деди у бирдан юзини буриб.

— Ака, илтимос, шарманда бўлиб қолмайлик, —

дедим-да, чўнтагига иккита "ленинكالла"ни солиб кўйдим. У башарамга бир қараб:

— Биттагина бориди. Бугун керак, ўзимизга. Майли, раз, катталар келаркан, ёрдам қиламиз, — деб секин ўрнидан турди.

Мени майор мутлақо танимади. Унинг ёнига келиб:

— Шу ердан автобус ўтадимиз? — деб сўрадим.

— Билмайман, — деб театр томонга қараб тураверди.

Шундан сўнг ўзимни танитишга мажбур бўлдим.

Майор ёлғон айтмаган экан, синглим ётган касалхона ёнида тўртта барзанги йигит ўтган-кетганларни синчиклаб кузатишар, айниқса, менинг ёшимдагиларга жуда диққат қилишарди. Бироқ улар менга эътибор қилишни хаёлларига ҳам келтиришмади. Бемалол ўтиб кетдим.

Касалхонада домлаларни бошқача иззат-икром билан кутиб олишаркан. Ҳамшира қиз илжайиб-тиржайиб, Саиданинг хонасига ўзи бошлаб борди.

Саида ёшлигидан жуда сулув қиз эди. Мен армияга кетмасимдан бурун, ҳали еттинчи синфда ўқисада, орқасидан югурганлар кўп бўлган. Онам отамга: "Бу қизингизни мактабни тугатганданоқ узатиб юбормасак, битта-яримтаси ўғирлаб кетишдан ҳам тоймайди", дер эди. Шундай қиздан энди фақат қошу киприклар қолибди, холос.

Уни кўриб, додлаб юборишимга озгина қолди. У эса бирдан орқасига тисарилди:

— Йўқ, керакмас, ўлиб қоламан. Бугунча индаманг, — деди йиғлаб.

— Саида, — дедим мен кўзимда ёш билан, — мен акамман. Собирман.

— А-а, Собир акам, — дея у менга бироз тикилиб турди-да. — Акам... акам армияда ўлган. Алдаманг, акам сизга ўхшамасди. Мени алдаб, яна қийнайсиз!..

— Саи... жон синглим, мен Собирман, — дея унга яқинлашдим.

— Йў-ў-ўқ, — деди у орқага тисланиб. — Сиз менинг акаммассиз, яқинлашманг. Ҳозир томиримни тишлаб узаман!

Мен юзимни қўлларим билан бекитдим. "Ё, худо, синглимни не кўйга солишибди булар? Бунинг учун ҳамманг жавоб берасан! Керак бўлса, Москвангдагиларнинг ҳам абжағини чиқараман", деб хаёлимдан ўтказдим алам билан. Юзимдаги соқол-мўйловни юлиб олдим-да, Саидага кулиб қарашга ҳаракат қилдим. Шунда Саида менга бироз қараб турди-да:

— Акажон!.. — деганча ўрнидан сакраб туриб менга ўзини отди. Бўйнимдан кучоқлаб, ўкириб йиғлай бошлади. — Акажон... ўзимнинг акажоним! Сизни ўлди, дейишганди. Хайрият, тирик экансиз! Энам сизни кўрса, хурсанд бўп кетади... Акажон, мени бу ердан олиб кетинг. Ёмон укол қилишиб, ҳар куни мени қийнашади. Азоблашади, акажон!

— Ҳозироқ, — дедим мен ҳам ўзимни йиғидан тиёлмай, — ҳозироқ сени олиб кетаман. Сени бу аҳволга солганларни энасини кўрсатаман! Йиғлама, Саида, ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетасан.

Синглимнинг селдай оқаётган кўз ёшини артдим. У эса меникини. Ака-сингил узоқ вақт бундай туролмасдик. Мен тезроқ зарур ишларни битиришим керак эди. Шу боис, Саидага дарров келишимни айтиб, хонадан чиқдим. Эшикдан сал нарида мени кузатиб келган ҳамшира тиржайиб турган экан.

— Талабангиз ўзига келиб қолибдими? — сўради у менга кўзи тушган заҳоти.

— Сизларга қандай миннатдорчилик билдиришни билмай турибман, — дедим мен ҳам илжайиб ва уни шу заҳоти гипноз қила бошладим. Ишонувчан, таъсирчан экан. Бир дақиқа ўтмасдан измимга бўйсунди-қолди.

— Ҳамширалар хонасига олиб бор! — деб буйрук бердим унга. У айтганимни бажарди. Бахтимга, у ерда ҳеч ким йўқ экан.

— Саидага қанақанги уколлар қилинаяпти? — дея сўрадим.

— Наркотик ва азоб берувчи.

— Бунақа буйрукни ким сенга берган?

— Бош врач.

— Унга ким буюрган?

— Билмадим.

— Ҳозир бош врач қаерда?

— Обкомга чақиришган.

— Энди ўрнингдан тур-да, Саидани кийинтир, мен уни олиб кетаман.

Ҳамшира билан кириб келганимни кўрган Саида кўркиб кетиб, бирдан орқасига тисланди.

— Ака, мана шу, мана шу медсестра ҳар куни мени азоблайди! — деди шошиб.

Ҳамшира "ялт" этиб менга қаради. Унинг юзидаги аломатлар гипнознинг кучи тугаётганидан далолат берарди. Шу боис, қайта гипноз қилдим.

Ҳамшира ҳамроҳлигида касалхонадан ташқарига чиқдик.

Тўрт нафар кгбчи "дув" этиб ёнимизга келди.

— Қаёққа олиб кетаяпсизлар бу беморни? — деди улардан бири.

— Лаборатория кўригидан ўтказмасак, бўлмайди. Организмида жиддий ўзгариш юз бераяпти, — деди уларга жавобан ҳамшира. Бу гапни мен ҳамширага тайинлаган эдим.

— Сиз ким бўласиз? — сўради мендан.

— Мен лаборатория врачиман. Бу ерда асбоб-ускуналар йўқ, беморнинг ўзини олиб боришга тўғри келади.

Шу пайт ҳамшира телефонда чақирган "Тез ёрдам" машинаси ёнимизга келиб тўхтади. Гапимиз ростли-

гига ишонган кбчи машинага чиқишимизга монелик қилмади. Бироқ биз сал нарига кетганимиздан кейин қўлидаги махсус телефон орқали қаёққадир кўнғироқ қилаётганини ойнадан кўрдим ва ҳайдовчига тезроқ ҳайдашини буюрдим. У айтганимга бўйсунди. Бизнинг ҳисобимизда беш-олти дақиқа бор эди. Шу вақт ичида яширинишга улгуришимиз зарур. Менинг буйруғим билан ҳамшира ҳайдовчига бозор орқали ҳайдашини айтди.

Биз узоқ юрмадик. Тахминан ўн дақиқалар ичида бозорга етиб келдик. Мен синглим билан шу ерда тушиб қолдим. "Тез ёрдам" эса юкумли касалликлар шифохонасига кетди. Албатта, шу ёққа боришни уларга мен тайинлаган эдим.

Хавф ортда қолган эса-да, бу ёғи ҳам осонмасди. Айниқса, мен синглимни олиб чиқиб кетганим тўғрисидаги хабар кўпчиликнинг оромини бузиши, сўнг касалхона тўзиган ари уясига ўхшаб қолиши тайин эди.

Шаҳардан чиқмайман, дея нағма қилган такси ҳайдовчиси, ваъда қилинган кира ҳақини эшитгандан кейин жон-жон деб рози бўлди.

Шаҳардан ташқарига чиқаётиб, эгасини кутиб йўл чеккасида турган машинага қарадим, кўзимга ғариб кўринди, ичим ачиб кетди. Ёнида иккита аскар автомат ушлаб, улардан сал нарида учта қора костюм, қора кўзойнак таққанлар атрофга олазарак боқиб туришарди. Улар мени аҳмоқ деб ўйлашаётган бўлишса керак. Гўё ҳозир мен синглимни етаклаб машинамнинг ёнига келаман-у, улар қўлга олишади.

— Эшитишимча, — деб гап бошлади такси ҳайдовчиси автомат кўтарган аскарларни кўргач. — Россиядаги турмаларнинг биттасидан ўта хавфли "зек" қочибди. Анави "Жигули" ўшаники эмиш.

— Шунақамикан? — дедим ўзимни гўлликка олиб.

— Ҳа, бу ерга келгунча анча-мунча одамни асфа-

ласофилинга жўнатибди. Боя "стоянка"да шофёрлар шунақа дейишди.

— Ҳали ушлашолмабдими?

— Мошинасини кўриқлашаётганига караганда, уш-
лолмаганга ўхшайди.

Мен "ҳмм", деб бошимни кимирлатиб, кейинги режалар тўғрисида бош қотира бошладим. Анча ўйга толиб кетибман, шекилли, Саиданинг кўлимдан тор-
таётганини сезмабман.

— Ака, — деди охири у сабри чидамай.

— Нима гап, Саида? — дедим унга қараб.

— Нимага уйга бормасдан холамларникига, киш-
локқа бораяпмиз?

Мен боя таксичига манзилни айтаётганимда, киш-
локни, холамларнинг уй манзилини берганимда, Са-
ида ҳайрон бўлган эди. Лекин ўша пайт ҳеч нарса сўрамаганди.

—Холам, Саидани олиб аввал бизникига келинг-
лар, мениям уйлариингга олиб кетасизлар деганди, —
дедим мен синглимга жилмайиб.

У менинг ёлғон гапимга чиппа-чин ишонди.

Машина қишлоққа бурилиши билан ҳайдовчига "Тўхтатинг", дедим. Мени тушунмаётган Саида ҳай-
ратини яширолмай қаради. Чунки холамнинг уйига-
ча ҳали беш юз-олти юз метрча бор эди-да. Лекин у
лом-мим демади. Яхшиям гапирмади, акс ҳолда ҳай-
довчининг кўнглига шубҳа солиб кўярди.

Ҳовлисида куймаланишиб юрган холам Саида ик-
каламизни кўрди-ю, жойида қотиб қолди. Сўнг кўзи-
дан ёшини оқизиб биз томон юрди.

—Қандай кунларга қолдик, Собир?.. — дея аввал
мени кучоқлади холам. Шу пайт "Саида билмасин",
дея холамнинг кулоғига пичирладим. Холам бошқа
гапирмади-ю, бироқ йиғлашдан ўзини тиёлмади. Са-
идани эса беш-олти сония кучоғидан кўйиб юборма-
ди.

Холамнинг уйида чой ичиб бўлганимиздан кейин, холамга имо-ишоралар билан чиқиб туришини айтдим. У чиқиб кетгач:

—Саида, бир бошидан, ҳеч нарсани қолдирмай гапириб бер, қандай қилиб унақа касалхонага йўлиқиб қолдинг? — деб сўрадим.

Саида аввал менга бироз қараб турди. Кўзида ёш ҳалқаланди. Лаблари қимирлади. Кейин бошини эгиб, пешонасидаги қоп-қора сочини гижимлади-да, секин гап бошлади:

— Ётоқхонада кечкурун хонадошим билан чой ичиб ўтиргандик, эшик тақиллаб қолди. Очсам, оқ халат кийган икки киши турибди. Ҳайрон бўлиб уларга қараб турувдим, новчаси:

— Ҳозир ёмон эпидемия тарқалган, шунга ҳамма талабаларни укол қилаяпмиз. Бу ҳақда ректорнинг буйруғи бор, — деди.

Ноилож уларни хонага киритдим.

Аввал бармоғимиз учидан қон олиб, кичкина шисчага солиб қўйишди. Сўнг менинг билагимдан укол қилишди. Бирдан бошим айланиб, кўзим тиниб кетди. Улар мени каравотимга ётқизиб қўйишди. Хонадошим Барнони укол қилган-қилмаганини билмайман. Мен бу пайтда еттинчи осмонда учиб юрардим. Шу билан ухлаб қолибман. Эрталаб турсам, бошим энгил, кайфиятим чоғ.

—Барно, кеча дўхтирлар мени укол қилишганидан кейин ўзимни умуман сезмай қолибман. Қачон чиқиб кетди улар? — сўрадим хонадошимдан. Барнонинг айтишича, дўхтирлар мени укол қилиб бўлганларидан сўнг, шисhadaги унинг қонига қараб туришибди-да: "Сизнинг қонингизни анализдан ўтказишимиз керак экан", деганча лаш-лушларини йиғиштириб, чиқиб кетишибди.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Ювинишга бораётиб, дуч келган қизлардан кеча кечкурун дўхтирлар укол

қилган-қилмаганини суриштирдим. Бири "Жинни-мисан?" деса, бошқаси саволимни ҳазилга йўйиб қулиб кўя қолди.

Дарсга борганимдан кейин биринчи икки парада яхши ўтирдим, лекин учинчи пара бошланиши билан суяқларим қақшаб оғрий бошлади, жойимда ўтиролмай қолдим. Курсдошларим, домлалар югуриб қолишди. Институт поликлиникасида мени укол қилишди. Ишонасизми, оғриқ бирдан йўқолиб, осмонда сайр қила бошладим. Кейин ўша сиз олиб чиққан касалхонага олиб боришди. У ерда медсестраларнинг гапларидан билсам, мен наркоман бўлиб қолибман. Ўзи яқиндагина Ботирни қаро ерга топширувдик. Сизни-ку, йилингизниям ўтказиб юборгандик. Отам билан энамнинг бор-йўғи қолган битта кизи ҳам бунақанги кўйга тушиб... Ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Лекин иродам етмади. Тўғрироғи, ота-энамни ўйладим. Амаллаб тузаларман, деб умид қилдим... Лекин, ака, охириги пайтларда тузалишимга кўзим етмай қолди. Чунки медсестралар кўпинча менга фақат азоблайдиган уколлар қилишарди...

Мен кўз ёшимни яшириш учун синглимнинг бошини кўксимга босдим. Саиданинг кўнглини кўтармоқчи бўламан-у, гапиролмайман, овозим йиғи аралаш чиқишидан кўрқаман. Бироз унинг сочини силаб турганимдан сўнг дедим:

— Саи, сени ўзим даволатаман, ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан. Сенинг ироданг бор, биламан. Ҳар қандай уқубатга бардошинг етади.

— Ака, мен чидашим керак бўлган яна бошқа кўргилик борми? — сўради Саида юзимга қараб.

Унинг шу гапидан кейингина мен нима деб қўйганимни англаб етдим. Энди ҳамма гапни ҳозир айтмасам бўлмасди. Азобланса, ҳозир, бир марта азоблансин. Кейин қийналиб юрмасин.

— Саида, мен сени қанчалик яхши кўришимни

Ўзинг яхши биласан. Ҳозир айтадиган гапим сени каттиқ қийнаб қўяди. Лекин иложим йўқ. Айтишим зарур. Биласанми... — дея гапни нимадан бошлашни билмай иккиланиб қолдим. Дабдурустан "Энам ўлиб қолди", десам, синглим кўтароладими? Балки сал кейинроқ билгани маъқулми... Йўқ, айтиш керак. Саиданинг бардоши етади. Ҳозир аввал мен қидирувда эканлигимни айтаман, ундан сўнг онам ҳақида гапираман. — Биласанми, мен қидирувдаман. Нима сабабдан шундайлигини ҳозир айтишга вақт йўқ. Кейинчалик батафсил гапириб берарман, хўпми?

Синглим "хўп", дегандек бош силкиди. Унинг бу ҳаракати менга анча далда бўлди.

— Сениям уйга боришинг мумкин эмас. Борсанг, ушлаб олишади-да, яна ўша касалхонага олиб боришади. Буни сен ҳам, мен ҳам хоҳламаймиз... Кейин... Кейин оиламизда сен, мен, отам қолдик...

— Энам-чи?! — деди Саида бирдан қалтираб.

— Энам... энамниям бериб қўйдик.

— Нима?! — қичқириб юборди синглим ва сочларини ғижимлаган кўйи ўқириб йиғлашга тушди. Унинг овозини эшитган холам уйга югуриб кирди-да, Саидани кучоқлаб юпатаркан, савол назари билан менга қаради. Мен бошимни қимирлатиб "Айтдим!" деган ишорани қилдим. Кейин холамнинг ўзи ҳам йиғлаб: "Пешонамизда шундай кўргиликлар ҳам бор экан-да, нима қиламиз энди, қизим?.. Қолганларнинг жони омон бўлсин. Мана, ўлдига чиқарилган аканг қайтиб келди. Отанг бор, мен борман, сени ёлғизлатиб қўймаймиз", дея синглимни юпата бошлади. Мен ташқарига чиқиб кетдим.

Орадан бир соатлар ўтиб, холам уйдан чиқиб келди. Кўп йиғлаганидан, унинг кўзлари қизариб кетганди.

— Ухлаб қолди, шўрлик қиз, — деди айвон устунига суяниб.

— Хола, мен ҳозир бир жойга кетишим керак. Бормасам бўлмайди. Саидани шу ерда қолдираман. Сиздан илтимос, уни ёлғизлатиб қўйманг. Яна бир гап: синглимнинг аҳволи анча оғир. Агар анавиндақа дори — наша бўлмаса, ўзини бир нарса қилиб қўйишим мумкин. Шунинг учун қаердан бўлсаям наша топиш керак. Кўпмас, жудаям оз миқдорда. Бир грамнинг ярмиям етади. Фақат бугунга. Эртага ўзим даволатиш йўлини қиламан. Топиладими, шу падарингга лаънатдан?

Холам менга бироз ачиниб қараб турди-да, чуқур хўрсиниб, бошини қимирлатди:

— Бор, бу йил озгина экувдик, дорига. Мойини вазелин қутига солиб олиб қўйибман.

— Хола, шундан жудаям озгинасини чойга эринтинг. Саиданинг ўзи типирчилаб қолади. Шу пайтда берсангиз бўлди... Кейин, хола, синглим сизларникида бир кундан ортиқ турулмади. Мени қўлга олишлари учун Саида уларга жудаям керак... Хўп, мен кетдим, илтимос, айтганларимни ерда қолдирманг.

Холам гапимдан кейин бироз ўйланиб турди-да:

— Бўла*ларингнинг ҳаммаси сизларникида, менам боягина келувдим. Бир-иккита нарсаларни опкетиш учун. Яхшиям келганим... Ҳозир яна қайтиб бормасам бўлмайди. Бечора опамнинг биттаю битта сингисиман... — дея холам яна йиғлашга тушди.

Мен ерга қарадим. Ҳамманинг қайғусини ичимга ютаётган эдим. Ютишга мажбур эдим. Рўй бераётган кўргуликларнинг бош сабабчиси ўзим эдим-да, ахир.

Холам кўз ёшларини артиб, сал ўзига келиб олгач, овсинининг кизини чақириб келишини, Саиданинг ёнида ўтириб туришини айтди. Менинг кўнглим таскин топди ва дарвоза томонга юра бошлади. Холам "Қаерга борийпсан? Нега кетаяпсан?" дея бир оғиз ҳам сўрамади. Фақат:

* Бўла (шевада) — холавачча

— Собиржон, эҳтиёт бўл! — деди, холос.

Мен шаҳарга етиб келганимда кун пешиндан оққан эди. Тўғри майорни ташлаб кетган жойга бордим. Бечора терлаб кетган, бошидаги фуражкасини кўлига олволиб асабий ҳолда у ёқдан-бу ёқка юрар эди.

— Куттириб қўймадимми? — дедим унинг ёнига бориб.

У мени кўриши билан дами чикқан пуфакдай бўшашиб қолди-да:

— Одам дегани шунақа бўладими? — деди йиғламоқдан бери бўлиб. — Тез келаман дегандинг-ку.

— Адашаяпсиз, майор. Тез эмас, албатта, келаман, дедим. Мана, ваъдамга вафо қилдим.

Майор менга чақчайиб қаради:

— Шаҳарнинг қанчалик нотинчлигини кўрдингми? — деди.

— Ҳали бундан ҳам баттар бўлади, — дедим мийиғимда кулиб, — ҳозир иккаламиз тушлик қиламиз. Мен сизга "ҳақ" бермоқчиман. Эртага яна "Одамгарчилиги йўқ экан", деб орқамдан сўкиб юрманг.

Майор "Ҳаммасининг падарига лаънат", деб, кўлини силтади.

Биз ғарибгина бир кафега кирдик. Мен куюк-сууюк таомлардан ташқари ароқ ҳам буюрдим.

— Балки бугун ичмасмиз? — деди майор.

— Сиз билан яна шундай ўтирамизми-йўқми, худо билади. Келинг, бугун ичайлик, — дедим.

Майор мени кутмай биринчи қадахни бўшатди. Унинг қилиғидан кулгим қистади. Лекин унга билдирмадим. Иккинчи қадахни кўтараётганда менинг ичмаётганимга ажабланди.

— Мен азадорман, мусулмончиликка тўғри келмайди, — дедим майорга.

— Бизда бўлса, бундай пайтда қайғунг унутиш учун ичилади, — деди-да, бир кўтаришда иккинчи қадахни ҳам сипқорди. Кейин ароқ шишасини олиб пастга — оёғи остига қўйди.

— Укамнинг қотилларини қандай топсам бўлади?
— сўрадим майордан.

У дафъатан овқат ейишдан тўхтаб, аввал менга, сўнг атрофига аланглади. Ҳеч ким бизга эътибор бермаётганига амин бўлгач, яна овқатни паққос тушира бошлади.

— Саволимга жавоб бермадингиз, — дедим мен кайфиятим бузилганидан, унга жиддий қараб.

— Буни мен билмайман, бу ҳақда мен сенга айтгандим, — деди майор оғзидаги луқмасини ютишга шошилмай.

— Сиз билмасангиз, ким билади?

— Область кгбсининг бошлиғи билса керак, — майор шундай деди-ю, бирдан овқат ейишдан тўхтади. Афтидан, у беихтиёр айтиб юборганди бу гапни.

— Яхши, — дедим ва зўр бериб овқатланишга тушдим. Майор менга термилганча қолди.

Ниҳоят, овқатни тугатиб, лаб-лунжимни артаётганимда:

— Сен билан кетаётганимнинг "ҳид"ини олишган, энди сени олиб бормасам, ўзимга жабр бўлади, — деди майор.

— Фақат бугунмас, ишларимни битириб олай, кейин ўз оёғим билан "кошона"нгизга бораман, — дедим унга жавобан.

— Мен унда нима деб жавоб бераман? Ишлари бор экан, ишларини битирса, ўзи келаркан, дейманми?!

— Нималар деяпсиз, майор?! Ёшингиз бир жойга бориб қолган бўлсаям гапингиз ёш боланикига ўхшайди-я! Ҳозир ташқарига чиқайлик, мен сизга нима қилиш кераклигини айтаман.

Майор оғриниб ўрнидан турди. Чунки менинг сўнги гапим уни боши берк кўчага киритиб қўйганди. Агар мени олиб бормаса, ҳар қанча важ-карсон кўрсатмасин, катталар барибир ишонмайди. Оқиба-

ти... Оқибати эса аянчли бўлиши мумкин. Розилигимсиз мени у ёққа олиб бориш эса қўлидан келмайди.

Биз ташқарига чиққанимиздан кейин мақсадимни айтдим: яъни, овлоқроқ жойга борганимиздан сўнг, унинг юзига яхшилаб тушираман. Кўзи кўкаради ва бошлиғига мен уни мана шундай кўйга солиб кетганимни айтади. Майор гапимга кўнмади: "Оқибат шуми, кеча таъзияда сенга тегмасликларини илтимос қилдим, бугун синглингнинг ёнига бориб келишингга индамадим, энди мени шундай "мукофот" билан сийлаб кетмоқчимисан?!" Мен майорнинг кўзига еб кўйгудек тикилдим. Шу қарашимнинг ўзидан бечоранинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. У шошиб-пишиб:

— Мени урмасанг ҳам, бошқа йўли бор, — деди кўзи пирпираб.

— Қанақа йўл? — дедим вазоҳатимни ўзгартирмай.

— Шаҳарда "дугонам" бор, сен ишингни битиргунча мен шу ерда кутиб тураман. Агар сен менинг кўзимни кўкартириб, бошлиғимнинг ёнига жўнатсанг, барибир у мениям, оиламниям соғ қўймайди.

— Бўпти, кетаверинг, ўртоқ майор, — дедим мен унга совуқ жилмайиб.

У бир-икки қадам юрди-да, ортига ўгирилиб:

— Қачон кўришамиз? — деди.

— Дарвоқе, телефон рақамингизни бериб кетинг, — дедим мен энди бироз қовоғимни очиб.

У ён дафтарчасини олиб, рақамларни ёзди-да, варақни йиртиб менга узатди. Мен варақчани олаётиб:

— КГБнинг бошлиғи қайси кўчада яшарди? Хотирам пастлигидан эсимдан чиқариб қўйибман, — дедим.

У менга қўлини узатган қўйи:

— Охири бахайр бўлсин. Ленинград кўчасида, —

деди ва бирдан ортига бурилиб, тез-тез кадам ташлаб мендан узоқлашди.

Ленинград кўчасини пиёда кезиб чикдим. Қидирган одамимнинг уйини ҳам кўрдим. Пишиқ ғиштдан қурилган баланд бир қаватли бино. Дарвозаси қалин темирдан, унинг тепасидаги "шапка"да чироқ осилган, чироқнинг ёнида яна нимадир бор, оддий кўз билан илғаш мушкул. Демак, бу уйга фақат девор ошиб кириш мумкин. Шу ўйни хаёлимдан ўтказиб, кўчанинг нариги томонига қараб юра бошладим. Юз метрлар чамаси юрганымдан сўнг ортимдан машинанинг кетма-кет "сигнал" бераётгани эшитилди. Қарасам, ахлат машинаси экан. Машинани бироз кузатиб турдим. Кутганимдай, машина мен кўзлаган деворнинг ёнгинасидан ўтди. "Йўлнинг торлигиям баъзида одамга қўл келади", дея хаёлимдан ўтказдим-да, ортимга қайтдим. Кўчанинг бошига бориб, ярим соатдан зиёд кутдим. Атрофни қоронғилик қоплади. Ниҳоят мен кутган машина келди, унинг ортига осилиб, тележкасига чиқиб олдим ва кгб бошлиғининг деворига етганда сакраб девор устига чикдим. Падаринга лаънат, девор устига шиша синиқлари ёпиштирилган экан, туфлимни йиртиб юборди. Яхшики, оёғимга кириб кетмади.

Девор устида туриб атрофни кузатаётгандим, йўлбарсдай ит ақилламай югуриб келаётганига кўзим тушиб қолди. Худди қадрдонимни кутиб олмоқчидай ўзимни пастга отдим. Ерга тушган захотим мен улоқтирган пичоқ итнинг қоқ пешонасидан санчилди. У бир марта "вай" этган овоз чиқарди-ю, менгача етиб келмай ўмбалоқ ошиб, жон таслим қилди.

Уйнинг эшиги очиқ экан, ичкарига бемалол кирдим. Кираверишда чап томондаги хонадан телевизорнинг овози эшитилди. Секин шу томонга мўраладим. Уч киши: бир аёл, бир қиз ва бир бола кўзларини телевизордан узмай овқатланишяпти. "Оҳ, қан-

дай бахтли оила", дея хаёлимдан ўтказдим-да, яшириниб ўтирмасдан тўғри кириб бордим. Телевизордаги кино қизиқ эканми, ёнларига боргунимча биронтаси сезмади. Энди аёлнинг сочидан ушлаётган маҳалим у менга қараб қолди ва чўчиб тушиб, "Вой-й-й!" дея бақириб юборди. Қиз билан бола эса қарахт аҳволда қотиб қолишганди. Мен лабимга кўрсаткич бармоғимни босиб: "Тсс" дедим.

— Сиз кимсиз? — сўради аёл кўрқа-писа.

— Биринчидан, босқинчи, иккинчидан, қотилман, — дедим хунук тиржайиб.

— Биздан нима истайсиз? — деди аёл энди мутлақо ўзини йўқотиб.

— Менга жон керак.

— Йўқ, ундай қилмайсиз. Истаганингизча пул сўранг, бераман. Лекин бизнинг жонимизга тегманг,

— дея йиғлашга тушди. Унинг йиғисидан жаҳлим чиқа бошлади, юзига тарсаки тортиб юборишдан ўзимни тутиб туролмадим.

— Ойимга тегманг! Ойимга тегманг! — дея қичқиришди "итвачча"лари.

— Ўчир! — дея уларга муштимни кўрсатганим, бечораларнинг уни ўчди-қолди.

— Эрим билса, сизни соғ қўймайди! — деди жувон йиғи аралаш.

— Ҳали кўрамиз, ким кимни соғ қўймаслигини, — дедим мен жаҳл билан, — қани, сенлар ойингларнинг ёнига келинглари-чи!

Ўн олти-ўн етти ёшлардаги қиз, беш-олти яшар бола важоҳатимдан буткул юрагини олдириб қўйган шекилли, дарров айтганимни бажарди.

Мен уларни ётоқхонага олиб кириб, деразадаги пардадан икки бўлак йиртиб олдим-да, қиз билан боланинг оёқ-қўлини чандиб боғлаб ташладим. Оғизларига латта тикиб қўйдим.

Сўнг қилаётган ишларимни юрак ютиб кузатиб турган жувонга қараб дедим:

— Энди сиз билан бемалол гаплашиб олишимиз мумкин...

Жувон кўзидаги ёшини артиб:

— Нимани билгингиз келса, сўранг ҳаммасини, — деди.

— Наҳотки эрингизнинг қаллобликларини болаларингиз ҳам билишини истасангиз, юринг ошхонага, бемалол гаплашамиз, — дедим.

У менинг олдимга тушди. Ошхонага кириб столнинг икки томонига ўтирдик. Жувоннинг кўриниши заҳмат чеккан аёлларникига ўхшамасди. Биринчи боласи шунча ёшга кириб қўйибди-ю, ҳали юзи тиниқ, бирорта ажин тушмаган. Албатта, ўзига оро беришдан бўлак қайғуси бўлмаган аёл қарирмиди?!

— Исмингиз нима? — сўрадим жувондан.

— Лида, — дея жавоб қайтарди у.

— Меники Собир. Балки эшитгандирсиз?

Лида бироз ўйланиб турди-да:

— Эслолмадим. Эшитмаганман, шекилли, — деди.

— Бўлиши мумкин. Унда яхшилаб таниб қолинг. Ҳарбийда итдай хизмат қилиб, эвазига онаси, укасидан айрилган ва синглиси наркоманга айланиб қолган, ўзи эса ўта хавфли жиноятчи дея эълон қилинган...

— Наҳотки сиз ўша бўлсангиз? — деди Лида ҳайратини яширолмади. — Эрим сиз ҳақингизда гапирганда мен мутлақо бошқача тасаввурга борган эдим.

— Икки метр келадиган, бакувват, бадбашара!.. Шундайми?

— Шунга яқинроқ. Лекин сиз ихчам, чайир, кўркам йигит экансиз. Кўзингизга қараган ҳар қандай қиз севиб қолиши мумкин. Сизнинг шунча ишларни қилганингизга ишонгим келмаяпти.

— Албатта, эрингиз мен ҳақимда сизга нималар дегани номаълум. Лекин шуни аниқ биламанки, бир оғиз "яхши одам", деган гапни айтмаган. Аслида,

Ўзининг қилмиши меникидан ўтиброқ тушади. Мен ҳеч қачон бегуноҳ одамнинг қонини тўкмаганман. Бироқ эрингиз менинг укамни ўлдиртирган.

— Йўқ, бўлиши мумкин эмас! — бақриб юборди Лида. — Унинг қон тўкишга қўли бормайди.

— Лекин тили боради! Унинг буйруғи билан менинг укам ўлдирилган, синглим наркоманга айланган ва онам жар ёқасига бориб қолган. Тили билан буйруқ берганми, демак, ана шу тили менга энди жавоб беради.

Лида бошини чангаллади. Узок йиғлади. Тақдирдан нолиди. Мен эса унга қараб ўтиравердим. Орадан ярим соатдан мўлроқ вақт ўтиб, телефон жиринглади. Лида менга қаради.

— Агар эрингиз бўлса, уйда ҳаммаси яхши, ҳамма нарса жойида, деб айтинг ва эртароқ келишини тайинланг, — дедим.

Лида гўшакни олаётганда эса:

— Фарзандларингизни жудаям қаттиқ яхши кўрсангиз керак-а? — дея дастурхон устидаги пичокни олиб у ёқ-бу ёғига қараган бўлдим. Менинг бундай гапимдан кейин Лиданинг юзида қон қолмади.

— Алло, — деди у гўшакни олиб, — Владимир, сенмисан... Биз яхши ўтирибмиз. Ўзинг-чи? Ким кўнғироқ килди... Йўқ, унақа кўнғироқ бўлмади. Қачон келасан? Яхши, кутаман.

Гўшакни жойига қўйган Лида бироз бошини эгиб турди-да, сўнг менга юзланиб:

— Ўн беш дақиқадан кейин келаркан... Кимдир кўча телефон орқали эримга кўнғироқ қилиб, "Эҳтиёт бўлмасанг, ўлдиришади сени!.." дебди... Эримни ўлдирмайсанми? — сўради у кўрқа-писа.

Хаёлимга бирдан майор келди. "Эшшак, сотибдида. Шошмай тур, сенга чақимчилик қандай жазоланишини кўрсатиб қўяман!" дея кўнглимда майор учун ҳам "совға" тайёрлаб қўйдим. Аммо дилимдагиларни жувонга билдирмаслик учун хиёл тиржайдим ва:

— Буниси кўпроқ эрингизнинг ўзига боғлиқ, хоним, агар "ҳурматли эрингиз" айтганимни гап-сўзсиз бажарса, омон қолиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Энди эса кетдик, ташқарига чиқайлик, қиладиган ишларимиз бор, — дедим Лиданинг билагидан ушлаб. Шу ҳолатда ҳам у менга нозли қараш қилишга улгурди. Биламан, кгбчининг хотини ҳам маккорликда эрига бас келади. Озгина макрига учсанг, расвои жаҳон бўлиб қолишинг ҳеч гап эмас. Ахир, Аннанинг макрлари етти эшакка юк бўларди. Лекин унда қалб ҳам бор эди-да. Биргина қалб гўзаллиги сабаб мен омон юрибман.

Ташқарига чиққанимиздан сўнг Лида итининг ўлигини кўриши билан йиқилиб қолаёзди. Ўзини итининг устига ташлаб хўнграб йиғлади, мажбур бўлиб оғзини кўлим билан бекитдим.

— Ит бечорада нима айб? — деди оғзини бекитганимдан фойдаланиб, бўйнимдан кучоқлашга уринаётган Лида.

Мен унинг саволига жавоб бермай кўлини қайирдим.

— Овозингни ўчир. Кимда қанақа айб борлигини кейин билиб оласан. Ҳозир итнинг икки оёғидан ушла!

Лида иккаламиз итни кўздан панароқ жойга бекитиб келдик. Шундан сўнг менинг буйруғим билан жувон дарвозани қия очиб қўйди.

— Агар эринг келгандан кейин гинг этган овозинг чиқса, аввал сени, кейин эрингни ўлдираман, тушундингми?! — дўқ урдим Лидага. У "хўп", дегандек бошини қимирлатди.

Орадан кўп ўтмай, дарвоза ёнига машина келиб тўхтади-да, эшиги очилиб қайта ёпилди. Мен Лиданинг орқасидан кучоқлаб, дарвозага ёпишиб турдим. Қадам товушлари биз томонга яқинлаша бошлади. Мен ёнимдан пичоқ чиқариб Лиданинг бўйнига тирадим. Шунда унинг бадани титраётганини сездим.

Лиданинг эри дарвоза олдига келиб тўхтади. Худди шу пайт кўчада турган машинанинг юриб кетган овози эшитилди.

Дарвозанинг очикдигини кўриб Владимирнинг жаҳли чикди шекилли: "Шундай кундаям дарвозани очик қолдиришади, эшаклар", деди ва секин эшикни итарган маҳали менинг чангалимга рўпара бўлди. Ўзиям озгин, шланкадай узун бир нусха экан. Бор-йўғи иккита зарбадаёқ чўзилиб қолди. Бир томонидан мен, иккинчи томонидан хотини кўтариб ошхонасига олиб кирдик-да, столга ўтқазиб кўйдик. Бутунлай ўзини йўқотиб кўйган экан, бир човгум сув бошидан қуйилгач, кўзини очди. У атрофига ярим очик кўзи билан назар солиб чиққач:

— Сиз кимсиз? — дея сўради хаста овозда.

— Хотинингнинг ўйнашиман! — дедим унинг ёқасидан ушлаб. — Нима, шунча вақтдан бери столнинг устидаги расмимга қарайвериб, яна мени танимаяпсанми?

У бош чайқаб: "Танимаяпман", деди.

— Унда ҳозир танитаман, — деб унинг юзига бир шапалоқ туширдим. Лекин у миқ этмади. Шундан сўнг ёнимга қарасам, Лидахон эри билан машғул бўлиб қолганимдан фойдаланиб, секин ошхонадан чиқиш тарадудини кўраяпти. Чаққон сочидан чангаллаб тутиб, эрининг ёнига чўккалатиб ўтқизиб кўйдим. Кейин эрига:

— Мен Собирман! Билдингми, Собир!

Исмимни эшитиб у бир чўчиб тушди. Кўзи бақрайди. Хотинига ҳадиксираб қаради-да:

— Болалар қани? — деб сўради.

— Улар... улар ётоқхонада! — деди хотини қалтираб.

— Хўш, кўнглинг жойига тушдими? Энди гапир, менинг укам Ботирни футболдан қайтиб келаётганида ким пичокдаб кетганди?

Владимир елкасини қисди. Кейин: "Билмайман", дея жавоб қайтарди. Шу гап оғзидан чиқиши билан аввал Лиданинг, сўнг эрининг юзига мушт туширдим. Иккаласи ҳам ўмбалоқ ошиб кетди.

— Гапир! — дедим ғазабдан титраб. — Ким ўлдирди укамни?

Бошини эгиб олган куруқ гавдадан на сас, на садо чикди.

— Демак, хотинингга ичинг ачимайди. Унда ҳозир кизингни ҳам, ўғлингни ҳам... кўз олдингда тинчи-таман-у!..

— Йўқ-йўқ, — деди бирдан Лида қалтираб, — Ҳозир айтади. Владимир, ахир биз... Йўқ, мен чи-долмайман!.. Ўғлимни, қизимни!.. — Лида нима дея-ётганини ўзи ҳам билмас, лекин тинмай жавварди.

Хотинининг гапи таъсир қилдими ё бошқа сабабданми, ўзини бечораҳолга солиб ўтирган амалдор тилга кирди.

— Ҳақиқатан сен ҳақингдаги ҳамма маълумотларни биламан. Сен учун одам ўлдириш чумчуқ сўйишдай бир гап. Лекин сенга бир нарсани айтиб қўяй, агар яна ярим соатдан кейин мен ишхонага, навбатчига қўнғироқ қилиб, уйим осойишталигини айтмасам, улар бостириб келишади. Ораларида сендан ўтадиганлари ҳам бор. Шу боис, имкон борида жуфтакни ростлаганинг маъкул, — деди у бурнидан оқаётган қонни артиб.

— Яхши айтдинг бу гапни. Демак, ярим соат ичида тўртта одамни нимталашим керак. Қайси биридан бошласам экан... Топдим, аввал кенжадан, худди сизлар каби.

Бу гапимдан кейин Лиданинг ростакамига эсхонаси чиқиб кетди.

— Волод! — дея кичқириб эрининг ёқасидан олди у. — Ишинг фарзандларимиздан ҳам азизми, айт, ким ўлдирганини!

Аммо Владимир жавоб бермади. Худди ўликдай жим тураверди.

— Ана, кўрдингми? Боя сенга буларда одамгарчиликдан зиғирча ҳам йўқ деганимда ишонмагандинг, энди ўзинг кўриб иқрор бўлгандирсан. Шундай экан, шу ифлос билан бу дунёда бир ёстикқа бош кўйиб яшаб нима қиласан, ундан кўра ўлганинг яхши эмасми?! — дея Лиданинг сочидан бураб ушлаб кўтариб, уни оёққа турғаздим-да, оппоққина бўйнига кўлимдаги дами ўткир пичоқ учини секин ботира бошладим. Бечора аёл кўзи косасидан чиққудек бўлиб: "Володя! Владимир!.." деди хириллаб.

Владимирда ҳам, ҳартугул, қиттак бўлса-да юракдан бор экан.

— Айтаман! Айтаман! — деди хотинидан кўз узмаган ҳолда пешонасидан совуқ тер оқиб. Мен пичоқнинг шаштини озгина қайтардим. Жувоннинг томоғидан чиққан қон сийнаси томон оқди. Ҳансираб нафас олаётган жувон кўзини юмди.

— Музаффар!.. Музаф мафиоз!.. Ўшанинг одамлари!.. — деди Владимир энтикиб.

— Эҳ, мараз, — дедим унинг башарасига нафрат билан қараб, — қаердаги ўғри-муттахамни деб хотинингни шу кўйга тушгунча кутдинг-а!..

Лидани кўйиб юбордим. У оёғим тагига "шилқ" этиб кулади.

— Ваъда берганман, ҳеч кимга айтмайман деб.

— Ким буюртма қилган, сенми?

— Ҳа, кўлга туширилган эллик кило марихуаннасини қайтариб бериш шарти билан.

— Тушунарли, сендан бошқа нарса сўрамайман, — дедим-да, полда кўзини юмиб ётган Лиданинг билагидан ушлаб ўрнидан турғаздим. Унинг томоғидан оқаётган қон ҳали тўхтамаган эди.

— Эркаклар қанчалик бадбахт бўлишади-я, — дея унга бироз қараб турдим-да, сўнг: — Эрингиз қил-

маган яхшиликни мен сизга қилай, ваннага борингда, яхшилаб ювиниб келинг. Биз эрингиз билан у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтираемиз. Дарвоқе, эрингиздан ҳечам хавотир олманг, мен бунақанги пасткашларни ўлдиришдан жирканаман.

Лида оғир-оғир қадам ташлаб ошхонадан чиқди. Мен столлардан бирини Владимирнинг ёнига қўйиб ўтирдим. Шу топда тирик мурдага айланган бу махлукка ичим ачиди. Бунгаям осон эмас. Кимларнингдир буйруғини бажараман, деб не қўйга тушмайди.

— Адашмасам, сиз полковниксиз, тўғрими? — дедим унга қарамай. Ётоқхонада Владимир билан Лиданинг бирга тушган расмини кўргандим. Ўша суратда Владимир мундирда эди. Елкасидаги танҳо катта юлдуз майорлигидан далолат берарди. Расм анчайин сарғайганини айтмаса, орадан камида тўрт-беш йил ўтган. Бу вақт мобайнида Владимир, ҳеч курса, полковник бўлишга улгургандир. Айни дамда эса у мундирсиз эди.

— Владимир, бугун сизга қўнғироқ қилишиб, жонингизга суиқасд бўлиши ҳақида огоҳлантиришганимиди?

У бошини қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди.

— Ким қўнғироқ қилганини биласизми?

Полковник энди бош чайқаб "йўқ", деган ишорани берди.

Шу пайт эшик ёнида тўппонча кўтарган Лида пайдо бўлди. Биз полковник иккаламиз ўрнимиздан сапчиб турдик.

— Нима қилиқ бу? — дедим мен.

— Эҳтиёт бўл, жоним! — деди тийрак ва безовта оҳангдаги овозда полковник.

— Бизни шунчалик лакма деб ўйлаган бўлсанг, хато қилибсан, ҚАХРАМОН! — дея хитоб қилди Лида.

— Мен сизларни ҳечам лакма деб ўйлаган эмас-

ман. Фақат ваъда бериб кўйиб, энди қандай қилиб сўзимнинг устидан чиқсам экан, деб ўйлаб турувдим, — дея гўёки Лидага ҳамла қилмоқчидай, олдинга бир интилдим-да, ўзимни полковникнинг орқасига олдим. Шу пайт кетма-кет икки марта ўқ овози жаранглади. Учинчи ўқни менга қарата отишга Лида улгурмади. Мен унинг кўлидаги тўппончани тегиб юбордим-да, башарасига мушт туширдим. Тўппонча кўлидан учиб кетди, Лида орқасига қулади. Секин бориб жувонни ўрнидан турғаздим. У қарахт аҳволда эди. Нима воқеалар рўй бераётганига ақли етмасди. Ваннага етаклаб бордим-да, бошини энгаштириб, устидан совуқ сув жўмрагини очиб юбордим. Жувон бироз ўзига келгач, етаклаб, қонига қоришиб ётган эрининг ёнига олиб бордим.

— Мен сизга, хоним, пасткашларни ўлдиришга кўлим бормайди, дегандим. Ҳарқалай, ваъдамнинг устидан чиқдим. Фарзандларингиз ва сизга нисбатан хусуматим йўқ. Фақат сизнинг ҳам кўлингизни боғлаб кетмасам, жавобгарликдан қочиб, ўзингизни ўзингиз ўлдириб қўйишингиз ҳеч гапмас, — деб уни ётоқхонасига олиб кирдим.

Ўн олтами-ўн еттига кирган қизнинг ранги кўкариб кетибди. Бечора зўриққанидан нафас ҳам ололмади қолдими, деган хавотирда оғзидаги латтани суғуриб ташладим. Шундан сўнг у бирдан қаттиқ нафас олди. Кейин йиғлаб юборди. Лиданинг кўл-оёғи боғлангач, болаларининг қаторига ётди.

— Ўйлайманки, энди биз сизлар билан қайта кўришмаймиз. Безовта қилганим учун узр, — деб улар билан хайрлашиб, бу уйни тарк этдим...

Қишлоққа, холамнинг уйига етиб борганимда тун ярмидан оққан эди. Шундай бўлса-да, холамларнинг уйида чироқ ёниқ экан. Айвонга бориб овоз бердим. Ичкаридан холамнинг мен тенги ўғли — Раҳмон чиқди. Кучоклашиб кўришдик. Кейин бошлашиб уйга

кирдик. Уйда холам, поччам ва яна бир одам бор экан. Эркаклар мен билан кучоклашиб кўришишди. Дастурхон ёнига ўтирганимдан кейин суюққина шўрва олиб келишди. Иштахам йўқ эди. Шу боис, овқатдан бир-икки қошиқ ичиб, косани суриб қўйдим. Уйдаги одамлар шунгача индамай ўтиришди. Кейин поччам:

— Собир, булардан узоқ кочиб юролмайсан. Шунинг учун, балки эртага ўз хоҳишинг билан таслим бўларсан? — деди.

— Иложим йўқ, — дедим мен бош эгиб.

— Узоғи билан ўт беш-йигирма йилга камашар, отиб юборишмас, харқалай. Бу ёқда отанг билан синглинг қийналиб кетишди. Сени қўлга туширишса, уларни ўз ҳолига қўйишармиди?

Поччамнинг гапидан жаҳлим чиқиб кетди. Бирок тишимни-тишимга босдим. Аламинни ичимга ютиб:

— Барибир тинч қўйишмайди, — дедим.

— Унда қочибюраверасанми?

— Билмадим, — дедим мен баттар асабийлашиб ва гап мавзусини ўзгартириш учун: — Саида қаерда? — дея сўрадим.

— Нариги уйда ухляпти, Барно иккови, — деди холам.

— Мен ҳозир уни олиб кетмасам бўлмайди. Кундузи сабабини тушунтирувдим-ку, — дедим холамга. Шу гапимдан кейин поччамнинг ранги ўзгарди, чиройи бироз очилди. Бундан юрагим эзилди. Сўкиб ёки уриб юбормаслик учун ўзимни базўр тутиб:

— Почча, сиздан кичкинагина бир илтимос, менинг бу ерга келганимни бировга айтманг. Ёнингиздаги одамни танитайман-у, — дея бегона одамга қарадим, — сизданам шуни илтимос қиламан.

Юзимга фотиҳа тортиб, энди ўрнимдан тураётганимда, поччам:

— Яна сен мени уйига қўймади деб хафа бўлма, мен шароитни сенга...

— Почча, ҳаммасини тушунаман. Агар бу ерда қоладиган бўлсам, сизгаям осон бўлмайди, сиздан мен эмас, шайтонлар хафа бўлишсин, — деб эшик томонга йўналдим.

Ҳовлига чикиб, Саидани уйғотиб чикқунларича у ёқдан-бу ёққа юриб турдим. Биронтаси ҳам менга сўз қота олмади. Ҳаммаси чурқ этмай кузатиб туришарди, холос.

Саида холамнинг овсинининг кизи — Барно билан чиқди. Синглимнинг пешонасидан ўпиб, соғлигини сўрадим.

У синик жилмайиб, "Яхшиман", деди.

— Бўпти, хайр, сизларни безовта қилганим учун узр, — дея синглимни етаклаб йўлга тушдим. Бирор беш қадамлар босмасимдан орқамизда кузатиб қолганлардан бири:

— Собир! — дея мени чақирди. Тўхтаб, ортимга ўгирилдим. Поччамнинг ёнида турган киши унга:

— Мен ҳеч қурса меҳмонларни сал нарироққача кузатиб қўяй, бу ердан хайр-хўш қилсак, инсофдан бўлмас, ака, — дея илдам қадамлар босиб ёнимизга келди. У билан бирга Барно ҳам бизга эргашди.

Тўғриси, ҳали бирор марта бунақа ҳолатга тушмагандим. Кучим, ақлим, зукколигим билан ҳар қандай танг вазиятдан чиқиб кета олардим. Бироқ айни дамда жуда ожизланиб қолдим. Қаёққа боришни, нима қилишимни билмасдим. Агар бир ўзим бўлганимда, бирорта дарахт устига чиқиб ухлаб, эртасига яна ишимни давом этказиб кетаварардим. Аммо ҳозир бундай қилолмайман, ёнимда синглим бор. Биринчи навбатда унинг хавфсизлигини таъминлашим зарур.

— Акам нотўғри қилди, — деди қаватимда кетаётган киши. — Эшикка келган меҳмонни ит қопмас, дейдилар. У бўлса... ҳайдаб солди.

— Тўғри қилди, агар шундай йўл тутмаганда ўз ҳаётини ҳам хавф остига қўйган бўларди, — деб унга эътироз билдирдим.

— Ҳозир қаёққа борасизлар? — сўради у мендан.

— Очиғи, билмадим, қишлоқдан чиқаверайлик-чи, бирор чораси топилар.

— Бугун меникида тунасанглар бўларди, ука. Мана, синглинг ҳам Барно билан чиқишиб қолди.

— Тўғри, — гапга қўшилди Барно. — Биз Саида иккаламиз тенгдош эканмиз, дарров дугона бўлиб қолдик. Бизникида қолинглар.

Қиз охири гапини ялингандай айтди. Шу пайтга-ча мен унга қарамагандим. Гапидан сўнг юзига бир назар солдим-у, хаёлларим тўзғиб кетди. Синглимни гўзал бир санам етаклаб келаётган эди, унинг таъри-фига тил ожиз! Айниқса, ойнанинг сутдай оппоқ нури-да унинг чеҳраси бошқача кўринарди.

— Сизларни ҳам қийнаб қўямиз, — дедим бошқа гап тополмай.

— Ҳечам қийнамайсизлар, уйда ўтириб гаплашиб олардик, сенга айтадиган икки оғиз гап бор эди.

Мен унинг уйига боришга рози бўлдим. Айни чоқда бошқа иложим ҳам йўқ эди.

Абдукарим ака (у исмини шундай деди) менинг хай-хайлашимга қарамай, хотинини ширин уйқуси-дан уйғотиб, овқат қилишни буюрди. Бу пайтда Барно елиб-югуриб дастурхон ёзди. Қанд-курс, нон олиб келди. Ой ёруғида унинг жамоли тўла-тўқис намоён бўлмаган экан. Оппоқ юзига қоп-қора соч, узун кип-ригу ёйдаин кош узукка кўз қўйгандай мос тушган, қадди-қомати ҳар қандай эркакнинг хаёлини олиб қочарди.

— Поччанг билан мен она бошқа ота бир ака-укалармиз. Ундан сен хафа бўлма. Ўзи ёшлигидан куёнорак эди... Тўғри, сен ҳақингда эшитган ҳар қандай шерюракнинг ҳам нафаси ичига тушиб кета-ди. Лекин нима бўлгандаям ҳозир бундай қилиши жуда ўринсиз бўлди.

Мен индамай бошимни эгдим. Абдукарим ака

кайта-кайта акасининг қилмишини эслатавериши, бир томондан, ансамни қотираётган бўлса, иккинчи томондан, мени ноқулай аҳволга солаётган эди.

— Бугун сизларникига мен ҳам боргандим. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, кўчаларингнинг у бошидан бу бошигача ҳар йигирма қадамда биттадан формасиз кўланка турибди. Гап-сўзларга қараганда, сен бугун военкомни бир ёқлик қилиб кетганмишсан. Эрталаб у сенинг машинангга минганини кўпчилик кўрган экан. Ҳозиргача дом-дараксиз. Демак, қайсидир чуқурда ўлиги чивинларга ем бўлиб ётган.

Абдукарим аканинг гапидан мен ўзимни тутиб туrolмадим. Шунақанги қаҳ-қаҳ отиб кулдимки, у юзимга қараб безрайиб қолди.

— Қойил! — дедим мен зўрға ўзимни тутиб. — Тавба, худди кўргандай гапиришади-я, одамлар... Военком тирик, унга жин ҳам урмаган.

— Ҳа, энди одамлар нималар дейишмайди. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди-да.

— Отам қандай экан? — сўрадим мен жиддий тортиб.

— Отанг... Отанг гарангсиб қолгандай кўринди кўзимга. Келган-кетган билан иши йўқ. Бошини эгганча ўтирибди дарвозахонада.

Мен бошимни кафтларим орасига олдим. Ичим ўт бўлиб ёна бошлади. Ахир, фарзанд ҳам отасини шу кўйга соладими? Бунақанги фарзанднинг боридан йўғи афзал эмасми? Нега тирик қолдим? Нега Аннанинг гапига кириб, мени ўлдирмоқчи бўлганларга чап бердим? Агар ўшанда ўлиб кетганимда, ҳозир укам ҳам, онам ҳам тирик юарди. Отамнинг юзи шувут, боши ҳам бўлмасди эл орасида.

— Ука, узр, — деди Абдукарим ака менинг ҳолатимни кўриб, — кўнглингга оғир ботадиган гап айтиб кўйдим.

Мен унга бирор муддат ҳеч нарса демай тикилиб турдим-да:

— Боя икки оғиз гап бор дегандингиз, — дедим.

Шу пайт Абдукарим аканинг хотини овқат кўтариб кириб қолди, гапимиз бўлинди. Гўшт билан картошка қовурилган экан. Поччамнинг уйидагидан кўра азизланганим шундан ҳам кўриниб турарди. Лекин томоғимдан овқат ўтмади. Бир-икки лукма еган бўлдим-да, кўлимни артдим. Товоқдан кўл тортганимни кўрган Абдукарим ака овқатга ундади. Эътирозимни эшитгач, у ҳам кўлини сочикқа артди.

— Сенга айтмоқчи бўлганим, — дея гап бошлади сўнгра у, — Қозоғистон билан чегара райондаги чўлда битта ошнам чўпонлик қилади. Ҳозирча синглинг икковинг ўша ерда яшаб турсанг, балки хавфсизроқ бўлармиди?

Мен ўйланиб қолдим. Таклифи жўяли эди. Синглимни у ерда қолдириб, ўзим қолган ишларни бажарсам ҳам бўларди. Лекин бегона жойда, бегона одамнинг кўлига қандай қилиб қиз болани ташлаб кетаман?

— Гапимга ишонмадинг-а, — деди ўйланиб қолганимни кўрган Абдукарим ака. — Биламан, ҳозир сен ҳеч кимга ишонмайсан. Ўрнингда мен бўлганимдаям шундай қилардим. Ишонишинг учун, биласанми, нима қиламан? Сизларга қизим Барнони кўшиб ўзим олиб бориб қўяман. Жа, янги бўлмасаям, эскироқ "Москвич"им бор. У ёққа етказиб қўйишга ярайди.

— Абдукарим ака, ҳамма мenden қочаётган бир маҳалда нега энди сиз ёрдам бермоқчисиз? — дедим унинг менга маъқул келган таклифини бирдан қабул қилмай.

— Э-э, ука, мана, ёшим эллик бешга қараб бора-япти, шунча вақт яшаб, сенга ўхшаганини кўрмаганман. Сенга ўхшаган йигитлар юз йилда бир марта дунёга келади. Шундай йигитни увол қилиб қўйсақ, худоям бизни кечирмайди.

Мен унинг гапидан қизардим. Мақтов қандайдир

бошқачароқ чиқди. Бундай гапга жавоб сифатида уялиб бошни эгиш мумкин эди. Шунда одам камтарликни унутмаган бўлади.

— Абдукарим ака, унда ҳозироқ йўлга тушиш керак. Тонг отса кеч бўлади, — дедим суҳбатдошимнинг кўзига тик боқиб.

— Яхши, унда мен ҳозир, — деганча Абдукарим ака ўрнидан туриб ташқарига йўналди.

Бир оздан сўнг аввал Саида, унинг ортидан Барно мен ўтирган хонага кириб келди. Шу маҳал Барно иккаламизнинг нигоҳларимиз тўқнашди. Бирор муддат бир-биримиздан кўз узолмай колдик. Қандайдир сониялар ичида юрагим гупиллаб уриб кетди. Бироз ўзимни йўқотгандай ҳам бўлдим. Илгари сира бунақа ҳолатга тушмагандим. На Анна, на бошқаси мени бу кўйга сололган. Жуда кўп ўйлаганим Нафиса эса мени ҳаяжонга солган, ўзига маҳлиё этолган, бироқ бу қадар эмас. Агар Саида бизнинг ҳолатимизни сезиб, томоқ қирмаганида, билмадим, қанча вақт шундай аҳволда турардик. Синглим: "Бу ерда мен ҳам борман!" дегандек томоқ қирганидан кейингина нигоҳларимиз ажрашди. Кўп ўтмай, бўсағада пайдо бўлган Абдукарим ака ҳаммамизга бирма-бир қараб чиқди-да:

— Кетдик, ҳамма нарса тайёр, — деди.

Ҳовлига чиққанимиздан сўнг Абдукарим ака хотинига агар кимдир уйига сўраб келиб қолса, шаҳарга — бозорга кетганини айтишни қайта-қайта тайинлади.

Тунги иккиларда йўлга тушдик. Машина рулига мен ўтирдим. Чунки эрталаб Абдукарим ака яна ортига қайтиши керак эди. Гарчи кун бўйи анча-мунча ишларни қилиб чарчаган бўлсам-да, уйғоқ ҳолатда ўзимга-ўзим дам бериш йўлини билардим.

Шаҳарга етиб борганимиздан сўнг Абдукарим акани уйғотиб, энди бу ёғига қандай кетишни сўрадим.

У уйқули кўзини очиб, атрофга бир қур назар солди-да, мен Россиядан уйимга келган йўлни кўрсатди ва яна пинакка кетди. Машина тезлигини оширдим. Орадан маълум муддат ўтиб, ғайриихтиёрий ҳолатда орқа ўриндикда ўтирган қизларга ойнадан қарадим.

Саида Барнонинг елкасига бошини кўйганча ухларди. Барно эса, менинг ҳар бир ҳаракатимни кузатиб кетарди.

— Сиз нега ухламаяпсиз? — сўрадим ундан.

— Мен ухласам, сиз ҳам ухлаб коласиз-да, — деди Барно майин овозда ва жилмайиб кўйди.

— Ухламайман, ухлолмайман. Ишлаётган пайтда ҳечам уйқум келмайди, — дедим мен ҳам ойнадан унга кулиб қараб ва айни чоқда "Абдукарим ака уйғониб қолиб, ҳар хил хаёлларга бориб юрмасин", деган ўйда унга ҳам бир қараб кўйдим. Ҳартугул, у каттиқ уйқуга кетган, ора-сира қиска хуррак отарди.

— Сизга ҳавасим келаяпти, — деди Барно, — шунча ишга ўзингизда қандай куч топасиз?

— Билмадим, балки одамнинг бошига иш тушгандан кейин шунақа — ҳамма нарсага улгурадиган бўлиб колар.

— Бирпасда ҳаммаёқда машхур бўлиб кетдингиз. Сизни ҳамма жиноятчи, деб ўйласа керак. Лекин кўринишингиздан жиноятчига ҳечам ўхшамайсиз.

— Жиноятчи эмаслигимни билиш учун ҳамма менга сизнинг кўзингиз билан қараши керак-да.

Барно нафаси ичига тушгандай жим бўлиб колди. Ойнадан қарасам, бошини эгиб олибди. Назаримда унинг уялиши ҳам ўзгача эди. Яна гапирсам, баттар уялади, деган ўйда анча вақт жим кетдим.

Аста-секин тонг оқариб кела бошлади. Машина деразасини очдим. Майин шабада юзимга урилди. Чарчаб бораётган руҳим яна тетиклашди. Ўзимни енгил ҳис этдим. Аввал Саида, сўнгра Абдукарим ака уйғонди.

— Етиб кўйибмиз, ҳисоб, — деди Абдукарим ака чўлу биёбонга назар ташлаб. — Машинани тўхтат, бу ёғига ўзим ҳайдаб бораман. Сенам чарчаб кетдинг.

Мен унга эътироз билдирмадим. Белим қотиб қолган эди. Ўзимам бирон жойга тўхтаб, керишиб олсамми, деб ўйлаётгандим.

Қуёш терак бўйи кўтарилганда манзилга етиб келдик. Абдукарим аканинг ошнаси тоққа туташ сойликнинг бир чеккасига ўтов тикиб олган экан. Унинг ёнида тўрт туп дарахт ўсиб турар, дарахтлар тагида кичкина булоқча бор экан. Сал нарида усти қуриган шох-шаббалар билан бекитилган кўтон. Чўпон "қурай-қурай"лаб, бир талай кўйларни кўтонга қамаш билан овора эди.

Абдукарим ака бизга ўтов ёнида туришимизни тайинлаб, ўзи чўпоннинг олдига кетди. У етиб боргунча чўпон ишини саранжомлаб бўлганди:

— Қандай махлуқ келиб қолди бу ёқларга? — деди мезбон, Абдукарим ака унга яқин келганида, ўнгирига пешонасини артиб.

— Аждаҳо! — кичкирди Абдукарим ака. — Сени кўйларингга қўшиб ямламай ютгани келдим.

Улар кучоклашиб кўриша кетишди. Ачомлашишларига қараб турсам, кураш тушишяпти экан. Гоҳ униси рақибини ердан узиб олади, гоҳ буниси. Қизлар уларнинг қилиқларини кўриб қотиб-қотиб кулишди. Беш дақиқалар давом этган олишувдан кейин иккала "рақиб" бирданига ерга кулади ва шу ҳолда гаплашиб ётишибди. Биз уларнинг ёнига бордик. Туриб олишларига кўмаклашдик.

— Бу аждарчаларинг қаёқдан пайдо бўлиб қолди? — сўради офтобдан юзи қорайиб кетган чўпон.

— Сенга битта ўзимнинг кучим етармиди? Ёрдамлашади, деб буларниям бошлаб келдим-да, — деди унга жавобан Абдукарим ака.

Яна кулишиб олдик.

— Унда сен аждарчаларингни етаклаб ўтовга боравур, мен кўйлардан семизини ушлай, — деб чўпон кўтон томонга юрди.

— Нима қилмоқчисан? — дея ундан сўради Абдукарим ака.

— Сендай жўрам, озиб-ёзиб бир кеп қопсан, оёгингнинг тагига битта кўйни думалатмасам, юрганаканман-да, эркакман деб!

— Ҳов, эркак, — деди унга қарата Абдукарим ака, — ҳозир вақтим йўқ. Бошқа пайти еб кетарман шу кўйингни.

Чўпон қайсар одам экан. Абдукарим акага бир ўқрайиб қараб кўйди-да, кўтон томон кетаверди.

Кўй сўйилиб, зиёфат қуоқ бўлди. Кейин Абдукарим ака кетишга чоғланди. Бироқ чўпон Эгамкул ака унга жавоб бергиси келмай, ҳеч курса бир кеча қолишини, икки ошна суҳбатлашиб ётишини айтиб, дўстини йўлдан қайтаришга уринди. Аммо Абдукарим ака кўнмади. Дўстини кўтоннинг ёнига олиб бориб, бир нарсаларни уқтирди. Сўнг иккаласи ёнимизга қайтиб келди.

— Ошна, — деди Абдукарим ака Эгамкул аканинг елкасига кўлини кўйиб, — буларни сенга, сени худого топширдим. Насиб қилса, бирор ойдан кейин ўзим келиб, уларни олиб кетаман.

Отасининг ортидан Барно йиғлаб қараб қолди. Уни юпатмоқчи бўлдим-у, бироқ тилимга жўяли бир гап келмади. Саида эса икки кун ичида дугона бўлиб қолган бу қизни қучоқлаб, милкларидаги кўз ёшини артди. Шунда Саиданинг юзи қизариб бораётганини кўрдим. Бу касали кўзиётганидан белги эди.

— Анави, — дедим Барнога қараб, — кечаги вазелин қути қолиб кетдими?

— Олганман, — деди Барно киприкларини пирпиратиб, — холангиз: "Бу қиммат нарса. Кетаётганла-

рингда менга берасизлар", девди. Мен бермадим. Яшириб олиб келдим. Уйимиздаям озгина борийди, унияям олволдим.

Барнонинг гапидан енгил тортдим. Айни дамда унга меҳрим ўн чандон ошди.

Қизлар ўтовга кириб кетгач, ташқарида Эгамкул ака иккаламиз қолдик. У дарахтлар тагига курсича ясаб кўйган экан. Куёш забтига олаётган бўлса-да, бу жой одамнинг баҳри-дилини очадиган даражада салқин эди. Яна ҳаммаёқ кўриниб тураркан. Биз анчагача жим ўтирдик. Эгамкул ака ўз ўйлари билан банд, мен келгуси режаларим билан.

— Чўпон таёғини умрингда ушлаганмисан? — дея сўради ниҳоят чўпон.

Мен "йўқ", дегандек бош чайқадим.

— Икки кун дам ол, кейин сени бир яйловга олиб чиқаман. Маза қиласан. Кўй боқишнинг ўзига яраша гашти бўлади, ука. Баъзилар чўпонларни одам ўрнида кўрмайди. Мен бўлсам, қайта туғилсам яна чўпонликни касб қилган бўлардим...

Эгамкул аканинг бундай гаплари мени ўйларимдан чалғитиш учун айтилаётганини яхши англаб турардим. Чунки мен одамнинг ичидаги фикрини қисман бўлса-да уқиш машқини олгандим-да. Шунинг учун ўзимни ҳамсухбатимнинг гапларини ниҳоятда диққат билан тинглаётган одамдай тута бошлагандим. Хаёлим эса отамда, ҳозир у қай аҳволда ўтирган экан?

— Синглингнинг мазаси йўқ экан, жўрам айтди, — деди Эгамкул ака.

— Ҳа, шундай.

— Бир пайтлар отам раҳматли ҳов анави, — тоққа ишора қилди у, — товнинг нариги тарафиги булоқчанинг лабида ўсаётган гиёҳни кўрсатиб: "Буни нашавандлар ичса яхши бўп кетади", девди. Мен бориб шуни опкелай-чи, ажабмас, синглинга даво бўп қолса.

— Мен ўзим бориб кела қолай, — дедим Эгамкул акага қараб.

— Йўқ, сен чарчагансан. Буни ўзинг яширсанг ҳам, кўзинг айтиб турибди. Яхшиси, сен мана шу жойга кўрпача ёзиб, дамингни ол, — шундай дея Эгамкул ака ўрнидан турди. Сўнг эшагини эгарлаб, минди-да, йўлга тушди.

Ўтовга кириб кўрпача олиб келишга сабрим чидамай, столчага чўзилиб кўяколдим. Шу бўйи уйқуга кетибман. Қанча ухлаганимни билмайман, бир пайт оёқ товушини эшитдим. Кўзимни очгим келмай кимирламай ётавердим. Оёқ шарпаси ёнимда тўхтади. Кейин қиз боланинг хўрсингани эшитилди. "Саида бўлса керак. Ишқилиб, касали яна кўзимаган бўлсин-да", деган ўйда қарадим. Адашган эканман. Тепамда Саида эмас, Барно турарди!

— Саида тузукми? — дедим ўрнимдан турарканман.

— Нега бунақа ахволда ётибсиз? — деди Барно ўпка-гина қилиб. — Айтсангиз, ўзим сизга кўрпача олиб келиб берардим-ку.

— Қандай ухлаганимни сезмай қолибман, — дедим ўзимни оклашга уриниб. — Соат неча бўлди-кан?

— Соатни билмадим-у, лекин қуёш ботай деб турибди, — деди Барно менга қараб жилмайиб. — Саида иккаламиз овқат қилмоқчи эдик. Эгамкул ака келиб қандайдир ўт бериб кетди, ундан ёғ, туз қаердалигини сўрашга уялдик. Ўзимиз излайлик десак, ноқулай.

— Эгамкул ака келиб кетганиниям сезмай қолибман-да, — дедим қотиб ухлаганимдан уялиб. Сўнг муздай булоқ сувида юзимни ювдим-да, синглимининг аҳволидан хабар олгани ўтовга қараб юрдим.

Одамнинг иродаси мустаҳкам бўлса, ҳар нарсага чидаркан. Саиданинг, шунча азобга қарамасдан,

Ўзини тутиб туришига қойил қолмасдан иложим йўқ эди. Тўғри, у онда-сонда вазелин кутидаги нашанинг қорачасидан ялаб турарди. Лекин бу билан қонга юбориладиган оғу орасида осмон билан ерча фарқ бор-да.

Хартугул, Эгамкул ака олиб келган гиёҳ ҳам синглимга ёрдам берди. Эртасига уни қуритиб, чойга дамлаб Саидага ичирганимиздан сўнг чиройи очилди.

Синглимдан кўнглим хотиржам эди, бироқ отам ҳақидаги ўй мени баттар исканжасига ола бошлади. Эртароқ бу ердан кетишим, отамнинг ҳолидан хабар олишим зарур. Қолаверса, укамнинг хунини ҳам қиёматгача чўзиш ниятим йўқ. Шу боис, Эгамкул аканикига келганимизнинг учинчи куни унга уйимга бориб келмасам бўлмаслигини айтдим.

У ўйланиб қолди. Сўнг:

— Отангдан хабар олишинг яхши, лекин ўзингнинг жонинг хавотирда-да, — деди.

— Мени қўяверинг, уч кун мана шундай баҳаво жойда дам олдим. Бу менга анчага етади. Энди отамни кўрмасам бўлмайди. Лекин маълум вақтгача сингилларимни шу ерда қолдирмоқчиман.

— Сингилларингдан ташвиш чекма. Бу энг беҳавотир жой. Бунинг устига, иккаласиям одобли қизлар экан. Қара, ҳаммаёқни чиннидай саришталаб қўйишди. Мен икковиниям ўзимнинг қизимдай кўраман... Сениям қўйворгим йўқ. Лекин ушлаб ҳам қоллолмайман... Майли, кетсанг омадингни берсин. Фақат ўзингга эҳтиёт бўл.

Ўша куни кечаси кетишга чоғландим. Қўй жунидан нозик килиб мўйлов ясаб, бурнимнинг тагига ёпиштирдим. Ярашди. Кейин шу тарзда қошимни ҳам энли килиб ўзгартириб олдим. Гарчи жуда ўхшамаган эса-да, кўпол чиқмади. Мендаги ўзгаришларни Саида билан Барно кўриб, қотиб-қотиб қулишди. Лекин шунақа ҳам бўлиши мумкин, дейишди. Сўнгра

икковлашиб мени сариқ сочдан халос этишди: умр-лариди соч олиб кўрмаган экан, бошимнинг бир-икки жойини қонатиб кўйишди.

Эртасига тонгда йўлга чиқдим. Мени кузатишаёт-тиб Барно:

— Албатта, қайтиб келаман, деб ваъда беринг, — деди кўзига ёш олиб. Мен унинг кўз ёшини эҳтиёт-корлик билан артиб:

— Келмай қаёққа ҳам борардим? — дея ҳазиллаш-дим-да, ортимга бурилиб, илдам юриб кетдим.

Бу ёққа келаётганимизда катта йўл унча узоқ туй-илмаганди. Ёки машинада менга шундай кўринган-миди, билмадим. Икки соатдан мўлроқ юриб, ас-фальт йўлга чиқиб олдим. Сўнг машина кута бошла-дим. Тўртта енгил машина тўхтамай ўтиб кетди. Бе-шинчиси келаётганда йўлнинг ўртасига туриб олдим. Босиб кетгиси келмади, шекилли, тўхтади. Аввал-бошда: "Миндирмайман!" — деб тихирлик қилиб тур-ди-да, "Яхшилаб рози қиламан", деганимдан кейин кўнди.

Тахминан уч соат юрганимиздан сўнг кўшни ви-лоят марказига етиб бордик. Мен бозор ёнида тушиб қолдим. Мақсадим вазиятни билиш эди. Вазият мен кутганимдан ҳам баттарроқ экан. Ҳар қадамда ме-нинг суратимни осиб ташлашибди. Ўта хавfli жи-ноятчи қидирилаётгани ёзилган. Ҳатто қаердалигим-ни билиб, хабар берганларга мукофот ҳам эълон қили-нибди.

Ана шундай "реклама"ларимдан бирини ўқиётган ўзим тенги йигит билан қари чолнинг ёнига бориб турдим: "Эътибор қилармикин", деган ўйда.

Боласининг гапларини тинглаб турган чол сура-тимнинг нусхасига термилиб турди-да: "Бу бола жи-ноятчига ўхшамайди. Кўзи айтиб турибди. Бошқа гап борми, дейман-да", — деди. Унинг гапини эши-тиб кўзимдан ёш чиқиб кетаёзди. Шу боис дарров ортга чекиндим.

Тахминан ярим соатлар бозор айланиб, ҳеч кимда шубҳа уйғотмаганимга амин бўлгач, бозордан чиқиб, универмаг олдига борсам, оломону милиса тўпланган, қий-чув.

— Нима гап, тинчликми? — деб сўрадим энг четда турган одамдан.

— Биттаси сотувчилар тушликка чиқишганидан фойдаланиб, универмагга ўғирликка кирибди. Сезиб қолишган чоғи, у дўконнинг ёнидан ўтиб кетаётган ёшгина аёлнинг беш яшар боласини кўлидан тортиб олиб, магазин ичига кирволган. Ҳозир болачанинг бўйнига пичоқ тираб, ҳамманинг бу ердан кетишини талаб қиляпти, — деди.

Мен магазин ичига қардим. Дарҳақиқат, боланинг бўйнига пичоқ тираб турган ўғри ташқарига қараб бақирарди. Ташқарида эса, боланинг онаси сочини юлганча дод-вой солиб йиғлар, милисалардан боласини кутқаришини ялиниб-ёлвориб сўрарди. Менинг ичим ёниб кетди, бу аҳмоқ пичоқни сал ботирса, болани ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Атрофга қарасам, универмагнинг шундоққина ёнгинасида катта-катта картон қутилар турибди. Дарров милиса ходимларидан бирининг ёнига бориб:

— Мен кгбданман, ҳов анави қутиларни кўтариб, магазин ойнасига теккизинг! — дея буйруқ бериб, ёнимдан оддийгина қоғоз чиқариб унга кўрсатдим. Бу оддий қоғоз милиса ходимининг кўзига КГБ вакилининг гувоҳномаси бўлиб кўринди. Чунки бу орада гипноз қилишга улгургандим.

— Хўп бўлади, — дея у айтганимни бажариш учун югуриб кетди.

Картон қутилар дераза ойнасига текканини кўрган ўғри эътиборини шу томонга қаратди. Мен вақтдан фойдаланиб, югурганча дўкон эшиги ёнигача етиб бордим. Бу пайтда менинг ҳаракатимни кўриб қолган милиционерлар: "Ҳов, нима қиляпсан?! Қайт,

орқанга!" — деб бақириб қолишди. Уларнинг бақириши ҳам ўғрини биров чалғитди. Бу яна менга қўл келиб, дўкон ичига кириб олдим ва кийим расталари ортига яшириндим. Буни шунчалик тез бажардимки, ўғри мутлако сезмади. Аста-секин ўғрининг орқа томонига ўтиб, унга яқинлаша бошлаганимда, универмаг ичида бошқа одамлар ҳам борлигини кўриб қолдим. Улар бошларини кўтармай кассаларнинг ёнига бориб, пулларни ўмариш билан банд эди. Ўғирликнинг бунақа тури ҳам борлиги, очиги, етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди.

Нихоятда эҳтиёткорлик билан боланинг бўғзига пичоқ тираб турган ўғрининг яқинига бордим. Падарингга лаънат, довдираганидан пичоқни шунчалик каттиқ тираган эдики, боланинг томоғидан қон сизиб турарди. Агар пичоқни яна озгина ботирса, бола ҳаёт билан видолашиши тайин.

Бирдан ўғрининг пичоқ тутган қўлидан ушладим. У кўрқиб кетганидан, пичоқни боланинг бўғзига баттар ботиришга урина бошлади. Бироқ кучлар тенг эмасди. Дарров унинг пичоғи дамидан болани халос қилдим. Сўнг ўзини чунонам тепдимки, уч қадамча учиб, чалқанча тушди. Бола эса ўтириб қолди. Мен хавотир билан унинг бўйнини кўздан кечирдим. Ҳартугул, пичоқ фақат терисини тилибди.

Қарасам, универмагнинг орқа томонидаги эшик очик, ўғрилар шу томонга қочишяпти. Ҳозиргина мендан тепки еган ўғри ҳам шериклари ортидан жуфтакни ростламоқчи бўлиб инқиллаб эмакляпти. Унинг белига тепдим, ерга қапишиб қолди. Ўзим эса қолганларининг ортидан чопдим. Универмагнинг орқа эшиги ёнида яна бири ер тишлади. Бу пайтда милиса ходимлари магазин ичига ёпирилишган эди. Мен қолган икки ўғри ортидан кува бошладим. Айни дамда ўзим ҳам қочаётган эдим. Шу боис, қоп орқалаб орқада қолаётган ўғрига деярли етиб олган бўлсам-

да, унга бирданига ҳамла қилмадим. Фақат катта йўлга етар чоғда орқа миясига мушт туширдим. У шу жойнинг ўзидаёқ ерга кулади. Иккинчиси эса йўл четида тўхтаб турган машинага ўтирди. У энди машинани юрғизганида, мен орқа ўриндикқа ўтиришга улгурдим. Ўғри тезликда машинани жойидан жилдирди. Мен эса орқа ўриндикда ястаниб ўтириб олдим.

— Сен кимсан?! — дея бақирди ортига бир қараб кўйган ўғри. Кўрққанидан унинг юзи докадек оқариб кетган эди.

— Агар тезроқ ҳайдамасанг, ажалинг бўламан, — дедим мен бамайлихотир.

— Ўзимизданмисан, аблах? — деди у чуқур нафас олиб.

— Сен ким деб ўйловдинг? — дедим мен кулиб.

— Унда нега анавиларнинг дабдаласини чиқардинг? Вабше ишнинг белига тепдинг-ку! — деди у ойнадан менга ўқрайиб қараб.

— Менга ўдағайлама, хозир ўзингниям белингни синдираман.

— Синдирасан?! Хунимни тўлолмай қийналиб қолмагин. Ҳали анави учтаси учун бутун оила аъзоларинг ҳам товон тўлайди. Меники...

У охириги гапини айтолмади. Бўйнидан бўғиб олдим.

— Ифлос, оилам ҳақида гапирма-а-а, ўлдираман! — дедим асабий қалтираб.

— Бўлди... бўлди, гап йўк! — деди у бўғилиб.

Унинг бўйнини қўйиб юбориб, ўриндикқа ястаниб ўтирдим. Шаҳар ичида кетаётсак-да, машинанинг тезлиги юқори эди.

— Хавфсиз жойга чиқиб олдинг, шекилли, — дедим кўзи чиққудек бўлиб машинани бошқараётган ўғрига.

— Энди ушлаб бўпти, — деди у иржайиб.

— Бўлмаса онангникига шошаяпсанми?

— Тезроқ узоқроққа кетсак, яхши-да, — деди у жиддий тортиб.

— Эртароқ етиб бораман деб биронтасини урворма, тагин. Кейин одам камроқ жойда тўхта, мен тушиб қоламан. Сен аҳмоқ билан яна бир ишкалга кўшилиб қолиш ниятим йўқ.

Гапим ўғрига мойдай ёкиб тушди. У оғзининг танобини тиёлмади ва дарҳол машинани йўл четига олиб тўхтатди. Шу пайт унинг биқинига пичоқ тирадим. Бечоранинг ранги ўчди.

— Нима қилаяпсан?.. — деди қалтираб.

— Агар айтганларимни бажармасанг, ўлдираман! Мен учун одам ўлдириш чумчуқ сўйишдай гап.

— Нима истайсан мендан?

— Музаффар қаерда?

— Қайси Музаффар?

— Танайманми? — унинг биқинига пичоқ учини ботирдим.

— Агар... Агар, — деди у оғриқнинг зўридан афтини бужмайиб, — сен "Чаён"ни сўраётган бўлсанг, у хозир дачасида. Мени кутиб турибди.

— Нега сени кутади?

— Қарзим бор.

— Қанақа қарз?

— Магазинлардан "доля" йиғаман. Шу сафар озгина ишлатиб кўювдим. Шунга универмаг директори билан келишиб, магазинига ўғирликка тушувдим.

— Демак, универмаг директори ўғирлик қилишларингни билган. У сенга "доля" бермайдими?

— Беради. Шу сафар ҳам берувди. Ишлатиб қўйиб, кейин яна пул сўраб боргандим. "Магазиндаги пулларни олиб кетавер, лекин мен аралашмайман", деди. Шундай бўлсаям, магазиннинг орқа эшигини очиб берди. Биз ўғирликка тушган пайтимиз сотувчилардан биттаси обедга чикмаган экан. Шунинг касофа-

ти билан ҳаммаёк ишқал бўлди... Бу ёғини ўзинг биласан.

— Сен йиғилган пулларни нима қиласан?

— Прокурормасмисан мабодо?

— Жавоб бер, ит!

— Ярмини Чаёнга бераман. Кўрдингми, менам "доля" бераман. Бошқалардан кўпроқ.

— Ҳозир ўша Чаёнингнинг ёнига борамиз. Менинг кимлигимни айтмайсан. Оғзингдан гуллаб кўйсанг шу заҳоти ўлдираман, тушундингми? Энди машинани ҳайда. Айтмоқчи, исминг нимаиди?

— Ғани, — дея машинани ўт олдирди у.

— Қани бўлмаса, Ғанивой, аканг билан бир салом-алик қилиб келайлик.

— Сал бўлсаям ёшимни ҳурмат қилсанг бўларди. Ҳарқалай, сендан беш-олти кўйлак кўпроқ йиртганман, — деди Ғани ковоғини уйиб.

— Сендаям кўнгиб борми? Ҳей, кўнглингни кўчасига... Кўзингга қараб ҳайда, сени "сиз" десам, лафзим увол бўлади.

Аслида, бугун Музаффар билан учрашиш ниятим йўқ эди. Отамдан хабар олмоқчи эдим. Лекин вазият шуни тақозо қилиб қолди. Бир ҳисобдан, бу ишни ҳозир бажариб кўйсам, бир ташвишдан қутуламан. Жуда қулай вазият, ҳеч бир шубҳа-гумонсиз Чаёнинг "даргоҳ"ига кириб бораман.

Чаён деганларини мен ҳарбийга кетмасимдан бурун ҳам эшитгандим. У ҳақда тенгқурларим оғиз кўпиртириб гапиришар, кўлидан келмайдиган иш йўқлигини айтишиб, унга ҳавас қилишарди. Мана бугун ўзимнинг "иш"им унга тушиб турибди. Кўрамиз, ёшлигимизда тасаввур қилганимиздай, кўрқинчлимикан ёки ўзимизга ўхшаган одаммикан?..

Ғани шахардан чиққанимиздан кейин машинани тоғли район томонга бурди. Бу томонларга аввал келмаганман. Эшитишимга қараганда, роса дам ола-

диган жойлар. Яна нашанинг асосий қисми шу ерларда ўстириларкан. Бир синфдошимиз бўларди. Исми ёдимда йўқ. У билан тўртинчи синфгача бирга ўқиганмиз. Кейин у шу районга кўчиб келди. Асли ота юрти шу ер экан. Биз ўқишни битиришимиздан олдин, мактабимизга келди. Айтишича, бойликка кўмилиб қолганмиш. Наша экаркан. Ундан келади-ган даромадни биз умр бўйи ишласак ҳам тополмасканмиз. Иккита яп-янги машина олибди. Яқинда уйланмоқчи, эртароқ бола-чақа ортириб, уларни ҳам бойликка кўмиб ташламоқчи шекилли.

Бу гапларга ҳам уч йилча бўлиб қолди. Балки у уйланиб, хотинини ўзи айтганидай зарга белагандир.

— Мен сен билан бирга Чаённинг ёнига киролмайман, — деб қолди бир пайт Ғани хаёлимни бўлиб.

— Нега киролмайсан? — сўрадим мен.

— Сени бошлаб борсам, мени ўлдиради у. Яхши-си, сал берироққа тушиб, ўзинг бориб кўяқол, сендан нима кетди? — деди у менга мўлтиллаб қараб.

— Шундай ақлинг борлигини билмаган эканман. Фақат ақлинг калтароқ экан-да. Мен билан борманг, мен сени ўлдираман. Шундай экан, ажалинг етибди. Ичингда калимангни келтириб машинани хайдайвер.

— Бола-чақам бор. Мен ўлсам, уларнинг холи нима кечади? — деди у йиғламоқдан бери бўлиб.

— Мен сени бола-чақаси йўқ, етимча, шунинг учун ноилож магазинларни шип-шийдон қилиб юрибди, деб ўйлаган эканман.

Ғани яна жим бўлиб қолди. Унинг холи танглиги рулни ушлаб турган қўли қалтираётганидан ҳам билиниб турарди. Шу пайт миямга: "Ҳозир бу кўрққанидан машинани йўл четига буриб юбориб, биронта дарахтга урса, ҳамма режаларим чиппақка чиқади-ку", деган ўй келди ва Ғанига машинани тўхтатишни буюрдим. У менга хавотирланиб қараган эди,

"қўлимни чайиб" олишимни баҳона қилдим. Ғани хурсанд бўлиб машинани тўхтатди-да, эллик метрлар наридаги толни кўрсатиб:

— Шу ерга борсанг бўлади, — деди.

— Ҳайронман, — дедим унга қараб, — қайтиб кетди. Сендаям шунақаси бўлиб турадими?

— Бўмайди! — деди у асабийлашиб.

— Унда мана бу ёққа ўт, — деб унинг бўйнидан бўғиб орқага тортдим.

— Ўзим, ўзим ўтаман! — дея энди у йиғлаб юборди.

Мен уни қўйиб юбордим, у машинадан тушди. Ўзим ҳам пастга тушиб керишиб олдим.

— Керишишни ким чиқарган экан, одам роса маза қилади-да! Ўзиям белу оёқдарим қотиб қолибди. Шунинг учун бу ёғига машинани ўзим ҳайдайман. Озгина бўлсаям оёғимнинг чигили ёзилади, — деб машинанинг ҳайдовчи томонидаги эшигини очдим, — дарвоқе, ярим метр бўлсаям ип топиладими?

— Нима қиласан? — деди менга Ғани ўқрайиб қараб.

— Керак, оғайни, керак. Қўрқма, бўйнингга солиб, сени бўғиб ўлдирмайман.

Ғани машина калитини олиб, юкxonани очди. Юкxонага оғзи боғланган бир қоп жойланганди.

— Нима бу? — сўрадим Ғанидан. У менга бир қараб кўйди-да, жим тураверди.

— Нима?! — дедим бақириб, жаҳл билан.

— Пул, — деди у қалтираб.

— Йўғ-э, шунинг ҳаммаси пулми? — дея қопнинг оғзини очдим. Бир даста ўнталик "ленинқалла" пуллар қопнинг оғзидан чиқди. — Вой-бўй, ҳали сенга шунча пул қамлик қилдими?

— Бу пуллар мениқимас, қаттаники, унинг "доля"си, илтимос, тегма, шундоғам қам.

— Қам?! — дедим унга хайратланиб қараб, — бу

пулга ярим шахарни сотиб олса бўлади-ку. Камига бало борми?

— Бу бир кварталники.

— Қойил-э, бутун СССРнинг пули сизлардайканда. Сенга битта таклиф. Мана шу пулларни арра қиламиз-да, йўқоламиз.

Ғанининг кўзи олайиб кетди. Ҳатто бир-икки кадам ортига тисарилди. Кейин қалтираб:

— Чаённинг донғи бутун саюзга кетган, ернинг тагидан бўлсаям у бизни топиб олади. Илтимос, ҳали менинг яшагим келаяпти.

— Ҳаҳ, бечора, ўзинг қуёнюрак экансан-у, яна магазинлардан пул йиғишинга бало борми? Қўрқма, менга сенинг ҳаром пулларинг керакмас. Буларни олиб ҳожатгаям бормайман. Ипни топ!

Ғани юкхонани кавлаштириб, бир метр келадиган, ингичка сим топди. Мен симни олдим-да, унинг кўлини маҳкам қилиб боғладим. Кейин орқа ўриндикқа ўтирғизиб кўйдим.

Биз яна ярим соатлар юрганимиздан кейин тоғ бошланди. Йўлнинг икки томони ёнғокзор, онда сонда арча дарахтлари учраб туради. Ҳавонинг тозалигидан одамнинг дили яйрайди. Қани энди ташвишинг бўлмаса-ю, маза қилиб шу ерларда дам олсанг. Бутун чарчоғинг чиқиб кетади. Манави итлар эса бу ерни ҳам ифлос қилиб ин қуриб олишибди. Бир кун келиб бу жаннатмакон жойларнинг уволи тутиши хаёлигаям келмайди бу маразларнинг. Анча вақт атрофдаги гўзал манзарани кузатиб бордим. Охири чиқолмадим, машинани тўхтатдим-у, шундоққина йўл четида оқаятган зилол сувда юзимни ювдим. Очиғи, бунақанги роҳатни умримда кўрмаган, сезмаган эдим. Бутун вужудим шунақа бир енгил тортдики, қанотим бўлса-ю, учсам.

Кейин машинанинг ёнига бориб, букчайиб кичкина бўлиб қолган Ғанига:

— Ҳов, олифта, сенам машинадан тушиб бир юзингни чайиб олсанг бўларди, — дедим.

У менга бироз қараб турди-да:

— Яна икки юз метрдан кейин Чаённинг дачасига етиб келамиз, — деди.

Чаёнлар пана-пастқам, овлоқ жойлардан уя қуришади. Кейин ўша уйларида ҳеч кимга билдирмасдан чиқишади-да, тўғри келган жонзотга ўзининг захарли нишини суқади. Эшитишимча, агар чаён чақишга биронта ҳам жонзот тополмаса, чидолмаганидан бошқа чаённи, яъни, "қариндош"ини чақармиш.

Қайсидир маънода овлоқ ҳисобланмиш бу жойларни Музаффар бежиз танламаган. Бу ерда туриб "жонзот"ларни чақиш анча қулай.

Ғани айтган икки юз метрдан кейин йўлнинг чап тарафида икки томони қизил пишиқ ғиштдан гул солиб терилган дарвозага дуч келдик. Дарвозахонада икки йигит қарта ўйнаб ўтиришарди. Улар машина тўхтаганини кўришди-ю, истар-истамай машғулотларини йиғиштиришиб, биз томонга юришди. Мен бу пайт Ғанининг қўлларини ечишга улгурганим. Йигитлардан бири машина ойнасидан бизга кўз ташлади-да, Ғанига қараб иржайди. Кейин:

— Чувалчанг, ўзингмисан? Одамни жа-а куттириб қўйдинг-ку, туш, бу сафар сенга шу ердан бошлаб хизмат кўрсатамиз, — деди.

Аввал Ғани, кейин мен тушдим. Ғани йигитларга қараб ғалати қараш қилди. Бундан безовталаниб қолишган йигитлар ёнимга келишди-да:

— Кечирасиз, меҳмон, сизни кўриқдан ўтказмасак бўлмайди, — дейишиб, кийимларимни пайпаслаб чиқишди. Кейин дарвозадан ичкарига киришимга руҳсат беришди. Шу пайт кутилмаган ҳолат юз берди. Ғани юз қадамлар наридаги ҳашаматли уйга қараб қочди. Мен уни қувмадим. Аста-секин ўша томонга боравердим. Бу ерда уйга олиб борувчи махсус йўлак

йўқ. Ҳаммаёқда текис қилиб ўрилган кўм-кўк майсазор, бамисоли ям-яшил гилам тўшалгандай. Ҳарҳар жойга экилган арчалар кузалган. Бунақа манзарани мен Германияда кўргандим. Фақат бу ернинг майдони кенг, гольф ўйнайдиган майдончалари ҳам бор экан.

Ғани ҳашаматли уйга етмасдан, тол соясида оппоқ стол атрофида ўтирган уч киши ёнида тўхтади. Улардан иккитаси аёл эди. Ўтирганларга алланималарни айтгач, Ғани кўлини қовуштириб сал нарига бориб турди.

Шу пайт орқа томонимда тўртта барзанги пайдо бўлди. Мен уларга эътибор бермай боравердим.

— Ким бизни сўроқлаб келибди? Биздай фақирларни ҳам сўраб келадиганлар бор экан-ку, — деб семизлигидан ияги кўкрагига бирикиб кетган одам ўрнидан туриб мен томонга қараб юрди. — Мен сени кутгандим.

Орамизда икки метрча масофа қолганда у тўхтади. Менга синчиклаб қараб турди-да:

— Бу аҳволингда ўзингга ўхшамай қолибсан. Қошингдаги матоҳни олиб ташла, бурнингнинг тагидагيام ўзингникига ўхшамайди, — деди тиржайиб.

Мен ундан кўзимни узмай туриб, ясама қошу мўйловларимни юлиб ташладим.

— Ана, бу бошқа гап, — деди у ва Ғанига қараб: — бу бола сен ўйлаган ментларданмас. Ментларнинг бундай бўлолмайди. Буни менга кўйиб беришса, миллий қаҳрамон, деган бўлардим. Бугун кадрдон меҳмоним бўласан. Манави жононларнинг ёнига ўтирчи...

Мен жойимдан кимирламадим. Кўкрагигача очиқ, оппоқ бўлиқ сонларини кўз-кўз қилиб ўтирган жувонлардан бири нозланиб ўрнидан турди-да, кўлимдан оҳиста ушлаб:

— Мархабо, — дея стол томон етаклади.

— Биз эркаклар ҳар доим гўзаллик қаршисида қулмиз, — дея иржайди Чаён. Менга унинг гапи бачкана, беўхшов туйилди. Гапига қарши биронта чиройли гап қилмоқчи бўлдим-у, аммо ўзимни босдим.

Чаённинг имоси билан стол устидаги ҳали кўл урилмаган сархил мева-чева, газак ва таомлар ўрнига янгилари келтирилди. Шундан сўнг жувонлардан бири ароқ шишасини очиб, қадахларга қуйиб чикди.

— Қани, олинглар! — хитоб қилди Чаён. — Абадий дўст бўлиб қолайлик.

Мен кўлимдаги қадахни лабимга теккизмасдан столга қўйдим. Қадахини бир кўтаришда бўшатган Чаён менинг қилиғимни кўриб афти бужмайди. Кейин ёйлиб, хандон отиб кулди. Унга жувонлар жўр бўлишди.

— Ичмайман, демоқчисан-да, — деди бирдан кулгидан тўхтаб, — мени хафа қилаяпсан.

— Ичмайман, деб айтмадим. Ҳозир ичмайман, — дедим мен унинг кўзига тикилиб.

— Яхши, — деб у қизларга бир имо қилганди, дарров иккаласи ўрнидан туриб кетди. Шундан сўнг Чаён биздан беш-ўн қадам нарида кўлларини ковуштириб хизматга шай бўлиб турган девдай-девдай беш нафар йигитига ҳам жавоб бериб юборди.

— Сен билан ўғил болачасига гаплашмоқчиман. Ана кўрдинг, ҳаммасига жавоб бериб юбордим. Бу — сендан кўрқмайман деганим, — деди Чаён менга асабий тикилиб.

— Мен сизни кўрқитиш учун келганим йўқ, — дедим овозимни бир парда кўтариб.

— Оббо, Собиржон-эй, қара, дарров тортишамизми? Бу, одобдан эмас. Мен сенинг кимлигингни жуда яхши биламан. Ҳатто кўлингда кўғирчоқ қилиб ўлдирганинг ўша Владимирдан ҳам яхшироқ.

— Мен уни ўлдирмаганман.

— Қўй, менга чўпчак айтма.

Шу пайт Чаённинг одамларидан бири келиб унинг қулоғига алланималар, деб пичирлади. Музаффар унинг юзига бир ўкрайиб қаради-да:

— Чўмилтиринглар яхшилаб, — деди. Сўнгра менга юзланиб: — Қара, Собиржон, бир итим бор, ҳаммаёғини кир қилишибди, бефаросатлар. Хуллас, менинг ёш дўстим, сен ҳақингда билганларимни йиғсам, бир уй бўлади.

— Наҳотки, — дедим мен киноя билан.

У менинг киноямга эътибор ҳам қилмади.

— Александр Петрович менинг қалин ошнам. Сенинг олдингда унинг катта қарзи бор экан. Ҳаётини сақлаб қолибсан. Қизи сенга ошиқ бўлиб қолган экан. Шундай гўзал қизга бирор марта ҳам қарамай чакки қилибсан. Отасининг обрўси, қизнинг малоҳати учун қанчадан-қанча одамлар жонини беришга таяёр. Агар ўша ерда қолганинда, шоҳона яшаган бўлардинг. Сен бўлсанг... Майли, буларнинг бари чепуха. Ёмони, сен арининг уясини кўзгаб қўйгансан.

— Қанақа ари? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Асланнинг одамларини гум қилгансан.

— Қанақа Аслан? Мен ҳеч қанақа Асланни танимайман!

— Қозоғистон чўлида кимларни гумдон қилганингни биларсан, — деди Чаён менга иржайиб қараб.

Мен бошимни кафтларим орасига олиб сикдим. Иблиснинг, ҳақиқатан ҳам, ҳамма балодан хабари бор экан. Ҳозир унга "Мен ўлдирмадим", деб ҳар қанча уқтирмай, барибир ишонмайди.

— Улар изимдан тушган эди.

— Бунинг учун ўлдириш шартмиди?

— Ўлдирмадим мен уларни! — қичкириб юбордим.

Қичқиришим оғир ботди — унинг афти гезариб кетди.

— Ўзингни бос, ука, дунёда мана шунақа жавоб бериш қийин бўлган саволлар ҳам кўп. Яна бир гап. Сен бошқа давлатга сотилганинг учун хоҳ ўлигинг-хоҳ тиригингни олиб борган одамга бир миллион рубль ваъда қилишган, Аслан бўлса, тирик бошингга худди шунча АҚШ доллари тиккан.

— Арзимамайманми? — дедим мен энди ошкора қулиб.

— Нима десам экан?.. Умуман олганда, арзийсан. Ҳатто мен сендай тилло бошли ҳамюртим борлигидан хурсандман, — деб Чаён қадахларга ароқ тўлдирди-да, менга ичишни таклиф қилди. Мен бу сафар унинг раъйини қайтармадим. Чаённи кутиб ўтирмадан бир кўтардим-у қадахни бўшатдим. Шундан сўнг:

— Билсанг, борган сайин СССРнинг куни тугаб борапти. Латвия, Литва, Эстония чиқиб кетди. Қолганларам қараб турмаса керак. Бу менга ўхшаганларга кўп қийинчилик туғдиради. Сенга эса яхши бўлади, ҳеч бўлмаганда бир томоннинг жазосидан қутулиб қоласан, — деди. У бу гапларни худди ўзига-ўзи сўзлагандай гапирди. Худди шу ҳолатида Чаён чорасиз қолган нотавонга ўхшарди. Кейин унинг рангикути ўзгарди, қовоқлари уюлиб, ёвузлашди.

— Универмагда одамларимга бекор тегинибсан, мен билан Россиядагилар ҳам ҳисоблашишади.

— Гўдакнинг бўғзига пичоқ тираб туриш сиздай обрўли одамнинг шаънига тўғри келмаса керак, — дедим мен ҳам асабийлашиб.

Шу гапимдан кейин у баттар тундлашди. Худди нафас олишга қийналаётгандай кўйлагининг юқори тугмаларини ечди. Сўнг боғ сайрига таклиф қилди. Биз анча муддат жим кетдик.

Чаённинг дачаси ҳақиқатан ҳам жаннатнинг ўзгинаси экан. Узоқдан оқимтир кўриниб турган уйнинг ёнига бориб қарасангиз, пуштиранг. Мен хайратим-

ни яширолмай анча вақт термилиб қолдим. Бундан Чаённинг завки келди.

— Рассом ҳиндистонлик эди. Ўзимам биринчи кўрганимда қотиб қолганман. Менга: "Бу ерда саккиз хил ранг бор", деганди у деворни кўрсатиб. Лекин ҳар сафар келганимда термиламан, икки рангдан бошқасини ажратолмайман. Эсим курсин, бир марта эрталаб кўкимтир рангни ҳам кўрувдим. Афсус, ўша уста ўлиб кетди. Меникида ишни тугатгандан кейин Ҳиндистонга бориб бир ҳафтагина яшабди. Шундай одамларнинг эрта хазон бўлгани ёмонда. Сенам ёшсан. Энди ҳаётнинг бўсағасида турибсан. Сендаги қобилият... миллионтадан биттада бўлади. Битта ўзинг қанча ишни бажаришга қодирсан... Менда битта таклиф бор. Кел, иккаламиз бирга ишлаймиз. Ваъда бераман, на бирор ҳукумат одами, на "авторитет"лар сени безовта қилади. Отангни эшитдим, анча мазаси қочиб қолибди...

— Укамни-чи?.. Уни ўлдириб кетишганларини-чи? — дедим мен унинг кўзига тикилиб. — Отамнинг мазаси йўқлигидан хабари бор одамнинг укам нима сабабдан ўлдирилганидан хабари йўқми?

— Айтдим-ку, сен ҳали кўп нарсани тушунмайсан, деб. Мана бунақанги қилиб юрганингдан кейин ҳар қандай ота азобланади-да. Шуни кўзда тутиб айтаяпман бу гапларни.

— Она азобланмайдими? Нега онамни гапирмай, бирдан отамдан гап очдингиз?.. Айтмоқчисизки, "Онанг ўлган. Онанг тўғрисида гапиришнинг ҳожати йўқ", демоқчимисиз?

— Ҳов, телбамисан?! Ким билан гаплашаётганингни биласанми?! Жа, индамаганимга ҳадингдан ошаяпсан! — бирдан ўкириб юборди Чаён. — Мен сендан бутун бошли область КГБ бошлиғини нега ўлдирдинг менинг бошимга бало орттириб, деб сўраяпманми? Бир қарашда, туппа-тузук одамсан. Яна бир қараса ғалчага ўхшайсан.

Бошқа пайт бўлганида суҳбатимизни билардим қандай давом эттиришни. Бироқ ҳозир вазият бошқа. Ажабмас, мени қайсидир бир бурчакда снайпер мўлжалга олиб турган бўлса. Бирор ортиқча ҳаракатимни ёки хўжайинининг имо-ишорасини интизорлик билан кутаётгандир... Айни дақиқада менга нафақат Чаённинг, балки укамнинг қонини тўккан малайларининг жони ҳам зарур эди.

— Юр, сенга қанақа бассейн қурганимни кўрсатаман. Бунақасини ҳеч қаерда кўрмагансан, — деди Чаён.

Биз уйнинг орқа томонига ўтдик. Бу ерда мутлақо бошқача манзара. Каттагина сув тўла ҳовуз, атрофида мажнунтоллар, тагида ўриндиклар. Ётиб дам оладиган каравотлар. Хуллас, маза қилиб дам олиш учун ҳамма шароит муҳайё.

— Қани, балиқларим! — дея ҳавзада чўмилаётган қизларга бақирди Чаён ва мажнунтол тагидаги толлардан бирининг остидаги ўрадан қандайдир майда урвоққа ўхшаш нарсадан бир сиким олиб ҳовузга сочди. Қизлар урвоқ сочилган жойга шошиб сузиб келишди-да, оғизлари билан урвоқларни ейишга тушиб кетишди.

Чаён уларнинг ҳаракатидан завқданиб куларкан:

— Мен бундан лаззат оламан, — деди менга қараб. — Бунданам зўри бор. Ҳозир сенга кўрсатаман. Ўзингам ишқибоз бўлиб қолмасанг менга кел, — деб у кўлини юқорига кўтарган эди, уй ичидан иккита озгин йигит югуриб чиқишди.

— Қани, — деди Чаённинг кўзи қувнаб, — менга балиқларнинг зўрини тутиб беринглар-чи...

Чаённинг оғзидан шу гап чиқиши билан ҳовуздаги қизлар тўрт томонга сузиб қоча бошлашди. Йигитлар эса ҳовузнинг атрофини айланиб уларнинг устига тўр отишарди. "Балиқ"лар чакқон экан, усталик билан тўрга чап беришар, ҳовузнинг бошқа бурчаги-

га сузиб қочишарди. Бундан Чаён боши осмонга ет-гудай хурсанд бўлар, гавдасига ярашмаган ҳаракат билан ўзини осмонга отар, "Бос! Бос!" — дея қичқирарди. "Балиқчи"лар кетма-кет тўр отишиб, ниҳоят биттасини илинтиришди. Тўрга илинган қиз осонлик билан "эрк"ини бой бериб қўйгиси келмай, уч-тўрт марта тўрни сув остига тортди ва охири тақдирига тан берди. Уни "қирғок"ка олиб чиқишди. "Балиқ" икки-уч марта биланглади-да, тинчиди. Чаён эса унинг олдига лапанглаб югуриб бориб бўғзидан ушлаб, юқорига кўтарди.

— Мана, менинг тилла балиқчам! — деди у. Кейин бўғзини қўйиб юбориб, менинг ёнимга етаклаб олиб келди-да: — Ҳаммаси табиий! Шундайми? — деди менга қараб иржайиб. Сўнг "тилла балиқча"сининг сочини силаб:

— Бугун мана шу аканг сени ейди. Қандай хохла-са, шундай, — деди. Қип-яланғоч "балиқча" шўрлик "хўп", дегандек бошини қимирлатди. Менинг эса бу пайтда юрагим эзилиб кетганди. Шундай сулув қизнинг устидан бу тарзда кулиш ҳар қандай махлуқнинг ҳам қўлидан келмаса керак. Лекин Чаён бундан лаззат олади. Шундай қилса, куни мазмунли ўтадиган кўринади.

— Керакмас, — дедим мен бошимни чайқаб, — қўйиб юборинг бечорани. Кийиниб, дамани олсин.

Чаён менга еб қўйгудек тикилди. Алами бўғзига келгани шундоққина юзидан кўриниб турарди. Қизнинг эса кўзида ёш ҳалқаланди. Бироқ Чаён унга шафқат қилмади. Орқасига бир тепиб: "Йўқол", деди. Қутулганига шукур қилган қиз югуриб бориб ўзини сувга отди. Мен бир муддат кўзимни юмиб, вужудимни титратган қизиққонликни ичимга ютишга ҳаракат қилдим.

— Бунақа раҳмдилсан, деб ҳечам ўйламагандим. Мен ҳаммага ҳам бундай томошани кўрсатавермай-

ман. Бунга фақат улуғ одамларгина лойиқ. Сен бўлсанг, иззатингни билмаяпсан, — деди Чаён кўзимни очганимда.

— Менга керакмас томошангиз. Мен томоша кўраман деб келганим йўқ. Айниқса, қандайдир эрмак учун қизларнинг хўрланишини.

Чаён индамади. Афтидан, менга гап уқтириб бўлмаслигини тушунди. Айни дақиқада унда чўчиш, хавотир аломатини ҳам сезиб қолдим. Бу менинг энг катта ютуғим эди. Бундан фойдаланиб қолишим лозим эди.

— Менга уларни беринг, — дедим Чаёнга кармасдан гапириб.

— Кимни? — дея сўради Чаён ўзини гўлликка солиб.

— Укамнинг қотилларини.

— Ким айтди улар менинг йигитларим орасида деб?

— Биламан.

— Яна нимани беришимни истайсан? Ўжарлигинг ошиб тушаётганини ўзинг тушуниб етмаяпсан чоғи?

— Балки... Лекин мен барибир мақсадимга етман.

— Шунақа дегин. Начора, ўзинг хохладинг. Мен сенга уларни бермасдан иложим йўқ. Дарвоқе, сендан битта нарсани сўрасам майлими?

— Бемалол.

— Военком қаерда?

— Тирик.

— Биламан тириклигини. Лекин...

— Келинг, шу саволингизни очиқ қолдирайлик.

— Юр, унда мен сенга яна бошқа нарсаларни кўрсатаман, — дея Чаён йўл бошлади.

Мен индамай унга эргашиб боравердим. Уйнинг кунботар томонида каттагина спорт зали қурилган экан. Унинг ичига кирдик. Спорт залининг ўртаси-

даги сувга лиқ тўла бассейнга кўзим тушди. Сув юзида эса кимдир тош қотиб ётарди. Мен савол назари билан Чаёнга қарагандим, у қўл силтаб кўя қолди. Бироз ижирғанди ҳам. Мен бассейн ёнига бориб сувда бўкиб ётган одамга қарадим. Не ажабки, Ғани шишиб ўлиб ётарди. Бечора нима гуноҳ қилибдики, уни шу кўйга солишибди?..

Чаён атрофга аланлаган эди, тўртта барзанги югуриб келди. Уларга ўликни олиб чиқиб ташлашни буюрди.

Орадан бироз ўтиб, саккизта йигит ва мен бу ерга келганимда Чаён билан бирга ўтирган иккита қиз спорт залига кириб келди.

— Бошланглар, — дея Чаён буйруқ бериши билан улар менга ташланишди. Мен ортиқча ҳаракат қилмай турдим. Фақат қўлимни аркон билан боғлашаётганларида билакларимни шиширдим. "Энди мен ҳам сувга чўктирилсам керак", деб ўйлагандим. Унақа бўлмади. Чаённинг буйруғи билан унинг йигитлари мени қўлимдан осилиб, кўйлагу шимимни ечиб олишди. Битта турсида осилиб турардим.

— Сен билан муросамиз келишмади, — деди қўлига қамчи олган Чаён. — Бунинг устига, мени ҳурмат ҳам қилмадинг.

Қамчининг биринчи зарбаси кўкрагимга тегди. Шу ондаёқ баданим қонталашди. Иккинчи, учинчи зарбалардан кейин оғриқ суяк-суягимгача етиб борди. Лекин обрўйимни сақлашга, инграмасликка ҳаракат қилиб, тишимни-тишимга босдим. Ёвузлик отига минган Чаён мени қамчилашни кучайтирди. Беш дақиқалардан кейин у хансираб қолди. Менинг эса, баданимда соғ жойим қолмади.

— Сени итдан баттар қилиб ўлдирардим. Лекин тирик ушлаб бераман, деб ваъда бериб кўйганман, — деди у ниҳоят мени уришдан тўхтаб. Кейин қизларга:

— Қолган-қутган кучини сенлар суғуриб олинглар, — дея амр қилди.

Залда икки қиз ва учта барзанги қолди. Қизлар менинг сўнгги кийимимни ҳам ечиб олишди. Сўнг ечинишиб, устимдан асал қуйишди-да, иккаласи икки томонимда туриб ялай кетишди. Кўчада бундай гўзал қизларни учратиб қолсанг, ҳеч бўлмаганда эҳтиросга берилиб, ортидан бир марта қарайсан. Аммо ҳозир буларнинг қилиғини кўриб, очиғи, ғижинасан киши. Битта оилани обод қилишга қурби етадиган қизларнинг ҳозирги амалидан ҳайвонлар ҳам ор қилса керак... Баданимда пайдо бўлган яралар уларнинг тилларига бардош беролмай ачишиб оғрий бошлади. Қизларнинг турли-туман қилиқларига қарамай, менда хиссиёт уйғонмади.

— Эркакмисан ўзи? — деди охири биттаси чидолмай. — Ёки аллақачон эркакликдан мосуво бўлганмисан?

Бу ҳақоратдан асло хафа бўлмадим, аксинча, кулгим қистади.

— Бунисини сизларга кейинроқ исботлайман, — дедим жилмайишга уриниб.

Бироқ улар гапимга эътибор қилишмай, яна машғулотларини давом этказишди. Бир соатлар чамаси уринганларидан сўнг, иккаласининг ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, кийинишди-да, залдан чиқиб кетишди. Орадан бироз ўтиб, ташқаридан машинанинг овози эшитилди.

— Шеф кетдими? — деди югурдақлардан бири.

— Шунақага ўхшайди, — жавоб қилди иккинчиси ва секин дераза ёнига бориб ташқарига мўраллади. Кейин шерикларига қараб қувноқ оҳангда: — Кетди! — деди.

— Энди бизам бир базму жамшид қилайлик, шеф келганидан бери тинка-мадоримизни қуришиб юборди-ку, — деди учинчиси. Шундан сўнг улар масла-

хатлашиб, биттаси менга қараб турадиган, икkitаси овқатланиб, қизлар билан айш қилишга келишиб олишди. Бу пайтда ташқарига қоронғилик чўккан эди.

Ёши тахминан ўттизлардан ошган, гавдали, мўйлови калин, жингалаксоч барзанги шериклари чиқиб кетгандан кейин ёнимга келди-да, қорнимга мушт туширди.

— Сени жа тенгсиз деб таърифлашганди, ҳолинг шуми ҳали?.. — деди иржайиб. — Сендан ҳатто анави Саида синглинг ҳам беҳроқ экан. Қизлигини олаётганимда шунақа типирчилагандики...

Бошимга биров гурзи билан ургандай бўлди. Кўзим ўт бўлиб ёнди. Бир сакраб барзангининг бўйнини оёқдарим орасига оддим-да, қайириб синдириб юбордим. Унинг бўйни қисирлаб сингани ўзимгаям эшитилди. Кейин қўл мускулларимни қисқартириб арқондан халос бўлдим. Гарчи барзанги ўлиб қолган бўлса-да, мен аламдан чиқмагандим, шу боис унинг эркаклигига бор кучим билан тепдим. Сўнг кийимларини ечиб олиб, ўзини сувга ташладим. Эшик ёнига бориб, ташқарига қулоқ солдим, икки киши гаплашиб турибди. Эшикни қия очиб қарадим: биттаси кабоб пишираётти, иккинчиси нималарнидир гапириб бераётти. Секин ортимга қайтиб, чирокни ўчирдим. Аввалига ташқаридагилар эътибор беришмади. Кейин кабоб пишираётгани спорт зали томонга бир қараб олди-да:

— Залдаги чирокни ким ўчирди? — дея шеригидан сўради.

— Ёниқ эди шекилли, — деди иккинчиси ҳам ҳайрон бўлиб, — бориб кўрайлик-чи.

Улар олдинма-кейин мен томонга яқинлаша бошлашди. Мен эса эшикка қапишиб турдим. Биттаси секин, эҳтиёткорлик билан ичкарига бошини суқиб:

— Жиблажибон! — деб бақирди. Ҳеч ким жавоб

бермагач, ичкарига кадам босди-да: — Бир нарса бўлганга ўхшайди, — деди ўзига-ўзи гапиргандай. Унинг ортидан иккинчиси ҳам ичкарига кирди. Шунда мен чаккон хужумга ўтиб, орқадагисининг чотига тепдим. У "имм", деганча энгашиб қолди. Шу пайт олдиндагининг жағига зарба бердим. У орқасига қулади. Мен эса тезда чирокни ёқиб, кейин кирганининг орқа миясига мушт урдим. У ерга юзтубан ағанаган кўйи жимиб қолди. Олдин кириб келгани эса, зўрға ўрнидан туриб, орқасига тисарилиб ялина бошлади:

— Мен... мен бу ерда боғбонман. Ҳеч кимга зиёним тегмаган. Менинг ишим гулларга қараш.

Мен эса саккизта барзанги ичида уни ҳам кўргандим. Бунинг устига, шафқат қиладиган аҳволда эмасдим. Шу боис, унинг қовурғасига мушт тушириб синдирдим. У полда чўзилиб қолганча инқилларди. Боя ўзим осилиб турган арқонни ечиб олдим-да, иккаласини кўшиб-чандиб боғлагач, ташқарига чиқдим.

Уй ичкарисидан шўх мусика, аёл ва эркакларнинг бақириб гаплашганлари, кулгилари эшитилиб турарди. Астагина эшикни очиб ичкарига кирдим. Бу ер айлана зал бўлиб, ҳамма хоналарга шу эшикдан киирларкан. Секин бориб овоз келаётган эшикка кулок тутдим. Афтидан, майшат авжида. Қадахдар жаранги, кизларнинг ноз-қарашмаси... Бу эса мен учун айни муддао эди. Эшикни очдим-у ичкарига бостириб кирдим. Мени кўрганларнинг бари саросималаниб қолди. Мен эса уларнинг ҳолатидан фойдаланиб стол устидан пичокни олдим-да, биринчи дуч келганининг бўғзига урдим. Иккинчиси бошига стол тегиб ерга қулади. Яна бири кучли зарбадан деразани синдириб ташқарига учиб чиқиб кетди. Қолган иккитаси ўзларича менга ҳамла қилиб кўришди. Аммо мен уларни шундай осон тинчитдимки, бундан ҳатто ўзим ҳам роҳатландим. Хонадан фақат битта қиз кочиб чиқишга улгурди. Қолганлари эса менинг буй-

руғим билан бурчакка тиқилишди. Улар менга яхши таниш бўлиб қолганди. Учтаси кундузги "балиқча"-лар эди. Оҳ, мен уларга қанчалик ачинган эдим-а! Уларнинг хўрланишидан қанчалик қийналгандим. Булар бўлса...

— Эраклигимни энди кўрсатайми? — дедим бир ярим соатлар аввал мени ялаб-юлкаганига. Кўзлари олайиб кетган қиздан садо чикмади. Шунда унинг сочидан бураб ушлаб: — Дачада яна ким бор?! — дея бақариб сўрадим.

— Дарвоза олдида иккита кўрикчи! — деди у кўздан ёши оқиб. Унинг юзига бир тарсаки тушириб, чўзилиб ётган барзангиларнинг чўнтаklarини тинтидим. Бўғзига пичоқ урилганининг чўнтагидан тўппонча чикди. Қолганларидан эса ҳар хил пичоқлар. Тўппончани олдим-да, учта "балиқча"нинг устидан кулфлаб, биттасини ўзим билан бирга етаклаб чикдим. Тахмин қилганимдай, қочишга улгурган қиз кўрикчиларга хабар берибди. Ташқарига чиқишимиз билан ўқ овози янгради. Бироқ кўрикчи мўлжални аниқ олмай, бизни кўрганданоқ ўқ узган эди. Ўқи ноаниқ кетди. Мен ўзим билан бирга қизни ҳам судраганча катта гул тувак орқасига яшириндим. Аммо қизнинг умри шу пайтда поёнига етди. Иккинчи ўқ унинг кўкрагига қадалди. Бечора қиз яширинишга улгурмаган эди.

Кўрикчилардан бири тўппончасини учинчи марта ишлатишга улгурмади. Мен унинг қаердалигини кўриб қолгандим. У икки қошининг ўртасига теккан кўрғошин зарбидан орқасига кулади. Иккинчи кўрикчи эса яширинди. Дачанинг ҳаммаёғида чироқ ёник эди. Шу боис, унинг қаерга бекинганини аниқ кўрдим ва кимирлагандаёқ қўлидан, сўнг оёғидан яраладим. У яширинган жойида типирчилаб, "оҳ-воҳ"лаганча сулайиб қолди ва осонгина менинг асиримга айланди.

— Чаён қаёққа кетди? — дедим мен унинг ёқасидан бўғиб ушлаб.

— Шаҳар... шаҳарга, уйига, — деди у кўз ёши дувдув оқиб.

— Мен ҳақимда хабар бердингми?

— Обид берди!

— Ким у Обид?! Нима деди?

— Отиб... Имм! Уни боя отиб ташладинг! — деди оғриқнинг зўридан афти бужмайиб. — Сен ҳаммаёқнинг тўполонини чиқараётганингни айтди шефга.

— Шефинг қанча вақтда бу ерга етиб келади?

— Узоғи билан бир соатда.

— Тушунарли.

Уни уй ёнига судраб кеддим ва мен чикқунча ҳеч қаерга кимирламаслигини тайинлаб, ўзим ичкарига кирдим-да, қизларга чўзилиб ётган "ака"ларини ташқарига олиб чиқишни буюрдим. Мен ташқаридаги кўриқчилар билан овора бўлганимда, "балиқча"лар йигитлардан иккитасини оёққа турғазишибди. Бирок оёққа турган шоввозлар нима бўлаётганини ҳали англаёлмасди.

Ҳаммаси бассейн ёнига йиғилгандан кейин Чаённинг йигитларининг оёқ-қўлларини чандиб боғладим. Уй олдида ғўдайиб турган икки машинадан бирининг бензинини олиб, турли рангда товланувчи бетакроп иморатни айлантириб сепиб чикдим-да, кўзимни чирт юмганча, ёқиб юбордим. Албатта, шундай уйни ёкишга кўнглим бўлмади, чунки бино, кимники бўлишидан қатъий назар, ҳақиқий санъат намунаси эди. Лекин начора, ёқмасам бўлмасди. Чунки бу санъат намунаси ичини аллақачон наҳс босганди.

Иккинчи машинага "балиқча"ларни чиқариб, дала ҳовлини тарк этдим. Вужудимда қандайдир енгиллик пайдо бўлди, нафас олишим осонлашди.

Йигирма дақиқалар юргандан кейин тўхтаб, қиз-

ларнинг биронта ҳам кийимини қолдирмай ечинтириб хайдаб юбормоқчи эдим. Чунки улар шундай жазога лойиқ эди. Бироқ уларнинг ялиниб-ёлворишлари, ўзларининг зўрлаб бу ерга олиб келинганини айтиб йиғлашлари кўнглимни эритди. Шу боис, уларни ҳозирча машинада қолдиришга қарор қилдим. Яна озгина юрганимдан кейин тоғнинг бошқа томонига олиб борадиган йўл келди. Шу ёққа машинани буриб бироз юргач, чирокларни ўчириб тўхтадим. Тахминим бўйича Чаён йигитлари билан яқинлашиб қолган, ҳали-замон етиб келишлари керак эди. Албатта, у тўғри дала ҳовлисига бормади. Қўрқади, мени қайсидир бурчакда уни кутиб ётибди, деб ўйлайди. Қорасини кўришим билан нишонга оламан. Шунчаки, битта мени ёки дала ҳовлисини деб ўлиб кетиш унинг учун аҳмоқдикдан ўзга нарса эмас. Шу боис, тонг отишини кутади. Менга айнан шу керак. Фақат унинг аҳмоқ бошига отамни қўлга олиш фикри уйдалигидаёқ келиб қолган бўлмасин. Акс ҳолда, ишим анча чигаллашиб кетади.

Кутганимдай, бешта машина катта тезликда дала ҳовли томонга ўтиб кетди. Уларни ўтказиб юбориб, бирор беш дақиқалар кутдим-да, сўнг машинани жойидан жилдирдим.

— Ака, — деди орқа ўриндикда ўтирган қизлардан бири, — мен Музаффарнинг яна битта дачасини биламан, у тоғнинг нариги томонидаги ғорнинг ичида. Эшитишимга қараганда, унинг энг кўп бойлиги ўша ёқда эмиш.

— Нега буни менга айтаяпсан? — дедим ойнадан қизга қараб. Мен одатим бўйича қарагандим, ваҳоланки, машинанинг ичи қоронғи, қизнинг қандай ҳолатдалигини кўриб бўлмасди.

— Музаффарда қасдим бор. У мени зўрлаб олиб кетишидан аввал синглимни ўлдирган. Агар сиз уни ўлдирангиз, мен сизга озгина ёрдам берганим учун

Ўзимни қасд олган ҳисоблардим, — деди қиз кўзига ёш олиб.

— Музаффарни ўлдиришга менинг қурбим етади, деб ким айтди сенга? — дедим йўлдан кўзимни узмай.

— Ўзим билдим. Яқин-атрофдаги ҳамма ундан кўрқади. Лекин у сизга ҳайиқиб қараганини кўрдим. Ҳайронман, уни ўлдиришга имкониятингиз бўла туриб нега шу ишни қилмадингиз?

— Менга ёлғон маълумот берган бўлсанг-чи, — дедим унинг саволига жавоб бермай, — тоғнинг у ёғида унинг дачаси бўлмаса-чи?

— Унда ўзимни ўша ёққа олиб боринг, агар ёлғон гапирган бўлсам, нима қилсангиз қилинг мени!..

Мен индамадим. Чунки шу дамда миямда бошқа фикр — энди Музаффардан нафақат оиламнинг қасдини олиш, балки уни таг-томири билан йўқотиш фикри туғилган эди. Агар шундай қилмасам, эртага унинг шогирдчаларидан бири бўй кўрсатиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шаҳарга етиб келганимиздан сўнг қизларни машинадан туширдим. Фақат боя менга Чаён ҳақида кўшимча маълумот берган қиз тушмади. У: «Сиз билан кетаман», деб туриб олди. Тўғриси, нима қилишга ҳайрон эдим. Бир кўнглим: «Олиб кет», деса, бошқа хаёл: «Нима қиласан? Бирон жойда сени чув тушириб кетиши мумкин. Ахир, унинг кимлигини ҳали билмайсан-ку!» — дерди. Қизнинг чехрасида ўзимга нисбатан ҳеч қандай хусумат аломатларини кўрмадим. Шундай бўлса-да, ўзимнинг сезгимга ишониб қолмай, бироз юргач, машинани тўхтатиб, қизни гипноз ҳолатига тушириб кўрдим. У ёлғон гапирмаган экан. Чаёнда қасди борлигини, мен бўлмаган тақдиримдаям, бир кун келиб, Чаённинг овқатига захар солиб бўлса-да, ўчини олишни мўлжаллаб юрганини чуқур гипноз ҳолатида айтди. Кўнглим жойига тушгач, яна йўлда давом этдик.

Тахминан икки соатлар ўтгандан кейин мен туғилиб ўсган туманга етиб келдик. Шу жойгача на мен гапирдим, на қиздан садо чиқди. Бугунги қилган ишларимдан кўнглим унчалик тўлмаганди. Кўп вақт йўқотгандим. Бунинг устига, режасиз иш қилиб кўйгандим. Бу эса одатимга хилоф эди. Тўғри, жуда кўп марта тасодифий воқеалар ҳам бўлган, бироқ ўша пайтларда муҳим режам йўқ эди.

Машинани кўчамизга буриб тўхтатдим-да, атрофга яхшилаб назар солдим. Чунки мени Чаённинг одамларидан бошқалар ҳам "овлаш" умидида. Атрофда шубҳали ҳеч нарса кўрмагач, яна машинани жойидан жилдирдим. Шу пайт, адашмасам, уйимиз рўпарасида бир машинанинг чироғи ёнди. Кўнглимга ғулғула тушиб, тезликни оширдим. Рўпарамдаги машина биз томонга кела бошлади. Шунда унинг ортидан яна бир машина йўлга тушганини кўрдим. Биринчи машина ёнимиздан ўтиб кетаётганда орқа ўриндикда ўтирган қиз:

— Бу машина Музаффарнинг одамлариники! — деди шошиб.

— Нега шуни вақтлироқ айтмадинг?! — дея унга ўшқирдим-у, машинани йўлга кўндаланг қилиб тўхтатдим. Биринчи машина барибир ўтиб кетишга улгурди. Лекин иккинчисининг йўли тўсилди. Мен машинадан отилиб чиқдим ва машина ҳайдовчисига қарата ўқ уздим. Мўлжални беҳато олган эканман. Бошқарувни йўқотган "Жигули" мен ҳайдаб келган машинага келиб урилди-ю, орқа-олдинги эшиклари очилиб кетиб, учта одам тўкилиб тушди. Орамиздаги масофа жуда яқин эди. Шу боис, тўппончамни қайта ишлатиб ўтирмай, иккитасини тепиб ерга қулатдим. Улардан бири машина эшигига бошини уриб олди. Учинчиси эса бирдан қочишга тушди, мен уни қувиб ўтирмасдан, орқасидан отиб ташладим. Кейин қоринини ушлаб инқиллаб ётганининг сочидан бураб

ўрнидан турғиздим-да, қорнига яна бир мушт туширдим. Лекин бу сафарги зарба биринчиси каби кучли эмасди.

— Кимсан? Бу ерда нима қилиб юрибсан?! — сўрадим ундан.

— Мен... ме... ме.. меҳмонга келувдим! — деди у қалтираб.

— Кимникига? — ўшқирдим унга.

У жавоб беролмади. Бир нарсалар демокчи бўлди-ю, аммо гўлдирашдан нарига ўтмади.

Жаҳлим чиқиб кетганидан, жоним ҳиқилдоғимга келди. Аямасдан унинг сонига икки марта тепдим.

— Кимникига? — дея яна бақирдим.

— Собирнинг отасини олиб кетгандик! — деди у кўрққанидан оёғимни маҳкам кучоқлаб олиб. — Илтимос, урма мени!

— Қаерда ҳозир отам? — дедим мен уни тегиб юбориб. У орқаси билан ерга кулади.

— Биринчи машинадайди!

— Онангни ... — дея сўқиндим-у, қўлларим билан юзимни бекитиб инграб, чўккалаб қолдим.

— Туринг, ҳали узоққа кетишмаган, етиб оламиз, — дея қўлтиғимдан ушлаб кўтаришга ҳаракат қилди киз. Мен уни силтаб ташладим ва ерда тупрокқа қоришиб ётган йигитнинг ёқасидан ушлаб, машинагача судраб бордим, кейин орқа эшикни очиб, ичкарига итариб юбордим. У ўриндиққа чўзилиб қолди.

— Агар ҳозир шерикларингга етиб ололмасам, сенинг бошингни оламан! — ўшқирдим унга.

Машинага шунча газ бермайин, тезлиги юздан нарига ўтмади. Менга баттар алам қилди. Рулни муштраб сўқиндим. Камига, орқа ўриндиқда еган калтакларининг «роҳат»ини татиётган Чаённинг одамини уруғ-аймоғи билан қўшиб обдон сийладим. Йўқ, буларнинг ҳеч қайсиниси кўнглимга малҳам бўлолмади. Шунда командирим Батинковнинг гапларини эс-

ладим. У: "Одамзодга юз фоиз имконият берилган. Аммо инсон имкониятининг бор-йўғи уч фоизидангина фойдаланади. Қолган қисми "очилмаган кўрик" бўлиб қолиб кетади. Биз сизлардаги ўша уч фоизнинг ёнига яна уч фоизгина қўшамиз. Бундан бошқасига курбимиз ҳам, илмимиз ҳам етмайди. Чунки ўзимизда бори шу, холос", деган эди. Одамнинг имкониятлари ҳақида Батинковдан олдин ҳам эшитгандим. Ўн олти ёшга кирганимда, тўқсон тўрт яшар бобом бўлар, у кишининг билмаган нарсаси йўқ эди, ҳисоб. Бир куни бобом менга Ҳазрати Хизр ҳақида хикоя қилиб берганди. Унинг айтишича, Ҳазрати Хизрнинг билими шунчалик кўп эканки, у одамларнинг кўзига хоҳласа эркак, истаса ёш бола ёки қари чол бўлиб кўринармиш. Яна унинг қўлидан келмаган иш йўқ экан. Ўйлашимча, фақат угина тўқсон етти-тўқсон саккиз фоиз имкониятидан фойдаланган бўлса керак... Очиғи, унга жудаям ҳавасим келди. Майли, ундай бўлолмасам-да, ҳеч курса, яна беш фоизгина менга берилган неъматдан фойдаланганимда борми, қанча ишларни бажарган бўлардим...

Мен дам ола бошладим. Бироқ шу ҳолатимда ҳам қиз билан йигитдан назаримни узмадим. Орадан ярим соатча вақт ўтди. Эътибор қилсам, оғриғи сусайганидан жимиб қолган Чаённинг йигити эгилиб, пайпоғи ичидан алланарса олаяпти. Ўзимни сезмаганга олиб уни кузата бошладим. У кичкинагина пичоқ чиқарди-да, гўё тузукрок ўтириб олган киши бўлиб, менга яқинлашди ва бирдан ҳамла қилди. Аммо ниётига етолмади. Қўлини ушлаб, шунчалик қаттиқ қисдимки, қўлидан пичоқ тушиб кетиб, ўкириб юборди. Ёнимда кетаётган қиз ухлаган экан. Шовқиндан чўчиб уйғонди. Мен машинани тўхтатиб, шошилмасдан тушдим-да, кабинадан анави гўрсўхтани судраб ташқарига чиқардим. У бирдан бўш қолган қўли билан бошини яширди. Бу қилиғидан бир кулгим қистаса,

бир жаҳлим чиқарди. "Аҳмоқ, шунчалик қуён юрак экансан, нега мен билан ўйнашасан?" дея хаёлимдан ўтказдим ҳамда шафқатни унутиб, унинг иккала қўлини ҳам синдириб ташладим. У худди жони чиқаётган одамдай бўқирди. "Агар овозинг чикса, оёғингни ҳам синдираман!" дея пўписа қилгандим, дарров уни ўчди. Машинага қайта минганимиздан кейин киз буткул нотавонга айланиб қолган йигитга қараб турди-да:

— Собир ака, шу пайтгача чурқ этмай келдим. Бу, — дея қўлини бигиз қилиб, башараси ғижим бўлиб кетган, оғриқдан тишини-тишига босиб ўтирган, кўриниши одамдан кўра махлуққа ўхшаб қолган йигитни кўрсатди: — менинг номусимни топтаганлардан бири. Ҳозир ўзи менинг аҳволимдан баттар кўйга тушиб ўтирибди. Бу маразни беш минутга менга беринг, ожизларнинг устидан кулиш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяйин!

— Бошқа пайт, — дедим мен кизга.

Қиз аламзадалик билан рақибига қараб турар, агар ҳозир кўйиб берсам, бурдалаб ташлайдиган шашти бор эди. Албатта, аламзадаликда мен ундан ҳам ўтиб тушардим, аммо бу йигит менга ҳали керак эди. Шу боис, унинг оёқдарини синдирмадим.

Биз яна ярим соатлар юрганимиздан кейин шаҳарга етиб келдик.

— Отамни қаерга олиб боришларинг керак эди? — дўқ уриб сўрадим йигитдан.

— Музаффар аканинг иккинчи хотининикига, — деди у қўрқа-писа.

— Адресини айт.

— Энгельс кўчаси, йигирма олтинчи уй.

— Энгельс кўчангни мен қаердан биламан? Аниқ қилиб айт!

— Ҳайдайверинг, йўлни ўзим кўрсатиб бораман,

— деди у менга катта яхшилик қилаётгандай кўзи чақнаб.

Музаффарнинг иккинчи хотинининг уйи шаҳар ичкарида эмас экан. Уч километрга яқин юриб, бу уйга етиб кеддик.

Ўзгача бир нақш билан безатилган дарвозани тақиллатдим. Ичкаридан жавоб бўлмади. Бир-икки марта тепган эдим:

— Ким? — деган эркак кишининг овози келди. Мен ёнимда қалтираб турган йигитни туртдим.

— Исматман! — деди йигит менга бир қараб қўйиб.

— Ҳов, "Кўршапалак", ярим оқшом бу ерда сенга пишириб қўйибдими? — дея ичкаридан яна овоз келди.

— Шефга зарур гапим бор, — деди Исмат, мен пичирлаб ўргатганимдай.

— Шеф аллақачон кетган, — деди ичкаридаги одам дарвозани очмай.

— Аҳволим чаток, оч дарвозани! — деди Кўршапалак бакириб.

— Ҳе, аҳволингга ... — дея ичкаридаги одам шарақлатиб дарвоза зулфинини тушира бошлади.

Мен Исматни орқароққа суриб қўйиб, ўзим дарвозанинг яқинроғига бориб турдим.

Дарвоза эшиги ичкарига қия очилди. Шу пайт эшикни елкам билан қаттиқ урдим, эшик ланг очилиб кетди. Мен ичкарига бостириб кирдим ва дуч келган "махлуқ"қа қараб ҳайкалдек қотиб қолдим. Рўпарамдаги девсифат одамнинг бўйи — хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — икки ярим метрлар келардиёв. Ҳар елкасига мендай икки одам бемалол ўтирса бўлади. Бунинг устига, башараси чирок ёруғида ялтираб, баттар хунуклашиб кетган.

— Сен жинқарча қайси гўрдан пайдо бўлдинг? — деди у курак тишини кўрсатиб иржайаркан.

Бунга жавобан қорнига чунонам тепдимки, бундан унинг бирон туки ҳам қилт этмади.

— Ҳўкиз, уни янчиб ташла, — дея қичқирди ор-

тимда турган Кўршапалак. Бурилиб унинг башарасига тепган эдим, учиб бориб дарвозага урилди-ю, овози ўчди.

Шундан кейин Хўкиз худди мажақлаб ташламоқчидай мен томонга лапанглаб яқинлаша бошлади. Мен озгина тисарилиб, сакрадим-у, башарасига тепдим. У яна қилт этмади. Қайтанга ёқамдан ушлаб олди. У мени урмади, шунчаки орқага улоктириб юборди. Яхшики, чаққонлигим иш берди. Ҳавода икки марта айланиб оёғим билан тушдим. Акс ҳолда, бирон жойим синиши тайин эди. Хўкиз ортига бурилиб, яна тиржайганча менга яқинлаша бошлади. Мен энди унинг кўкрагига иккала оёғимнинг товони билан тепдим. Кошки бу зарбалар "махлуқ"қа таъсир қилса. У бир тўхтаб олиб, яна бостириб келаверди. Ёнимда пичоқ, тўппонча бор эди. Аммо курол ишлатишим номардлик ҳисобланарди. Қолаверса, Хўкиз билан уришиш менга ёқиб қолганди. Мен бу дафъа сакраганимда ҳаводалигимдаёқ у шапалоқлаб уриб юборди. Бу сафар жуда узокқа учиб кетмадим-у, аммо оёғим билан тик туриб ҳам қололмадим. Ёнбошим билан бетон устига йиқилдим. Тез турмоқчи эдим, қуймичим оғриб кетди. "Ишқилиб, оёғим синмаган бўлсин", деган ўй хаёлимдан ўтди.

"Махлуқ" энгашиб, елкамдан ушлади ва энди ўрнимдан турғазмоқчи бўлганида, бор кучим билан чотига тепдим. У бир марта "ҳик" этди-ю, мени кўйиб юбориб, қаддини ростлади. Кейин бутини ушлаб, орқасига гурсиллаб қулади. Шу пайт дарвоза ёнида бизнинг олишувимизни кузатиб турган қиз ёнимга югуриб келди-да, туришимга кўмаклашиб:

— Ёмон йиқилмадингизми? — дея сўради.

— Ёмон эмас, лекин яхшиям деб бўлмайди, — дедим унга ва ҳашаматли баланд уйга қарадим.

Шу ондаёқ иккинчи қаватдаги чироғи ёниқ хонада кимдир парда ортига яширинди.

Мен бироз оқсоқданиб "дев"нинг тепасига бордим. Ноқулай йиқилибди, орқа мияси бетонга тегиб ёрилибди. Тирикмикан, деб бўйин томирини ушлаб кўрдим. Тириклик аломати сезилмади. Ўлиб қолибди. Қизга қараб "тамом бўлибди", дегандек бош чайкадим-да, уй томонга юрдим. Қиз менга эргашди. Эшикка бориб, ичкарига кулоқ солиб кўрдим. Ҳеч қандай товуш эшитилмади. Умуман, бу уйда Чаённинг иккинчи хотинидан бошқа одам борлиги гумон эди. Чунки бўлак одам бўлганида, мен "дев" билан олишаётганимда ташқарига чиққан, шеригига ёрдам берган бўларди.

Эшикни секин очдим. Кейин ичкарига мўраладим. Ҳеч ким кўринмади. Кирдим. Шоҳона қасрдай безатилган уйда ўлик сукунат ҳукмрон эди. Бирон жойда тик этган товуш эшитилмайди. Мен чиройли қандилни, нақшинкор эшикларни кўздан кечираётган маҳалим тепадан "Қимирлама", деган овоз эшитилди. Қарасам, иккинчи қаватда, зина тепасида шунақа гўзал бир санам турибдики, таърифига тил ожиз. Устидаги либоси ялтираб кўзни олади. Бирор муддат унга тикилганча анқайиб қолибман.

— Агар бир қадам боссанг, отиб ташлайман! — деди у менга пўписа қилиб. Унинг овози майин, ширали эди.

— Гулчирой! — деди орқамдан кириб келган, менинг ҳамроҳимга айланган қиз.

— Шоҳсанам! — деди тепадаги санам ҳам. — Сен қаердан келиб қолдинг?

— Ўзинг бу ерда нима қилиб юрибсан? — дея Шоҳсанам югуриб зина ёнига борди.

— Тўхта! — деди Гулчирой исмли гўзал. — Манави йигит ким? Нега менинг уйимга бостириб кирди?

— Бу... бу одам, яхши одам... — деб менга жилмайиб қаради Шоҳсанам, — бу Собир ака!

— Нима?! Ҳали шунақа ўйнашинг борлигини эшитмаган эдим.

— Нималар деяпсан, дугонажон?! Бу одам мени хор қилганларни, устимдан кулганларни...

— Нималар деб валдираяпсан? — дея бирдан Шоҳсанамнинг гапини бўлди тепада турган хурлико. — Мен бу одам ҳақида бугун Музаффар акамдан эшитгандим. Сен фоҳиша шунақанги сўтакни менинг уйимга бошлаб келдингми?

— Сен менинг дугонам... Қандай тилинг бораяпти бундай дейишга?.. — дея жойида хайкалдек қотиб қолди Шоҳсанам.

"Бу гўзалдан яхшилик умид қилмаса ҳам бўларкан", деган хаёлга бордим ва зина томонга яқинлаша бошладим.

— Ҳов, йигитча, ажалинг мени кўлимда. Ҳозир яна бир қадам боссанг, отиб ташлайман, — пўписа қилди яна Гулчирой.

— Яхши қиз, мени ўлдиришингизга ҳечам кўзим етмаяпти. Биринчидан, кўлингиздаги тўппонча ўқланмаган. Иккинчидан, сиздай хурликнинг кўлидан одам ўлдириш келмайди.

Шу гапимдан кейин жувон саросималаниб қолдида, тўппончанинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўра бошлади. "Ойимча, умрида тўппонча ушламаган эканку", деган ўй хаёлимдан ўтди-ю, бор-йўғи ўн иккитача келадиган зинани уч хатлаб босиб ўтиб, Гулчиройнинг ёнида пайдо бўлдим. У мен томонга тўппончани тўғрилаб тепкисини босди. Аммо кўлидаги куролдан садо чикмади.

— Хўш, оппоқ қиз, энди қалайсиз? — дедим мен унинг кўлидаги тўппончани тортиб олиб. — Ҳалиям мени ўлдириш ниятидан қайтмадингизми?

— Йўқ, бер тўппончани! Мен отаман сени! — деди у ҳамон эгардан тушмай.

Тўппончага қарасам, оддий зажигалка. Кулиб юбордим.

— Мана, марҳамат, яна бир марта уриниб кўрингчи, балки бу сафар у сизни уялтириб қўймас.

Жувон "курол"ни қайтариб олгандан кейин уни менга ўқталиб тепкисини бир босганди, оғзида аланга пайдо бўлди. Бу шунчалик кулгили чикдики, мен тугул, пастда бизни кузатиб турган Шоҳсанам ҳам юзини бекитганча қотиб-қотиб кула бошлади. Ёнимдаги хурлиқо эса, йиғлаб юборди. Йиғи-ю кулги аралаш овоз уч-тўрт дақиқа давом этди. Сўнг мен ўзимни қўлга олиб, жувоннинг билагидан ушладим. У кўлимни силтаб ташлади.

— Жа, нозикниҳолмисиз, дейман! — дея қўлидан маҳкамроқ ушладим. У менга ўкрайиб қараб:

— Қўйиб юбор! — деди.

— Ўзингизни босинг, сизга шаддодлик ярашмас экан. Эсингиздан чиқарманг, энди сиз менинг асирамсиз, — дедим унинг юзига жиддий тикилиб.

Шу қарашимдан у бирдан юввош тортиб қолди. Фақат зинадан тушаётганимизда:

— Эрим ўлдиради сени, — деди паст овозда.

Шоҳсанамнинг дугонасига қараши мутлақо ўзгарган эди. Боягина дугонасини кўрганидан шодон порлаган кўзи энди қахр-ғазабга тўлганди. У Гулчиройнинг аста сочидан силаган киши бўлди-да, кейин бирдан юзига шапалоқ тортиб юборди. Кейин:

— Агар мени яна бир марта шундай деб атасанг, тилингни суғуриб оламан, тушундингми? — дея бақирди.

— Бу сулувнинг сенга қандай танишчилиги бор? — дея сўрадим мен Шоҳсанамдан.

— Бу билан мен битта институтда ўқиганмиз. Битта хонада турардик. Қалин дугона эдик. Орамиздан кил ўтмасди. Мен мана шунинг касрига қолиб, шундай аҳволга тушиб ўтирибман. Бу ойимчани Музаффарнинг йигитларидан бири кўриб қолиб, хўжайинига тортиқ қилмоқчи бўлган. Бу ҳақда Чаёнга ҳам айтишган. Олиб келиш тўғрисида шефдан фатво бўлгач, нима сабабдандир буни кўрган югурдак қолиб,

бошқалари ётоқхонага келишган. Аксига олиб, ўшанда бу ойимча йўқ эди. Балоба мен қолдим. Ҳалигилар мени алдаб пахтага олиб тушиб, машинага ўтқизишиб, бурнимни хўл латта билан бекитишди, мен хушимдан кетиб қолибман. Кўзимни очганимда Чаённинг дачасида эканман. Чаён менга кўлини ҳам теккизмай, югурдақларига тортиқ қилиб юборди. Ўша воқеадан уч ой олдин синглим йўқолиб қолганди. У гўзалликда манави танноздан, — дея Шоҳсанам кўлини бигиз қилиб Гулчиройни кўрсатди, — юз чандон ортиқ эди. Ахтармаган жойимиз қолмади. Бир куни Чаённинг дачасида стол устида бир даста расмларга кўзим тушиб қолди. Уларни бирма-бир кўраётсам, ичида синглимнинг ҳам сурати бор экан. Уни олдим-да, ўзимни гўлликка солиб, югурдақлардан: «Бу қиз ким?» — деб сўрадим. Билсам, қайсидир югурдақ синглимни Чаёнга тортиқ қилибди. Аммо синглим Чаённинг айтганини қилмай юзига тупурибди. Шундан кейин аламига чидолмаган Чаён бечора қизнинг қорнига пичоқ тортиб юборибди...

Шоҳсанамнинг кўзидан тинмай ёш оқарди. Бирок у ўкириб йиғламади. Бўғзидан тошиб келаётган йиғи сасини ичига ютди.

— Мен... мен барибир Чаёндан қасдимни оламан! — деди у кўлини мушт қилиб тугиб. — У ҳаммаси учун жавоб беради.

Мен нима деб юпатишни билмай, унга қараб қолдим.

— Менинг айбим нима? — деди шу пайт Гулчирой йиғламсираб.

— Сенинг айбинг, — деди Шоҳсанам, — "дугона"нинг сочидан бураб, исловотхонага итқитган шу ифлос билан битта тўшакда ётганинг, сенинг касрингга қолганим!

— Бўлди, кўйиб юбор бунни, насиб этса, айбдорнинг ўзидан қасдингни оласан, — дедим мен Шоҳ-

санамнинг кўлидан ушлаб. Кейин: — Эринг қаерда хозир? — деб Гулчиройдан сўрадим.

— Билмайман, — деди у елка қисиб.

— Унда хозир сени ўлдираман-да, анави дарвоза-хонада чўзилиб ётган хўкизнинг кучоғига тиқиб кўяман. Эрталаб эринг келади-да, шармандаликка чидолмай, сенинг мурдангни майдалаб, гўштингни итларга ташлайди. Агар шунга кўнсанг ихтиёринг, — дея мен ёнимдан пичоқ чиқардим.

— Йўк... йўк, — деди кўрққанидан кўзлари олайиб кетган жувон, — дачадан телефон қилишиб, уни сўрашганди. Менимча, дачага кетган.

— Шундай одобли хотин эканингизни билардим. Энди ўша дачага ўзингиз йўл кўрсатиб борасиз, хоним. Қани, йўлни бошланг, — дея мийғимда кулдим.

Биз ташқарига чиққанимизда, тонг юлдузи чарақлаб турарди. Ортимга бурилиб, бу хашаматли бинони ҳам ёкиб юбормоқчи бўлдим. Аммо шаштимдан қайтдим. Чунки вақти келиб, бу бинони яхшигина болалар боғчаси қилса бўларди. Дарвозага суяниб, ҳамон инқилаб ётган Кўршапалакни кўчага чиқариб ташладим.

Гулчиройни ёнимга, Шоҳсанамни эса орқа ўриндикка ўтқазиб, машинани юрғаздим. Бир соатдан мўлроқ юрганимиздан сўнг, тоққа етиб келдик. Тонг энди ғира-шира отаётган эди. Машинани кўздан панароқ жойга тўхтатдим-да, Шоҳсанамга:

— Мен бирор икки соат ухлайман, дугонангга қараб тур, — дедим. У "хўп", дегандек бош силкиди.

Машина ўриндигини тушириб, кўзимни юмишим билан уйкуга кетибман. Тушимга оппоқ матога ўранган онам кирди. Унинг юзи мунгли эди. Мен онамга: "Кечиринг! Кечиринг!" — деб айтмоқчи бўламан. Аммо ҳеч овозим чиқмайди. Онам бўлса бошимни силайди. Қўли бирам юмшоқки, болалигимдагидай

эриб кетаман. "Болам, кўп кийналдинг. Лекин бўшашма. Улар отангни ўлдиришолмайди. Сендан кўрқишади. Ҳозир отанг қоронғи, зах жойда", — дейди онам. Мен: "Отамни, албатта, кутқараман", — демоқчи бўламан. Лекин яна овозим чиқмайди. Онам бирдан қаёққадир ғойиб бўлди... Шу заҳоти уйғониб кетдим-да, ўрнимдан сапчиб турдим. Юзимга хавотирланиб қараган Шоҳсанам:

— Нима бўлди? — деб сўради.

— Ҳеч нарса, — дедим мен пешонамни кафтим билан силаб.

— Эндигина бир соат бўлди. Яна бироз ухласангиз, анча тетикланардингиз, — дея Шоҳсанам елкадан майин кўллари билан ушлаб, орқага тортди. Ҳали уйқум ўчмаган эди. Кўзим юмилиб кетаётганди. Шу боис, Шоҳсанамнинг гапига кириб яна бошимни ўриндикқа қўйдим. Энди уйқуга кетаётган маҳалим бошимда Шоҳсанамнинг бармоқлари ўрмалай бошлади. Унинг бармоқдари юмшоқ эди, хуш ёқарди. Шу пайт кўз ўнгимда Барно, унинг жилмайиб турган киёфаси гавдаланди. Бирдан Шоҳсанамнинг кўлини олиб ташладим-да, бошимни кўтардим. Ёнимдаги ўриндикда эса Гулчирой машина деразасига суянганча ухларди.

— Вақт бўлиб қолибди, кетишимиз керак, — дедим машинани юрғазиб. Шунда Гулчирой кўзини очиб атрофига олазарақ боқди. Ҳатто бу ерга қандай келиб қолганини билолмай бироз қарахтланди. Бир нималарни сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ қаердалиги ёдига тушиб қолди, шекилли, индамай деразадан ташқарига қаради.

— Эрингизнинг биринчи хотинидан нечта боласи борлигини биласизми? — дея сўрадим ундан, Гулчиройнинг хаёлини бўлиш, ҳам ўзим учун қўшимча маълумот тўплаш ниятида.

— Нимаиди? — деди жувон менга хайрон бўлиб қараркан.

— Ҳарқалай, кундошингизнинг кимлигини, унинг нечта боласи борлигини билиш сизни қизиқтирган бўлса керак.

— Кундошим қариб, ҳеч нарсага ярамай қолган. Икки қизи, битта ўғли бор. Ўғли наркоман бўлиб кетган. Музаффар акам ўғлининг наркоман бўлишида хотинини айбдор дейди. Фақат болалари борлиги учунгина хотини билан яшайди. Мени бўлса, еру кўкка ишонмайди, — деди Гулчирой мағрурланиб.

— Лекин "Хўкиз"га ишонаркан-да!.. — дедим уни мазах қилиб.

— У ниҳоятда садоқатли одами. Ҳали Ашур аканинг руҳи сизни тинч қўймайди, албатта, эримнинг чангалидан қутулиб қолган тақдирингиздаям.

— Эрингизни ўзини худо уриб қўйибди. Унинг бошига мен бўлмаганимдаям ўғли етарди. Ўлган Хўкиз масаласига келсак, агар шундай одамнинг руҳи мени таъқиб қилса, дунё остин-устун бўлиб кетади.

Гулчирой ковоғини уйган қўйи жимиб қолди. У чиндан Ашур — Хўкизга қаттиқ ачинибди. Қизиқ, мен унда ачиниш ҳисси аллақачон ўлиб кетган, деб ўйлагандим. Хато қилибман, ҳарқалай, бунинг юрагидаям меҳрдан бир мисқол бўлса-да, бор экан.

— Эсингдами, — дея сўраб қолди бир маҳал Шоҳсанам "дугона"сидан, — биринчи курсда ўқиётганимизда Баҳром деган бола бўларди, воҳалик. Сени севиб қолганди. Сендан имдод бўлавермагач: "Агар рози бўлмасанг, ўзимни машина тагига ташлайман!" деганди. Сен унинг гапига парво ҳам қилмагандинг. Иродаси йўқ, бундай қилолмайди, деб ўйлагандинг. Лекин унинг иродаси бор экан — машина тагида қолиб ўлди. Унга озгина бўлсаям юрагинг ачимади. Қайтанга: "Баттар бўлсин, шилқим. Қутулибман. Мен бошқа — ўзимга мос шахзодага турмушга чиқаман", дединг. Энди қаердаги гўрсўхтага қуюнаяпсанми? Турмушга чиққан одамнинг — сен айтган шахзода — Чаёнми?

Гулчирой мулзам бўлиб қолди. Афтидан, у Шоҳсанам бу гапларни эсидан чиқариб юборган, деб ўйлаган бўлса керак...

Чаённинг тунда ёниб кулга айланган дала ҳовли-сига бир километр қолганда, мен машинани тўхтатдим-да, қизларга тушишни буюрдим.

— Мана, — дедим Гулчиройга қараб, — сизнинг асиралик муддатингиз ниҳоясига етди. Эрингизнинг олдига бемалол боришингиз мумкин.

Гапимдан жувоннинг юзи ёришиб кетди.

— Фақат бир нарсани эрингизга, албатта, етказиб қўйинг... Мабодо отамнинг бошидан биргина тола сабабсиз тўкилса эрингиз аввал бола-чақаси-ю, сизнинг худойингизни ўтказди. Ундан кейин ўзининг мурдаси итларга ем бўлади. Тушундингиз-а?!

Жувон турган жойида ҳайкалдек қотиб қолди. Пешонасида тер йилтиради. Мен унинг ҳолатига парво ҳам қилмай машина капотини очдим-да, мотор мойини бармоқларимга суртиб, Гулчиройнинг олдига келиб, оппоққина юзига тўртта қора чизик тортдим. Жувон менинг қилиғимдан йиғлаб юборди.

— Энди ҳақиқатан ўзингга ўхшадинг, — деди унга қараб кулиб Шоҳсанам.

— Бораверинг, хоним, сизни эрингиз интизорлик билан кутмоқда, — дедим.

У кафти билан юзини беркитганча югуриб кетди. Мен Шоҳсанамга "юр" деб имо қилдим. Биз дарахтзор оралаб Гулчиройни кузатганча унинг орқасидан кета бошладик. Жувон бир югуради, бир секинлашади. Қора бўлган юзини енгига артади, бу билан юзини тозалаган бўлади. Шу аҳволида бир километрча келадиган масофани нақ йигирма дақиқада босиб ўтди. Ниҳоят "Кимсан?" — деган овоз янгради Барок жувон жавоб бермай йўлида давом этди. "Ҳов, тўхта!" — деб бакирганча дарахтлар орасидан кимдир чиқиб унинг йўлини тўсди.

— Кимсан? — деди йўлтўсар Гулчиройнинг яқинига келиб.

— Танимаяпсанми?! — дея бақирди унга жувон.

— Эй-й, янга! Ким сизни бундай аҳволга солди?

— Ишинг бўлмасин! Эрим қаерда?

— Нариги дачада.

— Мени тез ўша ёққа олиб бор!

— Хўп, хўп, — деганча йўлтўсар дарахтзор томонга қараб "Писта!" дея кимнидир чақирди.

Дарахтлар орасидан шатур-шутур қилиб бир йигит чиқиб келди.

— Кимдир янгамнинг устидан издеватса қипти, тезда шефнинг олдига олиб бор! Қоровулликда ҳозирча ўзим туриб тураман. Фақат рацияни менга ташлаб кет, — деди чиқиб келган йигитга йўлтўсар буйруқ оҳангида. Шериги бир қарич келадиган аппаратни бериб, тепага қараб югуриб кетди. Шох-шаббалар қалин эди, унинг қаерга кетганини кўролмадим. Бироз ўтиб, машина моторининг овози эшитилди. "Тушунарли, — деб ўйладим мен, — булар менга қўйилган биринчи пистирма. Яна бошқалари ҳам бўлиши керак. Демак, мен ишни мана шу ердан бошлашим зарур".

Машина Гулчиройни олиб шитоб билан тепага чиқиб кетди. Қоровулликка қолган пистирмачи эса шох-шаббалар орасига кириб яширинди. "Агар, тезда бунинг "ишини тўғрилаб" қўймасам, Гулчирой эрининг олдига етиб боргандан кейин Чаён бу ёққа рация орқали хабар бериб, менинг шу ердалигимни айтиб кўяди. Унда бу югурдак хушёр тортиб қолади", дея хаёлимдан ўтказдим ва Шохсанамга:

— Шу ерда кутиб тур, мен чақирсам, оркамдан борасан, — дедим шивирлаб. Ўзим эса секин-аста қадам босиб, пистирмага яқинлаша бошладим. Тахминан манзилга етишимга саккиз-тўққиз қадам қолганда пистирмада ўтирган йигитни кўрдим. У ўти-

риб олиб қандайдир кўшиқни хиргойи қилганча, тўппончасини гоҳ у қўлида, гоҳ бунисида ўйнар, орасира йўлга, ён-атрофига қараб кўярди. Мен унга яқинлаша бошладим. Имкон қадар овоз чиқармасликка, шох-шабба, хас-чўпларни шитирлатмасликка ҳаракат қилдим. Бироқ барибир овоз чиқармай юришининг имкони бўлмади. Пистирмада ўтирган йигит бирдан ўйинни тўхтатди-да, ўрnidан туриб, йўлга, сўнг атрофга қаради. Шу пайт сал нарироқдаги дарахт шохидан битта куш потирлаб учди. Пистирмачи чўчиб тушиб, шу томонга тўппончасини тўғрилади. Дарахт шохини қимирлатиб товуш чиқарган кушлигини билгандан кейин чуқур нафас олди-да, яна жойига ўтирди. Аммо энди кўшиқ хиргойи қилмай қўйди. Ҳадиксираб атрофга аланглай бошлади. Бу пайтда мен унинг шундоққина орқасида турардим. Агар каттикроқ нафас олсам, эшитарди. Нафасимни ичимга ютиб, жуда чўзиб ўтирмасдан, тўппончасини уриб туширмоқчи бўлганимда, у орқасига қараб қолди. Иккаламизнинг нигоҳларимиз тўқнашди, санокли сониялар ичида бир-биримизга тикилиб қолдик.

Яхшики, ундан аввал мен ўзимга келиб, нақ қорнимга тўғриланган тўппончани уриб туширдим. Мабодо у тепкини босишга улгурганида борми, бутун режаларим чиппака чиқиши, ўзим ҳам нариги дунёга рихлат қилишим тайин эди.

Қуролидан айрилган шоввоз менинг юзимга ўнг қўлида зарба берди. Мен орқага куладим-у, устимга ўзини отган рақибимнинг кўкрагига тепдим. У орқасига ағанади-ю, бироқ тезда ўзини ўнглаб, мени тепишга шайланди. Шунда унинг оёғидан ушлаб қолдим ва башарасига зарба бердим. Йиқилгач, қўлини орқасига қайирдим. У чиқиб кетишга бир-икки уринди, фойда бермагач, типирчиламай қолди.

— Ҳали ёш экансан, яшашни истайсанми? — дедим хотиржам сўзлашга уриниб. У бош ирғаб "Ҳа!" деган ишорани қидди.

— Яхши, исминг нима?

— Баҳром.

— Баҳромбек, агар сал типирчиласанг, иккаламиз келишмай қоламиз. Шунинг учун мен сўраган нар-саларга аниқ-тиниқ жавоб бер, кейин сени кўйиб юбораман.

— Мен сотқинлик қилмайман. Ўлдирсанг ҳам! — деди у башараси хас-чўпларга тегиб турганига эътибор қилмай.

— Бошқа пайт бўлганда бу гапинг учун мен сени мукофотлаган, ҳеч бўлмаганда, раҳмат айтган бўлардим. Чунки сендай содиқ йигитларни кундузи чирок ёқиб ҳам топиб бўлмайди. Аммо ҳозир мен сенга ачинаяпман. Шундай йигит кимга хизмат қилиб юрганингни билишниям истамаяпсан.

— Мен-ку, бутун СССРда авторитети бор одамга хизмат қиляпман. Ўзинг-чи?

— Мен бўлсам, ўша сен айтган СССРга бутун бошли умримни ҳада қилишимга озгина қолган. Аҳмоқлигим сабаб мана шу кўйга тушиб ўтирибман. Энди билдингми, паразит?! — дея унинг кўлини қаттиқроқ қайирдим. Баҳром инграб юборди. Шу пайт Баҳромнинг ён чўнтагидаги рация "сайраб" қолди.

— Мени "Кўрмадим, ҳали келгани йўққа ўхшайди", деб жавоб қиласан, агар битта ортиқча сўз айтсанг, қахрамонлигингга қараб ўтирмайман, тушундингми? — дея унга рацияда гаплашишига имкон бердим.

— Эшитаман! — деди у рацияни олиб.

— Баҳром, Собир шу яқин-атрофда. У янганг билан бирга келган, хушёр бўл, — деган овоз келди нариги томондан.

— Хўп бўлади! — деб рацияни ўчирди Баҳром.

— Ана кўрдингми, уларнинг ўзлари ёлгон гапиришингга йўл беришмади, — дедим истехзоли кулиб. Сўнг Баҳромни ўрнидан турғазиб, камарини ечиб

олдим-да, иккала кўлини ҳам орқасига қайириб боғладим. Шимини ечиб олиб, дарахтга маҳкам боғлагач, шундай дедим:

—Энди сен ҳам менга ўхшаб чорасиз қолдинг. Мен-ку, озодман ҳали, аммо сенинг кўлинг боғлиқ, тақдиринг бошқа одамнинг кўлида, бундан беш минут олдин ўзингни ҳамма нарсага қодир деб ўйлаб ўтирган бўлсанг, энди бир нотавонсан. Хўш, сенга яна битта савол. Жавоб берсанг, жазонг енгиллашадиди. Умуман, сенинг бошингга ҳозир итнинг кунини солиб, ҳамма нарсани сўраб билиб олишим мумкин. Фақат бунақа қилсам, одамгарчиликка тўғри келмайди.

Баҳром иржайганча бош чайқаб:

— Барибир ҳеч нарса билолмайсан, — деди.

— Билишимниям ҳожати йўқ. Чаённинг қаердалиги маълум, бошқа ҳеч ким мени қизиқтирмайди. Сендан сўрамоқчи бўлганим: боя кетган машина қачон изига қайтади?

— Билмайман, — деди Баҳром юзини буриб.

— Начора, ўртоғинг билан мана шу ердан видолашиб кўя қоласан.

— Унинг ҳали бировга зиёни тегмаган. Ундан кўра, мени ўлдириб кўя қол.

— Лекин ҳаром иш билан шуғулланадиган одамларга кўшилибдими, нияти ёмон. Илоннинг туғилганидаёқ бошини янчсанг, бировни чақишга улгурмайди, — дедим-да, Шоҳсанамга қараб кўл силкидим. У мен томондан кўзини узмай ўтирган шекилли, тезда етиб келди. Келди-ю, Баҳромнинг аҳволини кўриб, кулди.

— Йигитнинг гулининг аҳволи танг бўлиб қолибди-ку, — деди.

— Сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз? — сўради ундан Баҳром ажабланиб.

Улар бир-бирига тикилиб қолишди. Нигоҳларнинг

бундай сирли тўқнашишида нимадир яширинганга ўхшарди. Шоҳсанам "балиқча" вазифасини бажараётганда, эҳтимол, уларнинг орасида нимадир бўлиб ўтган.

— Собир ака, — деди Шоҳсанам менга мурожаат қилиб, — бу Музаффарнинг йигитлари орасидаги энг виждонли йигит.

— Агар виждони бўлганда, бу ерда санқиб юрмаган бўларди. Қани, кетдик, — деб мен Шоҳсанамнинг кўлидан ушлаб етакладим. Аммо у юришни истамас, орқасига тез-тез қайрилиб, Баҳромга қараб кўярди.

— Уни яхши кўрасанми? — дея сўрадим Шоҳсанамнинг юзига қарамай. У жавоб бермади. Шунда Шоҳсанамни ўзим билан бирга олиб юрганамга афсусландим. Айни дақиқада унинг менга умуман кераги йўқ эди. Қайтанга, ташвиш келтириши мумкин. Бироқ ҳозир ташлаб ҳам кетолмайман. Агар у билан Баҳром ўртасида яқинлик бўлса, мен кетганимдан кейин у, албатта, Баҳромнинг кўлини ечиб юборади. Бошимга кўшимча ташвиш орттиришни эса истамайман.

Йўл ёқасига чиққанимиздан кейин ҳам Шоҳсанамнинг юзига қарамадим. У бир нарсаларни айтиб, менга тушунтириш бермоқчи эканлигини сезиб турардим. Лекин ундан ҳеч қандай тушунтириш олишни истамасдим. Умуман, унинг Баҳром билан қандай алоқаси борлиги менга қизиқ эмасди. Хаёлимда: "Бу қизни қаерда қолдириб кетсам экан?" — деб ўйлардим.

Биз бирпас турдик ва Гулчиройни олиб кетган машина қайтиб келди. Ҳайдовчи ўн-ўн беш метрлар чамаси нарида машинани йўл ёқасига тўхтатди. Ўзи эса илдам қадамлар ташлаб биз томонга яқинлаша бошлади. Орамиздаги масофа бир метр қолганида, унинг қаршисига чиқдим. У тўхтаб, ҳайрон бўлганча менга тикилиб қолди.

— Ишлар қалай? — дедим унинг довдираганидан фойдаланиб. У шошиб ёнидан қурол чиқаришга уринди. Мен шу заҳоти қўлидан ушладим-у, жағига мушт туширдим. Шоҳсанам кутилмаганда қўлидаги калтак билан унинг бошига савалаб қолди. Бечора бошини ушлаганча бўкириб йўлда думалай бошлади. Мен Шоҳсанамга ғазаб билан қараб қўйдим-да, бир қўлим билан йигитнинг оғзини ёпдим, иккинчи қўлим билан белидан ушлаб кўтардим. Дарахтзор ичига олиб кирганимдан кейин ҳам у оғриқ зўридан инграрди. Дарров унинг ҳам камарини ечиб, қўлини дарахтга қўшиб боғладим. Кўйлагини йиртиб оғзига тикиб қўйдим...

— Чаённинг нариги дачасига қандай боришни биласанми? — дея сўрадим Шоҳсанамдан йигитнинг машинасига ўтирганимиздан сўнг.

— Шу йўл орқали тоғ тепасига чиқилади. Кейин иккита йўл келади. Бири пастга, иккинчиси Чаённинг дачасига олиб боради. Лекин тоғ тепасидаги ҳар қандай нарсани Чаённинг дачасидан туриб кўрса бўлади.

— Улар, ҳарқалай, таниш машинага индашмаса керак, — дедим жилмайиб.

Музаффарнинг ёниб кетган дачасига етмасдан яна битта пистирмага дуч келдим. Бу ерда ҳам иккитаси мени пойлаб турган экан. Уларнинг иккаласи ҳам машинани кўрибоқ йўлга чиқишди. Бирини отиб ташладим, иккинчиси эса пичоқ еб ҳаёт билан видолашди. Шундан сўнг тоғнинг ярмига чиққанимизда Шоҳсанамни машинадан туширдим.

— Менам борай, сизга ҳечам халақит бермайман, — деб ялинди у.

Бироқ мен унамадим. Мен-ку кутилаётган хавфдан бир амаллаб қутулиб қолишим мумкин, бироқ унинг ёш жони увол бўлиши ҳеч гапмас. Ҳарқалай, бир дунё орзулари бордир. Синглимнинг қасдини

оламан, деб ўзи ҳам ўлиб кетиши аҳмоқликдан ўзга нарса эмас.

Тоғ тепасига чиққанимдан сўнг Чаённинг дачаси кўринди. Буни бир қарашдаёқ билиб олиш мумкин эди. Чунки тоғнинг бу ён бағри яккам-дуккам бутазорлар бўлиб, фақат бир жойида ғужғон дарахтлар яққол кўзга ташланарди. Шубҳасиз, ўша жой Музаффарнинг иккинчи қароргоҳи эди. Буни айнан шу томонга қараб кетган йўлдан ҳам билса бўларди. Машинани иккинчи тезликка қўйиб, секин боравердим. Кўзим бир йўлда, бир ўша ғужғон дарахтзорда. Озгина ҳаяжоним бор. Бу Музаффар, унинг йигитлари билан дуч келишим, қон тўкилишини сезаётганимдан эмас, балки отамнинг юзига қандай қарайман, "Болам, сен мени шу кўйга солиб кўйдинг", деса қандай жавоб қайтараман, деган ўйдан эди.

Машинани Чаённинг дачасига етмасдан тўхтатдим-да, пастга тушиб, ёнимдаги иккита тўппончани текшириб кўриб, аста дача томонга яқинлаша бошладим. Дача олдидаги тўрт-беш чоғли йигитлар мени кўришди. Афтидан, улар ўзларига тегишли бўлган машина нега бирдан тўхтаб қолганига ажабланишиб, дурбинларини мен томонга тутишди. Сўнг биттаси кўлидаги рацияга нимадир деди. Қолганлари менга тўппонча ўқталишди. Мен ўзимни харсанг орқасига олиб яшириндим. Тўппончалар кетма-кет ишга тушиб кетди. Ўқлар тошга тегиб, визиллаб учарди. Мен жойимдан қимирламай, уларнинг отишдан тўхташини кутдим. Ниҳоят ўқ овозлари тинди. Секин пойлаб қарасам, иккитаси яқинлашиб келаяпти. Менимча, улар отган ўқлари тегиб, мени яраланиб ётиб қолган, деб ўйлашган бўлишса керак.

Иккови ҳам мен яширинган жойдан кўз узмас, кўллари билан тўппончаларини маҳкам ушлаб олишган. Мен ердан кичкинагина тош олдим-да, ён томонимга — турган жойимдан сал нарироққа отиб

юбордим. Улар тош тушган жойга ўқ ёмғирини ёғдиришди. Уларнинг бу қилиғи кулгимни кистатди. Чунки бу тажрибасизликнинг оқибати эди. Тирноқларига гача кўркув босгани шундоққина билиниб турарди. Бир думалаб тошнинг орқасидан чиқдим-да, ётган жойимда икки марта ўқ узиб, яна жойимга қайтдим. Иккаласи ҳам чалқанча кулади. Дарвоза ёнидагилар эса менга қарата яна пала-партиш ўқ ёғдиришди. Мен кутиб турдим. Шу пайт улардан бири асабини жиловлаёлмай: "Ҳов ит, эркак бўлсанг, чиқ бикиниб ётмай!" — дея бақирди. Бироз ўтгач, тўппончадан битта-битта ўқ отилди. Бу уларнинг қайси биридадир патрони тугаганидан дарак берарди. Пойлаб қарасам, уч кишидан фақат биттаси қолибди. Уям аста-секин ортига чекинаёпти. Мен унинг манглайини мўлжаллаб тепкини босдим. У жойида бир лаҳза қотиб қолди-да, сўнг юзтубан кулади. Энкайиб унинг ёнига югуриб бордим. Шунда тўртта одам дарвоза томонга югуриб келаётганини кўрдим. Улардан учтаси серсоқол эди. Қўлимдаги тўппончани ишга солиб, биттасини кулатдим. Қолганлари ерга ётиб олишди ва мен томонга узук-юлуқ ота бошлашди. Мен дарвозага туташ девор бўйлаб бироз юриб, деворга чиқдим. Ётганлар ҳали ҳам жойларидан қимирлашмаган экан. Сакраб пастга тушдим-да, баланд, сершоҳ арча ортига яшириндим. Кейин эмаклаб, ерга ётиб олган учта йигитга яқинлаша бошладим.

— Биронта ўқимиз текканга ўхшайди, жимиб қолди, — деди серсоқоллардан бири рус тилини бузиб, кавказча оҳангда.

— Тегмаган, — деди ёнида ётган йигит, — боя ҳам худди шундай қилганди. Бизнинг туришимизни кутаяпти.

Бу пайтда мен уларнинг оёқ учларидаги бута ортида эдим. Иккитасини асфаласофилинга жўнатиш кийин бўлмади. Бироқ учинчиси чаққон экан,

тўппончамни тўғрилагунимча жойидан сакраб туриб, ўмбалок ошиб ёнимда пайдо бўлди. Шу ондаёқ ўрта-мизда қўл жанги бошланиб кетди. У аввал мени самбо усулида — икки оёғини белимдан ўтказиб ерга ағанатди. Тепмоқчи бўлганида, бир юмалаб чап бердим. Иккинчи бор оёғини кўтарганда эса, ушлаб қолиб, сонига тепдим. У ўтираётди биқинимга мушт туширди. Мен эгилиб қолдим. Шу он қаердандир тўппончанинг овози эшитилди. Қарасам, рақибимнинг кўкрагидан ўқ тегибди. У ўз тилида алланималар деганча йиқилиб, бу дунё билан хайрлашди. "Кавказингда юравермайсанми, пишириб қўйибдими сенга бу ерда?" — дея ичимда сўқиндим.

Энди ўқ қаердан отилганини аниқлашим керак эди. Шу боис, майса устига ётиб, атрофни кузатдим. Ҳеч зоғ кўринмайди. У ер-бу ерга арча дарахтлари, буталар экилган, ер эса майса билан қопланган. Алоҳида уй йўқ. Тоғ бағрига пишиқ ғишт терилган. Шохсанам айтган ғор, менимча, шу бўлса керак. Фақат ғор оғзига эшик қурилган эди. Ўқ шу тарафдан отилгани даргумон. Чунки у ҳолда мен кўрган бўлардим. Айни дақиқада битта жойда чўзилиб ётишим ҳам хавфли эди. Эртароқ жойимни ўзгартирмасам, эндиги гал нишонга олинишим ҳеч гап эмас. Эмаклаб кетаётганимда, ўнг томонимдан узилган ўқ кўлимни ялаб ўтди. Мен икки думалаб, ерга қапишиб ётавердим. Орадан маълум вақт ўтиб, кимдир ғор ёнидаги арча ортидан чиқиб, тўғри мен томонга кела бошлади. У кўлида тўппонча ўқталиб келаётганини ички бир туйғу билан ҳис этдим. Агар озгинагина кимирласам тепкини босиши аниқ. Шу боис, гарчи кўлим қаттиқ оғриётган бўлса-да, тишимни тишимга босиб, чидаб ётавердим. Ҳалиги одам ёнимга келиб, оёғи билан мени ўгирмоқчи бўлганида, бурилдим-у, унга тўппончани тўғрилаб тепкини босдим. Пешонасидан ўқ еган душман устимга кулади. Яхшиямки, қочиб қолдим.

Бўлмаса, гавдалигина одам экан, бирон жойимни майиб қиларди. Чалқанча ётганча, нафасимни бироз ростлаб, ёнимдаги мурданинг кўйлагини йиртиб, кўлимнинг ярасини боғладим. Кейин арчанинг тагига кириб яшириндим-да, атрофни синчиклаб кузатдим. Ташқарида тирик жон қолмаганга ўхшади. Ҳатто кушлар ҳам шовқин-сурондан бешиб, каергадир жуфтакни ростлаган. Зийракликни йўқотмай ғор оғзига бориб, эшикни итариб кўрдим. Ичкаридан кулфланган экан, очилмади. Қалин ёғочдан нақш солиб ишланган эшикни тепиб ёки елка билан уриб очиш амримаҳол. Ажабмаски, бу эшикнинг нариги томони темир билан қопланган бўлса.

Атрофимга аланглаб, эшикни бузадиган нарсани кидирдим. Ўтиборимни эгасиз қолган тўртта машина тортди. Улардан биттаси "Нива" эди. Миямга келган фикрдан хурсанд бўлиб, машина томон югурдим. "Яп-янги экан, увол бўладиган бўлди-да! Начора", дея хаёлимдан ўтказиб, рулга ўтирдим. Барака топгурлар машинани ташлаб кетишибди-ю, калитини қолдиришни унутишган экан. Шундай машинанинг ичак-чавоғини чиқариб ташлашга кўлинг бормайди. Начора, зарур бўлгандан кейин бузмасдан иложинг йўқ.

Машина тез ўт олди. Ғор эшигига рулни тўғриладим-да, тезликни оширдим. Ўзим эса, мўлжалга етай деганда машинадан сакраб тушиб қолдим. Машина каттиқ урилганидан эшик синиб кетди. Шу ондаёқ автоматнинг тариллаган овози эшитилди. Икки-уч дақиқа ўтиб, автоматнинг уни ўчди ва мен ичкарига кириб, тўхтаб қолган машина орқасига яшириндим.

— Машинада ҳеч ким йўқ, — деди ғор ичидан биттаси.

— Биз кутганданам айёр экан, эҳтиёт бўл, бирон жойда биқиниб турган бўлмасин, — деди иккинчиси.

Мен машина остидан уларни кўрмоқчи бўлдим-да, энкайдим. Худди ўша пайт ғор ичидагилардан бири энгашиб машина остига қаради. Ўшанда фақат чаққонлигим эвазига унинг бошини нишонга олишга улгурдим. Шериги эса, бирдан автоматини тариллатишга тушди. Бироқ шу қадар пала-партиш ўқ узар эдики, унинг бунақа укувсизлигидан ҳатто жаҳлим чиқиб кетди. Агар ўша йигит ҳамроҳим бўлганида, уриб бошини ёрардим.

Ғорнинг ичи қасрдай безатилган. Шифтда қандиллар, девор ёнида шкаф, оёқ остида ёғоч пол. Ҳаммаси қимматбаҳо. Падарингга лаънат, автомати билан мени отаман деб шундай уйнинг расвосини чиқарди. Шкафдаги биллур идишларга кўшилиб, қандиллар ҳам чилпарчин бўлиб кетди. Автоматчининг ўки тугади. Шундан сўнг у буткул довдираб қолди.

— Эркакмисан? — дея бақирди у. — Илондай писиб ётмай, чиқ, яккама-якка олишамиз.

— Агар ўзинг эркак бўлганингда, шунча ўқни бекорга кетказмаган бўлардинг, — дедим мен қаддимни ростлаб, у томон юрарканман.

Мени кўриб, унинг юзидан қони қочди. Орқасига тисланаркан, лаблари титрай бошлади.

— Қаёққа бораяпсан? Сен мен билан эркакчасига ҳисоб-китоб қилмоқчийдинг-ку. Қани, кучингни кўрсат! — дедим унга.

— Биласанми, илгаридан сенга ҳурматим баланд эди. Сенга мен умуман ёмонлик қилмаганман. Ишонмасанг, хоҳлаган одамингдан сўра. Мен Музаффарнинг ўнг қўли эдим. У мени ташлаб, ўзи Россияга қочиб кетди. Александр Петровичнинг ёнига.

— Хўш, гапир, гапир, — дедим мен унинг гапларига жиддий эътибор бераётгандай бўлиб, — балки Асланнинг ёнига қочгандир.

— Йўқ, унинг ёнига боролмайди. Асланнинг олдада ёлғончи бўлиб қолди. Сени ушладим, деб хабар

берувди. Сен қутулиб чиқиб кетдинг. Энди унинг ёнига куруқ қўл билан борса, калласини узади. Бунинг устига, сен Асланнинг биздаги учта вакилини ўлдириб қўйдинг.

— Чаён қандай қилиб бу ердан қочиб кетди? — дедим унинг кўзига тикилиб.

— Мана бу ёқда — орқадан чиқиб кетадиган йўл бор, — деб у ғор тубини кўрсатди.

— Бошла бўлмаса, — дедим унга.

У кўзлари жовдираб, атрофига бир қараб олди-да, мендан нигоҳини узмай ортига чекина бошлади. Ғор охирига етганимизда шкафдаги кўк тугмачани босди. Шу онда шкаф бир четга сурилиб, қоп-қоронғи йўлак пайдо бўлди. Мен ўша томонни кузатаётганимда, Чаённинг "ўнг қўл"и бирдан шкафни очди-да, тортма ичидаги тўппончани олишга интилди. Ўша заҳоти унинг қорнига тепдим. Тўппонча учиб кетди. Унинг шунақа ҳийласи борлигини сезгандим. Бекордан-бекорга ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга уринмаётгани у. Бир тепки билан қониқиш ҳосил қилмай, белига ҳам мушт туширдим. У йиқилди. Сўнг сочидан бураб, ўрнидан турғазиб:

— Отамни қаерга яширдиларинг?! — дея бақирдим.

У бош чайқаб "билмайман" деган ишорани қилди. Менинг жаҳлим чиқиб кетди. Бармоқларини ушлаб, қайира бошладим. Оғриқ забтига олиб, унинг ингроқ овози ғорни тутиб кетди, мен бармоқларини шу ҳолатда ушлаб туравердим.

— Отанг яширинча йўлнинг ўнг томонидаги қафасда-а! — дея кичқирди у.

— Итдан тарқаганлар! — дея сўкинганча асирни етаклаб, у айтган томонга юрдим. Шу пайт қулоғимга ғор ичкарасидан сувнинг шовуллаган овози эшитилди.

— Бу йўлнинг охири берк-ку!

— Сув орқали ташқарига чиқиб кетадиган йўл бор,
— деди "йўл бошловчи".

Бироз юрганимиздан кейин отам ётган қафасга дуч келдик, у ёниб турган иккита шамга тикилганча мунғайиб ўтирарди. Отамнинг аҳволини кўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Жаҳл билан "асир"нинг жағига мушт туширдим-да, отамнинг олдига эмаклаб бордим. У мен томонга бир мартаям караб қўймади, шамга тикилганча ўтирарди.

— Ота-ж-ж-о-н! — дедим унинг рўпарасига бориб. Аммо отам миқ этмади. — Бу мен — бадбахт ўғлингизман, ота!

Отамдан садо чикмади. "Наҳотки ўлиб қолган бўлса", деган ўй яшин тезлигида миямга урилиб, орқага тисландим. Сўнг яна отамнинг қошига эмаклаб бордим-да, унинг қўлини ушлаб юз-кўзимга суртдим, оёғини ўпдим. Ҳартугул, тириклик аломати бор эди. Шунисигаям шукур қилиб, уни кўтариб олдим.

У енгил бўлиб қолган эди, худди ёш болага ўхшарди.

Отамни ёруғликка олиб чиққанимдан сўнг, уни кўриб кўрқиб кетдим. Юзини буткул ажин босган, бошида бир дона ҳам тук йўқ! Мен отамни ҳар қандай ҳолатда тасаввур қилгандим, аммо бунақа аҳволда эмас. Ўқиниб йиғлаб юбордим-да, отамни маҳкам кучоқладим. Шунда у алланима деди, бироқ мен тушунмадим. Сўнг уни яна даст кўтариб, кўздан панароқ жойга ўтқиздим-да, ўзим ғор ичига югурдим. Жағига мушт теккандан кейин ҳалиги "ит" ҳушини йўқотган экан. Бориб юзига бир-икки шапалоқ ургандим, кўзини очди.

— Тур ўрнингдан, ҳали сенинг ўлишинга эрта, кани, ичкарига йўл бошла. Чаённи ернинг тагидан бўлсаям топиб берасан!

У гандираклаб олдимга тушди-да, секин юра бошлади. Орқасига бир тепиб:

— Бўл тез! — деб бақиргандим:

— Ҳозир... ҳозир, чирокни ёқай, — деди у йиғлам-сираб. Биз беш-олти қадам босганимиздан сўнг "ўнг қўл" деворни пайпаслаб "чиқ" этказиб босган эди, ҳаммаёқ чароғон бўлиб кетди. Кўз ўнгимизда эса бўйи-ю эни ўн метрдан кам бўлмаган бассейн пайдо бўлди. Унинг атрофидаги деворда бир нечта тўйнуқ бор эди. Оғиз-бурнигача сувга тўлган бассейнда шифтга қараганча бир қиз ўлиб ётарди. Бу Гулчиroy эди. Мен ҳайратдан донг қотиб қолдим. "Наҳотки Чаён шундай гўзал хотинидан ҳам воз кечган бўлса?! Ахир, Гулчиroy эрига вафодорлигини кўрсатганди-ку. У эрининг душманига нафратини яширмаганди. Нима гуноҳи учун уни бундай хор қилиб ўлдирибди?" — деган ўй ўтди хаёлимдан.

— Чикар, — дедим мурдага тикилиб турган "ўнг қўл"га. У бассейнга яқин борди-да, бирдан ортига қайтди.

— Сувга электр токи уланган! — деди қалтираб.

— Қаердан ўчирилади? — сўрадим жаҳл билан. У девордаги автомат-шитни кўрсатиб:

— Кулфланган, калити фақат Музаффарнинг ўзида бўлади, — деди.

— Ҳозир Музаффарни онангникидан топаманми? — дея сўкинганча автомат-шит қопқоғини ён томонидан қаттиқ тепган эдим, очилиб кетди. Токни ўчирадиган асбобни пастга туширдим, бирдан чирок ўчиб, ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб қолди. Яхшики, дардисарнинг кўлидан ушлаб турганим, бўлмаса у жуфтакни ростлаган бўларди.

— Энди сувга тушиб олиб чиқ қизни! — дея буюрдим унга.

— Сувдаги ток ўчганмикан? — деди у овози қалтираб. Назаримда, "ўнг қўл"га индамасам, "ади" десам "бади" деб турадиганга ўхшайди. Шу боис, сувнинг қаердалигини тахмин қилиб, уни итариб юбордим.

— Ток йўқмикан? — дея ундан сўрадим.

— Бу ердаям ўчибди, мана олиб чиқаяпман, — овоз берди у.

— Бўл тез, йўкса чироқни ёкаман! — дея пўписа қилдим. У менга ялиниб-ёлвора кетди. Сўнг сувни шалоплатган кўйи ташқарига чиқди.

— Узокроқ тур, бўлмаса, хозир ўлиб кетасан, — дедим унга. У эса югуриб келиб кўлимни ушлаб олди. Бу аҳволда мен чироқни ёқолмас эдим, чунки ўзимни ҳам ток урарди. Шу пайтгача оғзидан биронта ҳам ақлли гап чиқмаган "ўнг қўл"нинг, бир маротаба бўлса-да, калласи ишлаб қолганди.

— Келган йўлимизни эсингдан чиқариб қўймадингми? — сўрадим ундан юмшоқ оҳангда.

— Қайтамизми орқага? — деди у.

— Ҳа, ишимиз битди, қайтамиз, — дедим мен. У менинг кўлимни қўйиб юбормасдан тез-тез юриб келган йўлимизга қараб кета бошлади. Бироз юрганимиздан сўнг мен уни тўхтатдим-да:

— Сен шу ерда туриб тур, — деб ортга қайтдим. Секин-аста, девордан ушлаб автомат-шит ёнига бориб чироқни ёқдим. Худди шуни кутиб тургандек шоввоз қочишга тушди. Тўғриси, унга мен ортиқча жабр қилмоқчи эмасдим. Жабр қилишгаям арзимайдиган одамлигини аллақачон сезгандим. Бироқ унинг бу қилиғи асабимни яна жунбушга келтирди. Ким билади, ўзича нималарни мўлжаллаган.

Мен орқасидан қувишга тушдим. У узокқа қочиб кетолмади, ҳатто ғорнинг қошона қисмига ҳам етмади. Оёғи нимагадир қоқилиб, йиқилиб тушди ва бирдан бошини қўллари орасига олиб яширди. Унинг бу қилиғи кулгимни қистади. Лекин ховурирдан тушмаганим боис, оч қорнига бир-икки тепдим. У додвой қидди, "Урма", деб ялиниб-ёлворди. Менинг эса, авжим келарди. Бироқ жирканишга-да нолайик одамни ортиқча вақтимни кетказиб дўппослаб ўтир-

мадим. Ёқасидан ушлаб, ғор ичкарисига етакладим.

Одамзод ўлганда чиройли бўлиб кетади, деб эшитгандим. Бироқ Гулчиройнинг очик кўзлари олайиб, гўзал юзи кўрқинчли тусга кирганди. Агар уни ўлма-сидан аввал бетакрор гўзал эди десангиз, бировнинг ишониши қийин. Унга ачиниб қараб турган кўйи:

— Йўлнинг давомини кўрсат, — дедим "Яна уриб қолмасмикан?" — деган хавотирда менга жовдираб қараб турган "ўнг кўл"га.

— Хўп... хўп, — деди у шоша-пиша ва ғор ичкари-сига йўл бошлади. Ичкарилаганимиз сайин сувнинг шовқини қаттиқроқ эшитила бошлади. Йигирма қадамлар юрганимиздан кейин ғор тугади. Бундан бу ёғига юришнинг иложи йўқ эди. Чунки шундоқ-кина ғор тугаган жойда булоқ отилиб чиқиб турар ва шовуллаб тоғнинг тешигига оқарди.

— Қани йўл? — сўрадим "хамрох"имдан.

У кўли билан сув оқиб кетаётган томонни кўрса-тиб:

— Агар шу тешикка кирилса, сувнинг ўзи тоғнинг нариги томонига олиб чиқади, — деди.

— Нега қасамхўрлик қиляпсан? Нафасинг етмай бўғилиб ўласан-ку! Ёки мени алдаб яна калтак емоқ-чимисан?

— Шунча нарсани қурган одам, нима, битта ғов-вослар кийими билан кислород баллонини топол-майдими? Ўзингиз ёш болага ўхшаб фикрлама-да.

— Яхши, " катта одам", энди орқага қайтамиз, — дедим.

Биз бассейн ёнига борганимизда деворлардаги туй-нукларни бирма-бир кўриб чиқдим. Бу районда наша кўп бўлишини илгари эшитгандим. Бироқ туйнук-лардаги қопчаларга солинган марихуанна эканлиги-ни кўриб ҳайрон қолдим. Тахминимча, ўттиз кило-лар чиқадиган (ҳар бир туйнукда ўн-ўн бештача цел-лофан қопчада марихуанна бор эди) бу матоҳ қаер-

дан келиб қолгани одамни ўйлантирарди. Хаёлимдан: "Бу "жоннинг роҳати" тўғрисида милисага хабар бериш керак экан", деган ўй ўтди. Текширишни бас қилиб, Гулчиройнинг мурдасини "ўнг қўл"нинг елкасига ортиб, ташқарига олиб чиқишни буюрдим.

— Бу ерда телефон борми? — сўрадим кўзи қуёш нуридан қамашиб турган "ҳамроҳ"имдан.

— Ичкарида, чап томонда, — дея жавоб берди у.

Шундан сўнг Чаённинг ишончли одамнинг оёқ-қўлини боғладим ва ўзим Музаффарнинг "уй"ига кирдим. Дарҳақиқат, телефон бор экан. "02"га қўнғироқ қилиб, бу ердаги аҳволни ва манзилни айтдим. Албатта, улар бу ер кимга тегишли эканини яхши билишади. Келишга ҳайиқишса ҳам керак. Лекин мен қилган қўнғироқ уларни қизиқтирмасдан қўймас.

Отамнинг ёнига бордим. У мен қандай ўтқазиб кетган бўлсам, худди шу аҳволда бир нуқтага термилганча ўтирарди. Кўтариб машиналар ёнига олиб бордим ва биттасининг орқа ўриндиғига ётқиздим, ўзим рулга ўтирдим-да, нарироқда мўлтираб менга қараб турган "ўнг қўл"га:

— Мабодо Чаёнга яна дуч келгудай бўлсанг, айт, сен ўнг қўл бўлишга арзимаёсан. Яхшиси, сен оёқ кийим тозалайдиган бўл, мана шу касб сенга ярашади, — дедим ва машинани жойидан жилдирдим.

Биз Чаённинг яна бир қароргоҳидан чиққанимизда қуёш тепага келган эди.

Тоғнинг нариги томонига ўтганимиздан сўнг йўлнинг ўртасида Шоҳсанамни кўрдим. Ёнига боргандан кейин машинани тўхтатиб, деразадан бошимни чиқаздим. У бирдан юзимдан ўпиб олди.

— Нега йўл ўртасида турибсан? — дедим жаҳл билан. — Чаённинг одамлари келиб қолганда нима бўларди?

— Уларнинг келмаслигини яхши биламан, — деди у менинг юзимни силаб.

— Бўпти, ўтир, бу ердан тезроқ кетишимиз керак, хали замон милисалар келиб қолади.

Шоҳсанам машинага ўтиргандан сўнг орқа ўриндикда ётган кичкина одамга қаради.

— Бу одам менинг отам бўлади, — дедим югиниб, — бор-йўғи бир ҳафтада шу кўйга тушиб қолибди.

— Тезроқ касалхонага олиб бормасак, бўлмайди-ганга ўхшайди, — деди Шоҳсанам отамга ачиниб қараб.

Буни ўзим ҳам билардим. Аммо касалхонага олиб борсам, отамни ўз кўлим билан ажал домига топширган бўламан.

Шоҳсанамга ҳеч нарса демадим. Фақат йўлдан кўзимни узмаган кўйи тишларимни ғичирлатдим. Шоҳсанам эса менга бошқа савол бермади. Афтидан, у менинг ҳолатимни тушунган эди.

Чаённинг дала ҳовлисидан ўтганимиздан кейингина мен тезликни оширдим. Қаттиқ ўйга берилиб кетганим боис, тезлик кўрсаткичи бир юз ўттизга қараб кетганига, машина титрай бошлаганига эътибор ҳам қилмабман.

— Секинроқ ҳайданг, — деди Шоҳсанам, — бу ерларнинг йўли текис бўлгани билан, катта тезликда машина ҳайдаб бўлмайди.

Унинг ақл ўргатиши энсамни котирди. Шундай бўлса-да, айтганини қилдим. Яна ярим соатлар юрганимиздан сўнг машинани ўнг томонга бурдим. Бу яккам-дукам тупроқ йўл қаёққа олиб боришини билмасдим. Билишим муҳим ҳам эмасди. Асфальт йўлдан узоқроққа — кўздан панароққа бориб, мени ушлаб шон-шуҳратга кўмилишни орзу қилаётганларга кўринмай турсам бўлгани. Бирор километрлар юриб, бутазорлар ёнида машинани тўхтатдим. Шоҳсанам ҳайрон бўлиб менга қаради.

— Ҳозир "мент"лар келиши керак. Уларни ўтказиб юбориб, кейин яна йўлга тушамиз, — дедим.

Кутилганидек, ўн беш дақиқалар ҳам ўтмасдан тўртта милиция машинаси катта тезликда ўтиб кетди. Уларнинг қораси кўринмай кетгач, биз яна йўлга тушдик.

"Таажжуб! — дея ўилар эдим мен. — Эндигина йигирма ёшдан ўтаяпман-у, бошимда шунча қайғу. Мен билан бир синфда ўқиганлар ҳозир оиласи даврасида, бировдан бекинмайди. Қасд олиш учун бировнинг орқасидан тушмайди. Менинг эса, ҳар бир дақиқам таҳлика остида. Онамдан, укамдан айрилдим. Отамнинг абгор аҳволга тушишига, синглимнинг ҳаётига зомин бўлдим. Хўш, менинг яшашга ҳақим борми?.. Нега ўзи шу кўйга тушдим? Нега менинг тақдирим бунақа? Йигит ўз тақдирини ўзи яратади, дейишади. Ахир, мен тақдирим шунақа бўлсин демагандим-ку... Балки, Анна менга ёрдам бермаганида, кўнглимда тирик қолишга интилиш бўлмаганида, ҳозир ота-онам одамларга ўхшаб яшаётган бўлишармиди?.. Эсиз, бекор ўшанда мени ўлдиргани келганларнинг ўқларига ўзимни тутиб бераман..."

— Тормозни босинг!!! — дея бирдан кичкириб колди Шохсанам.

Мен чўчиб тушдим ва хаёлимни йиғиб йўлга қарасам, чамаси ўн метрлар нарида бир бола йўл ўртасида ўйнаб ўтирибди. Жон алфозда тормозни босиб, машина рулини четга қаратиб бурдим. Машина чийиллаб овоз чиқариб, боғлиқ турган эшакни уриб юбориб тўхтади. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди.

Пастга тушиб югурганча болакайнинг ёнига бордим. Шўрлик кўрқиб кетганидан изиллаб йиғларди. Энди уни кўтаришим билан шундоққина йўл ёқасидаги уйдан рўмоли елкасига тушган жувон югуриб чикди-да:

— Бола-а-а-м! — дея чинкириб кўлимдаги гўдакни олди, онасини кўрган болакай баттар чинкириб йиғларди.

— Опажон! Ҳеч нарса қилмади, кўрқиб кетганидан йиғлаяпти! — дедим мен шошиб.

— Кўзингизга қарасангиз бўлмайдими?! — дея жувон боласига кўшилиб йиғлади ва гўдакнинг юзкўзидан ўпа бошлади.

Мен дир-дир титрардим. Нима бўлганини ҳали ўзим ҳам тушуниб етмагандим.

— Эшакни ўлдирибсан-ку! — деган кичкириқ эшитилиб қолди бир пайт. Ўгирилиб қарасам, машина уриб юборган эшакнинг ёнида бир чол турибди. — Одамнинг боласимисан ёки ҳайвондан тарқаганмисан!

— Ота, — дедим мен ҳамон титрашда давом этиб, — атайлабдан қилмадим, йўлимдан бола чиқиб қолди.

— Нима чиқиб қолгани билан менинг неча пуллик ишим бор! Эшакни топ! — деб у менинг ёқамдан олди.

— Ота, айтдим-ку, йўлимдан бола...

— Бус-бутун одам чиқиб қолмайдими, менга деса! Сенга ким ҳовлиқсин, деди. Одам қишлоқнинг ичидаям ҳовлиқадими? Эй-й, падарингга лаънат сендақа болани! — деди у бўйнимдан бўғиб.

— Ҳақорат қилманг, ота! — дедим бир нарса қилиб кўймайин, деган хавотирда иложи борича ўзимни босиб.

Шовқинни эшитиб бир зумда катта-кичик ўн беш чоғли оломон йиғилди. Бирови машинага қараган, бирови ўлиб ётган эшакка. Қолганлари бизни ўраб олди. Бир-иккита ёшгина йигит мени уришга хезланиб турибди.

— Нормурод, — деди орқада турган бошқа бир чол, — палакат-да энди. Мол топилади. Тиррикқина эшагинг учун шунча ғовға кўтарасанми?

— Эсингиздами, Саидкул ака? Мана шу эшакминан арава тортиб келятганимда, икки тош нарида сизди миндирувдим. Шу пайт тиррик демовдингиз-

ку! Энди манави падарингга лаънат мошинасиминан уриб ўлдирганда тиррик бўп қолдима! — деди ва ёқамни кўйиб юборди эшакнинг эгаси. — Агар эшакни топмасанг, энангни уч кўрғондан кўрсатаман.

— Ота, қаранг! — деди боя менга хезланиб турган йититлардан бири машина ёнига бориб Шоҳсанамни кўрсатаркан.

— Ҳа-а, — деди чол менга иржайиб, — гап бияхтайкан-да, майшатдан қайтибсан-да-а, ҳаром иш қип келятганакансан-да! Сенга ўхшаганлар шу кўчадан ўтавриб ҳаммаёқни булғадиларинг. Сенларди дастларингдан бизди қишлоқданам барака учди!

— Ўчир, ҳов чол! — дедим мен қоним қайнаб. — Агар яна бир марта ҳақорат қилсанг, эшагинг билан кўшмозор бўласан!

Қалтираб турган кўлларимни чўнтагимга тикиб бир даста қизил ўн сўмликларни чиқариб унинг башарасига отиб юбордим. У лом-мим деёлмай серрайганча менга қараб қолди. Ўзим тезда машинага ўтирдим-да, йўлга тўғрилаб газни босдим.

Бошим ғувиллар, қулоғимдан чолнинг ҳақоратлари кетмасди.

— Нега қишлоққа кирганимизни айтмадинг? — ўшқирдим Шоҳсанамга.

— Ўзингиз кўрдингиз деб ўйлабман-да, — деди у киприклари пирпираб. Мен аламдан машина рулини бир муштладим. Кейин отам эсимга тушиб, ойнадан қарадим. Отам кўзи юмук, оҳиста нафас оларди. Шундан сўнг бироз ўзимни босдим.

Шаҳарга етгунимизча на мен, на Шоҳсанам чурк этдик. Мен-ку, гапирадиган аҳволда эмасдим. Шоҳсанам бўлса, бирон нима дейишга ҳайиқарди, чамамда...

— Энди сен тушиб қол, омон бўлсак, яна кўришамиз, — дедим мен шаҳарга етиб келганимизда ёнимда ўтирган қизга.

— Нега? — сўради у хайратланиб.

— Бу ёғига йўлимиз бошқа-бошқа, бунинг устига, Чаён қочишга улгурган. Мен уни ернинг тагидан бўлсаям топишим керак.

— Биргалашиб қидирсак бўлмайдами?

— Йўқ, сен ёрдам беролмайсан. Қийналиб қола-сан. Агар кейинчалик сени қаердан топишимни айт-санг, ўзим ёнингга келаман.

— Отангиз-чи? Бу кишини ҳозироқ касалхонага ётқизиш керак.

— Биламан. Мени қийнаётган нарсаям шу. Ишқилиб, отам мен мўлжаллаган жойгача етиб борсин-да. Кейин, насиб бўлса, соғайиб кетади. Хўп, хайр.

Шоҳсанам ўзини мажбурлагандай оғриниб эшик-ни очди. Бир оёғини ерга қўйди-да, сўнг яна кўта-рилиб мени кучоқлади, йиғлаганча юз-кўзимдан ўпа кетди.

Шоҳсанамнинг машинадан тушиши қийин бўлди. Йиғлаганиданми ёки кўнглим юмшадими, бироз ин-дамай турдим. Қарасам, қиз тобора эхтиросга бери-либ кетаяпти. Шартта икки елкасидан ушладим-да, нари итардим, кейин машина бардачоғини очдим. Бахтимга, қоғоз-ручка бор экан, уларни олиб Шоҳ-санамнинг кўлига тутқаздим-да:

— Телефонингни ёки уй манзилингни ёзиб бер, — дедим. У киприкларини пирпиратиб менга бироз қараб турди-да, сўнг:

— Ёзиш шартмас, мен институт ётоқхонасида бўламан. Истаган пайтингиз келиб, мени топишин-гиз мумкин. Сизни кутаман, — деди-ю, машина эши-гини очиб пастга тушиб кетди. Мен машинани жойи-дан жилдирдим, отамни тезроқ хавфсиз жойга олиб боришга шошдим.

Икки соатлар чамаси юрганимиздан сўнг Эгамкул аканинг ўтовига яқинлашдик. Ўтов ёнида икки киши биз томонга кўз узмай қараб турарди. Мен уларни

Барно билан Саида бўлса керак, деб ўйладим. Адашмабман. Ўтовга яқинлашганимиз сайин улар яққолроқ кўрина бошлади. Кўнглим бузилиб кетди. Ўзимни босишга қанча уринмай, кўзимдан ёш тиркираб чиқиб кетаверди.

Машина тўхташи билан Саида мен томон югурди. Эшикдан чиққаним ҳамон чопиб келиб бўйнимга осилди ва бақириб йиғлаб юборди.

— Мана, келдим-ку, йиғлама, — дедим унинг сочларини силаб, — қара, отамни олиб келдим.

Мен кўрсатган машина ўриндиғига қараган Саида жойида тошдек қотди. Сўнг:

— Отажон! — деди-ю, ёнига йиқилди. Мен югуриб келган Барнога:

— Сув олиб кел! — дея қичқирдим-да, эгилиб синглимнинг бошидан тутдим.

Юрагим қинидан чиқаёзди, хайрият, Саида юзига сув текканидан кейин ҳар тугул кўзини очди.

— Ота-жо-он! — деди у изиллаб йиғлаб. — Отажоним тирикми?

— Тирик! Хавотирланма, жон синглим, — дея юпатганча Барнонинг кўмагида уни ўрнидан турғаздим. У Барнога суянганча нима қиларини билмай отамга тикилиб турарди. Мен эса машинанинг орқа эшигини очиб, отамни секин кўтариб олдим-да, ўтов томонга юра бошладим. Барно Саидани кўйиб юбориб, югурганча мендан олдин ўтовга кирди. Отамни кўтариб етиб боргунимча у уч қават кўрпача тўшаб кўйишга улгурибди. Чаққонлигидан унга меҳрим товланиб кетди.

Саида кечгача отамнинг ёнидан қимирламади. Муздай сувга докани хўллаб юзини артар, сочиқ билан елпир, қандай бўлмасин, отамни ўзига келтиришга уринарди.

Кечқурун Эгамкул ака қўйларини ҳайдаб келди. Мени кўрганидан хурсанд бўлиб кетди. Тунд киёфамга кўзи тушгач:

— Тинчликми? — дея сўради.

— Тинчлик, — дедим имкон қадар ўзимни бемалол тутишга ҳаракат қилиб, — фақат отамнинг бироз мазаси йўқ-да.

— Олиб келдингми? — деди Эгамқул ака юзи бирдан ўзгариб.

— Ҳа, — дедим бошимни эгиб.

У киши тез-тез қадам босиб ўтов томон юрди. Мен ҳам унга эргашдим.

Эгамқул ака кириши билан отамнинг пешонасини ушлаб кўрди, кўкрагини очиб кулоғини кўйди-да, юрак уришини эшитди. Сўнг синглимга қараб:

— Қизим, сен менга ёрдам берасан, — деди ва тезда ўтовдан ташқарига чиқди. Мен унинг орқасидан бориб:

— Аҳволи оғирми? — дея сўрадим безовталаниб.

— Тузатишга уриниб кўраман, — деди Эгамқул ака саволимга жавобан. Сўнг ўтовнинг манглайига илинган уч-тўртта тугунчакни олиб, ўчоқ бошига қараб кетди. Мен серрайганча унинг ортидан қараб турардим. Бироздан сўнг ўтовдан чиққан Саида унинг ёнига борди. Эгамқул ака бир нарсалар деган эди, у ўчоққа ўт ёқа бошлади. Мен бир-бир қадам босиб уларнинг ёнига бордим. Эгамқул ака ҳалиги тугунчалардан ҳар хил куриган хас-чўпларни олар, уларни аралаштириб, кичкина кели ичига солиб туярди. Кўп ўтмай у кукун ҳолига келган хас-чўпларни пиёлага солди-да, устидан қайноқ сув куйди. Сўнг пуфлаб совитиб, Саиданинг кўлига тутқазди.

— Ўтовга олиб бор. Ҳозир орқангдан етиб бораман. Унгача ичказиб қўйма, — дея тайинлади синглимга.

Саиданинг орқасидан Эгамқул ака ҳам кириб кетгандан кейин мен тол тагига бориб ўтирдим. Осмонда энди-энди юлдузлар пайдо бўла бошлаган, шимол томондан майин шамол эсарди. Ҳеч нарсани ўйла-

масликка ҳаракат қилиб кўзимни юмдим. Шу пайт узоқ-узоқларда бўрининг увлагани эшитилди. "Бечора, шунгаям қийин, — хаёлимдан ўтказдим мен. — Бутун тунни овқат қидириш билан ўтказди. Мабодо бирон жойдан егулик топса, хўп-хўп, агар ҳеч вақо илинмаса, кун бўйи силласи қуриб санқишига тўғри келади. Мен ҳам ундан қолишмайман. Фарқимиз, у қорнини ўйлайди, мен эса... Менинг дардим кўп... Бироқ мен ҳам у каби ёлғизман. Унинг осмонга ушлаб ичидаги бор ғуборини чиқариб юборишга имконияти бор. Аммо мен-чи, ким менинг ҳасратимни эшитади?.."

Ҳорғинлик кучини кўрсатиб, кўзим уйқуга кетибди. Бир пайт юзимга нимадир теккандай бўлди. Хаёлимда: "Толнинг баргидир", деб ўйладим ва аста кўлимни кўтариб, баргни юлиб ташламоқчи бўлдим. Аммо барг яна тегажоклик қила бошлади. Кўлимни кўтарганимда, тагин четлашгандай бўлди. Учинчи бор барг "килик кўрсата" бошлаганида чидаб туролмадим, пойлаб туриб шартта тутиб олдим-да, энди узиб ташламоқчи бўлгандим, "Вой!" деган овоз эшитилди. Шоша-пиша кўзимни очиб қарасам, ёнгинамда Барно турибди.

— Оғрияпти, — деди у ялинчоқ овозда.

— Ҳа, сенинг сочингмиди? Тол баргими, деб ўйлабман. Лекин баргга жуда ўхшаркан. Балки ҳақиқатан ҳам япроқдир, қани, яхшилаб бир қарай-чи?

— Ҳазиллашгандим... Бошқача уйғотолмасдим. Ширингина ухлаётган экансиз, анча вақт ёнингизда сизга термилиб турдим. Кейин бунақа аҳволда ухласангиз, белингиз қотиб қолади, деб...

Мен унинг сочини кўйиб юбордим-да:

— Кўп ухладимми? — дея сўрадим.

Барно бош ирғаб маъқуллади. Кейин:

— Эгамқул ака: "Индаманглар, шу ҳолатида бўлса-ям озроқ ухласин", девди. Шунга сизни ўз холин-

гизга кўйдик. Лекин бу ерда кечаси совуқ бўларкан. Ўтовга киринг, овқатни иссиғида еб олинг, — деди.

— Хўп, ҳозир бораман, — дедим-да, булоқ сувида юзимни ювдим. Бирпасда уйқум тарқаб кетди.

Ўтов ичига кирсам, синглим ҳамон отамнинг юзига термилиб ўтирибди. Отам эса, ухлаётир.

— Ахволи қалай? — деб сўрадим Саидадан.

— Амаллаб Эгамкул ака тайёрлаган дорини ичирдик. Шундан кейин нафас олиши анча яхши бўлиб қолди. Яна икки-уч соатдан кейин уйғонаркан. Шунда озгина овқат берарканмиз, — деди синглим бироз кўтаринки кайфиятда.

Мен дастурхон четига келиб ўтирдим. Барно дарров бир коса қайноқ шўрва олиб келиб олдимга кўйди.

— Эгамкул аканинг ўзи қаерда? — сўрадим Саидадан.

— Тоққа кетди. У ерда ярим оқшомда қандайдир ўт ялтираб кўринар экан. Ўша ўт кўп касалликларга даво бўлармиш. Шуни олиб келгани кетди, — деди Барно синглимдан олдин жавоб қайтариб.

Бирдан хаёлимга бўрининг увлаган овози келиб, кўнглим ғаш тортди.

— Шундай қоронғида ёлғиз ўзи кетмай, мени уйғотганда, бирга бориб келардик, — дедим мен норози бўлиб.

Қизлар индашмади. Мен буғи чиқиб турган овқатни ея бошладим. Барно мендан нигоҳини узмас, мен эса ноқулай ахволга тушганимданми, иштахам бўлсада, овқат томоғимдан ўтмасди. Бир-икки қошиқ ичганимдан кейин қизиқчилик қилгим келиб қолди. Қошиқни дастурхон устига кўйдим-у, косани кўтариб "пуф-пуф"лаб хўриллатиб ичдим. Сўнг бошимни кўтариб Барнога қарасам, у менга тикилган кўйи анграйиб қолибди. Унга кўзимни олайтирдим. У сесканиб кетди-ю, кулиб юборди. Унинг кулганига Са-

ида ҳам кўшилди. Шу билан мен нокулай аҳволдан чиқиб, овқат тановул қилдим.

Овқатланиб бўлганимдан кейин Барно менинг кўлимга бир пиёла суюқлик узатди.

— Нима бу? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Дори. Ичаркансиз. Эгамқул ака шундай деб тайинлаб кетди, — деди Барно.

Мен суюқдикни хидлаб кўрдим, ёқимсиз хиди бор экан. Афтимни бужмайтириб Барнога қарасам, уям юзини худди шундай қилиб мендан кўз узмай турибди. Кулгим қистади. Зўрға ўзимни босиб, сўрадим:

— Қандай ичаман буни?

— Арокни қандай ичсангиз, буниям шундай ичаркансиз. Эгамқул ака шундай деди.

— Эгамқул ака, Эгамқул ака... Нима, табибми у? — дедим Барнонинг ҳадеб ўтов эгасининг номини такрорлайверганидан норози бўлиб.

— У Саидани тўлиқ даволади, — деб юборди бирдан Барно.

Синглим унинг гапидан хижолат чекиб бошини эгди. Ўша пайтда у шунчалик бечораҳол кўринар эдики, уни кўриб турган кўзимни ўйиб олсам ҳам камлик қиларди...

Суюқлик мен ўйлагандан ҳам бемаза экан. Ичиб бўлгунимча бўларим бўлди. "Қайт қилиб юбормайин-да, ишқилиб", деган хавотирда тезда дастурхонга фотиҳа қилдим-да, ташқарига чиқдим. Йўқ, ҳартугул эшикка чиқишим билан енгил тортдим. Бироз атрофни кузатиб туриб, сўнг толлар тагига бордим. Дарахт шохлари шамолда тебраниб ваҳимали "куй" чаларди. Шундай бўлса-да, ичкарида ўтиргандан кўра шу ер менга маъқул эди. Бу ерда мен синглимнинг махзун киёфасини кўрмайман.

Кўп ўтмай ўтовдан Барно чиқиб, ёнимга келди-да:

— Ўтирсам майлими? — дея сўради.

— Яхши бўларди, — дедим мен унинг кўнглини

кўтариш мақсадида. Назаримда, охириги гапидан кейин мени хафа бўлди деб ўйлаётган эди у.

— Мана шундай ҳавода кечаси ташқарида ўтиргим келади, — дедим мен.

— Шунинг учун очик ҳавога чикдингизми? — сўради Барно.

— Албатта.

Барно чуқур хўрсинди ва узоқ-узоқларга қаради. Кейин кўзида икки томчи ёш пайдо бўлиб, ёноқларига оқиб тушди. Ой ёғдусида ялтираган кўз ёш юрагимни ўртаб юборди. Ўзи юрагим сиқилганидан қочиб бу ерга келгандим. Бўлмади...

— Бирон нарсадан қийналдингми? — сўрадим қиздан.

— Ҳа! — деди у баралла.

— Нимадан?

— Сизнинг келмай қолишингиздан...

Мен аста ёнимда ўтирган соҳибжамолнинг қўлидан тутдим. Шунда унинг аъзойи бадани титраётганини сездим. Уни бағримга босгим, юпатгим келди. Аммо кучишга ҳаддим сиғмади. Фақат қўлини кафтларим орасига олиб, ёноғидаги кўз ёшни артиш билан чекландим.

— Собир ака, — деди у кўзимга қараб, — ҳар доим тирик бўламан деб менга ваъда беринг, илтимос.

— Сенга ким айтди мени ўлиб кетади деб? — дея гапини кулгига олмоқчи бўлдим.

— Ҳеч ким айтгани йўқ. Мен ўзим... Кўрқаяпман... Билмайман нимадан... Сиз икки кунга кетдингиз-у, менга юз йилдай туйилди.

Мен ўзимни тутиб туrolмадим — унинг елкасидан кучдим. Сочидан силаб, юзидан секингина ўпдим. Уни титроқ босди, мен Барно билан шу кунга довур бирор мартаям севги, муҳаббат тўғрисида гаплашмагандим. Бироқ муносабатларимиз аввалдан севишиб юрганларникига ўхшар эди.

Шу тахлит бироз ўтирганимиздан сўнг у мени ўзидан беозоргина итарди. Бироқ уни қўйиб юбормадим. Умуман, бағримдан бўшатгим келмасди. Иложи бўлса, тонгга қадар шундай ўтирсам.

— Синглингиз бошқача хаёлга боради, ўзиям анча чарчади, мен унга ёрдамлашай, — деди Барно. Мажбуран уни бўшатдим. У қўлимдан ушлади-да:

— Юринг, кетамиз, — деди.

Саида бизни табассум билан кутиб олди. Унинг кўриниши ҳам ўзгача эди.

— Отам қалай? — сўрадим хурсанд бўлиб.

— Кўзини очди. "Қизим, қийналиб қолмадингми?" — деди. Кейин: "Мен озгина ухлаб олай", деб яна кўзини юмди, — деди Саида қувонч ёшларини тиёлмай. Бу гапдан юрагим орқага тортиб кетди: "Тузалмас касалликка чалинган одамлар умри тугай деб қолганда бир енгиллашиб ўзига келади. Атрофдагилар билан гаплашади, сўнг мангуга кўзини юмади", деб эшитгандим. Отамнинг ҳозирги ҳолати шунга ўхшаб кетарди.

Отамнинг ёнига ўтиб ўтириб, нафас олишини кузатдим. Кўкраги бир маромда кўтарилиб тушар, лаби гоҳ-гоҳ қимирлаб қўярди. Анча муддат унга тикилиб турдим. Сўнг ўзимни ҳам қаттиқ уйку боса бошлади. Кўзимни очишга қанча уринмай, барибир юмилиб кетаверди. Шунда ухламай туриб дам олишга ҳаракат қилдим. Фойдаси бўлмади. "Отамнинг ёнида озгина ёнбошлаб ётай", деб ёстикқа суянишим билан пинакка кетибман. Шу бўйи қотиб ухлабман.

Кўзимни очсам, Эгамқул ака отам билан гаплашиб ўтирган экан. Дарров ўрнимдан турдим-да, ташқарига йўналдим. Қуёш терак бўйи кўтарилибди. Булоқ сувида ювинмоқчи бўлиб бораётганимда Барно қўлида офтоба кўтариб мени тўхтатди.

— Ўзим сув қуйиб тураман, — деди келинчаклардек ўзгача бир ибо билан.

— Йўғ-э, ўзим булоқда...

— Барибир Барно опамни янга қиламан, сув қуйсин, — деди ўтов орқасидан келган Саида айёрона кулиб.

Унинг гапидан Барно қизариб кетиб, синглимга қаради-да, қўлини мушт қилди.

— Ундай бўлса майли, нияям дердим, — дедим мен кулиб.

Барно елкамга бир уриб қўйди-да:

— Эгилинг, — деди.

Сув муздай экан. Юзимни икки марта ювганимдан кейин:

— Қандай илиққина сув!.. — дедим бошимни кўтармай.

Барно "пиқ" этиб кулиб юборди.

Ўтовга кириб салом бердим. Эгамкул ака ўрнидан туриб мен билан икки қўллаб кўришди. Отам ётган жойида бош ирғади-да:

— Ке, болам, бир кучоклашиб кўришайлик, — деди. Мен хурсанд бўлиб унинг ёнига чўкка тушдим-да, елкасидан кўтариб бағримга босдим. Биз шу ҳолатда талай муддат турдик. Сўнг отамни кучоғимдан бўшатиб, жойига ётқиздим. Унинг кўзидан ёш оқарди. Мен ҳам чидаб туrolмадим.

— Болам, — деди отам йиғи овозида, — сендан ҳам айрилиб қоламанми, деб кўркқандим. Хайрият, Худо сени мenden айирмади.

— Ота, ҳали ҳаммаси изига тушиб кетади, — дедим мен бошқа гап тополмай.

— Синглингни бу ерга олиб келиб яхши қилибсан. Энди учаламизам Эгамкулжоннинг қўлида, қўйларини боқиб, шу ерда яшаймиз.

— Ундай деманг, бу ер дала, насиб бўлса, яна битта ўтов тикамиз. Керак бўлса, қўйларнинг ярмини бераман. Ўзларинг боқиб кунларингизни кўраве-расизлар. Менинг қўлимда ишлаш шартамас. Мен

одам ишлатиб ўрганмаганман, — деди суҳбатга аралашган Эгамкул ака.

— Раҳмат, — деб унинг кўлини ушлади отам, — биз сизнинг олдингизда кўп қарзга ботдик. Биздан қайтмаса, Худодан қайтсин...

Отам бошқа гапиролмади. Кўзидан тинимсиз қуйилиб келаётган ёш унинг товушини бўғиб қўйди.

Мен ўтовда бир ҳафта қолиб кетдим. Икки марта Эгамкул ака билан қўй боқишга чиқдим. Тоза ҳаво. Бировдан беркинмайсан, қочмайсан. Ювош қўйларни қаёққа ҳайдасанг, шу томонга кетаверади. Энг асосийси, ўтовга борганимда, мени Барно кулиб кутиб олади. "Яхши келдингизми?" — деб ҳол сўрайди майин овозда. Синглим нашани буткул унутган. Отам кундан-кунга соғайиб бораяпти. Ўша кунлари мен ҳатто Чаённи унутдим. "Дугона"сининг уйига қамалиб олган военком ҳам мутлақо ёдимдан кўтарилди.

Бир куни айна туш маҳали булоқ бўйида ечиниб ювинаётганимда Барно ёнимга келиб қолди. У баданимдаги яраларни кўли билан оҳиста силади-да:

— Оғрияптими? — дея сўради.

— Йўқ, — дедим кулиб.

— Намунча кўп, қаердан орттириб олгансиз шунча ярани? — деди юзимга ачиниб қараб.

— Йиқилиб тушганман, — дедим мен ёлғонлаб.

— Алдаманг, — деб бирдан йиғлаб юборди Барно, — одам йиқилса шунча ярани орттирмайди.

— Тузалиб кетган-ку, шунга шунча азами? — дедим унинг бурнидан чимдиб ва апил-тапил кўйлагимни кийдим. — Ана энди кўринмайди.

— Бошқа бунақа "йиқилсангиз", мен сиз билан гаплашмай кўяман, — деди Барно аразлаб. Унинг арази ҳам ўзига ярашарди, қайта-қайта аразлатгим келарди.

Шу пайт эркаклар учун тикилган (отам иккаламиз, келганимиздан икки кун ўтгач, Эгамкул ака

билан биргаликда бошқа ўтов тиккандик) ўтовдан отам чиқиб қолди. Отамнинг бу ерга келганидан бери энди қадам босиб юриши.

— Ана, дарров тузалиб кетдингиз, — дедим отамнинг ёнига бориб.

— Эгамкул барака топсин. Агар у бўлмаганида ўлиб кетармидим? — деди отам.

— Энди бунақа гапларни гапирманг, ота. Ҳали жуда узоқ яшайсиз, — дедим кўнглини кўтармоқчи бўлиб.

— Бу ёкка юр, сенда икки оғиз гапим бор, — деди отам ўтов ичига имлаб.

Ичкарига кирганимиздан сўнг отам кўрпачага ўтирди. Мен унинг рўпарасидан жой олдим ва нима деркан, деб юзига тикилдим. У эса шошилмасдан бир нарсаларни ичида мулоҳаза қилиб кўрган бўлди-да:

— Бугун эрталаб сен чиқиб кетганингдан кейин Эгамкул бир гап айтиб қолди. Тўғриси, бунақа гапни ундан эшитаман деб ўйламагандим, — деди.

— Нима гап экан? — дедим мен ҳайрон бўлиб.

— Синглингнинг кўлини сўради.

— Ни-ма?! — отамга тикилганча қотиб қолдим мен.

— Қизишма, болам, — деди отам босиқлик билан.

— Ота, унинг ёши сизники билан деярли тенг-ку! Саида келиб-келиб шунга тегадими? Ёки... бизга қилган хизматини пеш қиляптими? — дедим мен жаҳлим чиқиб.

— Йўқ, ҳеч нимани пеш қилаётгани йўқ у. Ўзиям энди қирққа кирибди. Бошқа пайт шундай гапни айтганида, ўзим нима қилишни билардим. Лекин, ўғлим, ўйлаб қарасам, масаланинг бошқа томонлари ҳам бор экан. Синглингнинг номи чиқди. Номи чиққан қизларга одамлар оғиз солмайди. Оғиз солгандаям, хотин кўйган ёки аёли ўлганлар... Ана шундай, қиз боланинг нозик томонлари бор...

Шу маҳал миямга лоп этиб Чаённинг дачасида кўлимдан осилиб турган пайтимда мафиознинг "ит-вачча"си айтган гаплар келди. Қоним қайнади. Бевозталаниб у ёқ-бу ёққа қарадим. Кўлим мушт бўлиб тугилди.

— Сен бола, қизишма, — деди отам менинг холатимни бошқача тушуниб, — Эгамқулда ҳеч қандай айб йўқ... Синглинг унинг кўнглига ёқиб қолибди, бунинг учун уни айбололмаймиз.

"Ҳаммасига мен айбдорман, ота! Нега менинг айбимни айтмайсиз?! Токайгача менинг касримга бошқалар қурбон бўлади, эй Худо!.. Барибир ҳаммасидан ўч оламан. Барига улар жавоб беради!" Қалбим яраси қайта тирналди. Жойимда ўтиролмадим. Тишимни тишимга босиб, базўр чидадим-да, қизариб кетган кўйи:

— Ота, мен ҳеч нарса деёлмайман. Ҳаммасини синглимнинг ўзи ҳал қилади. Агар рози бўлса, менинг қаршилигим йўқ, — дедим.

— Йўқ, унақа дема, сен акасан. Бундай пайтда ака сингилга қайишиши керак. Эсингдан чиқарма, синглингнинг тақдирини — сенинг тақдиринг. Насиб қилса, Эгамқул билан Саида бахтли бўлиб кетар. Балки... Энди бу ёғига худо пошшо.

— Майли, бугун Саида билан гаплашиб кўрай. Агар рози бўлса, берамиз. Эгамқул ака ёмон одам эмас. Кўлида хунари бор. Синглимни ҳеч қачон ўқсатиб қўймайди, — деб секин ўрнимдан турдим-да, ташқарига йўналдим.

Саида ўчоқ бошида куймаланар, Барно унинг ёнида ёрдамлашарди. Мен ҳеч нарсадан беҳабар одамдай уларнинг ёнига бордим.

— Саида, — дедим кулиб, — янганга овқат қилишни ўргатаёпсанми?

Саида кулиб юборди. Барно қизариб кетди.

— Ўзи мен ўргатмасам ҳам яхши билади, — деди синглим.

— Ҳа, энди айтиб бўладими, уйининг эркаси, балки...

— Янгамни кўп уялтираверманг, — деди Саида Барно безовталанганини пайқаб.

— Шундай овқат қиламанки, куни билан қорнингиз оғриб юради, — деди менга тегишли соҳибжамол ва аразлаб югурганча ўтовга кириб кетди. Мен Саидага бир кўзимни қисиб қўйдим-да, "қочқоқ"нинг орқасидан тушдим.

Ўтовга кириб боришим билан мени кўрган Барно юзини тескари бурди-да:

— Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, нега Саиданинг олдида мени уялтираверасиз? — деди.

— Мен сени яхши кўраман, — дедим унга жуда яқин бориб.

— А? — деди юзи ўт бўлиб ёнаётган Барно менга қараб. Шу ондаёқ уни кучоқлаб олдим. У бир-икки типирчилади-да, сўнг индамай қолди. Унинг юзидан, ёноғидан ўпдим.

— Бўлди, мени қўйиб юборинг, жуда ёмон бола бўлиб кетибсиз, — деди у бироздан кейин.

— Ҳозир далани бирга айланиб келамиз. Шунга рози бўлсанг, қўйиб юбораман, — дедим мен қайсарлик қилиб.

— Жинни бўлманг! Саида, отангиз нима деб ўйлайди? Ўзи нега менинг орқамдан кирдингиз? Саиданинг юзига қандай қарайман энди? — дея саволларни тизиб ташлади Барно.

— Улар ўзимизники, ёмон хаёлга боришмайди. Сенда гапим бор. Зарур гап, агар чикмасанг, ичимда бир умрга қолиб кетади. Чунки эртага кетаман.

— Нима, кетаман? Қаёққа борасиз? — деди Барно энди пинжимга тикилиб.

— Битмай қолган ишларим бор, — дедим чуқур хўрсиниш билан.

— Сиз унда чиқаверинг, ҳозир орқангиздан етиб оламан, — деди Барно.

Мен ўтовнинг орқа томонига ўтиб, пастликка туша бошладим. Ўн беш метрлар чамаси юрганимдан сўнг, ёлғиз ўсган ёввойи жийда орқасига ўтиб ўтирдим. Бироздан кейин Барно келди. Мен унинг кўлидан тутдим-да, ўтиришга ундадим.

— Тинчликми? — деди у ёнимга ўтириб.

— Мени севасанми? — сўрадим унинг елкасидан кучиб. У жавоб бермади. Саволни такрорладим.

— Шу ерга келганим сизга ҳеч нарсани айтмайптими? — деди Барно ўпкалаб.

— Унда сенга бир илтимосим бор. Буни фақат сенинг ёрдамингда ҳал қилиш мумкин, — дедим мен.

— Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман, — жавоб қилди Барно. Мен шу ондаёқ севган қизимнинг юзидан бўса олдим. У хавотир билан атрофга қараб кўйди.

— Илтимосим шуки, Саиданинг харидори чикиб қолди. Нима дейишгайм ҳайронман. Умуман, синглимдан шу ҳақда сўрайман, деб ҳечам ўйламагандим.

Барно ҳайрон бўлиб юзимга тикилди:

— Бу ер чўлу биёбон бўлса. Беш кишидан бўлак ҳеч ким йўқ. Ким унга харидор бўла қолди?

— Эгамкул ака, — дедим мен бошимни эгиб.

— Ни-ма?! Эгамкул ака?! Қандай қилиб? Саида унинг фарзандидай-ку. Увол бўлади-ку!

— Биладан... Лекин Саиданинг ўзидан бу ҳақда сўрамай иложим йўқ. Тўғрироғи, сен сўраб берасан.

Барно гапларимдан титраб кетди.

— Акаси бўла туриб қандай тилингиз борди бундай дейишга?!

Барнонинг юзи қаҳрли тус олди. Унинг қарашидан ер ёрилмадики, мен кириб кетмадим. Елкамга шунчалик оғир юк тушгандай бўлдики, уни кўтаргандан кўра, кўш тортганим яхшироқ эди.

— Шундоғам эзилиб кетдим. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Мен бунақа аблаҳ бўлмаганимда, оиламиз тинчгина яшаган бўлармиди.

Барно мени кучди. Илк бора юзимдан ўпди. Кейин секин кўлимдан тортиб турғазди-да:

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Сиз айтганингиздай, бугуноқ ундан сўрайман. Лекин рози бўлишига кўзим етмайди, — деди.

Кечга яқин Абдукарим ака келди. У мен билан кучоклашиб кўришди. Эгамқул ака билан эса роса кураш тушишди. Сўнг елкамга қокиб:

— Сен чинданам қаҳрамонга айланиб кетдинг. Ҳаммаёқда дув-дув гап. "Собир Музаффарнинг одамларини бутунлай қириб ташлабди. Битта болақайни ўлимдан олиб қолибди ва ҳоказо". Чоғимда, мелиса энди сени тақдирлаш учун қидираётган бўлса керак.

— Жа, унчаликмас, — дедим мен бош эгиб.

— Камтарлик қилмай қўяқол, бу гапларга ҳеч ким ишонмасаям, мен ишонаман. Шунинг учун бу ёққа кушдай учиб келдим. Музаффарнинг кетиши, бу — оламшумул воқеа! Падарингга лаънат, қанча одамларнинг шўрини қуритганди. Буни ювиш керак. Барно! — дея қизини чақирди Абдукарим ака.

— Лаббай, дада, — дея биз томонга қаради Барно.

— Машинанинг багажини оч, бир нарсалар бор. Ҳаммасини опке, — дея қизига тайинлади Абдукарим ака, сўнг Эгамқул акага ўгирилиб, — сенам қотиб қолмассан? Ўлдими энди, биронта кўзи-пўзи сўясан? — деди.

— Камситма одамни, уққағарнинг боласи, битта кўй еб кетасан бугун, — деди Эгамқул ака.

Абдукарим ака ўтовга кириб, отам билан қуюқ сўрашди. Кўнглини кўтарди. Унинг гапга чечанлиги отамга ҳам ёқиб тушди.

Мен Эгамқул ака кўрсатган қўйни сўйиб, терисини шилдим. Бир пасда базм бошланиб кетди. Анчадан бери бунақа хушчақчақ ўтирмаган эдим. Абдукарим аканинг аскиялари кўнглимда йиғилиб қолган губорни, озгина муддатга бўлса-да, унуттирди. Давра

кизиб, тўрт шиша арок ичилса-да, ҳеч ким маст бўлмади.

Тун яримлаб қолганида Барно билан учрашдим. У ғамгин кайфиятда: "Мени энди бўй йигитлар олмайди", деган Саиданинг гапини айтди. Бу гап яна бир марта юрагимга тигдай ботди. Лекин начора, ғишт колипдан кўчган.

Тонггача Барно билан гаплашиб ўтирдик. Хушму-омалалиги, сўзларимни ниҳоятда эътибор билан эшитиши, гапларининг содда, самимий, беғуборлиги унга бўлган меҳримни янада ошириб юборди. Шу пайтгача ҳеч ким билан чин дилдан бундай очилиб гаплашмагандим.

— Барно, — дедим унинг сочини эҳтиёткорлик билан силаб. — Қозоғистон чўлида бир кампирга дуч келгандим. У менинг ҳаётимни сақлаб қолди.

— Қандай қилиб? — деди Барно қизиқиши ортиб.

— Йўлда машинамни тўхтатди, кейин келини кўзи ёраётганини, ёрдам бермасам бўлмаслигини айтди. Дарров кўмакка ошиқдим. Беш-олти километр юрганимиздан кейин у бирдан ғойиб бўлди. Мен кўп овора-ю сарсон бўлиб чўлдан чиқиб олдим. Йўлда келаётсам, бир туяга урилган тўртта машинага дуч келиб қолдим. Машиналардаги одамларнинг бари ўлибди. Уларни бирма-бир кўриб чикдим. Не ажабки, менинг орқамдан тушган газандалар экан. Ўшандан бери кампир ҳақида кўп ўйладим. Лекин кимлигини ҳануз билолганим йўқ. Бу ҳақда ҳали ҳеч кимга, Саидага ҳам, отамга ҳам айтмаганман. Сенга айтаяпман, холос. Бунинг қандай сирлигини биласанми?

Барно "билмайман", дегандек бош чайқади.

— Ўзимам билмайман... Билганим, сен кўзимга мутлақо бошқача кўринасан. Сени нафақат севиб қолганман, сен энди мен учун нажот фариштасисан! Ўша чўлда йўликқан кампир ҳам, сен ҳам фариштасан.

Барнонинг кўзига ёш қалқди. Бу сафар унинг юзида пайдо бўлган кўз ёшни лабларим билан артиб олдим.

Шундан кейин анча вақт гаплашиб ўтирдик. Мен унга кўп нарсалар ҳақида гапириб бердим-у, аммо эрталаб кетишимни айтмадим. Шундай ширин оқшомни бузгим келмади.

Куёш кўтарилиб, атрофни иссиқлик домига ола бошлаган маҳал мен отамнинг олдига кириб мақсадимни айтдим. Отам ўйланиб қолди. Сўнг менга ғамгин кўзлари билан боқиб:

— Болам, балки бормассан? Аста-секин ҳаётимизни изига тушириб олармиз. Бу қайғулар ҳам унут бўлиб кетар? — деди.

— Йўқ, ота, қарорим қатъий, ишимни охирига етказмасам, кўнглим тинчимади. Қолаверса, узок муддат таҳликада яшолмайман, — дедим.

Ноилож отам оқ фотиҳа берди. Бироқ энди кетишга чоғланаётган маҳалим Саида билан Барно "Кетмайсиз!" дейишиб изиллаб йиғлашди. Амал-тақал қилиб, тезда қайтиб келишга ваъда бериб, розиликларини олдим.

Шаҳаргача Абдукарим аканинг машинасида кетдим. Йўлда суҳбатимиз қовушмади. У кўп гапирмади. Назаримда, Барно иккимизнинг муносабатимизни сезганга ўхшарди.

Фақат шаҳарга етиб келиб, машинадан тушаётганимда:

— Эҳтиёт бўл, ҳали кўп керак бўласан, — деди. Унинг гапини тушунгандай бўлдим ва бироз кизарган бўлиб, "Хўп", дедим.

Шаҳарда айланиб юрарканман, одамларнинг менга эътиборини кузатдим. Ҳеч кимнинг мен билан иши бўлмади. Ҳатто иккита мелисанинг олдидан ўтдим. Улар менга "Кимсан?" ҳам дейишмади. Шундан сўнг бемалол шаҳарни айландим. Яхшиямки,

Александр Петрович пул берган экан. Акс холда, анча қийналиб қоларканман.

Тушлик қилиб, Шоҳсанам турадиган ётоқхонага бордим. У мени кўрибоқ, кўчадаги одамлардан тортиниб ҳам ўтирмай, кучоқлаб:

— Мен сизни келмайсиз, деб кўрққандим! — деб йиғлаб юборди.

— Сен менга ҳали кўп кераксан, — дедим унинг кўлини секин бўйнимдан олиб. Кейин етаклаб четроққа тортдим-да: — Сен билан ресторанда бир ўтиромоқчиман. Ташвишлар билан бўлиб, бир бундай кўнгилхушлик қилишни ҳам унутибман, — дедим.

Шоҳсанам кулиб қўйди-да:

— Ҳозир, кийиниб келай, — деб ётоқхона томонга югуриб кетди.

Мен студент бўлмаганман. Шунданми ўзим қатори йигитларни кузатиб, шунга амин бўлдимки, улар ўқишдан кўра кўпроқ олифталаниб юришни ёқтиришаркан. Мен студентлар кўлида, албатта, дипломат, унинг ичи тўла китоб бўлади, деб ўйлардим. Кўрганларим эса бутунлай бошқача: кўлтиқда иккита дафтар, оғизда сақич. Балки мен ҳам студент бўлганим-да шунақа қилиб юрармидим?

Шоҳсанам кўп куттирмади. Ўзига ниҳоятда ярашадиган кийимда ёнимга югуриб келди ва бирдан мени кўлтиқлаб:

— Қани, бошланг, — деди. Мен яна ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Шундай бўлса-да, унинг кўлини олиб ташлолмадим. Чунки ёнимиздан ўтиб кетаётган йигит-қизлар қизиқиб бизга қарар, бундай пайтда кўполлик қилишим одобга тўғри келмас эди.

Биз унчалик ҳам кўркам бўлмаган, аммо сўлимгина ресторанга кирдик. Столга ўтириб егуликлар билан бир шиша коньяк буюрганимиздан кейин:

— Мен сизни ҳеч қачон бунақа жойга олиб келасиз, деб ўйламагандим, — деди Шоҳсанам.

— Мен одамлар ўйламаган ишни қилишни яхши кўраман, — дедим.

Шоҳсанам бош ирғади-да:

— Кўрган-кечирганларим тушга ўхшайди. Гўё сиз билан ўқиш даврида танишганман-у, севишиб бу ерга учрашувга келганман, — деди.

— Яхши гап. Мен эса, киска вақтда ўзингизга келганингиздан хурсандман, — дедим.

Шоҳсанам ўйланиб қолди. Кўзида икки томчи ёш пайдо бўлди. Сўнг ютиниб, кўзига оппоқ дастрўмолини босиб:

— Кўринишим шунақа, аслида ичим ҳалиям ўт бўлиб ёниб ётибди. Курсдошларимнинг кўзига кўринишдан уяламан. Ҳамма мени қўлини ниқтаб кўрсатгандай бўлаверади. Билмадим, бундан қачон кутуламан? Менимча, Чаённинг ўлимиям энди ўзимга келтиролмаса керак. Бунинг устига, синглим ҳечам хаёлимдан кетмайди. Уфф, — дея бошини қафтлари орасига олди Шоҳсанам.

— Қайғурманг, ҳамма нарсанинг давоси — вақт, боя ўзингиз айтдингиз-ку, кўрганларим тушга ўхшайди, деб. Ҳали тушингизданам узоқлаб кетади ўша кунлар, — дедим Шоҳсанамни чалғитиш мақсадида.

Хизматчи қиз буюрган нарсаларимизни олиб келиб қўётганда ёнгинамиздаги столга бир қиз билан йигит келиб ўтирди.

Қиз сумкасини кавлаб, сигарет олиб тутатди. Мен Европа томонларда қизларнинг сигарет чекишини кўп кўргандим. Лекин ҳозир бу ерда ғалати туйилди. Нигоҳим кўшни столга қадалганини кўрган Шоҳсанам ҳам ўша томонга назар ташлади-да:

— Вой, — деб менга юзланди.

Унинг овозини эшитиб, сигарета чекаётган қиз ҳам бизга қаради. Сўнг тиржайди-да, ўрнидан туриб, столимиз ёнига келди.

— "Балиқча", ўзингмисан? — деди у ичига торт-

ган тутунни Шоҳсанамнинг юзига пуфлаб. Кашан-
данинг қилиғидан жон-поним чиқиб кетди. Шоҳса-
нам унга қараганча қалтирай бошлади.

— Озодликка чиқиб, ўзингга келишгангина йигит
топвобсан-да!.. — сўнг йигити томонга қараб деди:

— Манави "балиқча"ни эслайсанми, Шукурчик?

— Қани? — деб йигит ҳам бизнинг ёнимизга кел-
ди. — Во!.. Бунга тўрт марта тўр ташлаганман. Бари-
бир қочган, қисталоқ. Лекин бешинчисида илинган-
ди, кейин зўр бўлган...

Қарасам, улар ҳаддидан ошишаяпти. Секин ўрним-
дан турдим-да, йигитнинг биллагидан тутдим.

— Жўра, бориб жойингда ўтир, — дедим ёвқараш
килиб.

— Сен ўзинг кимсан? — деди у.

— Сен ҳақоратлаётган қизнинг йигитиман, — де-
дим ёлғон гапириб.

— Ҳали шу "шилта"нинг йигитиман, деб керилиб
юрибсанми?! — дея у шарақлаб кулиб юборди. Унга
ёнидаги қиз ҳам қўшилди.

— Илтимос, — дедим ўзимни зўрға босиб, — таш-
қарига чиқайлик. Ўша ерда гаплашамиз.

— Бу боланинг томи кетганга ўхшайди, — деди
қиз менинг кўкрак тугмаларимни ўйнаб, — меним-
ча, сен бизнинг кимлигимизни билмасанг керак!

Мен унинг юзига термилиб жим туравердим. "Га-
пим яхшигина таъсир қилди", деб ўйлаган қиз лаби-
даги сигаретни йигитга узатди-да, менга янаям яқин-
роқ келиб:

— Музаффар деган исм сенга яхши таниш бўлса
керак, — деди.

— Таниш бўлганда қандоқ, — дедим унга кулиб,

— фақат бу исмнинг сиз ойимтиллага нима алоқаси
бор?

— Мен ўша одамнинг арзанда қизи бўламан, —
деди қиз кибр билан.

— Шунаками?! — дедим мен қувончимни яширолмай. — Сиз билан танишганимдан ниҳоятда хурсандман. Ўзи қандай учрашсам экан, деб юргандим.

— Шукурчик, бу бола ақлигинага ўхшайди. Қара, яримта гапдан ҳамма нарсани тушунди!.. Ўзиям-чи, хушбичимгина, дарров юракнинг оловини ёқиб юборадиган. "Балиқча" билади кимнинг тўрига илинишни. Сенга ўхшаганлар минг марта тўрини отсин, илинмайди. Лекин манави йигитларнинг тўрига ўзиям келиб тушади...

— Ўзингдан кетма! — деди ҳақоратларга чидолмаган Шоҳсанам. — Сендан покизароқман.

— Вой, тилинг чиқиб қолибдими? — дея Музаффарнинг қизи унга яқин борди ва секин Шоҳсанамнинг сочига қўлини юборди.

— Энди давринг ўтди! — деди унинг қўлини ҳаводалигидаёқ ушлаган Шоҳсанам.

— Ни-ма?! Шукурчик, қаёққа қараяпсан?! — деб бақирди Чаённинг эркатои.

Шукурчикни мен тўхтатдим. Лекин унга қарши куч ишлатмадим. Сабаби, ресторандагиларнинг кўзи бизда эди.

— Тўхта, ташқарига чиқайлик, ҳаммасини гаплашиб оламиз, қарзимиз бўлса, тўлаймиз, — дедим.

Йигит бир менга, бир хўжайинининг кизига қаради.

— Айтдим-ку, бу йигит одоблигина экан, — деб киз менинг ёнимга келди-да, секин қўлимдан ушлади. — Қани, кетдик.

Унинг қилиғини кўрган Шоҳсанам кизариб кетди. Алланималар дейишга чоғланганда мен кўзимни кисиб, уни шаштидан қайтардим.

Ташқарида ойналари қорайтирилган оппоқ "Жигули" турарди. Чаённинг қизи шу машинага ўтиришимни таклиф қилди. Қарасам, Шоҳсанам ташқарида, машинага чиқмай турибди. Менга қадалган

кўзлари нафратдан ёнаяпти. Эшикни очдим-да: "Ўтир", дедим унга. У бошини қимирлатиб, "йўқ" ишорасини қилди. "Бунча овсар бўлмаса бу қиз", дея машинадан тушдим-да, унинг кўлидан етаклаб машинага ўтқиздим. Шу орада кулоғига: "Менинг айтганларимни бажар", деб шипшишга ҳам улгурдим.

Машина жойидан енгил қимирлагандан кейин менинг ёнимга ўтириб олган Чаённинг қизи секин белимдан кўлини ўтказди. Унга жилмайиб қараган эдим, менга ҳаволатиб ўпич юборди. Кўли билан белимни силай бошлади. Ғашим келди. Бироқ чидашга мажбур эдим.

Машина шаҳар марказидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ёнида тўхтади. Биз машинадан тушиб Чаённинг олифта қизи орқасидан юрдик. У тўрт қаватли бинонинг биринчи қаватидаги «25» рақами ёзилган эшикни калити билан очди-да, ичкарига аввал ўзи кирди.

Уйга кирган Шоҳсанамнинг оғзи очилиб қолди. Мен эса бунақанги манзараларни кўп кўрганам учун хонанинг дид билан безатилганига эътибор қилмадим. Шоҳсанамга энди тегажоклик қила бошлаган Шукурчикнинг кулоғи орқасига битта зарба бериб, хушидан кетказиб қўйдим-да, шу пайтгача керилиб келган қизнинг кўлидан ушлаб:

— У энди бизга керакмас, ҳаммасини ўзимиз эплаймиз, тўғрими? — дея сўрадим. Шеригининг ағананини кўриб ранги оқариб кетган қиз менинг юмшоқ гапимдан кейин озгина тетикланди.

— Мен сизни тушундим, яхши йигит, сиз битта эмас, иккитани бир ўзингиз эпламоқчисиз. Шоҳсанам иккаламиз, менимча, удалаймиз, — деди у.

— Шоҳсанамнинг кераги йўқ, мен сен билан шуғулланаман, — деб унинг кўлини маҳкам қисдим. У титраб кетди-да:

— Мен билан шуғулланиш учун азоб бериш шарт эмас, — деди.

— Майнавозчиликни йиғиштир, — деб унинг юзига тарсаки туширдим. — Нималар деб ўзингча валдира-япсан?

— Менга ёкиб қолгандингиз, шунинг учун уйга таклиф қилгандим. Сиздай йигитни ҳар қандай қиз орзу қилади, — деди у.

— Ҳамма орзу қилсаям, сен хаёлинггаям келтирма, мен сен ўйлаган одам эмасман. Отанг қаерда?!

— Айт, — дея менинг ёнимга келди Шоҳсанам, — бу гал мен сенинг устингдан куламан. Ўшанда мен сув ютиб, бўғилиб қийналганимни биласанми? Сенинг анави ўйнашчанг қанча азоб бергани эсингдами? Билмайсан, у пайтларда сен отангнинг соясида маишат қилиб юрардинг. Энди отанг думини қисиб қочиб қолди. Унинг учун биринчи навбатда сен жавоб берасан. Чунки сен ўзингга ўхшаган қизларга азоб беришда отангдан ҳам ўтиб тушардинг!

Шоҳсанам лаби гезариб, ранг-кути ўчган қизнинг биқинига тепиб юборди. Бироқ ўзининг ҳам кўзидан дувиллаб ёш оқа бошлади.

— Синглим, — дея гапини давом этказганда Шоҳсанамнинг овози бўғилиб чиқди, — сен итларнинг маишати йўлида қурбон бўлди. Ҳаммангнинг ўлигинг кўчада қолади. Лекин шундаям менинг кўнглим таскин топмайди. Арвоҳларингни чирқиратиб қаргайман! Тушундингми! Мафтуна! Садқайи шундай исм кет, сен!

Шоҳсанам ўзини жиловлолмай қолди. Бирданига "асира"нинг сочига чанг содди-ю, бураб торта бошлади. Бутунлай довдираб қолган Чаённинг қизи ўкириб йиғлаганча "дод" сола бошлади. Мен зўрға уларни ажратдим. Бутунлай "ёниб" кетган Шоҳсанам ўзини девор ёнидаги диванга ташлаб, йиғлай бошлади. Унга қараб эзилиб кетдим. Кўзимга унинг холи

меникидан баттар хароб бўлиб кўринди. Тақдирнинг бундай зарбасига эркаклар-ку чидаши амримахол, қиз бола боши билан Шоҳсанамнинг чидаётганига ҳайрон қолмасдан илож йўқ эди.

— Отанг қаерда? — дея сўрадим Мафтунадан, иложи борича ўзимни босикроқ тутишга уриниб.

— Отам мени мана шундай хўрлаётганингни билса, терингга сомон тикади, — деди Мафтуна бирдан ўзгариб.

— Боя ресторанда сен ўзингни менга яхшилаб таништирган эдинг, менинг ҳам кимлигимни билиб кўйсанг ёмон бўлмайди. Мен отантни "овлаш" учун юрган Собирман, — дедим унга хунук иржайиб.

— Ни-ма?! Собир, ҳали ўша Собир сенмисан?! — деди-ю, Мафтуна ўтириб қолди.

— Худди ўша.

Менинг гапимдан сўнг Мафтуна деворгача эмак-лаб бориб, ниманидир ола бошлади. Мабодо курул яшириб қўйган бўлмасин, деган ўйда устига ўзимни отдим ва йиқилаётиб мен томонга кўтарган кўлини қайириб ўзига тўғриладим. У инграб юборди. Туриб қарасам, Мафтунанинг қорнига кўлидаги ханжар қириб кетибди.

— Им-им, — деди Мафтуна кўзини юмиб, сўнг лабини тили билан ялаб, — сен номардлик қиддинг, Собир. Ҳақиқий эркак бўла туриб аёл кишини пичокладдинг.

Мен бундай бўлишини кутмаган эдим. Шунчаки кўлини қайириб ташламоқчи эдим. Қилган ишим ҳақиқатан ҳам эркаклик шаънига тўғри келмасди. Ахир, Мафтуна автомат тўғрилаганда ҳам осонгина унинг кўлидан курулини тортиб олишга қурбим етарди-ку... Шошқалоқлик қилиб қўйдим. Бунинг устига, у ҳали менга керак эди. Шу боис, вужудимга энгилгина титроқ кирди.,

— Мени кечир, — дедим Мафтунанинг ёнига чўк тушиб.

— Сен менга ёқиб қолганинг учун бу ерга олиб келгандим. Афсус, ниятингни билмаган эканман, — деди Мафтуна оғир нафас олиб. — Майли, ҳаммасига ўзим айбдорман. Буни ҳеч курса, ўлимим олдидан тан олайн. Яна... яна ҳалиги... имм, отам... отам менинг шу аҳволга тушишимга сабабчи бўлган... У, у ҳозир Россияда, Александр Петрович деган одамнинг ёнига кетган. Кетиши олди...

Мафтуна сўнги гапини айтолмади. Оғзидан қон оқиб, боши бир томонга қийшайиб қолди. Унга тикилиб қолган Шоҳсанам бутунлай карахт аҳволда эди. Мен уни ташқарига етаклаётганимда ҳам у ўзига келмаганди. Эшик ёнига борганимиздан кейин у бирдан тўхтаб, менга қараб:

— Мен ҳозир, — дея ичкарига югуриб кириб кетди. Мен унинг орқасидан бордим ва не кўз билан кўрайки, Шоҳсанам Мафтунанинг қорнидаги ханжарни суғуриб олиб, хушидан кетиб ётган йигитнинг кўксига уришга улгурибди.

— Нега бундай қилдинг? — дедим жаҳлим чиқиб.

— У сизни танимади. Лекин мени қаердан топишни билади. Ортикча гап-сўзнинг нима кераги бор? — деди у кўзимга тик қараб.

Мен ташқарига чиқдим-у, Мафтунанинг машинасига ўтириб, тўғри бояги ресторан томонга ҳайдадим. Манзилга етгунимизга қадар Мафтунанинг гаплари хаёлимдан кўтарилмади. Аблах Чаён нафақат бегоналар, балки ўз пушти камаридан бўлган фарзандини ҳам нобуд қилгани унга нафратимни яна ошириб юборди. Ҳаммасидан ҳам алам қилгани, бечора кизни ўлдириб қўйганим эди. Шу кунга довур биронта қизга озор етказмагандим. Шунча қилган ишларимдан фақат шунисинигина негадир жиноят деб ҳисобладим.

Ресторанга яқинлашганимиздан кейин машинани тўхтатдим-да:

— Энди сен тушиб қол, менинг яна борадиган жойим бор, — дедим Шоҳсанамга. Шу пайтгача жим келиб, туйқусдан унга шу гапни айтганим Шоҳсанамни ажаблантирди. У кўзларимга тикилди. Унинг қарашида: "Нега бундай қиляяспиз?" — деган маъно бор эди.

— Мен сендан Музаффарнинг уйини сўрамоқчийдим. Энди хожати қолмади. Шунинг учун сени ортиқча уринтирмай, қолган ишларни ўзим бажараман. Умуман, сени хавф остида қолдириш ниятим йўқ, — дедим қарашига жавобан.

— Менинг қилган ишимдан хафамисиз? — дея сўради у.

— Гарчи нотўғри қилган бўлсанг-да, мен сендан хафа эмасман, бу ёғидан қўнглинг хотиржам бўлсин, — дедим мен унга иложи борича жилмайиб қарашга уриниб.

У индамай бошини қимирлатди-да, юзимдан ўпиб, машинадан тушди. Эшикни ёпгач, бироз туриб қолди, кейин ортига бурилиб, машина деразасидан қаради-да:

— Мен сизни кутаман, албатта, келинг. Яна бир илтимос, ўзингизни асранг, — деди. Мен машинага газ бердим. Тахминан беш километр юрганимдан сўнг машинани тўхтатиб тушдим-да, пиёда кета бошладим. Хаёлим айқаш-уйқаш эди. Бир ҳаммасига қўл силтаб, ўтовга — синглим билан отамнинг олдига кетсамми, деган хаёлга ҳам бордим. Бироқ шу ондаёқ ниятимдан қайтдим. Чунки агар шундай қиладиган бўлсам, енгилганим аниқ бўларди. Вақти келиб Чаён, албатта, мендан қасос оларди. Шу боис, зувиллаб у ёқдан-бу ёққа ўтаётган машиналарга қўл кўтардим. Биттаси ёнгинамга келиб тўхтади. Вокзалга элтиб қўйишини сўрадим.

Манзилга етгач, кассага бориб Москвага борадиган поезднинг қачон келишини сўрадим. Бахтимга

ярим соат ичида келаркан. Бироқ битта ҳам чипта қолмабди. Аслида чипта олиш ниятим ҳам йўқ эди. Шунчаки сўрагандим, холос. Чунки чипта оладиган бўлсам, мени қидириб юрганлар дарров изимдан тушиш эҳтимоли бор эди.

Поезд келгандан кейин кузатувчидан олиб кетишни илтимос қилдим. Аввалига у тихирлик қилиб турди. Мўлжалидагидан кўпроқ пул беришимни айтганимдан кейин дарров кўниб қўяқолди. Ҳатто жой ҳам топиб берди — юмшоқ ўринли купедан. Айтилган жойга борсам, мен тенги бир бола билан чиройлигина қиз ўтиришган экан. Улар янги қўшнини истамайгина қабул қилишди. Улар билан бирга кетиш нокулай эди, лекин иложим қанча? Кетишим керак.

Поезд республика худудидан чиқиб кетгунча биз иноклашиб қолдик. Қиз билан йигит яқинда турмуш қуришган экан. Улар бир-бирига шунчалик меҳрибон эдики, кўриб ҳавасим келди. "Насиб қилиб Барнога уйлансам, уни худди манави йигитдай эъзозлайман", дея хаёлимдан ўтказдим.

— Севинчининг отаси прокурор, — деди хотини чой дамлагани чиқиб кетганида Асрор (йигитнинг исми шундай эди), — мен бўлсам, колхозчининг боласиман. Совчи жўнатсам, қизини беришга кўнмади. Шунда Севинч билан гапни бир қилдик-да, Киевга кетиб қолдик. Шу ёқдан у уйига телефон қилди. "Агар мени шу йигитга бермасанглар, қайтиб уйгайм бормайман, ўқишнIAM ташлайман", деди. Дарров уйдагилар кўнди. Мана, Москвада бирга ўқиймиз, худо хохдаса, бундан бу ёғига бирга яшаймиз.

— Ҳаммагайм шундай муҳаббат насиб этсин, — дедим мен жилмайиб.

Севинч чойнак кўтариб кириб келди. У иссиқнинг зўридан ҳансираб нафас оларди.

— Қозоғистон чўлларини бирам ёқтирмайманки,

— деди у пешонасидаги терни артиб, — жуда ғалати иссиқ бўлади-да, одамнинг тинка-мадорини куришиб ташлайди. Ҳайронман, бу ердагилар қандай яшашади?

— Яхшиям шу ерларда туғилиб қолмаганмиз, — деди эри унинг кўлидан чойнакни олаётиб.

— Эсингиздами? — деди бирдан кулиб Севинч, — агар отангиз рози бўлмаса, сизни Африка чўлларига олиб кетиб қоламан, дегандингиз. Яхшиям отам рози бўлди, йўкса чўлу биёбонда, ким билади, не кўйларга тушардим?

— Мен сизга ўзим соябон бўлардим. Менинг соям шунчалик салқин бўлардики, маза қилардингиз, — деди Асрор хотинига жавобан.

Ширингина суҳбатни купенинг тақиллаши бузди. Асрор норозиланиб эшикни очиши билан жағига тушган муштдан орқасига кулади. Севинч чинқириб юборди. Мен сапчиб ўрнимдан турдим. Эшикдан бирин-кетин тўртта қозоқ йигит кириб келди.

— Қани, ҳамманг пулларингни стол устига ташлачи! — дея буйруқ берди русчалаб уларнинг басавлати.

— Пулимиз йўқ-да, — дедим мен унга қараб хунук тиржаярканман.

— Унда манов оппоққина қизчангни берсан, — деди ҳалиги йигит.

— Бошқа нарсани хохламайсанми? — дея ўрнимдан секин турди Асрор бурнидаги конни ўриндик устидаги сочиққа артиб.

Шу пайт Асрорнинг юзига яна битта зарба йўлланди. Бироқ бу сафарги зарба аниқ етиб бормади, тўғрироғи, Асрор унга чап бериб унинг ўзининг юзига мушт туширди. "Ҳайрият, менга иш камроқ бўларкан", хаёлимдан ўтказдим мен. Зўравон юзига теккан муштдан қутуриб кетди. У ўзини Асрорнинг устига отди. Қолган иккитаси Асрорга, биттаси менга

"кунимни кўрсатиб қўйиш"га ошиқди. Мен "эрмак-ни кўпга чўзиб ўтиргим келмай, бир йўла иккита-сига зарба бердим. Учинчи вакил ҳам Асроргача етиб боролмади. Дастлаб гўдайгани эса кетма-кет икки марта тепки еганидан кейин чўзилди. Асрорнинг чаққон ҳаракатини кўриб хурсанд бўлдим.

— Баттар бўлинглар, — деди Севинч йиқилиб ётган қозоқ йигитларига қараб, — иккинчи марта босқинчилик қилмайсизлар.

— Қойил, — деди менинг елкамга қоққан Асрор, — қандай қилдингиз?

— Буларни энди нима қиламиз? — дедим мен унинг саволига жавоб бермай.

— Мен беш йилдан бери каратэга қатнайман, лекин сизнинг усулларингизни умримда кўрмаганман. Москвага борганимиздан кейин санъатингизни менга ўргатмагунингизча қўйиб юбормайман сизни, — деди Асрор менинг сўзларимга эътибор ҳам бермай. Бу озгина ҳамиятимга тегди, бироқ унга буни билдирмадим.

— Буларни нима қиламиз? — дея қайта сўрадим полда ётган "арслон"ларни кўрсатиб.

— Поезддан улоктираамиз, — деди у кулиб.

— Яхши фикр-ку-я, биронтаси нотўғри йиқилса, жонига жабр қилиб қўямиз-да, — дедим.

— Проводникка топшираамиз, кейинги бекатда мелисалар келиб олиб кетишади, — деди Севинч гапга аралашиб.

— Ундан кейин уч-тўрт кун қолиб кетишимизга тўғри келади. "Нимаиди? Қачонийди?" деган сўроқларга жавоб беришга тобим йўқ, — дедим Севинчнинг гапига эътироз билдириб. Чунки булар мелисага топшириладиган бўлса, сўроқ пайти қўлга тушиб қолиш хавфим бор.

— Хоним, тўрт кундан кейин сиз имтиҳон топширингиз керак-ку. Бу ерда қолиб кетадиган бўлсак,

имтиҳон нима бўлади? — деди менинг гапимни маъкуллаб Асрор. — Яхшиси, шунчаки танбурга обориб ташлайлик, у ердан ким олиб кетса кетаверсин. Фақат бизни сўроққа тутишмаса бўлгани.

Бу гап ҳам Севинчнинг таклифидан фарқ қилмасди. Куппа-кундузи бўлса, қанча одам буларнинг бизнинг купега кираётганини кўрган. Мелиса деган зот индамай келиб олиб кетавермайди-ку. Поездни тўхтади, ҳаммани сўроққа тутди. Кўлга тушмаган тақдиримда ҳам шу поездда кетаётганим орган ходимларига маълум бўлади. Ундан кейин бу гадой топмас жойларда яна беш-олти кун сарсон-саргардон бўлишимга тўғри келади.

— Менимча, буям тўғри келмайди, — дедим Асрорга эътироз билдириб, — кун иссиқ бўлсаям соат бешга яқинлашиб қолди. Демакки, кўп ўтмай қоронғи тушади. Кейин яна озгина кутамиз. Вагондагилар уйкуга кетганидан сўнг, танбурга чиқариб ташлаймиз. Ана унда ҳеч ким бизни кўрмайди. Фалон купедагилар буларни шу ахволга солди, деб айтмайди.

Фикрим Асрорга маъкул тушди. У соатига қараб энг яқин бекатгача камида етти соат юришимиз кераклигини айтди. Аммо Севинчга босқинчилар билан шунча вақт бир купеда қолишимиз ёқмади. Аммо бизнинг гапимизга кирмасдан иложи йўқ эди.

Асрор иккаламиз "гўрсўхта"ларни купенинг бир бурчагига суянтириб ўтқизиб, устларига чойшаб ёпиб қўйдик. Кейин вагон йўлагига чикдим. Ҳеч ким йўқ. Бироз ойнадан ташқарини кузатган бўлдим. "Ҳамма кўрққанидан ин-инига кириб кетганга ўхшайди, кундузиям ишни битириб қўйсак бўлавераркан. Қайтанга Севинчнинг хафалиги бироз бўлса-да тарқайди", деган ўйда купега кириш учун эндигина ўгирилгандим, вагон охирида кузатувчи пайдо бўлди. "Сен етишмай турувдинг", хаёлимдан ўтди ва яна дераза томонга ўгирилиб олдим.

— Анавилар сизларнинг купеларингга кирмадими?
— дея сўради кузатувчи ёнимга келиб.

— Тўртга қозоқми? — дедим мен афтимни бужмайтириб.

— Ҳа, — деди у бошини қимирлатиб.

— Ака, поездга минаётганимда шунакалар безовта килади, деб айтиб қўймайсизми? Самолётга билет олмаманми? Падарингга лаънатлар сариқ чақаям қолдирмасдан шилиб кетишди-ку. Москвага борганимдан кейин нима қиламан?.. Яхшиям, танишимга телефон қилиб кутиб ол, деб илтимос қилганим. Бўлмаса расвом чиқаркан, — дедим ўзимни бечора-ҳол кўрсатиб.

— Эй-й, ука, — деди кузатувчи елкамга кўлини кўйиб, — кўпга келган тўй-да бу. Мана, пачти олти ойдан бери аҳвол шу. Неча марта бошлиқларга айтдик, фойдаси бўлмади. Аста-секин кўникиб ҳам қола-япмиз. Яна ҳар сафар янгилари чиқади. Навбат қилиб олганми, нима бало?

Мен кузатувчига ачиндим. Унгаям қийин. Ойига камида икки марта бу йўлдан ўтади. Ҳар сафар юракни ҳовучлайвериш жонигаям теккандир. Шунча қийинчилик бўлишига қарамай, ишлаб юрганига раҳмат айтиш керак, барака топгурга.

Кузатувчи бошини эгганча йўлида давом этди. Унинг орқасидан бироз қараб турдим-да, яна купега кирдим. Эр-хотин мусичалардай бир-бирига ёпишибгина ўтирган экан. Нокулай аҳволга тушдим. Чикиб кетмоқчи бўлганимда, Асрор тўхтатди.

— Бемалол ўтираверинг, — деди у.

— Коридорда проводник изғиб юрибди, — дедим мен бироз бўлса-да нокулайликдан чиқиш учун ва иккинчи қаватдаги ўриндиққа кўтарилиб, чўзилиб шифтга қараб ётдим.

Энди кўзим илинган экан, Асрор чақириб қолди.

— Собир, пастга тушинг, озгина тамадди қилиб олайлик, — деди у.

— Сизлар бемалол, мен кейинроқ овқатланарман,
— дедим мен.

— Тушинг, бу киши зеркиб қолди. Ҳеч курса, гаплашиб ўтирамыз, — деди Севинч.

Унинг гапидан кейин пастга тушмасдан иложим қолмади. Асрор ҳеч қачон Севинч билан бирга зерикмаслиги тайин эди. Фақат битта ноқулайлик бор — купе бурчагида ҳамон хушига келмай ётганлар вагоннинг силкинишидан қимирлаб кетаётганиди.

Стол усти ҳар хил егуликлар билан тўлдирилган. Бироз тотинган бўлдим. Негадир иштаҳам йўқ. Эътибор қилсам, Асрор билан хотини ҳам дастурхонга истамай кўл узатишаётир. Бунинг устига, суҳбат ҳам узук-юлуқ.

— Мен ташқарига бир чиқиб келайин-чи, — дея энди эшик томонга йўналгандим:

— Мен ҳам ташқарига чиқаман, — деди Севинч ўрнидан туриб.

Қуёш уфққа ёнбошлаган, чўлу биёбон қирмизи тусга беланган. Ҳаво бироз салқин. Шу боисдан бўлса керак, вагондаги одамлар ғимирлаб қолишганди. Кўпчилиги коридор деразаси ёнида туришиб ташқарини томоша қилишар, босқинчилар қандай қилиб ўзларини тунашганларини гапиришарди. Мен қулоғимни динг қилиб уларнинг ҳар битта айтган гапини эшитишга ҳаракат қилардим. Мақсадим, босқинчиларнинг бизнинг купега кирганини ким кўрганини аниқлаш эди. Ҳар тугул, уларнинг купемизга кирганини ҳеч ким гапирмади.

Шундан кейин қўлимни чайиш учун вагон охирига юра бошладим. Йўл-йўлакай купенинг ичида йиғлаб ўтирган аёлларни кўрдим. Уларнинг айтишларича, тўртта қозоқ боласи бор-будларини шилиб кетишибди.

Ишимни битириб, купега қайтиб келдим-да:

— Булар кўпчиликнинг шўрини қуритганга ўхшай-

ди, — дедим бурчақдаги "овчи"ларни кўрсатиб, — чўнтақларини текшириб ҳамма пулларини олайликда, ўзларини саранжомлаганимиздан кейин эгаларига тарқатайлик.

Асрор "маъкул" дегандек бошини қимирлатди.

Ҳар доим шундай вазиятларда вақтнинг ўтиши кийин бўлган. Бу сафар ҳам вақт имиллаб ўтарди, зерикканимдан йўловчиларнинг уйкуга кетишини кутиб ўтирмай ишни бошлаб юборгим келарди. Эрхотин эса вақтни ўтказишнинг йўлини билишаркан: иккаласи қўлларига китоб олиб, бош кўтармай ўқишарди.

Ниҳоят, кутилган вақт ҳам келди. Вагон коридорини синчиклаб назоратдан ўтказиб, ҳамма ухлаётганига ишончим комил бўлгач, "арслон"лардан бирини қўлтиқлаб олдим-да, танбур томонга етакладим. Иккинчисини Асрор судради. Севинч эса қорувуллик қилиб турди.

Тўртала "шунқор"ни танбурга келтиргач, мен поезд тормозини тортдим. Бирдан шақиллаган овоз чиқиб, поезд тўхтади. Апил-тапил йўлтўсарларни пастга улоқтириб тапгладим. Бу қилган ишимга ҳайрон бўлиб қараб турган Асрорга: "Кейин тушунтираман", дедим.

Поезд жойидан жилиб, тезликни олгач, вагонни яна бир марта "сайр" қилиб чиқдим. Бу сафар ҳамма купелардаги таланган йўловчиларга пулларини улашиб чиқдим. Шундан сўнг кўнглим таскин топди.

Чамаси икки соатларда поезд навбатдаги бекатга етиб келди. Кўзим илинмаганидан поезддан тушиб, бекатни бир айланиб чиққим келди.

Ташқарида одам кам, мендан бошқа ҳеч ким поезддан тушмади. Кўшни вагонга беш-олти чоғли йигитлар чиқишди. Улар менда шубҳа уйғотди. Мен ортларидан улар чиққан вагонга кўтарилдим. Янги йўловчилардан бири кузатувчи билан гаплашиб тур-

ган экан, мени кўриб ўқрайиб қўйди. Уларнинг ёнидан ўтиб ўзимизнинг вагон томон юрдим. Танбурнинг эшигини тортсам, очилмади. Шу пайт янги йўловчининг гапи қулоғимга чалиниб қолди: "Серикбай келмади. Агар у келганида биз "обход" қилмасдик". "У кундузи ҳаммаёкни супуриб кетган, билмайман, нега бу ерга келмади, доим келарди. Ана, менга ишонмасанглар, одамлардан сўранглар. Пассажирларнинг чўнтакларида ҳеч вақоси йўқ. Бекорга овора бўласизлар-да", деди унга кузатувчи. "Сен бизнинг ишга аралашма, яхшиям аввалдан танишсан, йўқса қилган "лева"нгдан ҳам қуруқ қолардинг", деди йўловчи. "Ўв, сен у ерда нима қилиб турибсан?" — деб сўраб қолди янги йўловчи мендан ўшқариб.

— Эшик ёпиқ экан, очолмаяпман, — дедим мен, — проводникка айтмоқчи бўлсам, сиз билан гаплашиб турган экан, халақит бермайин, деб турибман-да.

— Очиб бер эшикни, — деди йўловчи энди кузатувчига пўписа қилиб. Кузатувчи унинг гапини икки қилмасдан дарров менинг йўлимни очди. Мен ўзимизнинг танбурга ўтиб, ўша ерда турдим. Поезд тезлашиб, шаҳарча ортда қолгач, кутганимдай, бояги йўловчилар мен турган танбурга бирин-кетин кириб келишди.

— Нега турибсан? — деди боягина кузатувчи билан гаплашиб турган "йўловчи".

— Сизни кутиб турибман, йўлингизга интизор бўлиб, — дедим мен унга илжайиб. Гапим унга ёқмади шекилли, шерикларига "йўқотинглар", деб ўзи бизнинг вагон томонга йўналди. Бироқ эшикка қўлини узатди-ю, кейин орқасига қайтишга мажбур бўлди. Чунки оғзидан мени йўқотиш ҳақида гап чиқиши билан унинг одамларидан бурун мен ҳужумга ўтгандим. Орадан беш дақиқа ўтмай навбатдаги йўлтўсарларнинг бошлиғи билан иккаламизгина танбурда қол-

дик. Қолганлари вагон эшигидан пастга "учган" эди.

У қўлидаги пичокни ўйнатиб турди-да:

— Балки мен тушиб қоларман, — деди.

— Албатта, — дедим мен унга.

Поезднинг тезлиги ошган эди. Бундай тезликда сакраган одамнинг бирон жойи майиб бўлиши тайин. Буни зўравон ҳам яхши англади шекилли, бир пастга, бир менга қаради.

— Сакрайвер, ўлмайсан. Ёки ўзим ёрдамлашиб юборайинми? — дедим мен.

— Поездни тўхтатсак-чи, — деди менга илтижо билан боқиб.

— Шартамас, ҳозир юмшоққина тушасан, — деб зарб билан унинг орқасидан тепдим, у пастга шўнғиб кетди.

Иш битгач, купега бордим. Ҳамхоналарим бир-бирига ёпишиб олишганча пишиллаб ухлашарди.

Тонг отиб, қуёш чиқиб кетганда ҳам, мен жойимдан қимирламай ётардим. Уйғондим-у, лекин тургим келмади. Ҳамхоналарим ҳам, кечроқ уйғонишган бўлишса-да, мени уйғотишмади. Назаримда, улар мени уйғотиб юбормаслик учун имо-ишоралар билан гаплашаётган эди. Чунки чойнак-пиёлалар тикирлагани эшитилар, бироқ идишларнинг саси чиқмасди. Шифтга қараб ўйланиб ётавериб, тагин кўзим илинибди. Қанча ухлаганимни билмайман, бир пайт Асрор секин туртиб уйғотди-да:

— Туринг энди, тушлигам кечки овқатга қўшилиб кетмасин, — деди.

Ювиниб келганимдан кейин суҳбатимиз аввалгидай самимий тус олди. Ҳеч ким кечаги йўлтўсарларни эсга олмади.

— Собир ака, — деб қолди бир маҳал Севинч, — уйланмаган экансиз, севган қизингизам йўқми?

— Нима десам экан... — дедим каловланиб. — Мени умуман ёқтиришмайди. Битта-иккита чиройли

қизга "Сизни севиб қолдим, кўйингизда адои та-
мом бўлдим", дегандим, кошларини чимириб, лаб-
ларини буришди. Шундан умрбод бўйдоқликни
бўйнимга олиб қўя қолдим.

— Ёлгон. Сиздай йигитга ҳар қандай қиз ҳам жон-
жон деб тегади, — кулди Севинч.

— Сиз ҳамми? — дея хотинига қаради Асрор.

— Мен ўзимга топиб олганман. Сиз мени аралаш-
тирманг, — дея эрининг елкасига эркалаб уриб қўйди
Севинч.

Унинг бу қилиғи чиройли чиқди, "Қани, Барно
ҳозир шу ерда бўлса-ю, уям ноз билан мени шундай
уриб қўйса", деб ўйладим.

Тушлик тугаб, Асрор иккаламиз йўлакка чиқдик.
У ёқ-бу ёқдан гаплашиб турганимизда қўшни купе-
даги етмишларни уриб қўйган ўрис чол ёнимизга
келиб, кеча ўзини тунаб кетишганини, сўнг ярим
кечаси унинг эшиги тагига кимдир пул қистириб
кетганини айтди. Асрор иккимиз бир-биримизга маъ-
ноли кулимсираб қараб қўйдик-да, чолга бизнинг
купеда бунақанги "ғаройиб" воқеалар бўлмаганини
айтдик.

Москвагача оз қолганди. Бироқ мен манзилимга
етиб келгандим. Эр-хотин мени ҳеч курса бир кунга
уларникида меҳмон бўлиб, кейин қайтиб келишим-
ни илтимос қилишди. Лекин мен ишларим кўплиги-
ни важ қилиб, боролмаслигимни айтдим. Шундан
кейин Асрор уйининг адресини ёзиб бериб, уйга қай-
тишимда, албатта, кириб ўтишимни тайинлади.

Шундай қилиб, тўрт кун деганда мен Александр
Петровичнинг ёнига етиб бордим. У мени кучоғини
очиб кутиб олди.

— Билардим, — деди у мени бағрига маҳкам бо-
сиб, — барибир ёнимга қайтиб келишингни билар-
дим. Ўзимам келишингни интизорлик билан кутаёт-
ган эдим.

Шу пайт каердандир Маша пайдо бўлди-да, югуриб келиб бўинимдан кучди.

— Қочқоқ, энди кўйиб юбормаймиз, — деди юзимдан ўпиб.

— Энди ўзларинг безор бўлиб ҳайдаб қувмагунларинггача менам кетмайман, — дедим уларнинг кўнглини кўтариш мақсадида.

— Оҳ, жуда яхши, — дея Маша баттар бўйнимни сикди.

— Фақат ҳозирданоқ мени бўғиб ўлдириб қўймагин, — дедим кулиб.

Александр Петрович ичкарига бошлади. Мен: "Иложи бўлса ташқарида тоза ҳавода ўтирсак", дегандим, у бажонидил рози бўлди. Бирпасда дастурхон ноз-неъматлару турли ичимликлар билан тўлди.

Биттадан қадах кўтарилгандан кейин Александр Петрович қизига айланиб келишни буюрди. У отасига норози қараб қўйди-да, дарров ўрнидан турди.

— Ватанингга борганингдан кейин бошингдан не савдолар ўтганидан хабарим бор. Онангни йўқотибсан. Менинг таъзиямни қабул қил... Ҳаммамиз ҳаётга бир марта келамиз, вақт-соати етгандан кейин, эртами-кечми кетишга мажбурмиз.

Мен бошимни эгганча жим ўтириб унинг гапларини эшитдим.

— Ҳаёт деганлари ўта мураккаб. Бир адашсанг, қайтиб ўзингни ўнглаб олишинг мушкул, — дея гапини давом эттирди Александр Петрович. — Лекин сен оддий одаммасан. Сендайлар хор-зор яшаши мумкинмас. Агар сен ҳам хор бўлсанг, дунё остин-устун бўлиб кетади.

— Мен оддий одамман, — дедим мақтовларнинг хаддан ошиб кетаётганидан хижолат бўлиб.

— Камтарлик қилма... Майли, бу гапларни қўятурайлик. Қани, яна битта-битта олайлик, — деб Александр Петрович қадахларни тўлдирди ва мени ҳам кутиб ўтирмай, қадахини бўшатди.

— Бу ерга, — деди у газакни оғзига солиб, — мени кўргани келмаганингни ҳам биламан. Ҳозирдан сенга очигини айтмай, мен сен томондаман.

— Раҳмат, — дедим бошимни қимирлатиб.

— Раҳматни кейин айтасан, — деди Александр Петрович.

Бу пайтда Маша яна бизнинг ёнимизга қайтиб келди.

— Дада, — деди у эркаланиб, — менам сизлар билан ўтирай. Эдикни соғиниб кетгандим...

— Ёшлар шунақа бўлишади-да, бир-бирини икки кун кўрмаса дарров соғинишади. Кейин, қизалоғим, энди бу йигитнинг исмини аташда янглишма, бунинг исми Эдик эмас, Собир. Русчасига Саша ёки Серёга десанг ҳам бўлаверади, — деди Александр Петрович.

— Вой, алдоқчи, — деди Маша менга юзланиб.

— Ҳечам алдоқчи эмас. Вазият шуни тақозо қилган. Бунинг ўрнида мен бўлганимда ҳам шундай қилган бўлардим, — дея мени оқлай кетди қизнинг отаси.

— Дада, — деди Маша, — унда, барибирам мен учун ёлғончи, Саша билан чўмилишга борайлик.

— Қизим, нималар деяпсан? Бу ўзи ҳозир келди-ку. Озгина дам олсин, кейин боради.

— Биламан, дам олганидан кейин яна кетиб қолади.

— Ўзинг айтдинг-ку, энди қўйиб юбормайман деб, — дедим мен Машага кулиб қараб.

— Урр-э, — Маша бўйнимдан тагин кучоқлаб олиб, икки юзимдан чўлпиллатиб ўпди.

Афтидан, Александр Петрович қизини мен ўйлаганимдан ҳам яхши кўрар экан. Бошқа ота бўлганида, қизининг мени ўпиб (Европа томонларда қиз билан йигитнинг ўпишиши қўл бериб саломлашишдай бир гап) қўйишини оддий ҳол деб қабул қилга-

нида ҳам, гапани бўлиб қўйгани учун дакки берган бўларди.

Биз Машанинг олдида у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Охири бу гаплар қизнинг отасини чарчатди, шекилли, Машани тансоқчилардан бири билан менга дўкондан совға олиб келишга юборди.

—Музаффарни таниганимга беш йилдан ошиб қолди, — деди Александр Петрович қизи машинага ўтирганидан кейин унга қўл сермаб, — тўғриси айтсам, у билан бу вақт ичида кўп яхши ишларни амалга оширдик. Ҳақиқатан ҳам бизнесни пухта тушунадиган одам. Бу томондан мен уни қаттиқ ҳурмат қиламан. Аммо сенинг оиланг билан боғлиқ ишларга араллашиб чакки қилибди. Умуман, жиноятчининг иши шундай. Бу борада мен уни айболомайман.

Мен Александр Петровичнинг гапларига ҳайрон бўлиб, юзига тикилиб қолдим. Кейин:

—Боягина мен сен томондаман дегандингиз-ку. Энди Чаёни оклашга тушиб кетдингиз. Мен сизни тушунолмай қолдим. Менинг укам, онам кўчада қолгани йўқ. Нима гуноҳи учун уларни ўлдиришди? Мен ўзим учун ачинмайман, аммо қариндош-уруғимга тегинган одамни тинч қўймайман. Буни агар дунёни сўраб турган бўлсангиз ҳам икки қулоғингизга қўйиб олинг, — дея бақириб юбордим. Менинг баланд овозда гапирганимни эшитган Александр Петровичнинг "одамлар"и безовталаниб қолишди.

—Ўзингни бос, — деди Александр Петрович кўзимга тик боқиб, — мен сенга боя нима деган бўлсам, сўзимда турибман. Лекин агар имкони бўлса, иккалангни яраштириб қўймоқчиман. У ҳам билмай шу ишларни қилиб қўйган-да. Ҳозир қаттиқ афсусда. Қолаверса, отангни олиб қочганидан кейин бемалол уни ўлдириб юбориши мумкин эди. Бироқ бу ишни қилмади. Сабаби, у сен билан ярашиш истагида.

— Мен ундай одамни кечирмайман. Калласини ўз кўлим билан оламан, — дедим-да, стол устидаги қадахга ароқ тўлдириб, ичиб юбордим.

— У билан яраша олмаслигинг кўриниб турибди. Энди сенга яраш, деб айтмайман. Агар мендан Музаффарни топиб беради, деб умид билан келган бўлсанг, хато қилибсан, сенга ёрдам бера олмайман!

Мен нима деяримни билмай қолдим. Ҳозиргина ҳар қандай вазиятда ҳам мен сен томондаман, деган одамнинг киприк қоққунча бўлмай бошқа қирғоққа ўтиб олгани асабимни ўйнатди. Тағин илтифот кутмай ароқдан бир қадах ичдим-да, ўрнимдан турдим.

— Менга бошқача кўринган эдингиз, аслида ҳаммангиз... — дедим-у, гапимнинг давомини айтмадим, Александр Петровични аядим.

— Мен билан қол, — деди Александр Петрович дастурхондан кўзини олмай.

— Душманнинг дўсти менга дўстлик қилолмайди, — дедим мен кесатиб.

— Унда ўтир, сенга бир-иккита маълумотларни айтаман, агар шундан кейин ҳам кетсанг, ўзинг биласан.

Мен жойимга қайта ўтириб, "қулоғим сизда", дегандек рўпарамдаги одамга қарадим.

— Сенга кўмак берган Анна исмли қиз ўлган.

— Нима?! — дедим мен Александр Петровичга "ялт" этиб қараб.

— Ўзингни бос, гапимни охиригача эшит, ундан кейин хулоса қиласан. Сен қочган куннинг эртасига уни хоинликда айблашиб қатл қилишган. Энди иккинчи маълумот: сенинг мамлакатда қилаётган ҳар битта ишинг ҳукуматнинг назарида. Кўп марта тузоқдан омон чиқиб кетгансан. Шунинг учун сени кўлга туширишни командиринг Батинковнинг зиммасига юклашган. У ҳозир тўртта ишончли ёрдамчиси билан юртингда сени кидириб юрибди. Бу ердан қайтиб боришинг билан ҳаёт билан видолашасан.

"Мени шу даражага етказган Батинков, энди ўзи менинг изимга тушибди-да", деган фикр ўтди хаёлимдан. Кўнглимда ўкинч пайдо бўлди. Айримлардан ҳар қандай разилликни кутгандим, аммо устозим шундай қилади, деб ҳечам ўйламагандим. На илож, агар мени Батинков ўлдирса, розиман. Фақат унғача ишларимни тугатиб олишим зарур.

— Сиз бунақа маълумотларни қаердан олдингиз? — сўрадим Александр Петровичдан бамайлихотир. Менинг хотиржамлигим рўпарамда ўтирган одамни хайратлангирди.

— Кремлдагилар билан ош-қатиклигимни сенга илгари айтгандим. Дарров эсингдан чиқдими? — деди у кулиб.

— Тушунарли, — дедим мен мийиғимда кулиб, — бошим омон бўлса, ҳаммасини бир-бир кўравераман.

Мен ўрнимдан туриб дарвоза томонга юра бошладим. Александр Петрович бу сафар мени қолишга ундамади. Қолдирмоққа урингандаям ўзи изза бўлиб қоларди. Дарвозага етганимда йўлимни иккита барзанги тўсиб чиқди.

— Бу ердан фақат Александр Петровичнинг рухсати билан чиқиш мумкин, — деди улардан бири.

— Мен рухсатсиз чиқадиغانлар хилиданман, — дедим асабим ўйнаб, — йўлимдан қочинглар, йўқса ўзларингга жабр бўлади.

Улар менга ўшшайишди.

— Майли, кўйиб юбораверинглар, кетаверсин, — деди орқадан Александр Петрович.

Барзангилар йўлни бўшатишди, мен уларга олақараш баҳонасида кўзларининг қорачиқларига эътиборимни қаратдим. Чунки бундай пайтда ҳар нарса бўлиши мумкин эди. Ҳар тугул уларнинг кўзларида ортиқча ҳаракатга дахлдорлик нишониси кўринмади.

Йўлда кетаётди: "Москвага бориб биронта меҳ-

монхонага жойлашсамми? — деб ўйладим. — Йўқ, ундай қиладиган бўлсам, имкониятим бирмунча чекланиб қолар экан. Яхшиси, шу атрофдан биронта жой топганим маъкул. Шундай қилсам, Александр Петровичнинг уйини кузатиб туришга имкониятим бўлади. Чаён, менимча, унинг уйида жон сақлапти. Бошқа жойга кетиш учун унда юрак иккита бўлиши керак".

Узоқдан машина кўринди. У яқинлашгани сайин менга таниш туйила бошлади. Ниҳоят машина ёнгинамга келганида ҳайдовчи бирдан қаттиқ тормоз берди. Ундан сакраб тушган Маша югуриб келди-да, бўйнимдан кучоқлаб:

— Қаёққа кетаяпсан? — деди ҳаяжон билан.

— Сизларникида иссиғим битибди. Энди бошқа жойга кетаяпман, — дедим мен.

— Отам билан келишолмадингларми? — сўради у мени кўйиб юбормасдан.

— У ҳақ. Мен эса уни ўлимдан олиб қолганимни пеш қилолмайман. Миннат бўлиб қолади.

— Отамни сўнгги пайтларда умуман тушунмай қолдим. Ахир сен бебахосан-ку. Мен бунга йўл қўёлмайман. Сен бизникида турасан. Ана, ўзининг қанча ўртоқлари неча кундан бери шу уйдан кетмайди.

— Ким экан у одамлар? — дедим мен ўзимни гўлликка солиб.

— Худди сенга ўхшаган учта ўзбек. Эртаю кеч нарда, бильярд ўйнашади. Қиладиган ишлари йўқми, дейман.

— Отлари нима уларнинг?

— Биттасиники Миша, отам уни шундай деб чақиради...

— Яхши, — дедим Машанинг гапини бўлиб, — улар катта амалдорлар бўлишса керак-да.

— Кетдик, отам билан ўзим яхшилаб гаплашиб кўяман, — деди Маша бўйнимдан кўлини олиб. Унинг содда, беғубор гапи менга ёқиб тушди.

— Маша, отанг менга "қол", деб айтди. Лекин ўзим қолмадим. Бошқа ишларим чиқиб қолди. Шуларни битиришим керак. Кейин балки қайтиб келарман.

— Унда бундай қиламиз. Бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда менинг квартирам бор. Уни отамдан яширинча ўзим олганман. Шу ерда турасан.

Мен Машага рози эканлигимни билдирмадим. Бироз ўйланган бўлдим-да:

— Отанг эшитиб қолса хафа бўлади-да, — дедим.

— Билмайди, — деди у ишонч билан.

— Анави-чи? — дедим мен секин кўзим билан ҳайдовчига имо қилиб.

— У, — деди Маша кўзимга қараб, — менинг энг ишончли одамим. Кўп нарсаларни отамга билдирмай иккаламиз қилганмиз. Бунинг устига, унинг тили қисқиклик жойи бор. Агар бирон ниманинг ҳидини отамга билдирса, ўзининг боши кетади.

— Унда мен розиман, — дедим Машага кулиб қараб.

Машанинг квартираси унчалик узоқда эмас экан. Манзилга етиб борганимиздан кейин, қиз ҳайдовчига ўзининг уйига бориб туришини тайинлаб, жавоб бериб юборди.

Биз тўрт каватли уйнинг иккинчи каватига чиқдик. Маша калитини чиқариб темир эшикни очиб, мени ичкарига таклиф қилди. Уй ниҳоятда дид билан таъмирланган, ҳамма хоналарда чет элда ишлаб чиқарилган мебеллар, деворларда турли хил суратлар осилган.

— Икки йил бўлди бу уйни сотиб олганимга. Зериккан кезларим биронта дугонамни олиб келиб шу ерда ўтираман. Лекин ҳали биронта ҳам эрхак зоти қадамини босмаган, — деди хоналарни бирма-бир кўрсатиб чиққан Маша.

— Менга уйинг жудаям ёқди. Ўзимни қандайдир

эркин хис қилаяпман, — дедим мен Машанинг кўнглини кўтариш учун. Умуман, унинг кўнглини кўтаришнинг ҳожати йўқ эди. У менинг келганимга хурсанд эди.

Биз ошхонага ўтдик. Маша музлаткичдан бир шиша коньяк, тўрт хил газак олиб стол устига қўйди.

— Бу шарт эмасди, — дедим мен коньякни қўлимга олиб, — Александр Петрович билан анча ичиб кўйибман. Агар яна ичсам маст бўлиб қоламан.

— Шунчаки удум учун, — деди Маша ва кўзини қисиб қўйди.

— Яхшиси мен дам олсам-чи, жудаям чарчаганман.

Шу гапни айтишим билан у менга қараб анграйиб қолди. Кейин қўлига олган ичимликни қайтариб музлаткичнинг ичига қўйди-да:

— Сен унда каравотга ётиб тур, мен чўмилиб оламан, — деди.

Икки кишилик каравотга ётдим-у, Александр Петровичнинг гапларини эсладим. Унинг менга қилган ноҳақлигидан жаҳлим чиқди: "Майли, менга ёрдам беролмас экан, Чаёни ҳам қанотининг тагида асрамаслиги керак эди... Тўхта, бу ерда бир гап борга ўхшайди. Ахир, бекордан-бекор мушук офтобга чиқармиди? Фикру ожизимча, Чаён унга бирон нима ваъда қилган. Пул бўлмасаям, шунга яқинроқ бирон нима. Эвазига Александр Петрович уни мендан химоя қилади. Кўрамиз, химояси қанақалигини..." Мени каттиқ уйку боса бошлади. Шунча кўзимни очишга ҳаракат қилмайин, барибир юмилиб кетаверди. Машанинг ички кўйлақда эшик ёнида пайдо бўлганини ҳам парда ортида кўргандай бўлдим. Унинг устидаги кийимни ечиб ташлаб, менга суйкала бошлаганини ҳам зўрға идрок қиларканман, ўзим, менга нима бўла-япти, деб ўйлардим.

— Сен ухламаслигинг керак. Мен бу учрашувни

канчадан бери орзиқиб кутаман, — деди Маша юзимга охиста ураркан.

— Қаттиқроқ, — дедим унга.

— Нима қаттиқроқ? — дея сўради у.

— Қаттиқроқ ур юзимга.

— Ҳозир, — дея Маша бирдан ўрнидан туриб кетди. Кўзим яна илинган экан, юзимга муздай сув сепилди. Чўчиб тушиб, сакраб ўрнимдан туриб кетдим.

Батинков тайёргарлик ниҳоялаб бораётган кезлари: "Жосуслик шундай нарсаки, мақсадинга етишинг учун ҳеч нарсадан қайтмаслигинг керак. Агар тортинсанг, кимгадир хиёнат қиляпман, деб ўйласанг, шу пайтнинг ўзида сенинг фаолиятингга нуқта қўйилади", деганди. Ичимда Барнодан кечирим сўраётган бўлсам-да, Маша истаган нарсани бажардим. У шунақанги ҳаяжонга тушиб кетган эдики, ҳатто кўкрагимдан тишлаб олди...

— Сашка, негадир кўзларинг мунгли. Нималар сенинг бошингни қотираяпти? — деди шифтга қараб ётган Маша.

— Сенга айтганим билан, барибир, менга ёрдам беролмайсан, — дедим мен, — шунинг учун ҳеч нарсга демаганим маъқул.

— Ёрдам бераман, — деди Маша мен томонга ўтирилиб, — менга ишонавер. Мен сени бир кўришдаёқ севиб қолганман. Севгим учун ҳамма нарсага тайёрман.

— Агар менинг ишим сенинг отанг билан боғлиқ бўлса-чи? Айтайлик, мен ишимни адо қилаётганимда отангга зиён етиб қолса-чи? Шунда ҳам отангни ташлаб менга ёрдам берасанми?

Маша бошини кўкрагимга қўйиб ўйланиб қолди. Мен ундан жавоб олиш учун беш дақиқа кутдим. Ахийри у бошини кўтарди.

— Мен отамнинг нима ишлар билан шуғуллани-

шини биламан. Сенга инсофсизлик қилганини ҳам кўнглимда ҳис қилиб турибман. Лекин нима бўлган тақдирдаям агар сен қилаётган иш отамнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлса, унда сенга қарши курашаман. Агар шунчаки, унинг асаби бузилса ёки бирон жойига озгина зиён етса, унда ҳечқиси йўқ. Мен сенга ёрдам бераман, — деди у.

— Раҳмат, — дедим мен унга ва бурнидан чимдиб кўйдим, — сенинг отанг билан ишим йўқ. Менга уйларидаги анави учта ўзбекнинг кимлигини аниқлаштириб берсанг бўлди.

— Шу, холосми? — деди у кулиб. — Мен жуда қилиб бўлмайдиган бирор оғир юмушни айтасанми, деб ўйлагандим. Буни бугуннинг ўзидаёқ ҳал қиламан.

Кейин у кийиниб чиқиб кетди. Менинг уйқум буткул ўчганди. Ҳайронман, илгари суткалаб ҳам ухламай юрсам-да, бунақа уйқу босмас эди. Бемалол, ухламасдан ҳам ўзимни дам олдиролардим. Лекин... Назаримда, Александр Петрович берган ароқда бир гап борга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам мен унга ортиқча ишониб юбордим. Яхшиям, қизининг ҳаракати билан тезда ўтиб кетди.

Маша анча кетди. Балконга чиқаман, атрофни кузатиб зерикаман, кейин яна уйга кириб, телевизорни кўяман, лекин кўргим келмайди, зерикиб кетаман.

Ниҳоят, эшик тақиллади. Бориб очсам, Маша жилмайиб турибди. У бирдан менинг бўйнимга осилиб, қулоғимга:

— Мен сени севаман, — деди пичирлаб. Мен уни кўтариб уйга олиб кирдим.

— Нима бўлди? — сўрадим Машага диққат билан тикилиб.

— Сенинг топшириқларингни бажардим. Ўзиям боладим. Уйга борсам, улар отам билан бирга таш-

карида арокхўрлик қилишаётган экан. Ёнларига ўтириб олдим. Отам бир-икки марта мени ҳайдаб юбормоқчи бўлди. Лекин кетмадим. Иржайиб-тиржайиб ўтиравердим. Кейин Миша амакидан, «Асли исмингиз нима?» — деб сўрадим. У "Музаффар", деди. «Намунча узун исм?» деб унинг устидан кулдим. У отамга қараб, "Худди мана шу қизингга ўхшаган менинг ҳам қизим бор, бирам шаддодки, умринг узок бўлгур", деди...

— Шунақамикан? — дедим мийғимда кулиб, хаёлимдан эса Чаённинг қизининг ўлими олдидан айтган гаплари ўтди.

— Сен унинг қизини танирмидинг? — деб сўраб қолди Маша.

— Йўқ, танимайман, — дедим ёлғон гапириб, — хўш, кейин нима бўлди?

— Нима бўларди, мен улар билан озгина шўхлик қилдим-да, ўрнимдан турдим. Кетар чоғимда отамнинг Миша амакига "Эртага йўлга чиқасан", деган гапини эшитиб қолдим. Бор-йўғи шу, — деб мени кучоқлади Маша.

— Улар қайси уйда ётиб туришади? — деб сўрадим.

— Иккинчи қаватдаги битта хонада. Шунақа ёмон туришадики, фаррошларимиз нолигани-нолиган.

— Сенинг бу ерга келганингни ҳеч ким кўрмади-ми?

— «Дугонамнинг туғилган кунига кетаяпман. Кеч қайтаман», деб айтиб келдим отамга, — деди Маша, — юр, бирон жойга бориб овқатланиб келамиз.

— Тузукроқ жой борми, ўзи? — дедим мен норози киёфада.

— Битта зўр тунги клуб бор. Москвалик мафиозники. Отам шунча қилсаям ололмади ўша клубни.

— Ким экан ўша мафиоз?

— Асланми, Арманми? Ишқилиб, исми эсимда йўқ.

Лекин ҳақиқатан зўр жой... Эй-й, сенга айтиш эсимдан чиқибди. Мен боя отамларнинг ёнига бораётганимда отам Миша амакига: "Аслан сени сўраб қўймапти", деганди. Шунда Миша амакининг бирдан ранги оқариб кетди. Бу ер ўша Аслан деган одамники бўлса керак. Лекин Миша амакининг нега ранги оқариб кетди, хайронман, — деди Маша ўйланиб.

— Қандайдир ўзаро гапи бўлса керак-да. Улар билан бизнинг нима ишимиз бор? Тунги клуб масаласига келсак, тўғриси, бугунча шу ерда ўтира қолайлик, эртагами-индинми борармиз.

— Унда мен овқат пишираман. Овқатим бирам зўр чиқадики, шу пайтгача ҳамма мақтаб еган.

— Менинг эса гумоним бор. Уйларида шунча хизматкор бор-у, сенга овқат қилдириб қўйишадими? — дедим мен кулиб.

— Баъзан мен ўзим овқат қиламан. Дам олиш учун. Бувим уста ошпаз бўлган эканлар. Менгаям ўргатганлар. Ҳозир овқатни тайёрлай, бунга ўзинг ҳам амин бўласан, — дея Маша юзимдан ўпиб қўйди-да, ошхона томонга юрди.

Ҳақиқатан ҳам у пазанда экан. Мен номини билмайдиган бир таом тайёрладики, мазаси оғзимда қолди. Роса тўйиб еганимдан кейин:

— Сендан яхши хотин чиқади, — дея уни мақтадим.

Биз ярим тунгача бирга ўтирдик. Гаплашмаган мавзумиз қолмади ҳисоб. Менинг гапларимни ниҳоятда эътибор билан эшитганидан, ўзининг ҳам мазмунли гапларидан шунга амин бўлдимки, ҳақиқатан ҳам ундан яхши уй бекаси чиқар экан.

Аммо унинг ўрнидан қимирлаши қийин бўлди. Менинг эса ичим қизий бошлади. Агар шу аҳволда ўтираверсак, тонг ҳам отиб қолиши ҳеч гап эмас, ишларим қолиб кетарди.

— Бугун сен мен билан қоласанми? — дея сўрадим унинг кетиш-кетмаслигини билиш учун.

— Афсуски, сени ёлғиз қолдиришимга тўғри келади. Агар уйга бормасам, отам одамларига мени қидиртириши мумкин. Кейин қанча маломатга қоламан. Бунинг устига, мени деб тансоқчим ҳам жабрланиб қолишини истамайман. Сен хафа бўлмассан?

— Нега хафа бўларканман. Менга биринчи навбатда сенинг тинчлигинг керак.

— Майли, унда мен борай, ширин тушлар кўргин, — дея Маша ўрнидан турди.

Мен уни кўчагача кузатиб келганимдан кейин соат ўн икки ярим бўлишини кута бошладим. Бу пайтда одамни кундузи қанча дам олган бўлмасин, барибир уйку босади. Ҳеч курса эснайди. Айни дақиқа эса менга кўл келади.

Кутилган вақтда мен йўлга чиқдим. Кўчада онда сонда учраётган одамларни айтмаганда, ҳеч ким йўқ. Ярим соатлар юрганимдан кейин Александр Петровичнинг уйига етиб келдим. Дарвозанинг ташқи томонига қурилган ойнали қоровулхонада ўтирган йигит, узокдан қараганда, кўринмасди. Бу унинг жойида йўқлигидан ёки столга ўтириб ухлаётганидан дарак берарди. Шундай бўлса-да, эҳтиёт шарт мен урни айланасига ўраб турган девор ёқалаб бордим. Худди кутганимдай, қоровул йигит столга ўтирган кўйи уйқуни урарди. Секин эшигини итариб кўрдим. Эшик очилганини йигит сезмади. Оҳиста кирдим-да, унинг орқа миясига зарба бердим. У бир марта "ҳик" этди, холос. Қоровулхонадан ҳовлига кириладиган эшикни кўргандим. Бемалол ичкарига кирдим-да, уй томонга юра бошладим. Қоровулхонадан чиққанимни кўриб, ҳовлидаги эшакдай келадиган ит бир ириллади-да, яна жимиб қолди. Уйнинг иккинчи қаватига ҳам эсон-омон чиқиб олдим. Бу ерда бешта эшик бор экан. Хоналардаги чироқлар ўчик. Айнан Чаён қайси хонадалиги номаълум эди. Шу боис, ҳар битта хонага кириб кўриб чиқишимга тўғри келди. Учинчи

хонадан ҳар тугул уни топдим. Бир ўзи чалқанча пишиллаб ухларди. Бир хаёл бўғиб ўлдириб кетсамми, деб ўйладим. Бундай қилсам, у осонлик билан жон берар, менинг эса уни қийнаб, азоблагим келарди. Ечиб қўйган шимининг камарини олдим-да, оғзини маҳкам қилиб боғладим. Чаён бир-икки марта типирчилаган эди, биқинига пичоқ тираб: "Қимирласанг ўлдираман", дедим. Менинг овозимни эшитгандан кейин у дарров тинчиб қолди. Чойшаб билан кўлини орқасига чандиб боғлаганимдан кейин ўрнидан тургазиб ташқарига олиб чиқдим.

Машанинг уйига етиб борганимиздан сўнг уни "кишан"дан озод қилдим. Шу ондаёқ Чаён ўзини менинг оёғим остига ташлаб:

— Тавба қилдим, укажон, тавба қилдим! — дея ўкириб йиғлай бошлади.

— Тур ўрнингдан, ит! — дедим мен унинг ёқасидан ушлаб. — Шунчалик куёнюракмисан?!

— Укажон, болаларим бор, ҳеч курса шулар учун бир қошиқ қонимдан кеч! — деди у кўзида ёш билан менга бечорасифат қараб.

— Сенинг болаларинг ҳам борми, ҳали мен билмай юрган эканман-да. Менда бўлса, на ота-она ва на яқин қариндошлар бор. Мен осмондан тушганман, осмондан! — дея бақириб, унинг башарасига мушт туширдим.

У ўмбалоқ ошди.

— Тур ўрнингдан! — дедим.

У мутлақо дармонсиз одамдай базўр гавдасини кўтарди-да:

— Отангга тегинмадим-ку, атайлабдан тегинмадим. Сен билан дўст бўлиш учун! Сенинг хизматингни қилиш учун! — деди.

— Шунақа дегин. Мен билан дўст ҳам тутинмоқчимидинг? Вой, қандай олижаноб одам экансан! Ҳали мусичаи беозорман ҳам дерсан, ит! — деб унинг биқинига тепдим. Чаён яна полга ағанаб тушди.

Кейин негадир уни ургим келмай колди. Чаёнга кўнглимда нафрат ҳам йўқдай эди.

—Тўғрисини айт, — дедим уни столга ўтказиб. — Нечта одамнинг бошига етгансан?

У бурнидан оқаётган қонни қўли билан артди. Аммо "гинг" деб овоз чиқармади.

—Агар нечта одамни ўлдирганингни айтсанг, сени қўйиб юбораман. Бола-чақангнинг олдига бориб маза қилиб яшайсан.

У менга ўқрайиб қараб қўйди-да:

— Менинг ўзим одам ўлдирмаганман, — деди.

— Ким орқали ўлдиргансан? — дея сўрадим мен киноя билан.

— Мен биронта одамни шу кунгача ўлдиришлар деб айтмаганман.

— Унда одамларинг сени "чумо" қилиб ташлашган экан-да. Биронтаси айтганингни бажармаскан-да. Унда шунча йигитни қандай бошқардинг, илтимос қилибми?! Демак, сен яшашни истамай қолибсан. Майли, унда ҳозир секин-аста эрталабгача терингни шилиб ўлдираман сени. Менда бунинг учун вақт бемалол. Барибир бугун мен ўлдирмасам, эртага Асланнинг одамлари каллангни олиб кетишади.

— У кеча кечкурун асфаласофилинга жўнаган. Италия мафияси ўз уйида отиб кетибди.

— Наҳотки, унда сен ҳақиқатан ҳам омадли одам экансан. Қизинг ўзини-ўзи пичоқлаб қўйди, ўғлинг наркоманга айланган. Кичик хотинингни ўзинг ўлдириб кетдинг, каттаси эса жиннихонада, бундан чиқди, сен учун қайғурадиган ҳеч ким йўқ. Ўлдирсам-да, мурданг устида биров уввос солиб йиғламайди. Ҳеч ким уввос солмагандан кейин мен лаззатланолмайман.

У менинг гапларимни эшитиб бақа бўлиб қолди. Менга қадалган кўзларида эса ҳеч қандай маъно йўқ эди. Бироз ўтиб кўзида ёш пайдо бўлди, сўнг:

— Нега мен шунчалик ўлиб-тирилдим? — деди.

— Менам шунга тушунмадим-да, — дедим ўзимни хайронликка солиб.

— Сен одаммассан, — деди у қаҳр билан боқиб.

— Ана энди ўзингга келдинг, — дедим мен мийгимда кулиб.

— Нима истайсан, мendan? — деди у жаҳл билан.
— Бутун оиламни хонавайрон қилдинг-ку.

— Ўзинг-чи, менинг оиламни хонавайрон қилмадингми? — дедим мен унга жиддий қараб.

— Сенинг уруғинг паст, паст табақасан! Сен хорзор яшашга маҳкумсан!

Бу гап менинг юрагимга тегди. Жоним ҳиқилдогимга келди. Бироқ ўзимни босдим. Унинг асл башарасини кўришни истадим.

— Мени ўлдирмоқчимисан, ўлдир! Нега қараб турибсан?! — дея бақириб юборди у бирдан.

— Йўк, — дедим мен бамайлихотир, — сен ҳам камида менчалик азобланишинг керак. Чунки шунга лойиқсан. Биласанми, мен сенга яқинлардан кимларга кўпроқ ачиндим. Аввал кичкина хотининг — Гулчиройга. Бечорани электр токи уланган сувга ташлабсан. Бунга қандай кўнглинг бўлди?

— У менга барибир хотинлик қилмасди. Бир кунмас-бир кун барибир хиёнат қиларди, — деди у пешонасини ушлаб.

— Жа унчалик эмас. Мен уни қўлга олганимдаям сенга содиқлигини кўрсатганди.

— Зўрлаганмидинг уни? — дея менга қаради кўзи олайган Чаён.

— Ҳаммани ўзингга ўхшатма. Мен сенга ўхшаб паст кетадиганлардан эмасман. Ҳатто кизинг ўз хохиши билан танасини менга тақдим қилмоқчи бўлганида ҳам яқинига йўламадим. Агар ўрнимда сен...

— Сен барибир ҳаммаси учун жавоб берасан. Менинг ўрнимга сендан қасд олувчилар бор. Улар менинг шогирдларим! — бақирди Чаён.

Мен бирдан пиқиллаб кулиб юбордим. У эса менга хайрон бўлиб термилиб турарди.

— Қизингни ўйнаш қилиб олган шогирдингни айтаяпсанми?

Бу гапга Чаён чидаб туrolмади. Бирдан менга ўзини отди. Мен эса чап бериб қолдим. У мен ўтирган столга гавдаси билан тушиб, қасирлатиб синдириб юборди. Унга бироз қараб турганимдан кейин ўйинни ортиқ чўзиб ўтиргим келмай қолди ва чўнтагимдаги қайирма пичокни олдим-да, Чаён ўтирган столнинг устига қўйиб, ўзим ошхонага ўтдим. Совуқ чойдан бир пиёла қуйиб энди ичмоқчи бўлсам, Чаён югургилаб келиб қолди.

— Сен мени аҳмоқ деб ўйладингми? «Пичокни ташлаб кетсам, ўзини-ўзи пичоклайди», деган хом хаёлга боргансан-да. Мен бўлса ўзини бекордан-бекор нобуд қиладиганлардан эмасман. Ҳар битта имкониятдан унумли фойдаланаман, — деди у хунук иржайиб.

— Фойдалан унда, — дедим мен ҳам тиржайиб.

— Мана! — дея у қўлини олдинга чўзиб менга хамла қилган эди, қўлини қайириб, пичокни ўзининг юраги устидан санчиб қўйдим.

У икки қўллаб пичокни ушлаганча чўккалаб қолди. Сўнг ёнига қулади. Очиқ қолган кўзини эса, юмиб қўйдим. Шу билан елкамдаги тоғ ағдарилди ва музлаткични очиб, кеча ичилмай қолган коньякни олдим-да, ётоқхонага ўтдим. Коньякни шишаси билан икки марта кўтариб ичганимдан кейин, бошимдан ўтган ҳамма воқеаларни бирма-бир хотирлай бошладим. Бир кулдим, бир йиғладим...

Эрталаб, соат ҳали саккиз ҳам бўлмасидан эшик кўнғироғи чалинди. Эшикнинг кўзчасидан қарасам, Маша саросималаниб турибди. Секин очдим. У мени кўриши билан тикилиб қолди. Сўнг:

— Миша амакини сен ўғирлаб кетдингми?! — дея сўради ютиниб олиб.

— У бирон буюммидики, ўғирлаб кетилса? — дедим ўзимни бемалол тутишга ҳаракат қилиб.

— Туни билан ухламай чиқдингми?! — деди Маша безовталаниб.

— Сенга нима бўлди? Ичкарига кир, ичкарида гап-лашамиз, — дедим.

— Йўқ кирмайман, мен сендан кўрқаман! — деди у энди қалтираб. — Сендан кўрқаман!

Мен бирдан унинг кўлидан ушлаб ичкарига тортдим.

— Қўйвор, — бақирди у.

Шу пайт иккита барзангидай йигит пастки қаватдан югуриб чиқа бошлади.

— Тўхтанглар! — деди Маша уларга қараб. — Сен, — деди у сўнгра менга ўгирилиб, — Миша амакини нима қилдинг?!

— Юр, ўзинг кўрасан! — дедим мен ҳам энди бақириб.

Маша менга термилган кўйи бирор икки дақиқа қотиб қолди. Сўнг кўнглида менга нисбатан яна ишонч пайдо бўлди шекилли, аста юриб уйга кирди. Мен уни ошхонага бошладим. Маша кўкси қонга беланиб ўлиб ётган Чаёни кўриши билан "Вой-й-й!" дея бақириб юборди-да, бирдан юзини кафти билан беркитди. Подъездда турган барзангилар унинг овозини эшитиб, бостириб уйга киришди. Уларнинг кўлларида тўппонча бор эди. Барзангилар Машага ҳеч нарса бўлмаганини кўрганларидан кейин, жойларида тек қотишди.

— Нега бундай қилдинг?! — сўради Маша йиғлам-сираб.

— Шунга лойиқ эди у, — дедим пинагимни бузмай.

Менинг қаҳрим кўзиётганини кўрган Маша ортиқча савол бермади. Фақат эшик томонга юраётди:

— Отам сени сўраяпти. Албатта, борармишсан...
Биз сени пастда кутиб турамиз, — деди.

Барзангилар ҳам қизнинг орқасидан тушиб кетишгач, мен ётоққа кирдим-да, тагида озгина қолган коньяк шишасини бир кўтаришда бўшатиб қўйдим.

Подъезд олдида учта қоп-қора "Газ-31" машиналари турарди. Мен ташқарида кўринишим билан ўртадаги машинадан сакраб тушган Маша югуриб ёнимга келди-да, бўйнимга осилди ва лабимга лабини босди.

Александр Петровичнинг ҳовлисида мен ҳеч қачон бунча одамни кўрмаган эдим. Ўттизга яқин узункалта, лекин бари бирдай бақувват йигитлар қўлларида тўппонча ушлаган кўйи туришарди. Биз машинадан тушишимиз билан улар менга қўлларидаги тўппончаларини ўқталишди. Маша мени маҳкам кучоклади-да:

— Ота-а-а! — дея бақирди. Шунда уй ичидан Александр Петрович вазмин қадам ташлаб чиқиб келди. Негадир у костюм-шим кийган, бўйинбоғ тақиб олганди. "Ўн бешинчи йигит ҳам "манзил"га етиб келди. Ҳозир битта буйруқ берилади-ю, менинг танам темир парчаларига тўлади", дея ўйладим. Бироқ Александр Петрович аввал қизига, сўнг менга разм солди-да, бошқача буйруқ берди:

— Ҳамманг қуролларингни тушир! Жой-жойларингга тарқалинглар! Сиз иккинги менинг ёнимга келинглар!

Мен унинг нега бунақа буйруқ берганига ҳайрон эдим. Маша мени кучган кўйи отаси томон юрди.

— Мен сенинг шундай қилишингни билгандим, — деди Александр Петрович ёнига борганимиздан кейин, — сен шунчаки ён бериб кетадиган йигитлардан эмассан. Сенинг қахрамонлигингни кўриш ниятида кеча қўпол муомала қилгандим. Ичган ароғингга ҳам атайлабдан димидрол кўшгандим. Шунга қарамай сен

Ўзингнинг ишингни қойилмақом қилиб бажардинг. Албатта, бунда Маша ўзи билмаган ҳолда ёрдам бериб юборган.

Александр Петрович аввал қизини кучоқлаб ўпди. Сўнг мени. Шунда ҳам мен огоҳликни йўқотмадим. У кучоқлаш баҳонасида менга зиён етказиб қўямасин, деган ўйда қўлининг ҳаракатига эътиборимни қаратдим.

Ўша куни Александр Петрович ресторанда базм уюштирди. Маша менинг ёнимдан бир қадам ҳам жилмади. Таомлардан аввал ўзи тотиб кўрар, ундан кейин менга ейишга рухсат берарди.

Эртасига нонушта пайти:

— Биз билан қоласанми энди, ҳар тугул ҳамма ишингни тугатдинг-ку? — дея сўради Александр Петрович.

— Кетишим керак, — дедим мен.

— Мен-чи? — деди бирдан Маша.

— Мен сени хавф остига қўёлмайман. Гарчи Александр Петрович менинг ҳамма ишим тугаганлигини айтган бўлса-да, аммо ҳали жуда кўпчиликнинг менда иши бор.

— Тўғри айтаяпти, — дея гапимни маъқуллади Александр Петрович, — мен бошқа томонларни эсдан чиқарган эканман.

— Яна қанақанги бошқа томонлар, ота? — деди алам билан Маша.

— Қизим, сен кўп нарсаларни билмайсан. Ҳозир Собирнинг танҳо ўзи юргани маъқул. Вақти келиб яна ёнингга қайтиб келар.

— Ҳижрон азоблари-чи? — деди титраб кетган Маша.

— Иложим йўқ, — дедим мен чуқур нафас олиб, — пешонамга шунақанги кунлар ёзилган экан.

Маша мени кучоқлаб, йиғлаб юборди. У кўп йиғлади. На мен, на Александр Петрович уни юпатдик.

Ўша куни кечқурун мен поездга чиқдим. Машани ўзимга ўргатиб қўйиб, номарддик қилган эсам-да, кушдайин енгил эдим. Чунки энди мен қўлимни қонга бошқа ботирмайман, дея ўзимга-ўзим сўз бергандим.

Бу сафар қозоқ йигитларга худо инсоф бердими ёки бошқа сабабданми, улар поездни тунашга чиқишмади. Поезд Ўзбекистон ҳудудига кириб келганда эса шу пайтгача мусиқа қўйиб келаётган кузатувчи бирдан радиони қўшиб юборди. Унда эса Ўзбекистон мустақил бўлгани ҳақидаги сўзлар янгради эди.

Хурсанд бўлганимдан ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Поезд деразасини очиб бақирдим!..

Эгамқул аканинг ўтовига бориб қарасам, ҳеч ким йўқ. Ўтовнинг ичидаги ашқол-дашқоллар ҳам йиғиштириб кетилган. Кўнглимда ғалати бир ҳадик пайдо бўлди. Нималар содир бўлганига ақлим бовар қилмасди. Ҳамма тарафни айланиб чиқдим, лекин ҳаракатларим бекор кетди. Кўранинг ёнига борганимда эса ёғочга ёпиштирилган бир парча сарғайиб кетган қоғозчани топиб олдим. Унда "Собир ака, сизнинг эсон-омон етиб келишингизга ишонаман... Биз уйимизга кетаяпмиз. Ҳамма нарса жойида. Дадам келиб: «Ўзбекистон мустақил бўлди, энди бемалол қайтаверсанглар ҳам бўлаверади», деди. Бу ерга келсангиз, тезда ортимиздан етиб боринг. Сизни соғиниб, Барно", дея ёзилган эди. Уни ўқиб хурсандлигимдан йиғлаб юбордим ва осмонга қараб ярим соатдан кўпроқ ётдим.

Уйга етиб келсам, ҳовлимиз тўла одам. Уларнинг ўртасида отам чир айланиб, рақсга тушиб:

**Омон, омон, омон-а,
Бўлди яхши замон-а!
Улим қайтди, элим-ов!
Бошим бўлди осмон-а!**

— дея қўшиқ айтар эди.

Кимдир мени кўриб қолиб "Собиржон келди!" — дея бақирди. Йиғилганлар мен томонга югуришди. Аммо уларнинг очган кучоқларини очиқ қолдириб, отамнинг ёнига интилдим. Унинг қошига етгач тиз чўкдим-да, йиғлай бошладим. Аммо отам менга эътибор ҳам бермай кўшиғини давом этказар эди. Одамлар боя отамнинг атрофини қандай ўраб олган бўлса, яна шундай айлана ҳосил қилишди. Қаёқдандир Саида пайдо бўлди-да: "Отажон-н-н!" дея бақирганча отамни кучоқлади. Шундагина отам рақс тушишни тўхтатиб, синглимни бағрига босганча: "Қизим, аканг энди тирик қолади. Энди биз билан бирга яшайди", деди. Мен эса тиззалаб юрганча отамга яқинлашиб, "О-о-т-а, мен келдим!" — дедим кўзимдан оқаётган ёшни тиёлмай.

— Со-би-ир! — деди отам менга қараб. — Болам, келдингми?!

— Ота, бутунлай, доим ёнингизда бўлиш учун келдим!

Ўша куни уйимизда байрам бўлиб кетди. Ҳамма мени бағрига босар, соғ-саломат келганим билан табрикларди. Мен ниҳоятда таажжубда эдим. Чунки аввалги келганимда кўпчилик мендан ўзини олиб қочган, иложи борича ўзини кўрмаганга олганди. Энди эса... Айниқса, холамнинг эри келиб маҳкам кучоқлаб олганида ўзимни базўр тутиб турдим. Мени уйига сигдирмай, ярим кечаси кўчага ҳайдаган одам елкамга бошини кўйиб, уялмай-нетмай кўз ёш тўкарди...

Эртасига қаердандир хабар топган Батинков келди. У мен билан худди биродаридай кучоқлашиб кўришди.

— Мен сизнинг ихтиёринтиздаман, — дедим унга, — энди нима қилсангиз қилаверинг.

— Йўк, — деди у кулиб, — энди сен отангнинг ихтиёридасан. Сенга фақат угина хўжайин.


— Ахир, сизни мени ушлаш учун юборишган.

— Шундай эди. Лекин мен буйруқни бажармайман. Йигитларимдан фақат омон қолгани сенсан! Сен яшашинг шарт! Сенга берилган охирги буйруғим шу! — деб у мени қайта бағрига босди...

Мен бу буйруқни жон-жон деб адо этишга тайёр эдим...

* * *

Орадан уч ой ўтиб Барно иккаламизнинг тўйимиз бўлди. У шунақанги чиройли эдики, таърифига тил ожиз!



Адабий-бадий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

ЎЛИМГА МАҲКУМ ҚИЛИНГАНЛАР

Саргузашт-детектив роман

Иккинчи нашри

Муҳаррир Аҳмад Отабой

Дизайнер Сергей Бауэр

Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков

Мусахҳиҳ Отабек Сафаров

Саҳифаловчи Ғафуржон Мадалов

Босишга 05.04.2007 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табағи 12,96.

Нашр босма табағи 14,15. Адади 5 000.

07-563-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.